

Наим ҚАРИМОВ

О Й Б Е К



Олтин кўёш нуридан,
Анроқлар суруридан
Тўқилган хотиралар
Кетмас асло мен билан...

АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИ

**НАИМ
КАРИМОВ**

ОЙБЕК

Машҳур ўзбек адабининг ҳаёти
ва ижодидан лавҳалар

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1985

К $\frac{4702570200-31}{356 \quad (04)} \quad 85$ 45-85

© Издательство «Еш гвардия», 1985

...У олис болалик ва ёшлик йилларининг нашидаси билан яшаган дақиқаларда кўпинча бир лаҳза унинг хотирасида қайта-қайта жонланар эди.

..Ойдин кеча... Тор ва эгри-бугри кўчалардаги шовқин-сурон тугаб, ҳаёт ўзгача, осуда ва нашъали бир кўринишга кўчган дамлар... Уч-тўрт ёшлардаги бола онаси билан синч ва гуваладан қурилиб, бир-бирига занжир ҳалқаларидек туташган уйларнинг ясси томларидан бирида фусункор кечанинг сеҳрига берилиб, олис-олисларга назар ташлаб турибди. Юлдузлар ложувард гумбазни тўлдириб, тиниб-тинчимас шўх болакай билан кўз уриштириб, унга имо қилаётгандек. Бир коса сутдек оппоқ оймома эса, қўл чўзса етадигандек, яқин масофада; ниҳоятда гўзал ва ишвали. Бу ажиб ва сеҳргар манзарага маҳлиё бўлган бола онасига ҳадеб ялиниб-ёлборади:

— Ойи, оймомани олиб беринг.. Ойи, дейман, оймомани олиб беринг!

Она ҳамма нарсага ошиқу беқарор бўлаверувчи боланинг хархашасига қулоқ солмайди. Бола яна илтижо этади:

— Ойи, оймомани олиб беринг!..

Бола ўша дақиқада ўзини қуршаган ҳузурбахш ҳаяжонни бутун умри давомида ҳис этиб юрди. Баъзан қандайдир самовий паҳлавон қўлидаги олтин қилич янглиг ярақлаб, баъзан эса бир коса момақаймоқдек тиниқиб кўринувчи ҳаминша сеҳрли ва жозибали ой унинг севдигига айланди. Орадан бир неча йиллар ўтиб, у ўзининг илк шеърий сатрларини яратганда, улар остига ана шу беқиёс севгига пайров бўлган сўз билан имзо чекди: «Ойбек» деб.

Кўп ўтмай бу сўз, бу ном ўзбек совет адабиёти осмонида кумуш нурлар тарата бошлади. Эндиликда унинг чақноқ шуълалари янада ёрқин ва сержилодир.

Йиллар ва даврлар ўтади. Аммо ўша бола ёққан ой асло сўнмайди.

Кейинчалик унинг қадрдон дўсти, айрим асарларининг ҳаммуаллифи ва мутаржими бўлган А. И. Дейч бундай ёзган эди: «Агар мен рассом бўлсам, Ойбекнинг суратини, албатта, қора кўзлари порлаб турган ҳолда, худди ёш Пушкиндек, жингалак сочли қилиб, қатор тераклари, эгри-бугри ариқлари билан савлат тўкиб турган Тошкент кўчалари фониде чизган бўлардим».

Бордию ушбу сатрлар муаллифи рассом бўлганда, у, Ойбекнинг сиймосини мушкул бир даврда туғилиб, машаққатли ҳаёт қўйнида улғайган боланинг дилини, унинг бутун борлигини ёритган, унинг мовий орзуларига қанот бағишлаган оининг тилла инаклари фониде тасвирлаган бўларди.

Рассом ва ҳайкалтарошлар Ойбек сиймосини бутун руҳий қудрати билан акс эттиришга киришдилар. Ҳали унинг кўп-лаб портретлари ва ҳайкаллари яратилди, аммо ҳозирча...

...Ҳозирча, муҳтарам китобхон, шу ҳаёлий сурат билан бошланган ушбу китоб саҳифаларини варақлаб чиқсангиз.

Биринчи қисм.

ШОИРНИНГ ТУФИЛИШИ

НАШЪА ВА ҒАМ

*Нашъа ва ғам — юрак
тўлқини,
Ширин эди хаёл, изтироб.
Гўзалликлар қучмишдир уни,
Кечинмалар худди ёш шароб.*

ОЙБЕК

Дунёи азимнинг энг кўҳна шаҳарла-
ридан бири Тошкент Птоломей
яшаган даврдаёқ хоржий оламга Тош қалъа номи
билан маълум ва машҳур бўлган. Уша даврдан бир оз
кейин, аммо бундан ўн саккиз аср муқаддам, шоҳ Шапур-
нинг буйруғи билан бу шаҳарнинг номи Бехистон тоғига
Чоч шаклида ўйиб ёзилган экан. Шундан бери кўп аср-
лар сув каби оқиб ўтди — Тошкент Чоч, Шош номлари
билан яшади, кенгайди ва ўсди, таланди, қамал қилинди
ва шўол этилди. Ва ҳар сафар афсонавий Самандар қуши-
дай қайта туғилди.

Бобокалонларимиз ўзлари учун ҳаёт манзилни зук-
коклик билан танлаган эканлар. Бу ер қуёш нурига ҳам,
сувга ҳам тўлиқ бўлган. Чотқол тизмаларидан тушиб кел-
увчи ложувард сув туфайли поёнсиз боғ-роғлар вужудга
келган. Бу диёр кўп вақт ўтмай, Шарқ билан Ғарбнинг
карвон йўлларини ўзида туташтирувчи гавжум масканга
айланган. Шу тахлитда ўзбек хонадониди хитой чинниси,
ҳинд сандали ва япон бамбукидан ясалган буюмлар пай-
до бўлган. Ўз навбатида, ўрта оснелик қўғирчоқбоз, дор-
боз, муаллақчи ва кўзбойлогичлар Хитой ҳамда Ҳиндистон
шаҳарларига сафарга борганлар. Манбаларнинг гувоҳлик
беришича, тошкентлик раққос ва раққосалар, самарқанд-
лик найчилар, хўтанлик сурнайчилар, кучилик хонанд-
лар VIII—IX асрлардаёқ Узоқ Шарқ мамлакатларига
бориб, ўз санъатларини намойиш этганлар. Ана шундай
олис асрлардаги ўзбек санъати «кўрик»лари таъсирида,
чунончи Хитойда, қўғирчоқ театри пайдо бўлган...

Аммо тарих гилдираги бир маромда айланмайди. Кўни
кеча обод ва машҳур бўлган масканлар нодон ва нобон

ҳокимлар қўлида гулдай сўлади. Ўрта асрлардаги ёввойи боқинчилар эса обод манзиллардан ҳаёт изини қувиб, уларни кимсасиз култепаларга ҳам айлантириб турганлар...

Халқ ўзи истиқомат қилган масканни бирор муҳим белгисига қараб атайди: Оқтепа, Қултепа, Катта ҳовуз, Сасиқ ҳовуз, Жаркўча, Самарқанд дарвоза, Бешёғоч, Кўктерақ, Қатортол каби. Ана шундай силсиладаги жой номлари қаторида Баланмасжид, Оқмасжид сингари мавзулар ҳам бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Тошкент шаҳрининг ҳозир Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри жойлашган сатҳида оқ масжид бўлиб, ундан тармоқ отиб чиққан кўчалар Оқмасжид ва Қўйи Оқмасжид деб аталар эди. Масжиднинг бир ёнида мактаб, бошқа томонида катта ҳовуз, атрофида азим толлар, қайрағочлар ва адл тераклар савлат тўкиб турарди. Маҳалла чойхонаси ҳам шу ерда бўлган. Саҳни кенг хошага жойлашган супа ва сўрилар ҳаминша одамлар билан тўла, эркаклар эртаю кеч шу ерда, бир пиёла чой атрофида, ўтган-кетган воқеалардан хабардор бўлиб яшар эдилар. Маҳалла аҳлининг кундалиқ тирикчилиги учун зарур бўлган нарсаларнинг деярли ҳаммаси шу орадаги битта қасоблик, иккита боққоллик дўконларидан топилар эди.

Оқ масжиддан икки қадам нарида Говкуш маҳалласи бўлган. Маҳалла асрлар бўйи янги-янги авлодлар ўртасида бўлинавериб, тобора кичиклашган. Натижада уй-жойлар асалари катакларидек зич ва ёндош ҳовлилардан иборат бўлиб қолган. Пастак уйларнинг томига чиқиш, бирор жойда ерга қўнмасдан, бутун маҳаллани, ҳатто қўшни кўчаларни ҳам айланиб чиқиш мумкин эди. Аравакашлар тор кўчадан иборат маҳалланинг ярмисига қадар зўр-базўр борар ва берк жойга етганда, орқага қайтишга мажбур бўлар эдилар. Тор кўчадан орқага қайтиш ҳам осон кечмас эди. Бир пайтлар маҳалла аҳолиси орасида бўзчилар бисёр бўлиб, уларнинг 30-40 метр узунликдаги тандалари каталак ҳовлиларга сиғмас, шунинг учун ҳам улар кўчага танда ёзиб, тиркчилик ўтказар эдилар. Говкушдан арава тугул от ҳам ўтмасин учун улар кўча бошига гов қўйган эдилар.

Руслар келгандан кейин чит моллар ва турли газламалар секин-аста кўпайиб, бўзчиларнинг бозори касод бўла бошлади, уларнинг аксари ўз ҳунарларини ташлаб, касибчиллик билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Шу-

га қарамай, ўша пишиқ ва гов говлигича қолди. Аммо кўчанинг бурилиш жойидаги жиндек майдонча аравакашларнинг ҳам, болаларнинг ҳам жошларига оро кирарди. Аравакашлар араваларини шу ерда қолдирар, болалар эса гоҳ аравалар устида, гоҳ пастда ошиқ, чиллак ўйнаб, куши кеч қилар эдилар.

Уй-жойлар узоқ даврлар мобайнида авлодлар, ака-укалар ўртасида бўлишавергани туфайли Говкуш аҳолиси, бошқа аксар маҳаллалар сингари, бир-бирига чатишган қариндошлардан иборат бўлди.

Хадра майдони атрофида Оқмасжид ва унинг ёнгинасида Говкуш маҳалласи бўлгани, йиллар ўтиб кишилар хотирасидан аста-секин фаромун бўлиши ҳам мумкин эди. Аммо бпр тарихий воқеа туфайли бу манзил авлодлар ёдида бир умрга қоладиган бўлди: 1905 йил 10 январда бу ерда буюк ўзбек адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек дунёга келди.

Мусо Ойбек таваллуд топган уй, Говкушдаги бошқа аксар уйлар каби, ғариб ва кўримсиз эди. Ўймакор гуллари аллақачон ўчиб кетган, қўштабақали эски эшикдан кирсангиз, йўғон-йўғон устун ва тўсинлардан бино бўлган отхонада бир кўзи кўр қўнғир сигир пишиллаб ётар, унинг ёнидаги, томи офилхонага ёпишган уйда эса, ўсиқ қошли, ориқ ва кичик жуссали, қадди дол бўлган бобоси яшарди. Дадақўзи бобо баъзан севимли неварасини етаклаб кириб, уёқ-буёқни тимирскилаб, наमतнинг тагидан қалид топиб оларди-да, тўрдаги сандиқни даранг-дуринг қилиб очарди. Тақсимчалардаги ҳар хил ширинликлардан бир-икки чақмоқ қанд билан бир-икки дона попук рустани унинг қўлига тутқазар ва «бувингга кўрсатма», деб қўяр эди. Бутун ҳовлини эгаллаган якка туп ўрик гуж-гуж мева қилар, довучча сутлашганидан бошлаб неваралар унинг атрофидан кетмас эдилар. Ёндош ҳовлининг бир четида тут, иккинчи тарафида эса заҳардай аччиқ олма ўсарди. Олманинг ёнидаги айвонда Ибодат буви баъзан кўзойнак таққанича ниманидир ямар, баъзан эса тасбеҳ ўгириб, алланарсаларни шичирлаб ўтирар эди.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли ана шу ҳовлида, Каромат ва Исамуҳаммаддан кейин, учинчи фарзанд бўлиб туғилди.

Отаси Тошмуҳаммад, бўз бозори касод бўлгач, тандасини йиғиштириб, Хумсонда боққолчилик билан шуғуллана бошлади. Дўконига ўғри оралаб, уни шишийдон қилиб кетганидан кейин Янгибозорга бориб, тор ва пастаккина дўкон очди. У аҳён-аҳёндагина, беш-олти ой де-

ганда оиласидан хабар олишга муваффақ бўлар ва Говкушда уч-тўрт кунни ўтказиб, беш-ўн танга қолдириб кетарди. Тошмуҳаммад ака балаид бўйли, сариқдан келган, соқол-мўйлови спйрак, кўзлари йирик, юзига ажин оралаган, камган ва саҳройи табиат киши эди. У на ота-онасига ортиқча меҳрибонлик кўрсатар, на фарзандларини эркалаб ўйнатилшин биларди. Унинг оиладан олисда, дашту адирларда кечган бутун ҳаёти уч-тўрт танга топишга ва шу йўл билан оилани мушкул аҳволда қолишдан сақлашга қаратилган эди. Аммо унинг вужудида пинҳона бўлса-да, гўзалликни, эзгуликни, олижабонликни қадрловчи инсон қалби уриб турарди.

Тошмуҳаммад ака ёшлигида дадаси билан бир туяда узоқ дала-тошларга бориб, турли парсалар олиб келар экан. Гоҳ жазирама саратон кунлари, гоҳ қаттиқ қиш кезлари бирон чойхонага тўхтаб, чой ичишганда, дадаси айтар экан:

— Тош, югур, самовардан сув тўлдириб кел! Шамаси увол бўлмасин!

Тошмуҳаммад ака эски шама устига сув қуйиб келишни уят билиб, қуруқ чой солдириб дамлатаркан-да, отасига билдирмай, чойхоначига пул қолдириб кетар экан.

Мусонинг хаёлига бир умрга ўрнашиб қолган отаси ҳақидаги ана шундай гап-сўзлар унинг шахсий хотиралари билан қўшилиб, унда илиқ кайфият яратар ва ана шу кайфият занжирида отага бўлган ҳурмат туйғулари жилваланиб турарди.

Отаси Мусони Янгибозорга чақиртириб олган кезлари улар жанубий Қозоғистондаги Қозигурт тоғига чиқмоқчи бўлишди. Аммо Мусо отдан йиқилиб, оёғи лат ейдн. Тоққа чиқа олмай, унинг этакларида қолади. Фарзандининг гўзаллик шайдоси эканлигини сезган ота унга бир даста ҳушбўй тоғ гулларини олиб қайтади. Бу саҳройи кишининг табиатида ҳанузга қадар кўринмаган, эҳтимол бундан кейин ҳам бошқа зуҳур бермайдиган, аммо ота қалбининг кўзга кўринмас қатламларида ётган чечаклар эди.

Орадан қанча сувлар оқиб ўтиб, 1942 йилда отаси тахминан 75 ёшларида вафот этганида Ойбек шунинг учун ҳам беҳад изтироб чеккан ва ота қабри устида:

Югурук отларда бир қарич ёшдан
Тоғлар, чўллар ошган бир одам бугун
Шу нуқтада қотган — фарқи йўқ тошдан!
Ҳаракат ва замон — бундами тугун?

деб фиғон чеккан эди!..

Адибнинг онаси Шаҳодат бону Назар қизи эса, ўрта бўйли, жисмоний жиҳатдан кучсиз, лекин ақлли, зийрак, раҳмдил ва ҳар қандай ишга эпчил аёл эди. Унинг кичкинагина, этсиз, лекин илиқ юзидан меҳр нурлари аримас, қўлидан келса фарзандларига ҳам, бошқа таниш-нотанишларга ҳам фақат эзгулик кўрсатса. Феодал давр унинг продасини буккан, орзу гулларини эса ўсмай туриб сўлдирган. Катта қизи Каромат кўзга тушиб, чор атрофдан совчилар келиб турган пайтда Тошмуҳаммад ака уни — ўн тўрт куплик ойдек қизини барзанги бир қариндошига раво кўриб қолган.

— Тенгини топсанг — текин бер, деган гап бор. Туробжон — мўмингина, ақли-ҳуши жойида, топиш-тутиши яхши йипит. Унга бермасак, кимга берамиз?— деган у қатъий.

Шўрлик онанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, хомушлик билан аранг бир-икки сўз айтган холос:

— Ўзингиз биласиз. Ота рози — худо рози, деганлар. Лекин... ҳабашдай қоп-қора... Қизингиз ойдек бўлса... Ҳар ҳолда умр савдоси... Каромдан бир оғиз сўрасак...

Бу сўзлардан Ибодат буви билан Тошмуҳаммад аканинг жаҳли чиқди. Шаҳодат она бошқа миқ этмади. Тез орада тўй ҳам бўлиб ўтди. Лекин онанинг юрагида Каромат билан бирга туғилиб, бирга ўсган, қандайдир плохий нур сари талпинган умид гули хазон бўлган эди.

Давр онанинг продасини қапчалик букмасин, унинг кучи беш-олти жондан иборат ошлани Янгибозордан йилга икки-уч мартагина келиб турувчи мадад орасида тебратиб туришга ҳам, фарзандларини ўз диди ва орзусига яраша тарбиялашга ҳам етди. У идип-товоқ ювиш, супуриш-сидиришдан ортдимп, дўппи-жияк тикиб, қозон қайнатишга, бир ёқдан Мусонинг, иккинчи ёқдан отин ойн ва домланинг ҳисобсиз харҳашаларини қошлашга етарли танга-чақа тошарди.

Шаҳодат онанинг ота-онаси шундоқ ёндош маҳаллада — Қуйи Оқмасжидда яшагани учун она-бола кўпинча у ерга беш-ўн уй оша, томма-том юриб борарди. Мусо таниш деворга суянган нарвондан онадан илгари тушиб, тўппа-тўғри юмалоқ бошли, кенг юзли, қалин соқолли, серсавлат бобо қошига югурарди. Матлаб бобон л кўришдан кўра маҳсидўзлик дўконидаги ўтмас газак билан чармларни ҳўллаб, уларни кунда устига қўйиб, қувада уриб текислаш ва бизбизак қилиш бўларди. Маҳалла масжи-

дининг муаззини бўлган бобо пешини памозидан қайтгунча, қанчадан-қанча чармларни қиймалаб ташлар, сўнг бободан гап эшитиб, халфа ва шогирдлар орасидан физиллаб ўтарди-да, бувиси Хурматбиби билан апил-тапил кўришиб айвоннинг пиромонидаги ишдан мўлтайиб турган мусичанинг пайига тушарди.

Ҳали эси қуюлмаган бола паррандаларга раҳм-шафқат қилишни билмай, уларни «кўр мулла» қилишни хуш кўрарди. Адиб кейинчалик бир ҳикоясида бундай ёзган эди:

«Ёшлиқда қушларнинг орасида энг ёмон кўрганам мусича эди. Унинг на муғли қўшиғи, на ипак қаноти бор. Сўнгра унда «валфаржихон» қалдирғочнинг шўхлиги, мовий кўкларда ўйнаган раққос кабутарнинг усталлиги йўқ. Мусича аҳмоқ, гўл бир махлуқ. Турмуш учун курашда ҳам жуда нўноқ, болалари учун дурустгина пишиқин ҳам қуrolмайди. Ин учун ҳар вақт ноқулай жой таллайди. Тухум қўйиш учун бизнинг ошхонада қандай яхши ўринлар бор бўлса-да, мусича булардан фойдаланмас, ошхонадаги галвирга, қозиққа осилган ҳурмачанинг устига бир қанча чўп-хас келтириб, мукка тушиб ётаверарди. Шунинг учун болаларнинг қўлида ҳар вақт қийноқ кўрарди мусича».

Мусо мусичани қанчалик севмаса ва қийнаса, она ва бувиси уларни шунчалик муҳофаза қилар: «Мусичага озор берма, қарғиши тегади», дер эдилар.

Кунларнинг бирида маҳаллага фонарь ўрнатилди. Тор ва қинғир-қийшиқ, ёзда чап-тупроққа, қишда эса лойга беланиб ўтиладиган кўчага XX асрнинг илк шуълалари кириб келди. Аммо ўйинқароқ болалар учун бу нарса оддий эрмакка айланди, улар бир-бирларининг бошларидаги дўппини фонарга отиб ўйнайдиган бўлдилар. Фонарь гоҳ чамадангўл, гоҳ пистон қадалган, гоҳ эски, гоҳ янги дўппи киийиб, болалар билан баравар «гурпанглашадиган» бўлди. Бироқ кўп ўтмай, бу беозор ўйин болаларни зериктириб қўйди. Муштлаштирадиган, оғиз-бурунни қонаттирадиган шиддатли ўйинларга одатланган болаларга бу озлик қилди. Энди улар топн отиб, фонарнинг кўзларини чил-чил қила бошладилар. Турсуиқул фонарчининг чурқ этмай, синган «кўзойнаклар»ни янгилайвериши ҳам уларнинг гашига тегарди. Ахир бу қандоқ одам? Болаларни шаталоқ оттириб қувмаса, бирортасини тутиб олиб, дўппосламаса?.. Бироқ фонарчи бундай йўл тутма-

ди. Бир куни у болалар олдига келиб, бир оз чақчақлашган бўлди-да, сўнг деди:

— Тунов куни кечаси қаттиқ ёмғир ёғиб турган эди. Буёққа келсам, кўча қоп-қоронғи. Фонарнинг тешик ойналаридан киргап шамол ушн ўчириб қўйибди. Бир вақт эшитсам, анови ариқнинг ичида кимдир сувни шапиллатиб ётибди. Яқин келиб, фонарчамни тутсам, менадан ҳам қарироқ бир чол ариқдан чиқолмай ётган экан. Дарров қўлидан тортиб, амаллаб сувдан чиқардим. Ҳаммаёғи лой, жиқ-жиқ сув...

Болалар аввалига бу гапга ишонмадилар. Лекин кимдир: «Менинг бобом экан, ҳозир касал бўлиб ётибди», деди.

Фонарчи чол бошқа ҳеч нарса демади. Орадан бир печа куп ўтгач, кимдир оламдан ўтди. Балки ўша ариққа тушиб қолган чолдир, балки бошқа кимсадир. Лекин шушу болалар фонарнинг кўзига тош отмайдиган бўлдилар. Ана шу тарзда Мусо фақат бобо, она ва бувисидангина эмас, маҳалла кексаларидан ва улуг донишманд — ҳаётдан сабоқ олиб ўсди.

Улар оилада уч фарзанд эдилар. Энг тўнғичи — Каромат онанинг ўнг қўли, истараси иссиқ, жуда кўҳли, кўзга яқин қиз эди. У Навоий ва Фузулий, Яссавий ва Машраб ғазалларини севиб ўқир, қўшни кампирлар унинг ижросида азиз-авлиёлар тўғрисидаги қиссаларни ҳам, дунёвий мавзулардаги ғазалларни ҳам тинглашни севардилар. Борди-ю бу фақир, аммо гўзал қизнинг манглайига бахт қуши қўнганида, балки у шонра ёки олпама бўлармиди... Аммо у турмуш тақозоси билан қўлидан ишпечини қанда қилмай, онасига қарапти.

Кароматнинг на таваллуд, на вафот йиллари маълум. Синглиси Шафоат онанинг айтишича, у йигирма тўрт ёшларда оламдан кўз юмган. Агар шу ҳисобни мўътабар билсак, у тахминан 1900—1924-25 йиллар орасида яшган ва онасидан тўрт-беш йил кейин вафот этган.

Мусонинг акаси Исамуҳаммад — унинг акси: ювош, мулойим бола эди. 1902 йида туғилган Исамуҳаммад олтинчи етти йил умр кўрди. Мусодан кейинги фарзанд — Ҳожки эса икки-уч ёшдаёқ, оламдан ўтган. Тошмуҳаммад ака оиласининг ҳозирда ягона барҳаёт фарзанди Шафоат хийла кейин туғилган.

Бу даврда Мусо сўнмас олов эди. Бир қарасангиз — дарахтнинг учига чиқиб қўйини хом мевага тўлдираётган, бир қарасангиз — Кўктойга нон бериб, сўнг думига

гугурт чақаётган, бир қарасангиз — анҳор бўйидаги ўрдакларни тирақайлатиб қуваётган бўларди. Лекин бобоси ҳам, бувиси ва онаси ҳам, унинг бир кун қуюлиб, кироий йигит бўлиши ва жопларига оро киришига астойдил ишонар эдилар. Каромат қуръонни ёки Машраб ғазалларини бир-икки ўқиши биланоқ, у — ҳали мактаб кўрмаган бола — бу оят ва ғазалларни бир зумда ёдлаб оларди. Дадақўзи бобо унинг зеҳнига қойил қолиб, «Тошни ўқитолмадим. Чаласавод қолди. Зора сен билимдон мулла бўлиб ўссанг», дер эди ўзинча.

Аммо у орзуга етолмай, 1909 йилда дунёдан кўз юмди. Орадан бир-икки йил ўтгач, муштинлар она бир дастурхон ёғлиқ пон ва бир сўлкавой кўтариб, отасининг қошига борди. Бобо неварани етаклаб, Оқмасжид ёпидаги мактаб сари йўл олди.

...Олтин куз. Дарахтлар ловиллаб кўринади. Ариқдадаги сувлар шишадай тиниқ. Ҳавода енгил туман. Теваракда ҳали ҳам карнайгуллар, ранг-баранг гулбеорлар чаман бўлиб турибди. «Кузнинг шундай қуёшли тонгида, — деб эслайди Ойбек ўз таржимаи ҳолида, — бобом мени ёнимиздаги Оқмасжид қошидаги мактабга бошлаб келди. Қария қўлидаги бир рўмолда катта-катта қилиб ёпилган ўттиз дона иссиқ пон ва бир думалоқ хитойи чой, ҳамёнида эса домлага аталган пул. Мен бўлсам, қўлимда янги «тахтача»ни эҳтиёт қилиб турардим.

Домла одатдагидек сипогарчилик билан янада мулоим ва ёқимли бўлишга ҳаракат қилиб, тортқини олди ва бобомга ташаккур билдира бошлади. Қария ҳам унга шундай муомала қилди ва менинг исмим Мусо эканлигини айтди. Домла, албатта, мулло бўлишимга ишонч билдирди.

— Ўғилчани сизга топшираман, — деди бобом домлага, — эти сизники, суяги бизники, — сўнг хайрлашиб, қуллуқ қилиб, эгилиб-эгилиб чиқиб кетди.

Мен дарс бўлаётган хонага тезроқ киришга тоқатсизлик билан интилардим. Домла мени паст шифтли ва чанг босган, таги ер бўлган катта хонага олиб кирди. Хонада шовқин-сурон авжига чиққан эди. 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган элликдан ортиқ боланинг ҳаммаси ўзига тегишли нарсани ўқир эди. Кичкиналар айрим сўзларни тўхтовсиз бақариб такрорлар, каттароқлар машаққат билан қуръоннинг ҳикматли сўзларини талаффуз этар, янада каттароқлар асосий диний қасидаларни дадил такрорлар, энг катталар эса Навоий ва Сўфи Оллоёрнинг ҳамда форсий

ғилда Ҳофиз ва Бедилларнинг ғазалларини ёддан ўқир эдилар.

Тўполон авжга чиққандан ким нима билан шуғулланаётганини билиш қийин бўларди. Лекин тинчлик бўлиши билан домла ҳамманн ёшасига таёқлар, болалар эса қайтадан бақирришга тушар эдилар.

Бу мактабдан бирор билим олиш амри маҳол эди. Уни битирган ўқувчиларнинг аксарияти саводсиз бўлиб чиқардилар».

Орадан бир қанча вақт ўтгач, домла Мусонинг сабогини текшириб:

— Боракалло, ўғлим! Офарин! Дуруст, дуруст... «Алифбе» тамом бўлди. Эртага «Ҳафтняк» билан бирга бир сават ёғли патир у бир сўлжавой пул олиб келасиз,— деди.

Бу хабар она учун ҳам, бола учун ҳам беҳад қувонч келтирди. Аммо амал-тақал қилиб кун кўраётган ошпа учун гоҳ Каромат, гоҳ Исо, гоҳо Мусонинг «патир ё палов» деявериши бечора онанинг тинка-мадорини қурипти.

Қиш чиқиб, баҳор қуёши кўринди. Азаллий одатга кўра, болалар наврўзи оламни кутиб олишга тараддуд кўрдилар. Ҳар ким ўз имкониятига яраша ясаниб, домла бошчилигида йўлга тушишди. Ота-оналардан йиғилган сармоя ҳисобидан гўшт-гуручдан тортиб, пон ва майизгача олинган. Болалар байрам пашидаси билан неча-неча гузарлар оша; гузарлардаги отпону парварда ва неча хил қандолатлар сотаётган баққоллар оша далага — Камолонга ҳориб-толиб етиб олдилар. У ердаги даҳшатли горларни, дала-даштни сайр этиб, Навоийдан, Ҳофиз ва Фузуйидан ғазаллар ўқидилар.

«Ғазал ниҳоят таъсирли. Айниқса уч-тўртта боланинг овози жуда ёқимли, оҳангдор. Ҳаммамиз жим тинглаймиз. Мен сел бўлиб, эриб кетаман. Фузулийнинг шеърларини севаман. Шеърлари нафис. Ўзим гул ва маҳбуб ҳақида гўзал шеърларини биламан. Опам ўргатган. Қичкиналар билан мен ҳам катталарга эргашаман. Музыка йўқ, чилдирма, дутор, тапбур йўқ, аммо шеър бор, қўшиқ бор! Фақат ёш, тиниқ товуш билан, оҳанг билан шеърларга кўнгилга етиб борадиган музыка берамиз, жон берамиз!» — деб хотирлаган эди ўша унутилмас айёмни Ойбек.

Бўлажак шоир ва адиб ана шундай сайр ва сайлларда жаннатмакон ўлканинг сўлим табиатига меҳр қўйди.

Шу беназир табиат, шу сахий қуёш, шу хушҳаво, шу зилол сувлар, шу шифобахш ва сафобахш ўсимликлар олами ҳамда уларнинг бариши ўзига симирган Шарқ классик шеърояти билан тўйина борди. Уларни бутун вужуди билан ҳис қилиш илмини ўрганди.

Мусо мактабдан қайтиши билан гузарга ошиқар, туялар, отлар ва извошларни, қўнғирогини жаранглатиб ўтувчи кўнкаши, яқинда бери Эски шаҳар томон физиллаб ўтиб турувчи автомобилни томоша қилар, мискарлар, тунукасолар, косиблар ва баққолларнинг дўконларига кириб, уларнинг ишларини кузатар, ган-сўзлари ва гурунларига қулоқ соларди. Опаси баъзан Мусога бозор-ўчар билан боғлиқ юмушларни буюрар экан, у на бирор бозор, на бирон раста ё дўконни обдон томоша қилмай қайтмас эди. Жияк учун зарур бўлган баргикарам, нимпушти, пистоқи, гўлос каби ранг-баранг ипақлар Шайхантаҳурдаги атторлик дўконда сотилар эди. Мусо ипақ олиб келиш учун ўртоқлари билан Шайхантаҳурга бориб, қатор-қатор самоварлар, масжид ва мадрасалар олдидаги ҳовуз бўйида қулфи дилини ёзар, толлар, қайрағочлар тагидан шарқираб оқаётган ариқчаларда юз-кўзини ювар, асрлар юзини кўрган Юнусхон мадрасасига маҳлиё бўлиб юрар эди. Сўнг аттор ва базозларнинг дўконларини шошилмай айланиб чиқарди. Шундай кезларда у ишқибоз атторларнинг қафасидаги турли паррандаларни сархушланиб томоша қилар, уларнинг мириқиб сайрашини соатлаб кутарди.

Мусо отаси билан Янгибозор атрофидаги тоғлик қишлоқларга сафар қилганида, булбул нағмаси печоғли дилбар бўлишини юрак-юракдан ҳис қилганди. Тоғ саҳарда, ҳали табиатнинг хушбўй нафаси чор-атрофга янгроқ садолар билан таралмай туриб, булбул хониши бошланар эди. Унинг хуш овози кумуш тўлқинларига урилиб, аллақандай биллур товуш парчаларига айланар ва бу парчалар теварак-атрофни ўзининг сеҳрли, титрама куйларига тўлдириб юборар эди.

Тошмуҳаммад ака ўғлининг булбул хонишидан маст ҳолатини кўриб: «Булбул сайраши — дунёнинг энг ширин лаззати. Марҳум отам айтар эдики, булбулнинг мақомлари тўққиз юз тўқсон тўққиз хил, деб. Эсимни танибманки булбул мақомларини санаётман. Ҳанузга қадар булбулларнинг бир мақомни иккинчи марта хониш қилганларини эшитмаганман», дер эди.

Мусонинг ҳис-туйғулари дидли ва гўзал табиатли ип-

сонлар билан ана шундай мулоқотларда шакллана боради.

Шубҳасиз, ҳаёт фақат гул ва булбулдангина иборат эмас. Айниқса асримиз тонгида, умуман маданий ва техник тараққиётни оқсаган мамлакатнинг қолоқ ўлкаларидан бирида булбул навосидан кўра турли дуохону қаландарлар сурони, ота-оналаридан бевақт жудо бўлган стимлару зўравонлар қамчисидан қонталаш бўлган бевабечораларнинг фигони кўпроқ ва кучлироқ эшитилар эди. Кишилар онги қанчалик қолоқ бўлса, бидъат ва хурофот шунчалик кучли бўлади.

Масжид ёнидаги ҳовузнинг атрофи ҳам, маҳалладаги арава турадиган майдонча ҳам, билимдонларнинг айтишича, жинлар маскани бўлган. Бундай миш-мишлар авж олгани сабабли дастлаб Мусо ҳам тенгдошлари сингари, ёлғиз қолганда аллақандай шарпаларни сезгандек бўларди.

Мусо хат-саводи чиқиб, сура ва оятларни пухта ўзлаштиргач, домла уни ҳам ўн беш-ўн олти ёшлардаги болалар билан бирга чиллаёсин ўқишга олиб борадиган бўлди. Ўн яшар бола учун ўз «билими»ни намоиш этиш ҳам, ўзи учун потаниш ва ғайритабиий маросимда иштирок этиш ҳам, ниҳоят, катталардек ян-янги кўрпачаларда ўтириб, тансиқ мева ва таомлар билан безалган дастурхондан баҳраманд бўлиш ҳам завқли эди. Болалар ёсини бараварига, қироат ва қондаси билан икки соатлар давомида ўқиб, домланинг ора-сира «суф», деб беморга эгилишини кузатар эканлар, ҳақиқий шифо ва оромга муҳтож бемор учун бу маантиқсиз гаवгодан ҳеч қандай наф йўқлигини ҳали тасаввур этолмас эдилар.

Кунларнинг бирида Мусонинг мурғак кўзлари «сафар қочди» маросимининг гувоҳи бўлди.

Сафар оини эди. Қарн-қарташларининг айтишича, бу ой — фалокат оини. Шунинг учун ҳам Муҳаммад алайҳиссалом сафар оинида хайр-садақа билан боло-офатларни қайтариш керак, деган эмиш. Ўша кунни маҳалла корчолонларининг ташаббуси билан кўчага ўтин тўшлаб, гулхан ёқилди. Болалар — бири чўғ ўйнаб, бири қамиш ёқиб — гулхан атрофида қий-чув билан овора. Шу пайт жанжални сотиб олувчи хотинлардан бири: «Болалар, кучук тошиб келинлар!» — деб буйруқ берди. «Ирими шундай!» — деди яна кимдир. «Ҳа, расми — кучукни обдон калтаклаб, олов устидан сакратиш. Шунда келаётган боло-қазони қайтарган бўламин», деди ҳалиги хотин бо-

лайларга. Чуввос шовқин Оқмасжид сарӣ ўрлади. Бир маҳал бу шовқин қаровсиз, юнглари ўсиқ, тишлари тушган, қоқ суяк бир кучукни судраб келди. Бу ғариб кучукни сазойи қилишга инсофли кампирлар йўл қўймадилар. Хали даҳшат ва ваҳшийликнинг юзига дадил қарай олувчи болалар эса кучукни ура-ура гулхан устидан сакрашга мажбур этдилар. Сўнг ўзлари шовқин-сурои билан гулхан атрофида жинлар базмини қурдилар.

Ўрта асрларга хос бундай даҳшатли манзараларнинг суроли, гулдуракли ва умидбахш XX аср бўсағаларида учраши ҳозирги авлодга эриш туюлиши мумкин. Аммо асрнинг ларзадор йили бўлмаганида, унга ким ва қачон чек қўйиши мумкин эди?!

Ойбек мансуб бўлган авлод вакилларининг янги ҳаётини, янги инсоний муносабатлар ва янгича урф-одатларни қайноқ илҳом ва қалб қўри билан шарафлаши, кўкларга кўтариши, ҳозирги даврдаги айрим ҳодисаларга, кишилар ва жамият ҳаётидаги эгри-бугри ҳолларга, нуқсонларга ортиқча эътибор бермай, янги инсонни, янги воқеликни чин қалбдан улуғлашининг босси ана шундай аянчли манзараларнинг шоҳиди бўлганида эмасмикан?!

Ҳаёт — биринчи донишманд ва биринчи муаллим. Мусо Тошмуҳаммад ўғли ўзининг илк сабоғини ана шу донишманд қўлида олди. Бу сабоқлар шу қадар кўп ва ранг-баранг эдики, уларни сўз орқали ифодалаш учун нафақат шеърнинг, балки кейинчалик насрнинг беҳудуд имкониятларини ҳам сафарбар этишга тўғри келди.

ОЛТИН ЗАРРАЛАР

*Бу чексизликдан сен олтин зарра,
Мени боғладинг гўзаллик-ла сен.
Қани, шеър, сўйла абадиятдан,
Сукуматлардан юрагим яра.*

ОЙБЕК

Қуюқ қора булутлар билан қопланган ўлка осмони Октябрь чақмоғидан чақнаб кетди. Янги ҳаёт шабадаси келди. Кишилар қалбида мудраб ётган яхши ҳаёт, тўқин турмуш ҳақидаги орзулар жилмая бошлади.

Дастлаб оқ подшонинг тахтдан ағдарилгани, сўнг муваққат ҳукумат ўрнига ишчи-деҳқонлар ҳокимияти ўр-

натилгани тўғрисидаги хабар Говкуш маҳалласига ҳам кириб келди. Бу хабардан кимдир саросимага, таҳликага тушди; кимдир «охирн бахайр бўлсин», деб юзига қўша-лоқ кафтларини чўзди; кимдир қувончдан ўзини йўқотди. Лекин ундан — инқилоб хабаридан ҳеч ким болалардек беҳад қувонмаган бўлса керак.

Хозирги «Ёш гвардия» театрининг рўбарўсида икки қаватли бино бўлиб, унда 1917 йил сентябрида Намуна номли илк совет мактабларидан бири очилди. Мусо ҳар кунни эски мактабдан қайтар экан, бу бинодан очиқ чеҳра билан чиқиб келаётган болаларни кўриб ҳаваси келар, улар билан бирга ўқишни орзу қилар эди.

1918 йил... Мусо, ўз одати бўйича, янги мактаб ўқувчиларига маҳлиё бўлиб, турар экан, дафъатан ҳаммаҳалласи Акбар Асқаровни кўриб қолди. Мусодан бир неча ёш катта бўлган бу йигит Янги шаҳардаги рус-тузем мактабида таълим олган, рус фани ва маданиятидан хабардор эди. У баъзан кўча эшиги олдида русча китобларни шивирлаб ўқир, Мусо рус тилига ҳали мутлақо тушунмасам ҳам, Акбарнинг ёнида ўтириб, унинг ҳар бир сўзига кулоқ тутар, бошқаларга ўхшамаган бу жиддий йигитни астойдил ҳурмат қилар эди.

— Хўш, нима қилиб анқайиб турибсан? — деди у дўриллаган овоз билан. — Бу ерда янги мактаб очилган. Бу мактабда ўқимайсанми?

— Қошки эди. Киришиб қўйсангиз, албатта, ўқийман, — Мусонинг юраги кутилмаган севинчдан дукшлаб кетди.

— Бўпти, келишдик. Эртага эрталаб сени мактабда кутаман.

Мусо уйига ўша лаҳзанинг ўзидаёқ учиб бориб, онасидан суюнчи олмоқчи бўлди. Шаҳодат бону жияк тикиб ўтирган эди. Уғлининг беҳад қувончига шерик бўлиб, уни янги мактабда ўқишга рағбатлантирди:

— Олам ўзгаряпти. Янги турмушга янги либос, янги билим керак. Ана энди ҳақиқий мулла бўласан, ўғлим!..

Мусо шу куни севинчига сиғмай, кунни кеч қилолмай, роса гаранг бўлди. Эртаси тонг саҳар билан янги мактаб сари югурди. Мактаб дарвозасидан киргач, зина бошлар пар экан: у зинадан физиллаганича ҳовлига кўтарилди. Кўчадан анчагина баландликда жойлашган ҳовлида катта-кичик болалар ўйнаб юардилар. Шу пайт Акбар Асқаров қўлида глобус билан кўриниб қолди. У Мусони идорага бошлаб кириб, эски мактабда шарият қондаларидан

бошқа ҳеч парсанн ўрганмагани учун пккипчи сифдап бошлаб ўқишни таклиф қилди. Биринчи соат расм дарси экан. Дарсни ўрта ёшлардаги рус муаллими ўтказди. Ана шу таҳлитда Мусо ҳаётининг янги саҳифаси очилди. Мактаб Тошкентнинг машҳур бойларидап Саидакром-бойнинг пкки қаватли уйшга, интернат ётоқхонаси эса бойнинг ташқари ҳовлисишга жойлашган эди. Мусо дастлаб мактабга қатнаб ўқиди, кейинчалик эса ушга ётоқхонадан жой ажратдилар. Эски мактабда ўз кучи ҳаракати билан ўзбек классик адабиёти, шунингдек, Ҳофиз, Фузулий каби Шарқ адабиёти машъал сиймолари ижодининг айрим памуналарини мутолаа қилган ва сапои пифсага ўзда катта майл ҳис этган Мусо энди дунёвий илмларни зўр ҳафсала билан ўрганишга киришди. Янги-янги фан асослари, пкқилобий маршлар ва декломациялар, «Иштирокшюн» газетасида босилган сиёсий публицистика памуналари унинг ҳаётига қудратли тўлқин ўлароқ кириб келди.

Мусо эски мактабга қадам қўйганида, эртаю кеч бош кўтармай қироат билан қуръон ўқиған болаларнинг энг кичиги эди. «Намуна» мактабида эса бунинг акси бўлди. Аммо у кичкинтой болалар билан бир қаторда ўтириб ўқишга тез кўпикиб кетди. Ўткир зеҳни ва қувван ҳофизаси туфайли тез орада ўзи қатори ёшлар билан тенглашиб олишга эришди.

1919 йилнинг сентябрида Эски шаҳарда Рушидий номидаги янги совет мактаби очилди. Талабалар кам бўлгани учун бу мактаб ҳам «Намуна» билан бир бинода жойлашди. Дастлаб мактаб мудирин ҳам, ўқитувчиларнинг аксарияти ҳам усмонли турклар бўлиб, улар ўқувчиларни пантуркизм ғоялари асосида тарбиялашга уриндилар. 1920 йилда мактабга Мажид Қодирий мудир этиб тайинланди. Янги мудир келиши билан талабалар ҳам кўпайиб, янги сифлар очин имконияти туғилди. Бора-бора бипо торлик қилиб, «Намуна» мактабинин Дегрез маҳалласида истиқомат қилувчи Йўлдош ҳожин ҳовлисишга кўчиришга тўғри келди.

1920-1921 ўқув йилида мактаб Навоий номидаги таълим-тарбия техникумишга айлантирилди. Бу даврда Котов мактаб мудирин этиб тайинланган эди. У мудирлик қилган кезларда таълим ва тарбия ишларига кўпгина рус ўқитувчилари жалб этилди. Улар ўқувчиларда рус тили, адабиёти ва маданиятишга нисбатан муҳаббат туйғуларини парварини этишга ҳаракат қилдилар. Кейинчалик, Шохид

Эҳсон афанди мудир бўлган йилларда, ўқув-ўқитув ишлари янада яхшилашиб, талабалар сонини гоёта кўпайди. 1924 йилга келиб уч тайёрлов ва уч асос синфлари ташкил этилди ҳамда техникум қошида жами 8 синф ишлаш бошлади. Пойтахт Самарқандга кўчиши муносабати билан аввалшга қараганда бир печа баробар кенгайган техникумни янги шаҳарга кўчириш имконияти туғилди.

«Намуна» мактаби Дегрезга кўчгач, Мусо таълим-тарбия техникумида ўқиниш давом эттирди. У техникумнинг тайёрлов синфига қабул қилинган эди. Лекин орадан икки-уч ой ўтар-ўтмас, у биринчи ва иккинчи тайёрлов синфларидан юқори, учинчи тайёрлов синфига ўтиб олди. (У вақтда ҳали бошқа асосий синфлар очилмаган эди.) Тимқора, жингалак сочли, йирик кўзли, мўйлови сабза урган, новча ва ориқ ўспирин ўзининг плмга беҳад чанқоқлиги, тиришқоқлиги, ўткир зеҳни, ёқимтойлиги ва одамшипавадалиги билан нафақат ўртоқлари, балки муаллимларининг ҳам меҳрини қозонган эди.

Тарих ўқитувчиси Иброҳим афанди олиб борган дарс бўйича ўзбек тилида бирорта қўлланма йўқлиги сабабли Ойбек бошлиқ уч ўқувчига умумий конспект тайёрлаш вазифаси топширилди. Ойбек ана шу юмушга, синфдош ўртоқларининг айтишича, «Асотири юнон» каби кўпгина китобларни ўқиб киришган. Кейинчалик ўқувчилар ушбу пухта конспект асосида имтиҳонга тайёрланганлар.

Ўқувчиларнинг энг сеvimли дарсларидан бири рус тили ва адабиёти бўлиб, уларда бу фанга писбатан самимий муҳаббат уйғотган муаллим тўладан келган, очик чеҳрали, ширинсухан Горянов эди. Семиз ва қориндор бўлгани учун бўйи паст кўринган бу муаллим рус тилини яхши билмайдиган талабаларга бирор сўз ёгани тушунтириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Бу тажрибали педагог сарф-наҳв қоидаларини ёд олдиришга эмас, балки суҳбат йўли билан талабалар нутқини ўстиришга интиларди.

«Рус тили муаллимимиз жуда шўх, хушчақчақ Горянов деган киши эди,— деб ҳикоя қилади Ойбек.— У қўлларининг, кўзларининг имсеп билан, тахтага турли расмлар чизиб билан бизга рус тилини ўргатишга уринар эди. Муҳтарам, сеvimли муаллимим Горяновнинг қимматли сўзлари, фикрлари, кенгашлари менинг рус адабиётини англашимга, рус адабиётининг завқини тотишимга катта ёрдам берди».

Ботаника ва химия муаллими Меркулович ҳам ўз

соҳасининг моҳир устаси эди. Бу ўрта бўйли жиккак, ва хушфеъл муаллимнинг ажабтовур одати бўлган: у ҳаммавақт дарсга лайчасини эргаштириб келган. Лайча ҳам синфнинг бир чеккасида, мўмин-қобил ўқувчидек, тек ўтириб, дарс тугашини кутган.

Мусо Горяновни самимий ҳурмат қилар, айниқса Меркуловични ўз отасидек яхши кўрар эди. Ўз навбатида, Меркулович ҳам Мусога ихлос қўйган эди. Баъзан Мусо муаллимнинг таклифи билан унинг эрлар техникумига ёндош уйига меҳмонга борар, сўнг оспавий таътананинг қандай шавқли ўтганини ўртоқларига сўзлаб, улар олдида яна ҳам улгайгандек бўларди. Мусонинг бу хуштабиат муаллим билан самимий муносабатларини, химиядан аъло баҳо билан ўқиганини кўрган-билган талабалар «у, албатта, кимёгар бўлади», деб ўйлар эдилар.

Инқилобнинг 60 йиллигига бағишланган бир мақолада Ойбек бундай ёзган эди:

«Октябрнинг олижаноб ўзгаришларидан бири шундаки, у халққа буюк маънавий хазиналарини қайтариб берди, билимга, маданиятга, санъатга йўл очди.

Болалик кезларимда ҳатто мадрасани тугатган кишилар Алишер Навоий ва Бобур, Муқимий ва Фурқатнинг ўлмас асарлари тўғрисида ғира-шира тасаввурга эга бўлар эдилар. Хоразмий, Ибн-Сино, Беруний, Улуғбекнинг илмий ишлари тўғрисида эса гапирмасам ҳам бўлади. Бутун Ўзбекистонда европача маълумот олган медик ёки инженер анқонинг уруғи эди. Едимда бор, отам Берлинда ўқиган ўзбек врачининг 1912 ёҳуд 1913 йилда ўз юртида қандай кутиб олинганини сўзлаб берган эди. Уни бутун маърифатли Тошкент, тугилиб келаётган миллий буржуазия вакиллари кутиб олган экан...

Жоҳил хонларнинг феодал зулмга асосланган ҳокимияти ва чор самодержавияси меҳнат аҳлининг маърифат қуёши сари бўлган интилишини сўндириш учун ҳамма чораларни кўрди. Аммо бу интилиш ҳеч қачон сўпмади». Чиндан ҳам, чунончи, 20-йилларда, бир томондан очлик, иккинчи томондан акселинқилобчилар хуружи ҳукм суриб келаётганига қарамай, йиртиқ чопон кийиб, елкаларига хуржун ортган қишлоқ ёшлари шаҳарга, маърифат масканлари сари оқиб кела бошладилар.

Мусонинг техникумда кечган даври мамлакат учун оғир иқтисодий қийинчилик йиллари эди. НЭПнинг бошланғич давлари... Озиқ-овқат танқис. Хусусий хонадонларда ҳам, давлат қарамоғидаги муассасаларда ҳам иқти-

содий танглик авж олган. Техникум интернатида ётиб ўқийдиган талабалар ҳам ниҳоят қийналган пайт.

Кейинчалик Ойбек техникумдош дўсти Ҳомил Ёқубовнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан ўша йилларни хотирлаб, ёзган эди: «Эрталаб қора пону олма чой тега, қонда турган шакарни «иктисод!» деб зикна директоримиз егизмасди. Дарсдан сўнг пешинда овқатга шошардик. Курмакли оқшоқ гурунчдан қилинган, аммо сергўшт паловни суюниб ошардик. Кечқурун эса ҳаминша мошхўрда. мураббийлар мош фойда, унда фосфор кўп, деб мақтардилар».

Ҳомил Ёқубов ва Миркарим Осимнинг хотирлашларига кўра, техникумдаги ёши кичикроқ болалар бир коса мошхўрда билан бир бурда нонга қаноат қилар, аммо ёши каттароқ талабалар қўшимча овқат сўрашга мажбур бўлар эканлар. Новча ва чайир йигитча бўлган Мусо эса, улар ҳикоя қилишича, ҳаммадан олдин овқатни ичиб бўлиб, қошиқни косага «тақ» этиб урар ва: «Тақ этди, шақ этди — бир коса овқат қақ кетди», деб ҳазиллашиб кўяр экан.

«Овқатдан кейин, — деб давом эттиради Ойбек ўз хотирларини, — ётоқда сабоқларимиз машғулотиغا киришардик. Математика, физикадан масалалар ҳал этиб, сўнг адабиётдан музокарага, шеър ўқишга ўтардик. Узоқ-қоқ ярим кечаларга қадар ўтирардик. Азонда муаллим, мураббийларимиз уйғотар, яна синфга, дарсга шошамиз».

Ачаободдаги Мусабек исмли бойга қарашли боғдан йигирма таноб ер интернат ихтиёрига ажратилган эди. Талабалар ёзги таътил бошланиши билан ўша ерга кўчиб чиқиб, картошка, сабзи каби экинлар экиб, парварিশлар эдилар. Овқатларнинг сифати яхшиланиб қолганини ва меваларга обдон тўйганларни учун улар кузда семиртиб, қип-қизил майиздек бўлиб шаҳарга қайтар эдилар.

Мураббийлар талабаларда фақат илмга эмас, касб-ҳунарга ҳам меҳр уйғотишга интилдилар. Болалар деҳқончилик ва боғдорчилик ишларидан ташқари, дурадгорчилик, этикдўзлик билан ҳам шуғулланар, қизлар эса кийим-кечак тикиш ҳунарларини ҳам эгаллар эдилар. Ғайрат камарини бутун умри давомида маҳкам боғлаган Мусо бу юмушларда ҳам пешқадам бўлди.

У техникумда комсомол ячейкаси ташкил этилиши билан биринчилардан бўлиб ёш ленинчилар сафига қўшилди.

Техникумда ёш авлоднинг ҳар томонлама маълумотли

ва уқувли бўлиб етишиши учун шароит етарли эди. Та-
лабаларнинг янги ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари тўлароқ
бўлсин учун «фанний саёҳатлар» ташкил этиларди. Бу-
дай саёҳатлар чоғида улар ўша даврда машҳур бўлган
қурилишлар — Бўзсув гидростанцияси ва бошқа корхона-
лар билан танишар эдилар. Техникум қошидаги «инқи-
лобий музаҳона» — «инқилоб музейи»да эса асрлар даво-
мида миллий озодлик ва ижтимоий тенглик учун олиб
борилган курашлар тарихи ақс эттирилган эди.

Уш икки нафар ёш йигит ва қизнинг 1925 йил майида
Навоий номидаги таълим-тарбия техникумини биринчи-
лардан бўлиб битириб чиқувчи фақат улар эмас, балки
республика ҳаётида ҳам қувончли воқеа бўлди. Матбуот
органлари бу воқеани кенг ёритдилар.

Қуни кеча: «Янги мактаб — илм хазинаси, маърифат
ўчоғи. Янги мактабда фанлар ҳам, муаллимлар ҳам кўп.
Она тили, ҳисоб, табиёт, жўғрофия дарсларини ўқиймиз»,
деб беҳад қувонган Мусо бу бошланғич мактабингизина
эмас, унинг юксакроқ босқичи — таълим-тарбия технику-
мини ҳам муваффақият билан тугатган эди.

Аммо катта довлар тизмаси ҳали олдинда эди.

Ҳар бир инсон ранг-баранг соҳаларга қизиқса-да,
унинг кўпроқ севган, унга ҳузур-ҳаловат ва роҳат бағиш-
лайдиган машғулоти бўлади. Мусонинг техникумда кўп-
роқ севган фани, шубҳасиз ўзбек тили ва адабиёти эди.
У ўзбек адабиёти намояндаларининг айрим асарларидан
хабардор бўлгани сабабли таҳсил ва мутолаа соатларида
ўзининг шу борадаги билимини кенгайтириш ва теран-
лаштиришга катта эътибор берди. Навоий ва Фузулий
каби классиклар ижодини синчковлик билан ўргана бош-
лади. Миркарим Осимнинг хотирлашича, «Тоғ юлдузи»
номли деворий газетада Мусонинг Навоий ижодига ба-
ғишланган мақоласи чиққан ва унда буюк шоирнинг
«Лайли ва Мажнун» достонидаги бадий соддаликнинг
гўзал намуналари фасоҳат ва балоғат тимсоли сифатида
қайд этилган эди. Бу мақолани ўқиган Миркарим Осим
Мусодаги дид ва таҳлил иқтидорига қойил қолиб: «Ада-
биётга, шеърга бу қадар шайдо бўлишининг босси ни-
мада?» деб сўраганида, Мусо айтган экан:

— Онам раҳматлик саводхон эдилар. Навоий, Фузу-
лий, Машрабни кўп ўқир эдилар. Ўша ғазалларнинг жа-
ранги қулоғимда қолган.

Чиндан ҳам, Мусо болалик чоғларида онаси ва онаси

Кароматнинг ғазалхоплик қилишларига ишқибоз эди. Унинг ўзи ҳам ёзиш-ўқишни ўрганиб олгач, уларга тақлид қилиб, севимли шоирларнинг ғазалларини қайта-қайта ўқир, шунинг учун ҳам ғазалларнинг нафис ва ўйноқ музикаси унинг бутун вужудига, қалбига, хотирасига бир умрга сингиб кетган эди. Ғазал шайдоси, шеър шайдоси, сеҳрли сўз шайдоси бўлган Мусонинг ўзи ҳам шу йилларда аста-секин шеър машқ қила бошлади.

«Намуна» мактабида драма, адабиёт, тасвирий санъат ва чучело (тасқара) тўғараклари ташкил этилган бўлиб, уларда мунтазам суратда машғулотлар ўтказилиб турилар, бундан ташқари, «Тонг юлдузи» номи билан Тошкентдаги ўзбек мактаблари тарихида биринчи деворий газета чиқариб турилар эди. Кейинчалик бу газета тасвирида «Ватан», Улугбек, Форобий, Алманй номдаги мактабларда ҳам деворий газета чиқарила бошланди.

Мусо бу даргоҳда Аъзам Айюб, Мурод Шамс, Саидмаҳмуд Саидрасулев, Олтой Салоҳиддинов, Имомхон Ҳусанхўжаев, Наби Ғанизода, Ҳидоят Файзиев, Ҳомил Ёқубов, Субутой Долимов, Искандар Икромов каби бўлажак педагоглар, олимлар, журналистлар, рассомлар билан дўстлашди.

У «буюк ўзгаришдан сўнг Туркистонда очилган ибтидоий ва ўрта мактабларга чиқарилиб келаётган мактаб деворий газеталарининг бобоси» — «Тонг юлдузи»нинг муҳаррири эди. «Тонг юлдузи» кўкка чиқиб нур сочди, элимизга тонг дарағич билдирди», деган сатрлар газетанинг доимий эпитафи эди. Тўрт йил давомида талабалар ўртасида катта ҳурматга эга бўлган бу газетанинг эллик сони чиққан ва ана шу ўзига хос юбилей муносабати билан 1925 йилда «Тонг юлдузи»нинг «сиёсий, ижтимоий, адабий, фанний ўзбекча бир номерлик журнали» нашр этилган. Шу йилларда матбаа ишлари оғир аҳволда бўлишига қарамай, эзгу ниятлар билан нашр этилган бу ноёб журналнинг муқаддимасида унинг муҳаррири Ойбек томонидан ёзилган қуйидаги сўзлар бор эди: «Ўқиғувчи ўртоқлар! Қўлингиздаги камчиликлар билан тўла кичик журнал — «Тонг юлдузи» янги ҳаёт эгаси, илқилоб боласининг сизга қилган кичик бир армуғонидир. Тўғриси, ёш ўзбек ўғилларининг маънавий юлдузидир. Қабул қилингиз».

Ўзбек ёшларининг бу «маънавий юлдузи»да Ойбекнинг «Ўзбек эли» ва «Оқшом кўришишлари», Миркарим Осимнинг «Шарқ ишчилари», Субутойнинг «Бир кеча»

шеърлари, Назрулла Ибодийнинг «Турк қавмларида янги алифбо жараёни», А. Э. деб имзо чеккан муаллиф «Туркистонда етишган машҳур адиблар, шоирлар ва лисон олимлари», Зарифанинг «Туркистонда ипакчилик ва қўл ҳунарларимиз» каби мақолалари эълон этилган эди. Шунингдек, Бурҳон Осифнинг «Ур, пролетар, ур» деган насрий шеъри Ойбек таржимасида босилган ҳамда Миркарим Осимнинг «Ойбек ва унинг шеърлари» деб номланган мақоласи журналхонлар эътиборига ҳавола этилган эди.

Субутой Долимов ўша талабалик йилларини эслаб, бундай ёзади:

«Мен бу мактабда деворий газета чиқарни ишларига ёрдам берардим ва ўз ҳикоя, шеърларим билан унда қатнашардим. Ойбек ака менга ишонгани учунми, газетанинг мақолаларини, адабий асарларини кўриб чиқиб таҳрир қилишни менга топширарди. Бу материалларни Ойбек аканинг ўзи ҳам мен билан бирга таҳрир қиларди.

Бир куни нима ҳам бўлди-ю, ҳурматли Ойбек ака «Тоғ юлдузи» газетасининг келажак сони учун тўпланган мақола, ҳикоя ва шеърларни кўриб чиқдилар. Мен мазкур материалларнинг ҳаммасини бир папкага солиб, йиғиб қўйган эдим. Бу мақолаларнинг кўпчилигини таҳрир қилиб, тайёрлаб қўйганман. Фақат Ойбек аканинг шеърига қалам урганам йўқ.

Ойбек ака ўз шеърини кўриб, ўқиб чиқди:

— Нега бу шеърни тузатмадинг? Қофияси, мажозлари яхши эмас-ку!

Мен ўйланиб қолдим. Шеърдаги камчиликларни қидирай эдим-у, лекин фикримга ҳеч нарса келмасди. Ниҳоят, дедим:

— Ойбек ака, сизнинг шеърингизга қалам уришга андиша қиламан, шеърингиз менга маъқул бўлди.

Ойбек ака ғоят камтар ва оққўнғил бир киши эди, менинг сўзларимга самимият билан кулиб қўйди ва шеърини ўқиди, қайтадан ишлади, қофияларини, вазнларини, бадний томонларини таҳрир қилиб чиқди.

— Мана, Субут (Ойбек ака мени Субутой демасди, Субут дерди), энди ўқиб кўр, кўнглимга ёқадиган бўлди, энди унга қалам урмасанг ҳам бўлади».

Субутой техникум талабалари орасида ўз қобилиятининг ранг-баранг жилвалари билан шўҳрат қозонган эди. У шеър ва ҳикоялар ёзибгина қолмай, дуторни ҳам бошлаб чертар ва ёқимтой овози билан унга жўр ҳам бўлар

эди. Шеър ва музика шайдоси бўлган Мусо баъзан Субутой қўлидан дуторни олиб, чертиб кўрар, ва: «Нима учун бу дутор менга гапирмайди?» — деб ўксиб қўярди. Сўнг: «Қани Субут, бир «Ушшоқ» эшитайлик! Юрак ором олсин!» — деб дуторни ёш дўстига тутарди.

Ана шундай гўзал санъат жўрлигидаги суҳбатларнинг бири Мурод Шамсининг боғ ҳовлисида бўлиб ўтди. Ҳовуз атрофида, зардолишафтоли тупларининг этагида ошён қурган жўралар Субутой ижросида ўзбек халқ мақомларининг тинглаб, ундан сел бўлган Мусонинг кайф-сафосидан яна ҳам кучли наъша туйдилар. Мусо мақом куйлари орасида айниқса «Ушшоқ»ни севарди. Бу сафар ҳам у ўз севдиги бўлган халқ музика бойлигининг бу дурдона асарини қайта-қайта ижро этишни талаб этди. Музикантнинг сеҳрли оламига фарқ бўлган Субутой ҳам Мусонинг кўпгилни олиш ниятида дуторни беармон чертди. Машқни ўнинчи, авж пардадан бошлаб, ҳаммани ўзига ром этди.

Ойбек кейинчалик «Навоий» романини ёзар экан, ана шундай мақомхонлик кечаларидан олган таассуротларини XV асрда буюк шоир иштирокида бўлиб ўтган мусиқий суҳбатлар тасвирига сипгдирган эди.

Одатда дутор, тапбур чертишга моҳир бўлган киши куй ҳам басталай олади. Субутой ҳам Ойбекнинг илк шеърларини дутор ҳаволарига солиб, техникум талабаларининг турли йиғинларида айта бошлади. Ҳали матбуот юзини кўрмаган шеърлар шу тарзда ўзининг илк тингловчеларини топмоқда эди.

«Менинг биринчи адабий тажрибам, агар уни шундай бўрттириб айтиш мумкин бўлса, мактаб ўқувчилари томонидан чиқариладиган ва у вақтда биз, ёшларнинг ижодий кучларини намойиш қилишда катта аҳамиятга эга бўлган деворий газетада босилиб чиққан. Бу шеър ёдимдан кўтарилган, фақат унда пейзаж тасвирланиб, унинг номи «Қиш» деб аталганини эслайман»,— Ойбек ўзининг илк шеърини тажрибаси тўғрисида шундай ёзган эди. Бу сўзларга проза тарзида шу нарсани айтиш лозимки, Ойбекнинг «Қиш» шеъри муаллифнинг мактаб-интернатда ўқиб юрган онларида ёзилган. Қарийб шу шеър билан кетма-кет дастлаб «Тонг юлдузи»да, сўнгра «2- ўзбек адабиёт ва маориф қурултойи вакилларига бизнинг Армуғон» деб номланган тўпламда босилган «Чолғу товуши» эса 1922 йилнинг тахминан март-апрель ойларида ёзилган. Бу —

Мусонинг матбуотда Ойбек таҳаллуси билан эълон қилинган биринчи асари эди.

Мусонинг шеърятга ҳаваси гарчанд Навоий ва Фузлийнинг ўйноқ ғазаллари таъсирида уйғонган, бадний диди Шарқ классик шеърятчи намуналарида шаклланаётган бўлса-да, унинг дастлабки машқларида айрим мунгли ва мавҳум оҳанглар ҳам йўқ эмасди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи ёзган эди: «Менинг биринчи шеъримда қарама-қаршиликлар, изланишлар ҳали кўп эди. Замонанинг энг муҳим воқеаларига жавобан ёзилган шеърлар билан бир қаторда саводсиз, мунгли шидо билан суғорилган... шеърларим ҳам бор эди».

Бундай ҳолнинг пайдо бўлиши сабабларидан бири шунда эдики, Ҳомил Ёқубов айтмоқчи, Мусо «жуда раҳмдил, ҳассос, тез таъсирланувчи йигит эди, ҳатто у айрим машқ шеърларида овчиларнинг қуш отишидан, болаларнинг қўнғиз тутишидан, парранда ва ўсимликларга озор беришидан дили оғриганини ифодалайди. Ўзбек қизларининг ортиқ даражада эркисизлигидан, табиат ва турмушнинг баъзи нохуш манзараларидан ўқиб йиғлагиси келарди». Техникумнинг айрим ўқитувчилари бу таъсирчан йигитни ўз доираларига тортиб, унинг қалбига паптуркизм уруғларини сепмоқчи ҳам бўлганлар ва шу мақсадда ҳатто унинг илк машқларига қалам ҳам урган эдилар. Бизнингча, ана шу икки сабаб Ойбекиннг дастлабки ижодидаги айрим мавҳум ҳиссиёт тўлқинининг манбаларини очиб беради.

Бундай жиҳатларга қарамай, Мусо шу йилларда қайноқ ижодий ҳолатга кира бошлаган эди. У ўзбек, озарбайжон ва татар адабиёти намояндалари билан биргаликда Яҳё Камол, Ризо Тавфиқ, Абдулҳақ. Ҳамид каби турк шоирларининг асарларини ҳам мароқ билан ўқиди. Унинг хаёли шеър билан банд бўлди, поэтик образ ва оҳанглар оламида сузди.

«Катта танаффус вақтида,— деб ёзади Миркарим Осим,— синфдошимиз Мусо Тошмуҳамедов баъзан техникум ҳовлисининг бир чеккасида ёлғиз ўзи хаёл суриб юрар эди. Кўзлари қора, сочи жингалак, новчадан келган, ранглар, ориққина ёш шоир баъзан тирноқларини тишлаб, бир нуқтага тикилиб қоларди.

— Ойбек янги бир шеър ёзмоқчи. Ҳозир унинг қулоғи кар, кўзи ҳеч нарсани кўрмайди,— дейишар эди унинг ўртоқлари.

Ҳазилкаш болалар уни туртиб ўтиб кетишар, унга гап

отишар, хаёл депгизи қирғоқларида сўз жавоҳирларини излаб юрган ёш шоир эса ҳеч нарсани сезмагандек, тирноғини тишлаганича ҳовлида айланиб юра берар эди. Лекин дарга қўнғироқ чалиниши билан аста юриб синфга кирар ва бутунлай ўзгариб, чеҳраси очилиб кетарди».

Мусо шу йилларда жуда кўп шеърлар ёзди, изланди, янги шакллар ва ифода усулларини ахтарди. У янги давр ғоялари, янги давр нафасини ифодалашга интилди. Унинг шеърларида янги воқелик, янги инсон билан боғлиқ мавзулар етакчи ўринни эгаллай бошлади.

У ўз таржимаи ҳолида «ижодимнинг боши «Ишчига» шеърим, деб ҳисоблайман», дейди ва бу шеър эълон қилинган 1925 йилни ижодий йўлининг дастлабки нуқтаси деб билади. Агарда ана шу доводдан бошлаб Ойбек бошиб ўтган йўлни кузатсак, унинг нуқталари оша тортилган инда даврнинг бирламчи масалаларига бағишланган шеърлар тизилганини кўрамиз. Мана, эътибор беринг: «Кўклам чоғининг лоласи», «Уйғон!», «Ёш куч толмасин!», «Ўзгариш тўлқинлари», «Пролетар шоирига», «Ёш куч», «Байроқ», «Ер кимники?». Биргина 1925 йилда яратилган шеърлардаги сарлавҳаларнинг ўзинёқ даврнинг поэтик йилномаси ўлароқ кўрилади.

«Биз,— деб ёзган эди Ойбек,— ўз ижодимизни... ўзбек адабиётида кўп асрлик традицияга эга бўлган поэзиядан бошладик. Революция поэзия жанрларини ҳам ўзгартириб юборди. Совет шоирлари қадимги классик аруз вазнидан воз кечиб, бармоқ вазнида ёза бошладилар. Мен ҳам бармоқ вазнида ёза бошладим».

Революция фақат шеърини жанрларни эмас, шеърининг ғоявий-тарбиявий вазифасини ҳам ўзгартириб юборди. Шеърини янги ҳаёт учун курашининг, янги кишини тарбиялашнинг муҳим қуролига айланди. Бу эса шоирдан даврнинг етакчи ғояларини поэтик сўз ёрдами билан маънавий янгилик ёритиб, уларни кишилар қалбига пайвандашга талаб этди. Эҳтимол, шунинг учун ҳамдир Ойбек ижодий йўлининг маълум даврларида ўз лирик қаҳрамонининг ҳис-ҳаяжонлари, изтироблари ва дард-аламларини тасвирлашга ботинмади.

Мана, Ойбек ўз ижодининг бошланмаси деб ҳисоблаган мисралар:

Ишчи, сен оловга отилдинг
У қонли, қаҳрли замонда,
Зулматлар остида янчилдинг,
Энди куд, бу эркин замонда.

Бирликнинг байроғи қўлингда,
Жаннатлар яратур болгалар.
Кучлисан, эй ишчи, йўлингда
Кулади чечаклар, лолалар.

Денгиздек тўлқин ур, бақир сен,
Зулматнинг юраги узилсин.
Йўқсиллар дунёсин чақир сен!
Дунёда чин ҳаёт тузилсин!

Бу шеър Ҳамза Ҳақимзода Нлэзийнинг «Ҳой, ишчилар» каби қатор шеърларида ифодаланган ғоявий мундарижа, поэтик тил ва услуб хусусиятлари билан бениҳоя Ҳамза шеърлярига таъсирда ёзилган, деб даъво қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Бундай инқилобий мотивлар ўша давр татар шоирлари ижодида ҳам кучли бўлган. Шеърнинг сўнгги сатрлари эса бевосита Эжеп Потъенинг машҳур «Интернационал»нинг хотирага солади. Гап шундаки, бу шеърнинг ғоявий «пилиги» тўғридан-тўғри инқилобий йиллар машъаласидан учқун олган. Шеърнинг поэтик оҳангига келганда, Ойбекнинг таржимони шоир А. Наумов билан қилган суҳбатидан ёдга келади.

Адиб бу суҳбатидан айтган эди: «Муҳим ва мураккаб масалалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин экан. Қалбни забт этган ҳис-туйғуларни, чуқур лиризмни ифода этмоқ учун дабдабали шакл шарт эмас экан. Ахир кўнгил қўйган қизга «севаман» деб айтмоқ учун беқасам тўн кийиб келиш шарт эмас-ку. Энг муҳими, кундалик ҳаёт предметлари, одатий нутқ поэтик оламнинг бутун дабдабаси ва жозибасини йўққа чиқариб қўядигандай кўринарди. Шунинг учун ҳам тилдаги соддалик, оддий халқ саройга йўлатилмагандек, поэзияга ҳам йўлатилмасди. Амалда эса чинакам жозибадорлик ана шу соддаликда эди».

Бу сўзлар Ойбекнинг инқилоб ғояларини поэтик ифодалаш учун кенг халққа тушунарли бўлган содда шеърлий шаклни, содда тил ва услубни онгли равишда танлаганини ва унинг бу борадаги изланишлари Ҳамза изланишлари билан бир йўналишда борганини кўрсатади. Демак, у ўз ижодининг дастлабки давридаёқ тўғри эстетик тасвир принципларига эга бўлган, унинг адабий-танқидий қарашлари маълум даражада шакллана бошлаган.

Янги шаҳарда, Навоий номли техникум билан ёнма-ён қизлар билим юрти ҳам жойлашган эди. Бу билим юртининг шинамгина клубида қарийб ҳар ҳафта адабий

кеча ва концертлар ўтказилиб, уларга қўшни техникумларнинг талабалари ҳам меҳмон сифатида таклиф этилар эди. Ана шундай кечаларнинг бирида Ойбек, Миртемир, Гулбек каби ҳали турли техникумларнинг талабалари бўлган ёш шоирлар ҳам иштирок этардилар.

...Ўша куни ҳали адабий кеча бошланмагани сабабли Сийбек «Маориф ва ўқитувчи» журналининг янги сониш варақлаб ўтирар эди. Унинг назари, афтидан, Мумтоз Муҳамедовнинг шу сонда эълон этилган «Гулсара» шеърига тушган бўлса керак, муаллифни кўрибоқ кафти билан тиззасининг кўзига уриб, мийиғида кулиб қўяди, сўнг шеърнинг икки сатрини ўқийди:

Гулсарам кўзлари қоп-қора бир гўздир,
Ҳар замон гўржорам табассум деярам...

Мумтоз Муҳамедов Ойбекнинг бу шеър ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлиб сўрайди:

— Қалай? Ёмон эмасми?

— Қалай билан жезнинг ўртасида,— жавоб беради Ойбек ҳазил-мутойиба билан. Сўнг, одати бўйича, тез-тез сўзида давом этиб, дейди:

— Қайси тилни мукамал билсанг, шеърни ўша тилда ёзиш керак. Ўзбекчага озар шеvasини, озарчага ўзбек лаҳжасини аралаштириш ярамайди. Бу тилни бузади. Асалга шакарни қўшмайдилар.

Ўзи эндигина тетапоя қадамлар ташлаётган шоирнинг бундай жиддий ва ўринли мулоҳазалар билдириши Ойбекнинг ўша вақтдаёқ анча-мунча адабий билимга эга бўлганидан шаҳодат беради.

Мумтоз Муҳамедовнинг ушбу кеча ҳақидаги хотирасининг давоми ҳам ибратдан холи эмас.

У важ-қарсон қилиб, ўзи кутмаган, ноқулай вазиятдан қутулиш ниятида жавобга шайланар экан, парда очилиб, кеча бошланиб кетади. Концерт давомида билим юртининг хушовоз талабаларидан бири — Гулсара исмли қиз «Омонёр» қўшиғини ижро этади. Ҳамманинг нигоҳи саҳнада... Оддийгина кийинган, афтидан, бирор қишлоқдан келган қиз уялиб-ийманиб саҳнага чиқади-да, ҳаяжонини йиғиштириб, қўшиқ бошлайди;

Шафтоли тохи ларзон, омонёр,
Фарғонада қиз арзон, омонёр,
Баҳосини сўрасанг, омонёр,
Қалам қўйлак, бўз иштон, омонёр...

Ҳазилнамо туюлувчи бу қўшиқ сўзлари енгил вазнда бўлса-да, унинг ҳаволарида ўзбек аёлларининг ўтмишдаги фиғон-фарёди акс-садо бериб турарди. Гулсаранинг ширали овози, мунису мунаввар ҳолатигина эмас, қўшиқ мисраларининг ҳар бир қатига илашиб чиққан аёл қалбининг поралари ҳам тингловчиларни ларзага келтирди. Ойбек ҳам бениҳоя ҳаяжонланган эди. Афтидан, аччиқ қисматли қапчадан-қанча аёллар — онаси, бувиси, опаси ва бошқа бахтсиз бева-бечоралар унинг кўз олдидан бирма-бир ўтган эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Ойбекнинг «Ўзбек қизига», «Бир йигит куйлар экан» каби янги шеърлари олам юзини кўрди. «Ўзбек қизига» деб номланган шеърда, чунончи, бундай мисралар бор эди:

Нечун сенинг юзларингда
Қайғу-алам ўти тошар?
Ениқ, маҳзун куйларингда
Қалб эзувчи бир нола бор.

...Эй Шарқ қизи, энди қўрқма
Кипшанлардан, закирлардан.
Қулликларни йиқиб ташла,
Олқин сепай чечаклардан...

Бу шеър Гулсаранинг ўша мунгли поласига жавоб тарзида ёзилган эди. Афсуски, Ойбекнинг ўша йилларда ёзган аксар шеърлари, шу жумладан, мавҳум образ ва имо-ишоралардан иборат асарларининг ёзилиш сабабларидан, бу асарларнинг ижодий тарихидан беҳабармиз. Шунинг учун ҳам фикр улар мағзини чақишга ожизлик қилади.

Аммо биз учун бир нарса сир эмас. Октябрь инқилобининг эртасигаёқ олам гулистонга айланмаган. Ўша магнаққатли ҳаёт, ўша ташвиш, ўша полалар, ўша бахтсиз қисматлар яна неча йиллар мобайнида давом этган. Шоир бундай аянчли манзараларни кўриб, онасининг вафотидан, зўравонларнинг озордан эзилиб, ўз шеърларида фиғон кўтармайди. Унинг мусибат кунларида нчига ютган кўзёшлари шу йиллардаги шеърлардан чак-чак томиб туради.

Афсуски, худди шундай ҳоллар учун Ойбек озмунча дашном емади. Шунинг учун ҳам у узоқ йиллар давомида интим лирика — қалб индоларининг гоҳ аламонк, гоҳ қувноқ, аммо ҳаминша шаффоф мавжларига бой уммонидан қўрқиб ва чўчиб, олисда юрган даврлари ҳам бўлди.

Ойбек ҳақида хотира қолдирган аксар замондошлар, унинг сиймосини ўқувчи тасавурида гавдалантириш ниятида жингалак сочларни катта ва чақпоқ кўзларини кўн таъриф қилганлар. Мусаввир Абдулҳақ Абдуллаев ҳам ўзининг машҳур портретида худди шу деталлар тасвирига алоҳида урғу берган. Ойбекнинг ўзи «Болалик» асарида ўз портретини эмас, либосларини тез-тез эслатиб ўтади. Мана, у: гоҳ чамадагул дўппи, йўлли тикдан тикилган узун кўйлақда, гоҳ эски дўппи ва чит кўйлақда, аммо ёз бўйи ҳаминша оёқялаш ҳолда ўртоқлари билан Эски Жўва бозорини кезиб, газлама расталаридан бошлаб, то атторчиликка, бешик бозорига, носвойфурушлар, шинифурушлар, ҳатто кўмир-ўтин бозорига қадар ҳаммасини тентираб кўриб чиқмоқда; савдо-сотикқа қулоқ солиб, мешкобчи матчойиларнинг: «Пўшт! Пўшт!» дейишларига ҳам қарамай, чор атрофга анграя-анграя борар экан, харидор кутиб ўтирган мардикорлар, ҳаммоллар, уйидаги сўнгги арзирли буюмни тангага алмаштириш илинжида юрган камбағаллар, бу илинждан аллақачон фориғ бўлиб, энди тиланчилик қилаётган гадойлар, ночорлик ва муҳтожликдан халос бўлиш йўлини тополмай, ўз ҳаётини парвардигор йўлига бағишлаган қаландарларни кўради.

Лаванг, пошуд одамнинг ўзидан четда бўлган олам билан ҳеч бир иши бўлмайди. Ҳар қандай шаронгда ҳам бу оламда рўй бераётган воқеалар, яшаётган кишиларни бутун тафсилоти билан эслаб қололмайди. Мусо қанчалик шўх, ўйинқароқ, ўт-олов бўлмасин, фақат кўзлари катта бўлгани учун эмас, балки, ўз табиатига кўра, таъсирчан, кузатувчан, киришувчан ва курашчан бўлгани сабабли болалиги гувоҳ бўлган ҳаётни, кишиларни барча нозик тафсилотлари билан хотира дафтарига муҳрлаган эди. Бошқача айтганда, у ҳаётни биларди, бўлажак қаҳрамонлари билан бир даврда, бир муҳитда, бир қозонда яшаб қайнаган эди. Улар дарди — унинг дарди билан, улар армони — унинг армони, улар орзуси — унинг орзуси билан бир тану бир жонга пайванд бўлган, шунинг учун ҳам унинг шеър ва достонлар, повесть ва романлар орқали айтиши мумкин ва зарур гаплари бисёр эди.

Гўзалликни, сўз санъатини қадрловчи халқ қанчалик саводсиз бўлса, оғзаки ижод шунчалик тараққий этган бўлади. XX аср бошларида қарийб ҳар бир ўзбек хонадонини оғзаки ижоднинг ўчоқларида бўлган. Чол ва кампирлар турли-туман ривоят, эртак, чўпчак, алла, ёр-ёр, лапар ва тошшоқларни кўплаб билганлар. Тасаввур олами

кеңг кишилар эса асрдан-асрга, наслдан-наслга ўтиб келаётган бу оғзаки асарларни янги ижодий «маҳсулот»лари билан бойитиб борадилар.

Мусо яшаган хонадон ва муҳит ҳам бундан истисно эмас эди.

Одатда ўғил ота ва бобонинг етагида бўлади. Мусо кўпинча бобоси ва унинг ўртоқлари ҳузурда бўлар экан, турли тарихий воқеалар, саргузаштлар, ривоят ва чўпчакларни тинглаб вояга етди. Чўпчакка чечан бўлган бобо неварасининг истак-хоҳишига қараб, кечалари билан чўпчак айтиб чиқарди. Бу чўпчаклар ҳар хил ҳайвонлар ва турли-туман воқеаларни нақл этса-да, улар одатда бундай бошланар эди: «Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги, қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, кўк музга минган экан, хўроз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, олақарға азончи, қора қарға қозончи, чумчуқ чақимчи, тўрғай тўқимчи экан, бўри бақовул экан, тулқи ясовул экан. Эртагимнинг эри бор, етти кушлик ери бор, етти кушлик ерида думи калта бўри бор. Кушларнинг бирида...»

Ана шундай анъанавий муқаддимадан кейин чўпчак янги бир йўналишда давом этарди. Бундай узундан-узоқ муқаддимани айтиш жараёнида эртакчи янги бир чўпчакни тўқини ҳам мумкин эди. Уларнинг қурилиши гарчанд бир хил бўлса-да, ечими ранг-баранг бўлиши, айтиувчининг хаёли, кайфияти, ўша лаҳзадаги ҳолати билан анъанавий сюжет ўзгарини, узайини ё қисқарини ҳам мумкин эди. Чўпчак айтиувчининг ҳам, тингловчининг ҳам тасаввур қобилиятини тарбиялар ва ўстирар эди. Шунинг учун ҳам Мусо бобосидан ва бопқа кишилардан девлар, ялмоғиз камширлар, арслонлар, бўрилар, афсонавий қушлар ҳақидаги чўпчакларни эшитибгина қолмай, ўзи ҳам тез орада чўпчак айтадиган, турли эртак ва ривоятлар тўқийдиган бўлди.

Халқ эртаги ва чўпчакларнинг яна бир ажойиб хусусияти бор. Бу эртакларнинг ҳар сафар айнан такрорланадиган муқаддимаси ўзида поэтик санъатнинг қарийб барча муҳим компонентларини яширган, аниқроғи, улардан ташкил топган бўлади. Шунинг учун бу муқаддималарни қайта-қайта тинглаган кишида образ, қофия, радиф, товуш такрорлари ва товуш товланмалари тўғрисида дастлабки тасаввур пайдо бўлади; воқеалар ҳалқасининг ягона бир занжирга келиб қўшилиши, қарама-қарши образлар ва тасаввурларнинг ҳаракати бадний композиция тўғрисида элементар маълумот беради. Хулмас, эр-

так ва чўпчаклар ўз даврида адабиёт пазариясидан ибтидоий қўллашма вазифасини ҳам ўтаган.

Назаримизда, бу қўлланманинг Ойбек ижодий тақдирдаги аҳамияти ҳам катта бўлади.

Яна бир кичик деталь. Бироқ бу деталга эътиборни жалб этиш учун яна асримиз бошларидаги Шайхантаҳурга сафар қилайлик. Бу ерда бўлиб ўтажак тўй-ҳашамлар, ҳайитлар, ўттиз кунлиқ рўза кунларида хонақоҳ ва мадрасаларнинг томида қозондаё катта поғораларни чалар эдилар. Карнай-поғорасиз таптана таптана ҳисобланмас эди. Карнай ва поғора, славян ибодатхоналаридаги хилма-хил катталикдаги бонглар янглиғ, халқни бир маслак, бир мақсад, бир ният бағрига бирлаштириш воситаси эди. Уларнинг ўзгача дабдабаси билан яна қандайдир юракни жупбушга келтирадиган фазилати ҳам бор. Шунинг учун бўлса керак, Мусо бошиқа мусиқа асбоблари орасида поғорани ҳам кўпроқ севарди. Поғорачилар тўю маъракаларда така-тумдан чарчаган пайтда у поғора чалишини машқ қилиб турарди.

Кунларининг бирида Мусонинг мактабдош бойвачча ўртоғи уни уйига таклиф этиб, поғораси билан мақтанмоқчи бўлади. «Бола гизиллаб ичкаридан каттакош поғорани олиб чиқади,— эслайди Ойбек.— Поғора бармоқ тегиб кетса, бом-бом қилади. Поғора чўшини ушлаб, бола чала бошлайди.

Бирпас қараб тураман-да, кулиб юбораман...

— Ўртоқ, тупша-тузук чаласан, аммо мақомини билмайсан,— дейман.

Бойвачча нича енгиллашади, поғора чўшини менга узади.

— Қани, чал ўзинг, кўрамиз,— дейди поғорани мен томон суриб.

...Менинг хаёлим узоқда. Мақомларни қидираман. Бирдан гумбурлатиб чалиб юбораман, ўзим ҳам ҳайратда қоламан».

Бу парчадан аён бўладики, Мусода, ўртоқларида фарқли ўлароқ, ритм туйғуси, мусиқий садо ва мақомларни ҳис этиш ва ёдда олиб қолвиш иқтидори болалигидашқ мавжуд эди. Худди шу туйғу, шу иқтидор унинг шоир бўлиб етишувига айниқса асқотди.

Хуллас, 1925 йил май ойида Павоний помидоги таълим-тарбия техникумини тугатар экан, Мусо ўртоқлари ва ўқитувчилари назарида шоир сифатида туғилган, поэтик ижоднинг машаққатли ва шарафли йўлини бон-

лаш олдида турган йигит эди. Ўртоқлари ва муаллимлари таътанали битирув кечасига тараддуд кўрар эканлар, ундан шу айёмга бағишлаб шеър ёзишни илтимос қилдилар. Битирув кечасида унинг ҳали сиёҳи қуримаган шеъри ҳам янграйди:

Ениқ тилак, қонли, ўтли, эй ёш куч!
Қанотларинг ҳеч толмасин, тинма, уч!..

Мусо тенгдошларига ва улар изидан келаётган ёшларга қарата ушбу сатрлар билан мурожаат этгач, ўзи мансуб бўлган авлод ҳақидаги тасаввурларини баён этишга киришади:

Оташ кўрдим сенинг порлоқ кўзингда,
Қайнаб тошган бир сел туйдим қалбимда,
Эркинликнинг куйлари бор товшингда,
Чечакларнинг кулиши бор юзингда...

Залли тўлдириб ўтирганлар ёш шоирнинг дил сирларини маҳлиё бўлиб тинглар эканлар, шеър яна ҳайқирىқ садолари билан тўлади:

Қизил юлдуз, Шарқ юлдузи, кўкка чиқ!
Қоронғилик ҳайкаллари уриб йиқ!

Орадан бир-икки кун ўтгач, «Ёш куч толмасин!» шеъри «Қизил Ўзбекистон» газетасининг техникумини битириб чиқувчиларга бағишланган саҳифасида эълон қилинади.

Ойбек шоир сифатида ҳаётга йўлланма олган эди.

Орадан роса қирқ йил ўтгач, Ойбекнинг дўсти, туркман совет адабиётининг оқсоқоли Берди Кербобоев ёзган эди: «Юлдузларнинг бир-биридан ўзини катта тутгани беҳуда, аммо ой туққанда, уни бутун олам кўради. Бу ўхшатишим унчалик ўринли бўлмаса ҳам, мен Ойбекни қардош Ўзбекистон адабиёти осмонидаги ой деб ҳисоблайман. Ойбек яратган машҳур асарларнинг Ўзбекистон тупроғига алангали нур сочаётганини ким таъ олмайди?»

ФЕРУЗА УФҚЛАР

*Феруза уфқлар шу қадар
сўнгсиз,
Фақат унга етар денгиз қулочи.*

ОЙБЕК

Сўз санъати Шарқда асрлар мобайнида муқаддас туйғулар маскани ўлароқ ижодкорларга завқ-шавқ бағишлаб, улар руҳига озиқ бериб келган. Ўзни ва сўз санъатини иззат қилган бирор ижодкор унга тириклик манбаи сифатида асло қарамаган. Эҳтимол, шунинг учундир, истиқболи шеърятнинг феруза уфқлари билан товланган Ойбек ҳам 1925 йилда, Навоий номидаги таълим-тарбия техникумини битирган кунларида, «Ким бўлсам экан?» деган мангу савол қаршида хаёлланиб қолди.

Бу вақтда В. И. Ленин декрети билан Тошкентда очилган (1920 йил, 7 сентябрь) Совет Шарқидаги энг катта ва энг мўътабар дорилфунуннинг маърифатпарварлик фаолияти бошланганига эндигина 4-5 йил бўлган эди холос. Бу дорилфунун ўз фаолиятининг ҳали тетапоя даврида бўлишига қарамай, унда иттифоққа, ҳатто чет мамлакатларга ҳам донғи кетган олимлар хизмат қилар эдилар.

1923 йилда Туркистон Давлат университети Ўрта Осиё Давлат университети деб атала бошланди. Бу даврда университетда ишчи, қишлоқ хўжалиқ, медицина, техника (инженер-мелиоратив), физика-математика, ижтимоий фанлар (совет хўжалиги ва ҳуқуқи), тарих-филология ва ҳарбий факультетлардан ташқари, Туркистон Шарқ институти базасида янги ташкил этилган шарқ факультети ҳам мавжуд бўлиб, уларда юқори маънавият миқдори кадрлар тайёрлашишига алоҳида эътибор берилар эди.

Ойбек 1925 йил сентябрида ўз таҳсилини давом эттириш учун ижтимоий фанлар факультетининг социал иқтисод бўлимига ўқишга кирди. У ўзбек тили ва ўзбек адабиёти тарихини пухта ўрганганлиги, шунингдек рус, озарбайжон, театр адабиётларидан ҳам хабардор бўлганлиги сабабли эмас, балки янги ижтимоий жамятнинг мустақамлашда сиёсий иқтисод фанининг муҳим ўрин тутишига астойдил ишонгани сабабли бу соҳани танлади.

Орадан бир печа йшл ўтгач, у ёшларни илм-фан дар-
гоҳларига таклиф этиб, ёзган эди:

Рақамлар денгизи тубсиз, қирғоқсиз,
Икенинг сирини билган адашмас.
Эй, кеча далада ўғир туйган қиз,
Фикрни ўткирла, қил уни олмос.

Фанларнинг сиз олтин машъаласинг
Юқори кўтариб темир қўлларда,
Ёқингиз асрлар зулматларини,
Яратнинг боғчалар саҳро, чўлларда.

Ушнинг ўзи ўзбек йиғит-қизлари орасида биринчилар-
дан бўлиб рақамларнинг «тубсиз, қирғоқсиз» денгизига
шўнғиб, икс-игрик сирларини эгаллашга, фикрнинг «ол-
тин машъаласи» билан асрлар зулматини ёритишга ин-
тилди.

Ойбек Говкушдаги уйда дуруст шароит бўлмагани
сабабли ўша кезларда Ленин номидаги мактабнинг Шай-
хантаҳурдаги (орқа кўчадаги) боғида истиқомат қилар
эди.

Москвадан 20-йилларнинг ўрталарида Тошкентга
кўчиб келган К. И. Лакин¹ учун бу боғдаги ҳамма парса
янги ва гаройиб эди. Эҳтимол шунинг учун бўлса керак,
бўлажак икки дўстнинг биринчи учрашуви бир умрга
ушнинг хотирасида қолди.

«Боғ, — деб ҳикоя қилади К. И. Лакин, — унча
катта бўлмаган токзор ва икки-уч қайрағочдан иборат
пиннамгина жой эди. Ишқомлар тагида каттакоп сўри
бўлиб, унда 25-30 нафар ўқувчи жойлашган эди... Кеч
кирди... Дарахтлар соясига тўшалган кўрпача устида
тиззасига қалин китобни қўйиб, бир киши букчайганча
ўтирарди. Бу одам Маҳмуд Ҳакимов² бўлиб, унинг ёши-
да оқин юзли, кўзлари тимқора, ёшигина йиғит бор эди.
Бу йиғит келажакда улкан адиб ва шоир сифатида та-
нилган Мусо Тошмуҳамедов Ойбек эди.

...Биз улар билан бирга шу ерда қоладиган бўлдик.
Мен юз андиша билан Маҳмуднинг қўлидаги ўша қалин

¹ Ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг вице-прези-
денти.

² М. Ҳакимов Ойбекнинг ёшлиқдаги дўсти бўлиб, ўша пайтда
САГУ физика-математика факультетининг химия бўлимида ўқир
ва айни пайтда Ленин номидаги мактабда мудир лавозимида хиз-
мат қилар эди.

китобни олиб varaқладим. Китоб университетларда ўқи-тиладиган «Органик химия» дарслиги эди.

Мен бу китоб билан танини эдим. Лекин Маҳмуд уни қандай қилиб ўзлаштираётган экан? Чунки суҳбатимиздан унинг рус тилини яхши билмаслиги маълум эди. Китоб рус тилида, бунинг устига бадний асар эмас, мураккаб илмий тилда ёзилган. Сабабини сўрадим. Маҳмуд менга диққат билан тикилиб қолди. Унинг ўрнига Ойбек жавоб қилди:

— Маҳмуд — қаҳрамон, — деди у, — унинг бу ҳаракатини жасорат деса бўлади. Университетга кирганида, у рус тилини мутлақо билмас эди. Лекин шундай бўлса ҳам астойдил уришиши туфайли аъло баҳолар билан ўқи-моқда. Албатта, унга қийин. Фақат оламга рус тилини билмасдан кириб келаётган ҳаммамизга ҳам қийин.

Ойбек қимтишиб, секин сўзлар, назаримда, ҳар бир фикрни аввал ичида ўйлаб, сўнгра рус тилига таржима қилиб гапирётганга ўхшарди. Лекин унинг нутқи маънодор, эҳтиросли эди.

Ўзбекистонда олий ўқув юртларининг ташкил қилини-ши тарихи тўғрисида жуда кўп гапирилган. Бироқ, афсуски, маҳаллий миллат студентларининг биринчи қалдир-гочлари бўлган Маҳмуд ва Ойбекка ўхшаганларнинг олий ўқув юртларида илм довоиларини қандай қийинчи-ликлар билан эгаллаганликлари ҳақида кам ёзилган ва уларнинг бу йўлдаги мардона уришилари етарли баҳо-лангани йўқ. Ҳолбуки, уларнинг фидоийликлари туфай-ли кўп ишлар қилинди».

Шуни унутмаслик керакки, Октябрь инқилобига қа-дар Ўзбекистон территориясида асосан эски мактаблар бўлиб, уларда дунёвий илмлар тарғиботи умуман тақиқ-ланган эди. Биринчи жаҳон уруши арафаларида очилган ва ҳаракатда бўлган 160 та жаҳид ҳамда рус-тузем мак-табларида (уларнинг атиги 12 таси ўрта мактаблар эди) таълим олган 17 минг 300 ўқувчи чор офицерлари, маҳал-лий амалдорлар, савдогарлар ва бойларининг фарзандлари эди. Маҳмуд ва Мусо сингари камбағал болалар учун эса бу мактабларнинг эшиги берк эди. Ана шундай ижтимоий камситиш, илм-маърифат ўчоқларига яқинлаштирмаслик сиёсати оқибатида камбағал халқ фарзандлари илм-фан-дан четда қолиб келаётган эдилар. Натигада 20- йилларда уларнинг замонавий фан асосларини эгаллаши бениҳоят манаққатли кечди. Шунинг учун ҳам шу даврда илм-фан-ни эгаллабгина қолмай, ўзбек фани ва маданиятининг

забардаст арбоблари даражасига қадар кўтарилган бундай фидойи кишиларнинг меҳнатини чинакам жасорат деб баҳолаш лозимдир.

Ана шундай жасорат соҳибларидан бўлмиш Ойбек шу йилларда айниқса кўп мутолаа қилди. Унинг «ижодхона»сида В. Г. Белинскийнинг Пушкин ҳақидаги ишларини, Н. Г. Чернышевскийнинг «Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати», А. В. Луначарскийнинг «Позитив эстетика ҳақида» асарларини ҳам, Тэннинг «Санъат дарслиги», Фричнинг «Санъат тарихи»ни, Алихоновнинг адабиётшуносликка оид китобларини ҳам, бошқа турли-туман илмий рисоаларини ҳам кўриш мумкин эди.

К. И. Лапкин ўз хотирасини давом эттириб, ёзади: «Ойбек яна бир оз ўтиргач, ишком билан бурканган, қўш-деразали, пастаккина уйга ишлагани кириб кетди. У ёлғизликда ўтириб, узоқ ишларди. Биз Маҳмуд билан очиқ ҳавода ухлагани ётдик. Ярим тунда уйқум қочиб кетди. Теварак-атрофга назар ташладим, қоронғилик чўккаш боғчада фақат Ойбек турган уйдан чироқ нури кўринарди. У ҳамон ижод ё мутолаа билан банд эди...

Ўша чоғларда у фақатгина Ўзбекистон эмас, балки Хитой, Ҳиндистон ва бошқа қўшни Шарқ мамлакатлари тарихига, Коминтерннинг стратегия ва тактикасига оид адабиётларини ҳам кўп мутолаа қилди.

У тартибли ўқир, ҳар бир муҳим фикрни тез ўзлаштирар эди. Ўзига ёққан китоб муаллифини гўё меҳмонни иззат-икром билан кутиб олган олижаноб мезбонга қиёс қилар эди. У баъзан бундай дерди: «Бугун Бартольд ҳузурда меҳмонда бўлдим». Биз бундан Бартольднинг Ўрта Осиё тарихига доир китобини ўқиб чиққанини англай эдик. Бирор қизиқарли китоб дарагини эшитиб қолса: «Албатта, фалончининг меҳмони бўламан», дер эди. Мабодо қўлига мазмунаш қашшоқ бир китоб тушиб қолса, уни дарҳол четга суриб қўяр ва «буни ҳам қилиб бўлмайдими», деб қўяр эди. Лекин ўзига маъзур бўлган китобни қайта-қайта ўқир, бу билан ўз фикр доирасини кенгайтирар ва чуқурлаштирар эди...»

Шоир шу йилларга оид шеърларининг бирида ёзган эди:

Ҳар тараф тинч... Ётоғимда мен ёлғиз
«Йқтисодлар» тугунини ечаркан,
Папироснинг тутувлари ҳалқа из —
Чизиб секин тарқаб кетар тинмасдан

Соат — «чиқ-чиқ» — худди ёмғир томчиши.
Лекин тоғдек қалб тагига қулайди,
Борлиғимни чексизлик-ла улайди,
Кўзларимни секин боғлар сир ипи.

«Эрталаб» деб номланган бу шеърдан маълум бўлишича, Ойбек сиёсий иқтисод ҳақидаги китобни тонгга қадар мутолаа қилиб, унинг мағзини чаққан...

Ана шу тарзда Ойбек 20-йилларнинг ўрталарида, дорилфунун талабаси бўлган йилларда муттасил мутолаа ҳисобига сиёсий иқтисод, фалсафа, тарих, коммунистик ҳаракат, санъат ва адабиёт бўйича терап билан эгаси бўлиб етишди.

Ойбек дорилфунунда ўқиш билан бирга айни пайтда Шайхаптахурдаги собиқ рус-тузем мактаби негизида ташкил этилган Ленин номидаги 1-сон ўрта мактабда ҳам дарс берди. Эски идеология руҳида тарбияланган ўқитувчилар муҳитига янги ҳаёт шабадасини олиб кирсин деб, худди шу йилларда мазкур мактабга дорилфунуннинг бошқа баъзи бир талабалари ҳам ишга юборилган эди. Аммо М. Ҳакимов бошчилигидаги ёш ўқитувчилар билан Мунаввар қори таъсири остидаги кекса ўқитувчилар орасида муҳим масалаларда келишмовчиликлар пайдо бўлди. Кекса муаллимлар феодал ҳаёт урф-одатларини, умуман ўтмишни идеаллаштиришга кўпроқ мойил бўлиб, европача турмуш тарзининг ўзбек хонадонига кириб келишига қарши эдилар. Шунинг учун ҳам ёш муаллимлар уларнинг бу йўналишдаги хатти-ҳаракатларига қарши жиддий қаршилиқ кўрсатдилар. Ҳар иккала гуруҳ ўртасида катта обрўга эга бўлган Ойбек, гарчанд ёшларни қувватласа-да, уларни бу муҳим масалада оқилона иш юритишга даъват этди. Зероки, европача ҳаёт тарзини, янги урф-одатларни қабул қилиш билан бирга ўзбек халқининг қадимдан ҳукм суриб келаётган миллий-маданий анъаналарини улоқтириб ташламаслик ҳам керак эди. «Янги одатларни зўрлик йўли билан ҳаётга жорий этиш мумкин бўлмаганидек,— дер эди у,— эски урф-одатлар ва маросимларни ҳам қасддан оёғ ости қилиш ва халқ нафратини уйғотиш ярамайди».

Ойбек ўз дарсларида ўзбек адабиёти тарихини ўтар экан, жиддий аҳамиятга молик бўлган янгиликларга йўл очиб берди. Хусусан, у ўрта асрларда яшаган ўзбек адабиёти намояндаларни яқиндан билан ўқувчиларни ошно қилар экан, уларнинг асарларидаги мавжуд ижтимоий тузумга қарши исёнкорлик мотивларини қайд этишга ало-

ҳида эътибор берди. Ана шу мотивларда мазлум халқнинг миллий истибодга қарши олиб борган стихияли курашининг инъикосини кўрди. Ўзбек халқи олиб борган миллий-озодлик ҳаракатлари Октябрь инқилоби билан ҳамоҳанг бир ҳодиса эди, деган хулосага келди. Бу ўзбек адабиёти тарихига Ойбек бошлаб берган янгича, марксча-ленинча қарашнинг ажойиб намунаси эди.

Ойбек Мунаввар қори билан муносабатларида қанчалик одоб доирасида ҳаракат этмасин, кушларнинг бирида унга жиддий зарба беришига мажбур бўлди.

Муаллимлар хонасида кечаётган баҳс чоғида Мунаввар қори ёш ҳамкасбларига қарата бундай сўз қотди:

— Сизлар ўз ўқувчиларингизни фан ва маданият ар-боблари бўлишларини қанчалик хоҳламанг ва тиришманг, меҳнатларингиз зое кетади. Чунки улар на ўрис тилшини, на араб-форс тилларини биладилар. Шунинг учун ҳам улар олий мактабда ўқий олмайдилар. Бинобарин улар, сизлар ўйлагандек, билимдон алломалар бўлиб улғаймай-дилар.

Бу ўша давр ҳақиқатидан чиқиб айтилган гаплар бўлиб, уларни рад этишининг сира иложи йўқ эди. Аммо Ойбек хотиржамлик билан жавоб берди:

— Сиз маориф соҳасидаги энг катта хатони тўғри пайқадингиз. Ҳозир мактабларда на рус тили, на араб ва форс тиллари пухта ўргатишмоқда. Аммо сиз бугунги кундан туриб башорат қилмоқчисиз. Ҳолбуки, истиқболни кўра билиш ҳам керак. Бу йўлдаги нуқсонлар бугун бўлмаса эртага бартараф этилади-ку!..

Шу баҳсдан кейин Ойбек, К. И. Лапкининг шаҳодат беришига кўра, ўзбек мактабларида рус тилини ўқитишни қайта ташкил қилиш тўғрисида таклиф тайёрлади. Унинг режасига кўра, мактаблар икки босқичдан иборат бўлиши ва рус тили иккинчи босқич мактабларида она тили билан баробар ўқитилиши лозим эди. Бу таклиф ўша йилларда қаттиқ қаршиликка учради. Аммо тарих Ойбекда келажак туйғуси ҳам кучли бўлганини исбот этди.

Ойбек ҳали таълим-тарбия техникумида таҳсил олар экан, техникум аудиторияларида замонавий кийинган, ўрта бўйли, кўркем бир қиз пайдо бўлди. У аслида Янги шаҳарнинг Пушкин кўчасида жойлашган Пистоловци помидоги мактабининг 6-синфида ўқир ва ўз маълумотининг кемтик жойларини тўлдириш ниятида Павлоий техникумининг биринчи, иккинчи ва учинчи асос синфларида олиб борилётган ўзбек тили ва адабиёти ҳамда тарих

дарсларига қатнашар эди. Орадан бир йил ўтгач, маъмурият унга техникумга бутунлай кўчиб ўтишни таклиф этди. Қизнинг ота-онаси ҳам бу таклифни мамнуният билан қабул қилдилар. Туркистонда, бадавлат оилада таваллуд топган ва ўз тенгдошларига нисбатан апчагина кенг маълумот олган бу қиз рус тилини яхши билар, адабиёт, музыка ва тасвирий санъатдан хабардор, шунинг учун ҳам даврнинг энг илғор ва камёб ёшларидан бири эди. Агарда 20-йилларга оид газета ва журнал саҳифаларини варақлаб қолсангиз, унинг қаламига мансуб ҳикояларни, шунингдек уни биринчи ўзбек рассом қизи сифатида тавсиф этган мақолаларни учратишингиз мумкин.

Ойбек бу қизни кўриши биланоқ уни хуш кўриб қолди. Уни кўрганда кўзлари қувонадиган, кўрмаган кезлари эса қўмсайдиган бўлди. Унинг ширин овозиго, ўтли-чўгли кўзлари ҳам, нафисгина одим ташлашиго, ярим европача кийиниши ҳам Ойбекнинг хаёлини олиб қоча бошлади: йиғит қалбига муҳаббат қуши келиб қўнган эди. Зарифа (қизнинг исми шундай эди) аввал бу қушни қувмоқчи бўлди. Ўзини Ойбекдан олиб қочишга уринди, гап-сўзга қолишдан ҳайиқди. Ҳар қалай 20-йиллар. Паранжи ва сачвон, ичкари ва ташқари деган гаплар авж олган давр... Бунинг устига, у ўзини муҳаббат савдолари учун ҳали жуда ёш деб биларди. «Мен ёшман... Одамлар кўрса нима дейди... Йўлимни пойламанг... Тинч қўйинг»,— дегани-деган. Аммо Ойбек на эскирган урф-одатлар, на қизнинг раи билан ҳисоблашини хоҳлайди. Техникум муаллимларининг ҳам, талабаларининг ҳам ҳурматини қозонган йиғит ўзини Зарифа Саидносир қизига бирдан бир муносиб ёр деб ҳисоблайди. Яна Зарифанинги йўлини пойлайди. Сабр-тоқати битгач, шеърый хатлар ёзиб, унинг уйига киргизади:

«Йўлингда кутдим,
Ҳасратлар ютдим,
Ҳажринг-ла кўндан
Ўзни унутдим...»

Малагим, бир боқ!
Борлигимни ёқ.
Оҳ, ёшлик чоғим —
Бир кузги япроқ...»

Бундай хатлар қизнинг қўлига етиб бормади. Эшик-бош қариндошлар уларни шу заҳотиёқ йиртиб, гўё икки ёшни бир-бири билан боғлаши мумкин бўлган ришталар-

ни узиб ташлагандек ҳузур қиладилар... Шоиρ яна яши шеърларни, сайрга, висолга таклиф қилучи мактубларни йўллайди. Улар ҳам жавобсиз қолади. Йўқ, жавобсиз қолмайди! Бу хатларни ташувчи содда ва самимий кишилар уларни очиб ўқиб, ёдлаб оладилар-да, ўз маъшуқаларига ўқиб юрадилар. Шу тарзда ошиқона шеърлар, шоирнинг ўзи сезмаган ҳолда, бутунлай бошқа қалбларда акс-садо беради.

Аммо шоир тушқунликка тушмайди. Унинг қалбидаги севги чечаклари яна ҳам чаман бўлиб очилади:

...Эй севгим, мен учун ўзга бир рафиқ,
Ўзга бир севги йўқ, сенда вужудим.
Сен билан тирикман, сен-ла кўз юмгум,
Маҳзун кўзим сендан олур табассум...

Ҳаёт шунч кўрсатадики, осон-гаров қўлга киритилган бахт гули тезда хазон бўлади. Бахт қанчалик машаққат билан қўлга киритилган бўлса, унинг умри шунчалик узоқ ва қадрлидир.

Йигит билан қиз ўртасидаги муносабатлар дам илиб, дам совиб борди. Аммо умид Ойбекни асло тарк этмади.

1926 йилнинг ёз ойларида Зарифа Саидносирова ўқиш-ни аъло кўрсаткичлар билан тугатди. Тошкент техникумларининг битирувчилари шу йили биринчи марта Москва ва Ленинградга саёҳат қилиш шарафига муяссар бўлдилар. Зарифа «Навий» техникумини тугатган ягона қиз бўлгани учун хотин-қизлар билан юртининг собиқ талабалари билан сафарга отланди. Ойбек ўз маъшуқасининг саёҳатга бормаслигини хоҳлади: ялинди, ёлворди — бўлмади, Зарифа 20-йилларда яшаган ҳар қандай йигит ва қизнинг ширин орзуси бўлган сафарга усиз йўл олди.

Орқангдан йиғлаб қолдим,
Кўксимни тиглаб қолдим.
Қиз, дарёдан ошарсан,
Вилмам, қайда яшарсан.
Орқангдан йиғлаб қолдим...

Ушбу алам тўла мисралар ўша кунларда туғилди.

Шу йили шоир ҳаётининг унутилмас воқеаларидан бири юз берди. Ойбекнинг «Туйғулар» номли биринчи шеърый тўплами нашр этилди. Бу, шоирнинг поэтик ҳиссиёт ва кечипмалари билан йўғрилган илк, бахтга қарши, энг сўнгги тўплами эди. Орадан роса 40 йил ўтгач, у ўзининг иккинчи, том маънодаги лирик шеърлар китоби «Кўн-

гил куйлари»ни эълон қилди. Лекин уни ташкил этган шеърини дурдоналарнинг аксари 20-йиллардан қолган ёдгорликлар эди.

Нашрдан эндигина чиққан «Туйғулар» муаллифнинг қўлига тегиши биланоқ у Зарифанинг уйи сари югурди. Севимли ёрга аталган нусхага арабча нафис нақшлар билан «Энг сўнгги армоним Зарифа»га деган ўтли сўзлар битилган эди.

Орадан бир оз вақт ўтди. Аммо бахт, бари бир, кулиб боқмади. Ойбек, бир жиҳатдан, юксак малакали билим олиш истаги билан, иккинчи жиҳатдан эса, Зарифага аччиқ қилиб, 1927 йилнинг бошларида ўқишини Ленинградга кўчириб олди.

Ёр қолди узоқда...
Кўзларда йўқ учқун,
Эвоҳ, на ёмон кун?
Дил йиғлади кун-тун.
Қалбимда буюк доғ...

деб ёзди у яна ишқий кечинмалардан бағри хун бўлиб. Унинг ноталари, дард-ҳасратлари, умид-истаклари битилган хатлар энди маъшуқа қўлига етиб борди.

Нихоят 1928 йил июлида Зарифа Тошкентга таътилга келган шоирга унаштирилди. Энди Ойбек шеърларидаги изтироб тўлқинлари тиниб, муҳаббатнинг ҳаётбахш куйлари мавж ура бошлади.

Ойбек таътил ойларидан кейин Зарифа аталмиш бахтнинг этагидан ушлаган ҳолда Ленинградга қайтди. Лекин Нева бўйларида жойлашган шаҳар иқлими шоирга ёқмай қолган эди. Ойбекнинг ўпкаси шамоллаб, хасталик аста-секин унинг вужудини кемира бошлади. 1929 йил баҳорига бориб, унинг аҳволи анча мушкуллашди. Шифокорлар: «Жонингдан умидинг бўлса, тезроқ ўз юртингга бору Ленинградни бошқа орзу қилма», деб дангал айтишди. Хаста шоир меҳрибон қўлларга, иссиқ чехраларга, шифобахш сўзларга муҳтож бўлиб, яна бадбин хаёлларга асир бўла бошлади:

Бир тола сочингми бўйнимнинг боғи? —
Темир занжир каби уза билмайман.
Қалбимда минг яра — ҳижроннинг доғи,
Қачон мен тиззанга бошим қўйгайман?

Айрилиқ йиллари, оғир юк каби,
Сийнамга чўкмишдир, нозли севгилим,
Севги саҳросида кўрмагач сени,
Ёнгида жизганак бўлди ёш дилим...

Аmmo гамхўр меҳрибон дўстларининг ёрдами билан Ойбек Қора денгиз бўйларига бориб даволаниш имконига эришди. У Ялтадаги «Ўзбекистон» сапаторийсида уч ой даволаниб, июнь ойининг бошларида ўша йилларнинг энг даҳшатли касаллигидан мутлақо фориғ бўлиб, Тошкентга қайтди. Ўша ойнинг 29-куни икки ёшнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Келин ва куёв Саидносир Миржалпловнинг Тарновбошидаги ижарага олинган уйида истиқомат қила бошладилар.

Кейинчалик Ойбекнинг барча яширин ва аччиқ кунларини бирга тотиб, унинг қатор асарларининг майдонга келишига илҳом берган, у оғир хасталикка мубтало бўлган йилларда эса унга мушс ҳамдам ва ҳамдард бўлган, унинг унсиз лабларига қўнган сўз турналарини бирмабир териб, янги асарлар галаси янглиғ учирган Зарифа Саидносирова ана шу тарзда Ойбекнинг муҳаббатга, эзгуликка ташна қалбига, ҳаёти ва ижодига кириб келди. Ойбек чеккад ишқий изтироблар беҳуда бўлмаганини Зарифа она ўзининг бутун ҳаёти билан исбот этди ва ҳамон исбот этиб келмоқда.

Назаримизда, миннатдор шоир йиллар ва масофалар оша вафодор ёрнинг қулоқларига шивирлаётгандек:

Дарёлар сингари қўнглим жўшқинди,
Бир тола сочинг-ла боғлашиб қолди.
Васлингга етганим на гўзал кунди,
Айрилиқ сийнамга ёнғинлар солди.

Хаёлдек йўқолди яйраган чўқлар,
Дардинг-ла сўнаркан, қара, шўх кўзим...
Сени эркалайди денгиз, қирғоқлар,
Кўзлари чўлпондек поэли севгилим!

Одатда адабиёт аҳли бирор янги асар ёзиши билан уни газета-журналлар, нашриёт, радио ва телевиденига элтишга ошиқади. Қайсидир ижодкорни қалам ҳақи қизиқтирса, бошқа бир ёзувчини китобхоннинг асар ҳақидаги фикри ҳаяжонга солади. Ойбек ижодкорларнинг бу ҳар иккала тоифасига ҳам мутлақо ўхшамаган. У, аксинча, асарларини ёзишга ёзиб, ташлаб қўяр, сўнг ҳатто уларнинг мавжудлигини ҳам унутиб юборар эди. Кейинчалик у машҳур шоир ва адиб сифатида ҳурмат қозонган, китобхонлар оммаси эса унинг янги асарларини муштоқлик билан кутган пайтларда ҳам ўз одатини асло тарк этмади. Шунинг учун ҳам шоирнинг рафиқаси унинг иш столида, қоғозлари орасида ёки қайсидир чўнтагида ёт-

ган асарларни оққа кўчириб, редакцияларга ўзи элтиб берадиган бўлди. Унинг аксар шеърлари шу тахлитда матбуот юзини кўрди.

Агар Ойбекнинг «Кўнгил куйлари» тўпламини, «Асарлар» ва «Мукамал асарлар тўплами»ни варақласангиз, унинг қапчадан-қапчача ажойиб асарлари қирқ-эллик йилдан кейингина китобхонага тақдим этилганини кўриб, ажабланасиз...

«Шеърим гулларига шўнғиб ётоқда оз-моз йўқоламен, кўнглим тўлмайдим», деганди ўзига ниҳоятда талабчан бўлган Ойбек. Аммо шунга қарамай, у жуда кўп ёзади. Зеро, у билади: шеърини техникани, шеърини санъат сирларини эгаллаш учун тинмай ишлаш керак; шеър ёзиш — тошда гул ундиришдек гап, кеча-кундуз тинмай меҳнат қилиш лозим. У ана шу мақсадда, ижодий малакасини ошириш, адабий сабоқлар олиш иштиёқида Пушкин, Тютчев, Фет, Блок, Верхарн каби шоирларнинг асарларини кунт билан мутолаа қилди.

Ўз шеърларидан кўнгли тўлмайдиган шоир дастлабки шеърини китобидан ҳам қаноатланмаган эди. «Илк китоб,— деб айтган эди у,— ҳар ким учун ҳам қувонарли ҳодисадир. Шундай бўлса ҳам мен энди бутунлай бошқача ёзиш кераклигини тушунардим. Келаси йили Ленинградга ўқишга кетиб, рус тилини жиддий ўрганишга киришдим, рус ва жаҳон классикаси асарлари билан таниша бошладим. Шундан кейин «кашфиёт»лар оқими мени лол қолдираверди».

Ана шундай кашфиётлар орасида Александр Блок асарлари ҳам бор эди. Зарифа Саидноспированинг айтишича, шоир ўз умрининг сўнгги йилларида, ҳайёмона рубоийлар ва чуқур лиризм билан тўлиб-тошган шеърлар ижод қилган бир даврда яна Блок шеърларини энтиқиб ўқир ва унинг мафтунни бўлиб қолган эди.

Ойбекнинг таржимон-шоир А. Наумов билан қилган «Адабиёт, тарих, замонавийлик» номли суҳбатда Блок ҳақида, ўзбек шоирининг унда мутаассир бўлганлиги ҳақида кўп яхши гаплар айтилган. Гарчанд бу гапларнинг бир қисми суҳбатдош томонидан қўшилган бўлса ҳам, Ойбекнинг ажойиб рус шоирга бўлган эътиқоди чиндан ҳам баланд эди. Лекин Ойбек шеърларидаги қарийб барча ижодий сифатларни Блок номи билан боғлаш ҳақиқатга зиддир. Бизнингча, Ойбек Блок ижодини ўрганиш жараёнида ўзидаги қайси фазилатларни мустаҳкамла-

моқчи ва қайси қусурларидан халос бўлмоқчи бўлди — гап ана шу икки масала атрофида бориши керак.

«Туйғулар» муаллифи билан «Ямблар» ва «Соҳибжамол ҳақидаги шеърлар»нинг муаллифини, энг аввало, ўта самимийлик, даврни, инсоннинг абадийлигини, буюклигини туйғу ва кечинмалар пўртапаси орқали тасвирлаш, ўткинчи, аммо нохуш ҳоллардан яраланиш каби фазилатлар бирлаштириб туради. Шоир ўз ҳаётининг Нева бўйларида кечган даврида Блок ва бошқа рус шоирларини ўқиб, ўз шеърий малакасини ошириш чораларини кўрар экан, аввалги эстетик принциплардан қайтмади, балки уларни янада шакллантирди, уларни сентиментал фиғон ва надоматларнинг мунгли оҳанглиридан тозалашга уринди.

Мана, шоирнинг 1927 йил 14 июнда ёзилган ва 1966 йилдагина эълон қилинган бир шеъри. «Бог йўлида» деб номланган бу шеър Тошкентда, Ойбекнинг таътилга келган кезларида ва, эҳтимол, Ленин номли мактабнинг боғидан қайтиш чоғларида тузилган.

Чарчаб қолган кун ётоққа йўл солди,
Боғчалардан узоқлашди қуш сози.
Бўшлиқларга титраб, секин тарқалди
Аллақайдан сўфиларнинг овози.

Қора парда чўкди чагли йўлларга,
Чирилдоқлар унда-бунда сўйларди.
Узоқлардан қизлар, йигитлар яна
«Дарёларнинг ул юзи...» деб куйларди.

Аравани лиқиллатиб деҳқон чол
Енгинамдан ўтиб кетди жимгина.
Йўллар қора... тикиларди ёш хаёл
Олтин кўзми кўк қизлари ҳуснига...

Бу шеърда қуёш ботишидек фусункор манзара бог йўлида кетаётган шоирнинг қарашлари ва нозик мушоҳадалари орқали тасвирланади. Агар шеър гоёси шу лаҳзадаги гўзалликнинг иккишоф этилиши билан боғлиқ бўлса, унинг латофати ва ўзига хослиги ҳаётий деталларга бениҳоя бойлигида, гўзаллиқни ташкил этган унсурларнинг ўзаро уйғун ҳолатида кўринади. Шоирнинг маҳорати яна шу нарсада зухур берадики, у оқшом тушишини фақат табиатдаги ранглар алмашуви эмас, балки товушлар оламидаги ўзгаришлар орқали ҳам яққол гавдалантиради. Хуллас, бу шеърда лирик шоир маҳорати-

нинг ошаётганлигигина эмас, балки бўлажак улкан адибнинг туғилиб бораётгани ҳам аён кўринади.

Ойбек Ленинград сафаридан кейин ўз юртидаги манзараларни, ранглар ва садоларни, умуман ҳаётни бутун нозиклиги ва тафсилотлари билан кўра оладиган бўлди.

Шоир Ленинградда таҳсил олар экан, буюк рус адиблари қатори И. С. Тургенев ижоди билан ҳам яқинда танишди. Унинг насрий шеърлари билан ошно бўлган Ойбек ўзбек тилининг бениҳоят гўзал оҳанглари, муслиқий имкониятларида фойдаланиш зарурлигини, ўзбек назми ва насрида ҳали кашф этилмаган сири оролар мавжудлигини тушунди. У мансур шеърлар ёзиб, ўзбек тилининг ранг-баранг оҳанг ва садоларини синаб кўрди. Унинг ижодига, унинг асарларига ўзбек тилининг фусункор ранглари ва дилбар оҳанглари аста-секин кириб кела бошлади.

1928 йилнинг ёз ойларида ўзбек совет адабиётининг бўлажак икки атоқли вакили тақдир тақозоси билан биринчи марта Ленинградда дийдор кўришдилар. Ойбек билан Ҳамид Олимжон ўртасидаги илк учрашувнинг инқилоб бешигида юз бериши рамзий маънога эга. Зеро, инқилоб бўлмаганда, бири Тошкентда, бошқа бирови Жиззахда туғилган икки кишининг улкан шоир бўлиб етишувю, бир-бири билан дўстлашиши, ҳатто қуда-анда бўлиши даргумон эди.

20-йиллар шароитида ўзининг биринчи шеърий китобини эълон қилган шоир шу заҳотиёқ эл оғзига тушарди. Ойбек ҳам ана шундай шуҳрат қозонгани сабабли Ҳамид Олимжон уни дарҳол таниди.

— Ойбек эмасмисиз? Кўзимга иссиқ кўринасиз. Рухсат этинг, танишайлик. Самарқанддан келдим. Ҳамид Олимжон бўламан,— деди у кулиб.

Ойбек ўн тўққиз ёшлардаги, қарашлари ўткир, кўзлари тиниқ ва жиддий ҳамюртини кўриб, қувониб кетди. У вақтли матбуот саҳифаларида кўрина бошлаган бу йигитни, аниқроғи, унинг шеърларини билар эди. Шунинг учун ҳам суҳбат бир зумда қовушди-кетди. Суҳбат орасида Ҳамид Олимжон қўққисдан сўраб қолди:

— Эшитишимга қараганда халқ хўжалиги институтида эмисиз?

— Ҳозирги даврда иқтисодий билимлар, ижтимоий оқимлар, марксизм масалалари ниҳоятда муҳимдир. Мен буларни яхши ўрганиш учун шу институтни тандадим. Бизда марксизмга оид ишлар энди бошламоқда. Аммо

мен марксизм таълимоти, иқтисодий билимлар билан бирга адабиёт билан ҳам бағоят қизиқаман. Шеърятни юракдан севаман,— деди Ойбек.

Бу сўзлар шунчаки айтилган, пуч сўзлар эмас. Зероки, унинг «Кўнгиш найлари» (1929) ва «Мангала» (1932) номли иккинчи ва учинчи китоблари ҳаётга йўлланма олиш арафасида эди. Шунга қарамай, унинг диққат-эътиборини сиёсий иқтисод масалалари эгаллаган эди. Ўз олдига иқтисодчи бўлиш вазифасини қўйган Ойбек 1930 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг иқтисод факультетини тугатгач, шу дорилфунунда сиёсий иқтисод ва марксизм-ленинизм асосларидан лекциялар ўқий бошлади.

Адиб ўша йилларни хотирлаб, бундай ёзди: «1932 йилдан 1935 йилгача иқтисод кафедрасида ассистент бўлиб қолдим. Мактабдаёқ шуғуллана бошлаганим — адабиёт мана шу йиллар давомида меннинг иккинчи асосий касбим бўлиб қолди. Бироқ 1935 йилда шундай бир пайт келиб қолдики, мен олим иқтисодчи ва ёзувчиликдан бирини танлаб олишим зарурлигини ҳис эта бошладим. Шунда ҳақиқий орзум адабиёт эканлигини тушундим».

Чиндан ҳам Ойбек 1935 йилда ўз ҳаётининг чорраҳасига чиқиб қолган эди. Энди унинг қаршисида икки йўл турарди. Ойбек ана шу йўллардан бирини — уни адабиётнинг машаққатли, ammo сеҳркор масканига олиб боровчи йўлни танлади.

Иккинчи қисм.

УЛҒАЙИШ ЙЎЛИДА

ҚАЛБДАГИ ОЛОВ

*Майли сув ич, қаттиқ нон
кемир.
Лекин ёнсин қалбингда олов.
Фалсафанинг аччиғин сипқир,
Фароғат тин, сенга бўлсин ёв.*

ОЙБЕК

○ ойбек болалиғи кечган даврда Тошкент даҳаларида катта-кичик ҳовузлар сероб эди. Ҳали сув оқиб ўтувчи темир қувурлар шаҳар ҳаётига келиб кирмаган бир вақтлар бу ҳовузлар бирдан-бир ҳаёт манбаи эди. Қаҳратон қиш чилласида, бўғотларда сариқ сумалак шодалари шам каби саф тортганда, бу ҳовузлар ҳам муз кўрна билан қопланар, одамлар зарурат юзасидан ҳовузга тешик очиб, сув олар эдилар. Бир челақ энидаги бу тешик хуққа деб аталарди...

Ойбек оғир иқтисодий тангликка дош бериб, Тошкент ва Ленинградда таҳсил олган кезларида бир бурда қотган нон, бир пиёла сув билан тирикчилик ўтказган кунлари ҳам бўлди. У ҳали катта ҳаётга йўлланма олмасданоқ, иқтисодий шароити жиндек яхшилаш ниятида, Тошкентда — Ленин ва Намуна номидаги ҳамда совет-партия мактабларида, тайёрлов курсларида, Ленинградда эса Жонли Шарқ тиллари институтида дарс берди. Мустақил ҳаёт йўлига чиқиб олиши билан дорилфунундагига эмас, Ўрта Осие нахтачилик институти, Ўрта Осие план иқтисод институти, Педагогика институти ҳамда бошқа олий ва ўрта ўқув юрғларида доцент сифатида қизғин педагогик фаолият билан шуғулланди. Яна шу йилларда Москвада, Коммунистик академия ва Иқтисодий тадқиқотлар институтида ҳам бир қанча муддат ишлади.

Ойбек қандай шароитда яшамасин — қуруқ сув ичиб, қаттиқ нон кемирадими, Нахтачилик институти ёхуд Коммунистик академияда дарс берадими, Йўлчи ёхуд Навоий яшаган тарихий давр билан нафас оладими — унинг қалбида ҳаминша ор-номус оловни, ғайрат ва жасо-

рат олови ёшиб турди. Ана шу сўнмас олов туфайли у адиб сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам, таржимон ва адабиётшунос олим сифатида ҳам ўз замондошлари ва издошларидан кўпроқ меҳнат қилди ва бу соҳаларнинг ҳар бирида ўзидан ўлмас обидалар қолдирди.

Ойбек қолдирган мерос беҳудуд бир уммондир. Бу уммон гарчанд шоирнинг болалик йилларидаги муз парда билан қопланган ҳовузга асло ўхшамаса-да, бари бир, унинг ҳам ўзига хос ҳуққаси бордек туюлади.

Қарийб ҳар бир шоир ижоди шу шоир ҳаётининг йилномаси сифатида бошланади. Шоир, айниқса, ёшлигида воқеликни фақат ўз назарига илинган кишилар, воқеалар ва буюмлар орқали акс эттиради. Ойбек ҳам бундан истисно эмас.

Шу нарса мароқлики, Ойбек эндигина ижод эта бошлаган йиллардаёқ ёшлик хотираларидан иборат шеърларини ёза бошлади. Бу шеърларнинг бир қисмида унинг болалик ва ўсмирлик чоғларидаги шўхликлари тасвир этилади. Шоир гоҳ беозор мусичанинг кўзини боғлаб, уни «кўр мулла» қилиб учирган, гоҳ ошиқ ўйнаб, гоҳ довучча ўғирлаган, баъзан эса итиси томма-том зириқтириб қувган дамларини ҳазин қулги аралаш эслайди.

Шоирнинг болалик ва ёшлик йиллари хотираларида икки хил оҳанг бор. Бири шўх ва ўйинқароқ, йилларнинг нашидасини ифодаласа, иккинчиси унинг армони, дард ва ҳасрати билан тўла. Гап шундаки, Ойбек болалигида икки сиймонинг — бобоси ва онасининг меҳрини эмиб ўсди. Аммо уларнинг бирортаси олдида ўзининг фарзандлик қарзини уза олмади. Ўз меҳнатининг самараси бўлган бирорта китоб уёқда турсин, тўрт чақмоқ қанд билан тўртта нонни кўтариб бориб, улар кўнглини обод эта олмади. Эҳтимол, ана шу армон орқасида у — кейинчалик катта имтиёз ва имкониятларга эга бўлган адиб кишилардан меҳр ва ёрдамни асло аямади.

1924 йилда Ойбек онаси Шаҳодат бону вафотига тўрт йил тўлган кунда унинг қабрини зиёрат этгани борди:

Кўз ёшим тинмас бу чоқ,
Она, менга бир оз боқ!
Ҳасратингда эзилдим,
Юзларим — кузги япроқ.

Севинчларим йўқолди,
Кўнглимни қайту олди.

Ўйпар, кулар чоғимда
Ҳажринг неларга солди?

Лабимда бир ўтли оҳ,
Хаёлим уфқи сиёҳ.
Мозорингга йиқилдим,
Истадим тогли нигоҳ...

Бу шеър эмас, шоирнинг она қабри устига маржон бўлиб тўкилган кўз ёшларидир...

Орадан етти йил ўтгач, Ойбек тоқчада, йиллар бичган чағи кафанида абадий уйқуга толган китобларни аста варақлар экан, унинг нигоҳларида қолган она тасвири қайта жонланди. Бу она севиб ўқиган, унинг ўлими билан ўзлари ҳам мангу уйқуга кетган китоблар эди. Ойбек ана шу диний китоблар баҳона яна онанинг маъсум чеҳрасини, дардли қўшиқларини, дўппи ё тўн учун гўлос, пистоқи, барги карам, қовоқранг ипақлардан жияк тикиб ўтирган кезларини эслаб, уни ўз хотирасида тирилтирди:

Ез чоғи... Сен якка ариқ бўйида
Ёдингга келган бир дардли қўшиқни
Куйлаб секингина... хаёл қўйнида
Қатим тортиб қучдинг умид-тўпиқни.

Қуйларкан секин руҳсиз оқшомлар
Сенинг ёниқ кўзларинг қорачиғида,
Кундузги меҳнатнинг излари қатор...
Биз-ла ўлтирардинг айвон бурчида.

Еттинчи лампанинг олов тилчаси
Қоронғилик бағрин аста тиларкан,
Тизсангда бир дўппи ё тўн жияғи,
Ишлардинг тинмасдан, асло тинмасдан.

Қаҳратон қиш... Совуқ... Титрар қўлларинг
Тутолмас игнани... Ўлик бир кеча
Илиқ нафаслари сўнган танчага
Ётқизгач бизларни, очиб китобинг —

Ўқирдинг пчингда... Мендан-да уйқу —
Қочарди... Боқардим маъюс, жимгина,
Болалик севгим-ла, олтин севгим-ла...
У онлар кўнглимдан ўчмайди мангу!..

Шоирнинг «болалик севгиси, олтин севгиси» билан тўйинган бу самимий сатрлар оша мушфиқ онанинг кейинчалик Ойбек қонига кўчган ажойиб фазилатлари гавдаланади. Бу тинимсиз ишлан, тинимсиз иш иқлимида яшаш билан боғлиқ фазилатлардир. Ойбекни кўрган ки-

шилар унинг «ёниқ кўзлари қорачиғида» нафақат кундузги, балки тунги меҳнатнинг ҳам излари акс этганини яхши биладилар. Маълум бўлишича, бу ҳам она сути билан кирган ҳодиса экан.

Ойбек ана шу бир парчасигина олинган шеър билан ўз онаси хотирасини ўзбек шеърлятида абадийлаштирди. У кейинчалик ҳам бу қутлуг мавзуга қайта-қайта мурожаат этди. Натнжада Шаҳодат бону образи Ойбекнинг шеърини ва насрий асарлари, айниқса «Болалик» қиссасида ўзининг ташини чехраси билан жилва бериб туради.

Ойбекнинг болалик ва ёшлик хотиралари билан тўйинган шеърларида яна бир муҳим тарона бор.

Шоирнинг болалик хотиралари тўлқин отган шеърларида, унинг шўх ва олов ўртоқлари қаторида, баҳор шабадаси сочларини силлаган, қуёш қувноқ юзларига тикилиб тўймаган қизлар ҳам тилга олинади. Ойбек бир вақтлар бирга довучча ўғирлаб, томма-том югурган қизларнинг бугун паранжига бурканганини кўриб, ажабланади,

У чоқлар ўтдими, эркин олди ким,
Кўчада туртинган, паранжили қиз?
Мени танидингми, ёшлиқдан қолди
Хотирамда фақат туманли бир из...

Кунин кеча эркин оҳу каби сакраб-сакраб яшаган қизларнинг янги ҳаёт куртаклари гулга кираётганига қарамай, ўрта аср қафасларига тушиб қолгани шоирни ташвишга солади, бу қизларнинг янги замонда жавлон урини ўрнига фаол ҳаётдан, маориф ва маданиятдан узлатга томон чекинаётганларига қарши курашмоқ керак, деб билади.

Ойбек 1931 йилда даврнинг ана шу долзарб мавзуга бағишланган биринчи йирик асари — «Дилбар — давр қизи» достонини яратди.

Муаллиф бу достонни дастлаб «Ўтинчининг қизи» деб атамоқчи бўлди. Шоир унда оддий меҳнаткаш чолнинг қизи янги турмуш қучоғида, янги ҳаёт офтобини эмиб, даврнинг илгор ва зиёкор фарзандларидан бирига айланишини кўрсатмоққа интилди.

Достон қаҳрамони — Ойбекнинг бояги, «Ёшлик хотираларидан» шеърини тилга олинган қизнинг шўх-шан дугоналаридан биридир. Улар мурғак кезларида довучча ўғирлашиб, ёшликнинг беғубор нашъу-намоларидан баҳраманд бўлиб яшаганлар. Аммо уларнинг тақдири ҳавас

қиларли эмас. Чунончи, Дилбар беш яшар чоғидаёқ она меҳридан маҳрум бўлган. Отаси Қосим ҳаскашнинг уйига ҳам ва алам булути чўккан. Бечора ота ёлғиз қизини ўйлаган, унинг манглайига офтоб тегишини орзу қилган. Лекин афсуски, унинг онги феодаал асрлар губоридан ҳоли эмас: у ўзининг яккаю ягона севинчини Пирмат аллоф аталмиш «соқоли оқ бир шайтон»нинг яқанчи ўғлига бермоқчи, шу билан гулдай қизи олдидаги оталик бурчини ўтамоқчи бўлади.

Бу ўрида шу нарсани қайд этиш керакки, Пирмат аллоф ва кейинчалик «Олтин водийдан шабадалар» романида катта сатирик маҳорат билан чизилган Аширмат образлари бир илдиздан, бир ҳаётини манбадан униб чиққанлар. Шоир уларнинг ҳар иккисини, афтидан, бир реал прототипдан олган кўринади. Мана, қаранг:

Бор эди маҳаллада
Пирмат аллоф аталган
Соқоли оқ бир шайтон.
Ичи ҳийла ва пайранг
Уясийди... У ҳар чоқ
Харидорни саноқда
Адаштириб бир озроқ
Кам тортеа, кайфи тароқ.
Торозу ўйинини
Яхши биларди аллоф.
Нуфлаб турар пулини.
Билмас у гуноҳ, савоб...
Пирматнинг ўғли борди,
Бесўнақай ва узун.
Безли, тиришган бўйин
«Нон емас» аталарди;
Ҳозир касби яқанчи.
Эртадан кечга қадар
Бутун шаҳар, растанн
Кезади, олиб сатар...

Пирмат аллофнинг бу бесўнақай ва бўйини тиришган ўғли, отаси сингари, азбаройи зикна бўлганидан хотинини «тергаб-тежаб рўзгор тутмайди», деган баҳона билан қўйиб юборган. Агар муҳтарам китобхонининг ёдида бўлса, Аширматнинг ўғли Боқи ҳам худди шундай баҳона билан ўзидан юз чандон оқила ва покиза хотинини қўйиб, Тапсикқа кўз олайтириб юрган. Хуллас, уларнинг ташқи ва ички қиёфаларида умумий қирралар оз эмас. Бу оғанин қаҳрамонлар ўртасидаги фарқ фақат шундан либоратки, уларнинг бири 20- йилларнинг сўйиғида, иккин-

числ эса 50- йилларда ўз «хусн-жамол»ларини намоён этишди.

Зиқналик, Ойбек назарида, энг даҳшатли иллатлардан бири. Зиқна ва очкўз киши бошқалар ҳисобига, улардан юлиб қолиш эвазига яшайди. Пирмат аллоф 20- йиллар шароитида Қосим хаскаш каби фақирлар насибасини қирқиб, Дилбар сингари қизлар бахтини бўғиб яшаган. Бундай кишилар домига тушиш маҳв бўлиш билан баробар эди. Шунинг учун ҳам Дилбар отасининг раъйига қарамай, даврнинг зиёбахш кучлари кўмагида бу домга тушмаслик чораларини излайди. Ўқиб, хат-саводли бўлиб, ўзи сингари, манглайи нур кўрмаган ўзбек хотин-қизларининг ҳурликка чиқиши, бахт ва саодат нашидасини топиши учун жонбозлик кўрсатади.

Хотин-қизлар озодлиги бу давр адабиётининг энг муҳим мавзуларидан бири эди. «Хамзадан бошланган бу тема,— деб ёзган эди Ойбек,— шаклланган традицияга эга бўлиб, уни ҳеч бир ўзбек ёзувчиси четлаб ўта олмади. «Кўр қизга», «Ёшлик хотираларидан», «Ўзбек қизларининг бахти», «Самарқанд қизига» ва бошқа талай кичик шеърлардан кейин мен «Дилбар — давр қизи» поэмасини ёзишга киришдим. Унда мен революция патижасида озод бўлган ўзбек хотин-қизлари ҳаётидаги янгиликни, тўла озодликка эришиш йўлида турган қийинчиликларни, оилавий урф-одатларни тасвир этишга ҳаракат қилдим. Поэма, шубҳасиз, ўз вақтида ёзилган эди. Қизини шу бўлдики, поэма босилиб чиққандан сўнг, жуда кам учрайдиган Дилбар неми кенг тарқалиб кетди».

Чиндан ҳам, бу асар Ойбекка катта обрў келтирди. Янги ҳаётни завқ-шавқ билан тараннум этган бу дoston эл оғзинга тушди, кенг жамоатчилик оммасининг диққат-эътиборини тортиди. Бу ижодий зафардан илҳомланган шоир «Ўч», «Темирчи Жўра кофир», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Ўрознинг бахти», «Қаҳрамон қиз» каби дostonларини кетма-кет ёзиб ташлади. 1937 йилда қаламдан чиққан «Гулноз» дostonида эса яна ўша, хотин-қизлар озодлиги мавзуининг янги уфқларини ахтарди. Бу асар «Дилбар — давр қизи» дostonига нисбатан анча олға ташланган одим эди. Лекин шу кезларда адабиёт оламида айниқса авж олган суронлар туфайли дoston ўз вақтида нашр этилмай қолди.

Шухратнинг гувоҳлик беришича, Ойбек «Гулноз» дostonини ўша кезларда «Ўзбекистон совет адабиёти ва санъати» журнаliga олиб келган. У асарнинг бош қисми-

дан бир парча ўқиб, сўнг уни журналга қолдириб кетган. Аммо дoston ҳадеганда журналда босилавермаган. Бу орада Ойбекнинг ўзи ҳақида гап чуваланиб қолади.

«Бир кун мундоқ қарасам,— деб ҳикоя қилади Шуҳрат,— «Ёш ленинчи» газетасида журнал котибининг ана шу қўлёзма ҳолидаги дoston ҳақида салбий мақоласи босилиб чиқди. Остида давоми борлиги ҳам айтилган, эртасига яна чиқди. Яна давоми бор, дейилган. Менга малол келдим ёки Ойбекка бўлган муҳаббатим қаҳримни қўзгадим, кечқурун ишга келдим, журнал котибининг тортмасини қарасам, дoston турибди. Ножўя иш қилаётганим ҳам эсимга келмасдан, дostonни қўлимга олдим ўз жойимга бориб ўтирдим. Бир лаҳза қўрқинч аралаш ҳаяжон босди. Кейин дostonни портфелимга солиб, уйимга олиб кетдим. Дoston ҳақидаги мақоланинг давоми газетада яна чиқди. Лекин автор фикрларини «исботлаш» учун бу гал дostonда мисол келтирилмаган эди. Чунки, дoston «йўқолган» эди. Котиб мақолани пешма-пеш ёзиб бераётган экан...»

Хуллас, ўзбек хотин-қизларининг машаққатли қисматига бағишланган бу асарнинг тақдирини ҳам енгил бўлмади. Асар орадан атиги ўттиз йил ўтгач, 1968 йилга келибгина ҳаёт юзини кўрди.

Гулноз маълум маънода Дилбарнинг давоми эди. Шоир бу жасур, фаол ўзбек қизи образида янги жаҳоннинг юксак суръатлар билан ривожланиб ва мустақамланиб бораётгани, янги навқирон авлоднинг, коммунистик ғоялар билан нурланган янги кишининг, янги инсоний муносабатларнинг туғилиб бораётганини акс эттирди.

...Мусо эски мактабдан қайтиб келганда, онаси унинг кўйлак-иштонларини ошноқ қилиб ювиб, арқонга ёяётган эди. «Эртага Янги бозорга жўнайсан. Даданнинг олди-дан одам келган», деди у. Мусо ўртоғи Аъзамнинг ҳам сафарга бирга боришини эшитиб, боши осмонга етди. Эртаси, тонг саҳарда, мампашиша, ип-игна, қанд-чой кабинетини ортган арава йўлга чиқди. Чошгоҳдан ошганда, чўл бошланиб кетди. Ҳаммаёқ дашту биёбон... Аҳён-аҳён-да калхат пайдо бўлиб, бир-икки айланиб, яна ғойиб бўлади... Шу алфозда Дарвишакка қадар на бир одам зоти, на бир тиккайган дарахт учрайди...

Дарвишакда кичкина бир чойхона бор экан. Лавангина самоварчи йўл азобидан ва саратон ҳароратидан толган меҳмонларни обдон куттириб, сўнг самовар қай-

нагач, бир чойшақ чой билан икки дона қотган пөнни спр-
сиз латинисда кўтариб келди. Аравакани билан икки бола
ҳали бир инёладан чой ичиб, чанқов азобидан қутулишига
улгурганлари ҳам йўқ эдики, бирдан дўмбира овози ян-
раб кетди. Бу Мусонинг дўмбирани бирипчи бор кўриши
ва тинглаши эди. Унинг назарида бўм-бўш адр узра ал-
лақандай чавандозлар пайдо бўлгандек эди. От дукурла-
ри гоҳ яқинлашиб, гоҳ олислашаётгандек туюлаётган бир
пайтда дўмбирачи қозоқ чолнинг бўғиқ овози чойхонапи
тўлдириб юборди:

«Жабини¹ жавга мишбе жали йўқ, деб.
Жаманнинг қизин алма, мали кўп, деб.
Жетпейди жамаи адам қадринга,
Жақсидан қури қалма мали жуқ, деб.

Кўп асрлик ҳаётин тажриба орқасида пайдо бўлган
ана шундай ҳикмат ва пайд-насиҳатдан иборат сатрлар-
нинг сўнгсиз шодаси дўмбира торларидан оқаётган жўш-
қин шалолога бора-бора қўшилиб кетди. Мусо бу жўшқин
оқимнинг асло тўхтамай, унинг ҳаёлида беҳудуд уммонга
айлашинини орзу қилар эди. Бир маҳал чолнинг қўшиғи
ҳам, дўмбиранинг сайроқ торлари ҳам тинди. Аммо у
Мусонинг қулоқларидан узоқ вақт кетмади.

Ана шу соатдан бошлаб у қаерда қозоқларни кўрса,
уларнинг саҳройи тилларини тинглайдиган, расм-рўсма-
ри, урф-одатларини кузатадиган бўлди. Мусо ва Аъзам
Янгибозорга, дадалари ҳузурига етиб олганларидан сўнг
қардош қозоқ халқи, унинг тили, оғзаки ижоди, урф-
одатлари билан яқиндан танишини имконияти туғилди.

Кунларнинг бирида бекорчи йиғитчалар кенг адир
этагида элас-элас кўринган овулга бориб, тўй маросими
устидан чиқиб қолдилар. Дастваб ҳаммани, айниқса улар-
ни қаттиқ ҳаяжонга солган улоқ бўлиб ўтди. Сўнг, қуён
оғиши билан, қизлар ва аёллар сафи ўтов сари йўл олди;
улар билан изма-из ўтовга бир тўда ясаган йиғитлар
ҳам кириб бордилар ва қиз-йиғитлар ўртасида айтишув
бошланди.

«Қозоқларнинг расмича,— деб эслайди Ойбек,— қиз-
лар балад, қўнғироқ овоз билан, жонли имолар билан,
кўзларини чиройли ўйнатиб, шундай қўшиқ айтишадикки,
Аъзам икковимиз ҳайрат билан бақрайиб, эс-ҳунимиз
органдай, маҳлиё бўлиб қоламиз.

¹ Ёш той.

Қизлар, йиғитлар бир-бири билан шундай шўх, шундай уста айтишадики, бирортаси жавоб тополмай, лабини тишлаб қолмайди. Нозик пичинглар, ўткир киноялар билан бир-бирларидан ўзишади. Қулги, қийқириқ, ўлап тинмайди...»

Шу оқишомдаги куёв билан келишнинг шўх айтишуви Мусо хотирасига бир умрга ёзилиб қолди.

Мусо ана шу сафар кезларида кўпгина қозоқ эртак ва ривоятлари, термалари, мақол ва маталларнинг эшитди. Ана шундай ривоятлардан бири ўша чоғлардаёқ унинг шопрона хаёлини мафтун этди.

Бу, аслида ҳаётда рўй берган воқеа эди. У оғиздан-оғизга, аҳтимол авлоддан-авлодга ўтиб, янги-янги тафсилотлар билан бойинган, ундаги киши номлари ўзгарган, реал белгилар ўрнига халқ ижодининг анъанавий приёмлари талаб этган бўёқлар кириб келган эди.

...Қозоқ овулларида бирида ўн тўрт кунлик ойдек гўзал қиз яшар экан. Бу қизнинг таърифи узоқ овулларга ҳам борган, унинг ҳусну жамолига мафтун бўлган биилар беодоқ экан. Унинг кўпчилиги фақат бир кимса — шу овулда яшовчи, дўмбира чертганда булбул унинг бошидан кетмай баравар қўшиқ айтувчи, қўшиқлари сеҳридан қақроқ чўлларда ҳам гуллар униб чиқувчи йиғит овлаган экан. Улар муҳаббати тобора гул ёзиб, бутун бошлиқ бир чамап бўлибди. Аммо қизнинг жамоли ойдай тўлиб, ҳусни қаймоқдай қуюлган кезларда Тошкентдан келган савдогар уни бир кўрибдию ошиқу беқарор бўлибди. Сўнг уни қанчадир қўйлар эвазига сотиб олибди. Бу савдога чидамаган йиғит Тошкентга бориб, савдогарнинг қаролари ўртасида ўзига маслакдош кишиларни топибди. Улар ўз ёри ишқида куйган қозоқ оқишининг дарду изтиробларига шерик бўлиб, савдогар боийга қарши исён қўтарибдилар. Ана шу исён туфайли икки ёш бир-бирларининг висолларига етибди.

Ойбек бир қанча замонлар илгари бўлиб ўтган бу воқеани Янгибозорга қилган ўша сафари чоғида эшитган экан. Шундан буён қанча вақт ўтмасин, у ана шу воқеани қаламга олини пиятида яшади. Ниҳоят, «Дилбар — давр қизи», «Ўч» каби достонлари китобхошлар томонидан самимий кутиб олингач, у ушбу воқеа-ривоят асосида дoston ёзишга киришди.

«Асарларимда ўтмишнинг бонқа образлари — озошлик учун куранувчилар образлари ҳам найдо бўла бошлади,— деб ёзган эди у таржиман ҳолида.— Отам билан

тез-тез бориб турадиган Қозоғистон, она юртим ҳамда турли ерларда эшитган кўпгина кўшиқ ва афсоналар хотирамда сақланиб қолган. Айниқса Қозоғистон чўлларида отда кезган вақтларимдаёқ уйғонган ҳиссиётлар мени ўзига мафтун этган, бу тўғрида ижод қилишга мени илҳомлаштирган эди. Ўша вақтда эшитганим, тошкентлик савдогар томонидан сотиб олинган гўзал қозоқ қизи ва Тошкентда ҳунармандлар ва батрақларни бойга қарши оёққа турғизиб, ўз севгилисини озод қилган халқ оқини тўғрисидаги ажойиб эртак ижод булоқларимни мавжга келтирди».

1933 йил октябрида ёзилган ҳамда Ойбекнинг энг гўзал асарларидан бири бўлган «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонинда илҳомнинг ана шу маст қилувчи ҳиссиёти аён сезилиб туради.

30-йилларнинг бошларида социализм бутун мамлакат бўйлаб зарбдор одим ташлай бошлади. Қишлоқларда коллективлаштириш, шаҳарларда саноат гигантларини барпо этиш ишлари авж олди. Инқилобнинг зафарли байроғи маданий жабҳаларда ҳам ҳилпирай бошлади. Социализм мамлакатнинг турли тараққиёт босқичларида бўлган гўшаларида узил-кесил тантана қилиш учун миллий республикалардаги халқлар ва элатларни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдангина эмас, маданий жиҳатдан ҳам яқинлаштириш зарур бўлиб қолди. Шу мақсадда рус бўлмаган бошқа барча халқлар учун иккинчи она тили сифатида рус тилини ўргатиш, аксар халқларнинг анъанавий ёзув маданиятларини рус графикаси асосида ислоҳ этиш тадбирлари белгиланди.

Социалистик қурилиш авж олган 20 ва 30-йиллар тажрибаси шунини кўрсатдики, янги инсонни тарбиялаш янги саноат марказларини, янги шаҳарларни барпо этишдан мураккаброқ ва улардан кам аҳамиятга молик бўлмаган масала экан. Шунинг учун ҳам янги инсонни тарбиялаш иши ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий ва маънавий масалаларни ўз қамровига олиб, бу соҳаларга алоқадор кишилардан фидойилик ва фидокорликни талаб этар эди. Бу ҳолни ўз вақтида ҳис этган Ойбек олми ўқув юртларида сиёсий иқтисоддан лекция ўқиш билан бир вақтда, 1933 йилда Маориф Халқ Комиссарлиги қошидаги Маданий қурилиш илмий-текшириш институтига ҳам ишга кирди. 1934 йилда ана шу институт базасида Ўзбекистон Фанлар комитети қарамоғида бўлган Тил ва адабиёт инс-

титутти ташкил этилди. 1937 йилда эса бу институтга А. С. Пушкин номи берилди. Ойбек бу институтда ўзбек классик ва совет адабиёти бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадний ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида» чиқарган 1932 йил 23 апрель қарори умуман адабий ҳаракатнинг, хусусан танқидчилик ва адабиётшуносликнинг жонланиши ҳамда ривожланиши учун замин ҳозирлади. Октябрга қадар ва ундан кейинги ўзбек адабиётининг актуал муаммоларини ўрганиш кун тартибига қўйилди.

Ойбек 1933-1934 йилларда «Фалсафий терминлар устида бир қанча сўз», «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик», «Социалистик лирика учун», «Сўнгги йиллар ўзбек поэзияси», «Ғафур ҳақида», «Ўзбек поэзиясида тил» каби адабий-ташқидий мақолаларини эълон қилди. Аммо у худди шу йилларда адабиётшунос сифатида икки муҳим масалани ўрганиш билан шуғулланди. Булар ўзбек классик адабиётининг қарор топиши ва гуллаб-яшнашидаги Алишер Навоий ҳамда ўзбек совет адабиётининг шаклланишидаги Абдулла Қодирий ижодининг аҳамияти билан боғлиқ масалалар эди. У, чунончи, Абдулла Қодирий ижодининг ўзига хос хусусиятларини, уни вужудга келтирган тарихий-маданий муҳитни тушуниш ва ҳис этиш ниятида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги адабий ҳаракатни синчковлик билан ўрганди. 1870—1917 йиллар мобайнида нашр этилган «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Самарқанд», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталаридан тортиб, «Ойна», «Ал-ислоҳ» журналларига қадар бўлган босма манбаларни мукамал ўрганди. Айни замонда роман жанрининг тарихи ва назариясига доир илмий адабиётни кенг мутолаа қилди. Натижада 1936 йилда унинг, гарчанд вульгар социологизм назариясининг айрим таъсирларидан ҳоли бўлмаса-да, «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» деган ўзбек адабиётшунослиги тарихида биринчи йirik монографияси майдонга келди.

Ҳосил Ёқубовнинг пақл қилишича, Ойбек шу йилларда бошқа илмий ходимларнинг илм-фанга алоқасиз суҳбатларида қочиб, хопанинг бир чеккасида бирор газета бойламини ё журнал сонларини варақлаб, ўзига керакли адабий фактларни мисқоллаб териш ва билим доirasини кенгайтириш юмушлари билан банд бўлар эди. Афсуски,

Ўзбек адабиётшуносларининг ҳозирги авлоди адабиётшиносликнинг дастлабки қалдирғочлари ижодини бирламчи манбалар орқали эмас, балки ҳамкасбларининг баъзан хом-хатала битилган асарлари орқали ўрганиб келадилар.

Тарих одилликини, оқилликини, ҳолисликини севади. Ҳаёт, адабиёт ва санъат ҳодисаларига бугунги юксакликдан эмас, мумкин қадар эртанги чўққидан туриб назар ташлаш керак.

30-йилларнинг тонготари билан Ойбек лирикасига даврнинг қайноқ нафаси кириб келди. У беш йилликлар руҳи билан сугорилган, томирида маданий инқилоб алангалари жўш урган, ёшлари — «яратин даврининг қаҳрамонлари»ни — фан ва техникани эгаллашга, «беш йилликнинг суръати»ни юксалтириб, завод ва фабрикалар барпо этишга чақирган шеърлар яратди. Унинг шу йилларда ёзган «Днепрострой», «Беш йиллик план», «Фанга юриш», «Фикр» каби шеърлари, Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси», «Ўрик гуллаганда», «Россия», Ғафур Ғулومнинг «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка», «Сен етим эмассан» асарлари сингари, ўзбек совет шеърининг тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу шеърлар Ойбек шеърининг янги бир даври башлабгина қолмай, ўзбек совет адабиётининг ҳаёт билан алоқаси тобора чамбарчас тус олаётганини, ҳаётдаги муҳим воқеалар, ўзгаришлар, тамойиллар, адабиётимизнинг гоявий мундарижаси, нафоси ва йўналишини белгилаб бераётганини намойиш этди. Бу шеърларнинг майдонга келиши Ойбекка катта ва сўймас шуҳрат келтирди.

1934 йил 1 июнда Ойбек СССР Ёзувчилар союзига қабул қилинди. Ёзувчилар ташкилотининг М. Горький шахсан имзо қўйган гувоҳномасини олган ёш шоир учун юксак шараф ва масъулият эди. Шунинг учун ҳам у ижодий меҳнатга янги куч, янги ғайрат ва шижоат билан киришди.

Зарифа Саидносированинг гувоҳлик беришича, Ойбек 30-йилларнинг ўрталарида коллектив хўжалик ҳаётини тасвирлашга бағишланган катта нарий полотно ёзиш пиятида бўлган. Бундай қарорга келишдан олдин, у «Гулнор она», «Фонус», «Мусича», «Сингап умид», «Тилла тонар», «Глобус» каби кичик ҳикоялар ёзиб, наср соҳасида ҳам маълум бир ижодий малака ҳосил қилишга уринган бўлди. Аммо дастлабки тажрибанинг ўзбек кат-

тамп-кычкми, ҳар қалай, эшик асар учун ҳаётий мате-риални ниҳоятда теран ўрганиш лозимлигини кўрсатди.

Ойбек 1935 йил июлида бўлажак асар қаҳрамонлари билан учрашиш, улар ҳаёти билан яқиндан танишиши ния-тида Андижон областига ижодий йўлланма билан борди. У сафар чоғида кўпроқ Асака ва унга ёпдош Чўнтак, Унгурт, Қашқар каби қишлоқларда бўлди; коллектив хўжаликка кириб, кўкрагига янги ҳаёт шабадаси теккан кишилар билан учрашди; уларнинг халқ фаровонлиги йў-лида фидокорлик билан меҳнат қилаётганларини ўз кўзи билан кўрди.

Шоир Асака йўлларида туғилган бир шеърда катта сурур билан ёзади:

...Икки томонимда пахта денгизи,
Теп-текис йўлларга уқа яшиллик.
Йўрға отим кишнаб елади тетик,
Уфқларга етган пахта кенглиги.

Икки полвон йигит велосипедни
Ғизиллатиб учар... Бирини кетмоқ,
Бирини белбоғига ўроқ қистирган,
Қўлкада ўқинишар қизлар газетни...

Ҳар юзда табассум, ҳар кўзда маъно,
Ҳар ёқда севарак бажарилган ни.
Куларча кезсам-да қонмайман асло,
Ҳислар, хаёлларим қайнар: йўқ тиниш!..

«Дала йўлида» деб номланган бу шеърнинг ўзидаёқ Октябрдан кейин қишлоқ ва ушнинг кишилари ҳаётига кириб келган нур шалоласи ўзининг нуқра жилваларини таратиб туради. Шоир йигит ва қизларгина эмас, чол ва камширларнинг, чеҳрасидан ҳам ўзгача табассум ва маъ-но ўқиб, ҳиссиёт денгизига шўнғиб кетади.

Асакалик бригадир Абдулла Хонтўраев колхозга кир-гунга қадар, рўза тутиб, намоз ўқир экан. Энди у учма-мунча газета ўқийдиган, бўш вақтларида ёзув-чизув би-лан шуғулланадиган бўлибди. Бу юмушга у шунчалик қизиқар эканки, ҳатто кичкина болалардек, деворларга ҳам ёзиб юрар экан. Шоирга Абдуллардаги янгиликка, маълумотли бўлишга, янги ҳаёт билан барабар одим таш-лашга бўлган улуғ иштиёқ туйғусигина эмас, балки: эҳти-мол ундан ҳам муҳим бўлган бир ҳолат кўпроқ таъсир этади. Гап шундаки, колхозга аъзо бўлиб кирган киши-ларнинг қарийб ҳаммаси кунин кеча бойлар қўлида қарол ёки чорақор бўлиб ишлаганлар. Бу фақрларнинг йил

бўйи тўккан терлари бойлар ҳамёнига дур бўлиб тўкилган. Оддий деҳқон тақдири асрлар давомида ана шу тахлитда давом этиб келган.

Октябрь туфайли, колхоз тузуми туфайли худди шу муҳим ижтимоий масалада жиддий ўзгариш содир бўлди. Юқорида номи тилга олинган бригадир Ойбекка тўқ ҳаёт кечираётганини фахр билан айтади: «Ҳамма иш жойида. Наслдор сигирим, бузоғим бор. Қанча-қанча ақчам, қирқ-эллик пуд ғаллам бор», дейди. Иккинчи бригада бошлиғи Зулун Ҳлмасов эса: «Илгари бир парча еринг бўлса, ортда қолмаслик учун бировдан бориб от сўрардинг, ҳўкиз сўрардинг, амаллаб экишга мажбур бўлар эдинг. Ҳозир шу ташвишлардан қутулдик», деб ўз тақдиридан мамнун бўлади. Колхоз қурилишининг фаол ташкилотчиларидан бири Тешабой Матўкубовнинг отаси ҳам камбағал деҳқон эди.

Ойбек танишган ва суҳбатлашган кишиларнинг аксари, коллектив турмушининг ана шу ажойиб қалдирғочлари янглиғ, Октябрь келтирган бахтнинг жонли тимсоллари эди. Шунинг учун ҳам улар ҳаётидаги буюк бурилишни кўрган, уларнинг кўзларидаги «ёрқин бир маъно»ни сезган шоирнинг ҳис ва туйғулари жунбушга келади. У «Дала йўлида», «Колхоз қишлоғида», «Колхоз темирчиси», «Колхоз сартароши», «Бригадир хотин» каби сафар таассуротларини ўзига симирган шеърларини ёзади.

Зарифа Саидносированинг юқорида баён этилган хотираси ҳақиқатга нечоғлик асосланганини белгилаш ниҳоятда мушкул. Ойбек архивида унинг 30-йилларда колхоз ҳаётидан роман ёзиш ниятида бўлганини тасдиқловчи бирошта ҳужжат йўқ. У ҳатто Асака сафаридан кейин бирорта очерк ёқи ҳикоя ҳам эълон қилмаган. Бизнинг таҳминимизга кўра, узоқ йиллар мобайнида вульгар танқидчилар томонидан «йўловчи шоир» аталиб ва камситиб келинган Ойбек ушбу машъум ёрлиқни ўзидан ҳалос этиш, ўзининг том маънодаги замонавий совет шоири эканини исботлаш ниятида Андижонга — ўзбек пахтасининг қайноқ жабҳасига борган ва ўз олдига қатор лирик шеърлар, эҳтимол, дoston ёзиш вазифасини қўйган. Шоирнинг шу йилларда ёзган ва нима учундир илмий адабиётларда тилга олинмай келаётган «Деҳқон» лирик достони, назаримизда, ушбу таҳминнинг ҳақиқатга яқин эканлигини тасдиқлайди.

«Деҳқон» достони билан Ойбекнинг Асака сафари кундаликлари ва сафар чоғида ёзилган шеърларини ўз-

аро қиёслаш шундан далолат берадики, бу дoston ўша сафарнинг асосий ижодий самараси бўлган. Бу асарда муайян воқеалар силсиласига асосланган сюжет чизиги ҳам, муайян қаҳрамонлар образи ҳам йўқ. Аммо унда кеча ва бугун, баҳор ва куз манзараларининг тасвири орқали ҳазрати Деҳқоннинг умумлашма образи бadiий мужассамлаштирилади. Бу Деҳқон образида Абдулла Хоптўраев, Тенабой Матқубов, Зулун Ўлмасов каби ўнлаб ва юзлаб кишилар тақдири умумлаштирилади. Шоир бу асар орқали Деҳқонга эш бўлган, унга кулиб боққан замони — Советлар замони алқайди.

Дostonда бундай сатрлар ҳам бор:

Сен кўтардинг эгилган бошни,
Қалбада ўсди топталган ўзлик.
Улфат қилдинг сен ҳам қуёшни,
Фандан тердинг чамандай сўзлик.

Ҳар кун янги-янги зафарлар,
Янги бахт-ла келур саҳарлар...

...Ғайратингнинг жонли тўлқини
Гул ундирди ҳатто бу Ватан —
Тошдан ҳам. Бахтинг уруғи

Ҳар йил берар янги бир чаман...
...Ер, сув эди, деҳқон, сепки,
Қуёш ўнган замон сеники!

Советлар юртига, бу юртнинг эгаси бўлган меҳнат аҳлига чексиз муҳаббат туйғулари билан йўғрилган бундай асарларнинг майдонга келиши Ойбек помини янада машҳур қилди.

30-йилларнинг ўрталарига келиб, Ойбек истеъдодининг қарийб барча қирралари жилва берди. Шеърпат, наср, таржима, адабиётшунослик ва адабий тапқид Ойбекнинг талантли қалами учун меҳнат ва кураш майдонларига айланди.

НУР ТҮЛА ҚАДАҲЛАР

*Дарахтлар кўтармиш гул
қаошчалар
Кўкламнинг, ҳаётнинг соғлиги
учун...*

ОЙБЕК

Ойбек янги довои олдда эди.

Энди шеърининг ҳижо, туроқ, банд, қофия каби унсурлари унинг хаёлида шаклланаётган қаҳрамонлар ва воқеалар оқимини бутун кўлами ва мураккаблиги билан ақс эттиришда ортиқча тўсиқлар ўлароқ туюла бошлади. У янги тасвир майдонларини ахтариб, дастлаб, «Гулнор опа», «Фанорчи ота», «Мусича» каби ҳикояларни машқ қилиб кўрди, аммо улардан кўнгли тўлмаган бўлса керак, эълон этмади. Фақат 1934 йилга келибгина «Глобус» деб номланган воқеий ҳикоясини нашр этишга журъат этди. Талабалик йиллари ҳали кўз олдидан кетмаган, аксинча, кечаги қизғин баҳслар, ҳижрон ва висоллар, тўқнашув ва ғалабалар унинг хотирасидан қайта-қайта ўтаётган даврда у ўз қаламни янги бир жанрда синамоқчи бўлиб, роман ёзишга киришди. «Студентлар» деб номланган бу асар автобиографик характерга эга бўлиши, унда кунги кеча ўзи гувоҳи бўлган ҳаётини воқеалар тасвирланиши мўлжалланган эди. Ойбек бу дастлабки романинг, афтидан, аниқ-тайини режасини олмай, қаҳрамонлар галереясини, сюжет нуқталарини аниқламай туриб, ўзининг бениҳоя мароқли бўлиб туюлган хотираларига таянган ҳолда асар ёзишга киришди. Аммо бирикки дона мактаб дафтарининг саҳифалари тўлмай туриб, асар устидаги иш таққа тўхтаб қолди. Ижодий тажрибанинг йўқлиги, ҳаётини матерпалнинг қашшоқлиги ўз таъсирини кўрсатди. Бу — 30-йилларнинг бошлари эди.

Ойбек техникумда ўқиб юрган кезларида Навоий ва Фузулий, Пушкин ва Лермонтов, Некрасов ва Маяковский сингари буюк шоирлар ижоди билан табибибгина қолмай, рус насрининг атоқли устодлари — Гоголь, Толстой, Чехов асарларига ҳам меҳр кўйган, улар ижодини бўлажак адибнинг нигоҳи билан кузатган ва ўрганган эди.

Ана шу силсиладаги устод санъаткорлардан бири — Максим Горький ҳақида у бундай ёзган эди: «Мен эндигина адабиёт йўлига кириб, шоир бўлишга уринганимда,

гўё машғал каби ёритиб, ҳаётимга Горький кириб келди. Ўзим хийла улгайган, бўйим чўзилган бўлиб, техникумда ўқир эдим. Рус тилини яхши билмаганимдан, қийналсам ҳам, Горький асарларини ўқидим. Муаллимларнинг кўпчилиги рус эди, уларнинг ёрдами билан рус адабиётини ўрганишга бошладим. Биринчи галда машҳур «Лочин ҳақида қўшиқ»ни ўрганиб, минг азоб, лекин муҳаббат билан, суюниб таржима қилдим. У тахминан 26- йилларда «Ер юзи» журналда босилиб чиқди. Ўша вақтда мен Ўрта Осиё Давлат университетининг студенти эдим. Мактабларда дарсим кўп, иш кўп, лекин узоқ кечалари уйқусиз ўтириб, Горький асарларига берилардим, шавқ билан ўқирдим, ўрганардим».

Ойбек давом этиб, ёзади: «У вақт шеърлар, дostonлар ёзардим, секин-аста прозага орзу-ҳавас ошарди кўнгилда, чунки ёшлигимдан билган эртақлар, чўпчаклар, Ўзбекистонда у замон чиққан бирмунча китоблар, ҳикоялар, айниқса болалигимдан ўзбек халқи турмушидан хотиралар менга кўп таъсир қилган эди. Мен проза соҳасида қизиқиб, ўргамчук машқлар билан машғул бўлдим. Лев Толстой, Тургенев асарларидан ҳам таъсирланар эдим, лекин асосан Горький асарлари менда чуқур таъсирли из қолдирган эди».

Бўлажак адиб М. Горькийга бағишланган «Хурматим чексиз» деб номланган бу мақоласида гарчанд Абдулла Қодирий каби ўзбек ёзувчиларининг исмини тилга олмасда, улар ижодидан ҳам бебаҳра қолмаган эди.

Ойбекнинг Абдулла Қодирий билан танишуви 20- йилларнинг бошларида, у ҳали техникумда таълим олган кезларида рўй берди. «Ўрта бўйли ва миқтидан келган, доимо тўп ва бахмал дўни кийиб юрадиган, кўринишидан деҳқонларга ўхшаган, тимқора кўзлари кичик, ўткир, шўхчан, синовчан боқувчи, гоҳо эса худди ўзи билан банд бўлгандай бепарво кўринган бу киши» ўша пайтлардаёқ «Ўтган кунлар» романининг ижодкори сифатида машҳур эди. «Ўзбек адабиётидagi биринчи улкан ва гўзал роман» муаллифи билан Ойбек ўртасида тез орада яқин ва самимий муносабатлар ўрнатилди. Ленинграддан қайтиб келган Ойбек унинг Самарқанд дарвозадаги боғҳовлисига тез-тез бориб турди, газета ва журнал редакцияларида, собиқ Иқон кўчасидаги Тошкент шаҳар пролетар ёзувчилари уюшмасининг билосида ва бошқа жойларда уни учратадиган бўлди,

Абдулла Қодирий ҳам, ўз навбатида, Ойбекни ҳалол ва фидоий ижодкор сифатида ҳурмат қилар эди. Ойбекнинг социал шқтисод, унинг рафиқаси Зарифанинг эса кимё фаилари бўйича мутахассис бўлганлари унда айниқса ҳурмат уйготар эди. Шунингдек, у ёш дўстининг маърифатпарвар қайнотаси Саидносир Миржалилов билан ҳам илиқ муносабатда бўлгани сабабли ўзини Ойбекка ҳар томонлама яқин ҳис этарди.

30- йилларнинг бошларида Тошкент пролетар ёзувчиларининг йиғилишида Ойбек Абдулла Қодирий ижоди тўғрисида каттагина маъруза қилди.

Бу даврда ўзбек совет пасрининг том маънодаги асосчиси Абдулла Қодирийнинг қарийб барча асарлари ёзилган ва эл оғзига тушган эди. Ҳали реалистик прозаси ва романчилик анъаналари бўлмаган халқ адибининг Қалвак Махдум ва Тошпўлат тажанг тўғрисидаги сатирик ҳикоялари, «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» тарихий романлари эълон қилина бошлагани биланоқ уларга ёнишиб, ёпирилиб, нафис сўзга, ёрқин қаҳрамонларга, сирли воқеаларга чанқоқ қалби билан ўқий бошлади. А. Қодирий асарлари халқ орасида ниҳоятда машҳур бўлган бир пайтда Ойбек ўз маърузасида унинг асарларидаги гўзал сифатларни қайд этиш билан бирга айрим нуқсонларни, чунончи, «Обид кетмон»нинг шошиб ёзилганини кескин танқид ҳам қилди. Йиғилишда иштирок этган адабиёт ва илм аҳлининг айрим қисми учун бу танқид ҳатто эриш туюлди.

Шу кечада иштирок этган кишиларнинг хотирлашларига кўра, йиғилишдан кейин бир неча ёш ижодкорлар нотикқа ҳамроҳ бўлиб, кўчага чиқадилар. Улар орасида Абдулла Қодирий ҳам бор эди. Ёш ёзувчи ва мунаққидлар «Абдулла ака ҳозир Ойбекнинг пўстагини қоқса керак», деган адиша билан уларни зимдан кузатиб бордилар. Аммо Абдулла Қодирийда кенжа ҳамкасбига нисбатан на кек, на ғазаб, на ранжиш аломатлари бор эди. Икки адиб, улар кутмаган ҳолда, аноқ-чапоқ бўлиб, қайтага янада ўктам суҳбат қуриб бордилар. Шу пайт уларнинг қаршисидан келаётган бир киши А. Қодирийни тўхтатиб:

— Мулла ака, Иқон кўчасига қарашли 8- уй қаерда экан? Айтолмайсизми?— деб сўраб қолди.

— Редакциями? Мапа, мапа, рўнарангизда турибди,— жавоб берди адиб. Сўнг бояги киши ўтиб ва олнслашиб кетгандан кейин Ойбекдан сўради.— Мусо, нега бу кўча-

ни Иқон кўчаси дейишади? Сенга бирор яқинлиги йўқми?

Абдулла Ҳодирий, афтидан, бу кўчанинг Иқон кўчаси деб номланишининг сабабини билишдан кўра, Ойбекнинг рафиқаси Зарифа Саидносированинг туркистонлик эканига шама қилиб, ҳазил-мутоиббага йўл очмоқчи ва шу орқали ҳам «бизнинг ўртамузга ҳеч қандай совуқчилик тушгани йўқ. Биз ўша-ўша қадрдонлармиз», демоқчи эди. Ойбек буни тушунса-да, одоб юзасидан саволга тўғри жавоб беришни маъқул топди:

— 1875 йилда Иқонни чор қўшинлари ишғол этишлари шарафига бу кўча шундай деб аталган. Шаҳар душманнинг қарори билан. Янги шаҳардаги бошқа кўчаларга ҳам шунга ўхшаш муносабатлар билан Маҳром, Жўзах, Пишпак каби шаҳарларнинг номлари берилган.

— Балосан, Мусо,— деди А. Ҳодирий.— Ёзувчи бўламан деган валломат тарихни билиши керак. Тарих ҳамма фанларнинг онаси. У ана шундай кичик зарралардан ташкил топади. Тарихни билмасдан асар ёзиш, айниқса роман яратиш асло мумкин эмас.

Абдулла Ҳодирий шу оқшом ҳам, бошқа учрашув дақиқаларида бўлганидек, камгап эди. Аммо унинг баъзан узук-юлуқ сўзлари баъзан шама орқали сизга айтмоқчи бўлган, аниқроғи, унинг ўзини безовта қилаётган гапларнинг адоқсиз эканини тушуниши қийин эмас эди.

Бир кун у Ойбекка: «Мен русларнинг Ўрта Оспёга келиши билан боғлиқ бўлган халқимиз тарихининг айрим саҳифаларини қаламга олдим. Шу мавзунинг давоми яна бир қанча роман бўлади. Мен қайси биринидир ёзишга, балким улгурарман. Аммо мен ёзишга улгурмаган тарихни сен қаламга ол», деди. Бу Ойбек учун қутилмаган гап эди. Зероки, у 30-йиллардаги колхоз ҳаётидан олинган «Дехқон» достонини ёзиш, Обид кетмонларнинг ҳаётига назар ташлаш ва Абдулла Ҳодирийнинг қалами хийла ожизлик қилган коллектив хўжалик мавзунини ёритиш ниятида эди. Шунинг учун ҳам у бу гапларнинг устод васияти эканини ҳали ҳис этмаган эди.

Абдулла Ҳодирий адабий муҳитда ўралашиб юрган, бошқаларни терган ва кузатишга ўзини ҳақли деб билган кимсалардан узоқда юрар, улар кириши мумкин бўлмаган жойлардагина ўзини эркин ҳис этар эди. У ана шундай табиати билан ҳам Ойбекка яқин эди. Баъзан улар қаҳвахоналарга кириб, барқутдек қаҳвахи хўшлаб-хўшлаб, ижод ҳақида, адабий орзулари ҳақида сўз юри-

тар, тарих саҳифаларига шўнғиб, катта-катта полотноларда мужассамланиши мумкин бўлган сиймолар ҳаётини кўз олдларидан ўтказар эдилар.

«1934—1935 йилларнинг ёз ойларидан бирида,— деб ҳикоя қилади Миркарим Осим.— Ҳозир «Баҳор» концерт зали жойлашган Қўйлиқ кўчасидаги қаҳвахонада Абдулла Қодирий билан Ойбекнинг қуюқ суҳбатлари устидан чиқиб қолдим. Бу меннинг улугъ ёзувчи билан биринчи марта юзма-юз кўришиб, гаплашишим эди. Абдулла Қодирий ўзининг ижодий тажрибалари билан ўртоқлашаётган экан:

— Мен илгарги ёзувчилар қанчалик узун ва мураккаб жумлалар тузсалар, асар шунчалик таъсирли чиқади, деб ўйлар эдим. Кейин билсам, адашган эканман. Ёзувчи ўз фикрлари ва кечинмаларининг мумкин қадар содда, лўнда ва ёрқин ифодасини топишга уриниши керак экан. Соддалик — халқчиллик аломати. Асар қанча содда бўлса, халққа шунча яқин бўлади. Нега сарой шоирлари китобий тилда ёзганлар? Чунки улар халқ ҳаётидан, халқ ташвишларидан узоқда яшаганлар. Уларнинг ғазалларида ҳавоий гаплар кўп. Шунинг учун ҳам улар халққа сингмади. Биз ҳам содда ёзишимиз, ҳам бечора халқнинг дарду аламларини қаламга олишимиз керак. У бизнинг асарларимизни ўқиб, ўз ярасига малҳам топсин...

Шу йилларда Ойбек Тарновбошидаги ҳовлида икки йил ичкүёв бўлиб тургач, Арпапоядан ижарага ҳовли олиб, у ерга кўчиб ўтди. 1932 йилда эса унинг рафиқасига ТошМИдан бир хонали уй бердилар. Шу орада шоирнинг икки фарзанди — Омон (1932) ва Бекжон (1935) туғилиб, уй торлик қилиб қолди. Шундан кейин З. Саидносирова Кафиров кўчасидаги ўзи хизмат қилаётган Қишлоқ хўжалик институтига қарашли ҳовлидан бошпана олди. Катта оила 1940 йилгача — Ишчилар шаҳарчасидаги ошёнини барпо этгунга қадар шу ерда яшади.

Қодирий Самарқанд дарвозасидаги аждодларидан қолган катта боғида истиқомат қилиб, фақат ижодий юмушлар билангина шуғулланиб қолмасдан, деҳқончилик қилар, асалари боқиб, қиш-ёзга етарли бол олар, мевали дарахт кўчатларини ҳамда мевалар етштириб рўзғорга яратар эди.

«У ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди,— деб эслайди Ойбек.— Жисмоний меҳнатга чалғиб, унинг қандайлигини ўзида синаб кўриш ҳар бир зиёлининг зарур эҳтиёжи эмасди. Қодирийнинг меҳнатга ўчли-

ги деҳқондап чиққанлигида бўлса керак. Ўзи ҳам худди деҳқонлардай тишим билмасдан қаттиқ меҳнат қилар эди».

Ойбек унинг боғда гоҳ кетмон кўтариб, гоҳ ток қайчи ушлаб, миришкор деҳқондек, меҳнат қилганини, ерга, она заминга бўлган меҳрини кўриб, бағри-дили яйрар ва ҳавасланар эди. Мурғак кунларидан бошлаб тор жойларда яшаб келган шоирни боғ орзуси асло тарк этмаган эди. У бошалигида ёз келиши билан ўртоқларининг аксари боғ-ҳовлиларига кўчиб кетганларини кўриб: «Нега бизнинг бир парча богимиз йўқ?!» — деб куйинар эди. Бобоси туя мишиб, бу дунёнинг кенг ва бепоёنлигини ҳис этган даврларини қўмсаганида, ёш Мусо унга бундай деган эди:

— Бува, ҳаммасини эшитдим. Бизга кичкинагина боғ бўлса... Майли қуруқ жой бўлсаям, ўзим шафтолиларни саралаб, гилослар, ўриклар экаман. Кейин қулни ўргилсини тоқлар ўтқазаманки, кўрасиз. Сиз нуқул туяларни гапирасиз, ўтган замонингизни мақтайсиз. Менга туя эмас, боғ керак! Шаҳарнинг иссиғини кўринг, жаҳаннам. Дала яхши-да! Ғир-ғир шамол!.. Сувлар кўп... Қовун-тарвуз сероб, узумлар сероб..

Неваранинг бундай баланд орзусини кўриб, бобоси роса кулган.

— Эй, тавба, болам, нима деяпсан ўзи?! Далани мақтайсан-а. Ўзим ҳам биладан даланинг, боғнинг яхшилигини. Нима қилайликки, пул деган дардисардан йўқ. Боғ олиш учун жарақ-жарақ пул керак. Пул бўлса, чангалда шўрва. Катта бўлиб, топармон бўлсанг, ўзинг оласан арши аълодай бир боғни!..

Ойбек Абдулла Қодирийнинг жаннатдай боғини кўриб, болалик кезларида бўлиб ўтган ана шу гапларни хотирдан ўтказди. Чамаси, бобо орзу қилган фаровонлик йиллари келаёзган эди. 1934 йилда шоирнинг «Бахтигул ва Соғиндиқ» номли тўртинчи китоби эълон қилинганда, Ойбек бу китобга чиққан қалам ҳақиқа Тахтапул Оқтепасидан боғ сотиб олди. У энди, устозининг синари, жисмоний меҳнат билан шуғулланиб, боғдаги мева дарахтларини парвариш этадиган ва қовун-тарвуз экадиган бўлди.

Шубҳасиз, боғни сотиб олишдан мақсад рўёбга чиққан орзуларининг нашъу намосини суриш эмас эди. Унинг забардаст вужудини тўлдирган куч ўзига янги майдон ахтармоқда эди. Қодирийнинг синари, ақлий ва жисмоний меҳнатга ўч шоир ўзидаги ана шу ташналикни қондирмоқчи,

меҳнатнинг ҳар икки тури билан барабар шуғулланиш орқасида ақлий меҳнатнинг янги уфқларини кашф этиш шартлигида эди.

Кейинчалик Ойбекнинг уйига борган дўст-ёрлари унинг тун бўйи ижод билан шуғулланганидан хабар топиб, бу ҳолни қандайдир фавқулодда бир воқеа сифатида ҳайратланиб, сўзлаб юрардилар. Ойбекнинг техникумдош ўртоғи Саидвали Шарафиддинов ана шундай бедор тунлардан бирини эслаб, бундай дейди: «Бир кун эрта билан соат 10-11 лар орасида Ойбекнинг уйига келсам, ҳовлида ҳеч ким кўринмади. Чақирсам — ҳеч ким овоз бермади. Одатга кўра, Ойбек ижод қилиб ўтирадиган хонанинг эшигини очдим. Ҳаммаёқ тутун. Одам бор-йўқлигини билиб бўлмайдим. Аммо шу найт эшик очилиб, хонага офтоб нурлари кирганини кўрган ёзувчи ўршдан турди-да, мен билан сўрашиб: «Ия, тонг отдимми?!» — деб сўради. Маълум бўлишича, у тун бўйи ёзиб, ҳатто тонг отганини ҳам билмаган экан».

Ана шу руҳдаги хотираларни тинглаб, Зарифа Саидносова Ойбекнинг уч-тўрт, баъзан олти-етти суткалаб ўз хонасидан чиқмай, ҳатто оиласи билан барабар овқат ҳам қилмай ижод этганини айтади.

Ақлий меҳнат қобилиятини сусайтирмаган ҳолда ана шундай узлуксиз ижод этиш учун кишида уч нарса — истеъдод, меҳнат интизоми ва куч-қувват бўлиши керак. Ана шу уч сифат Ойбек қонида бор эди. Улар ўзаро туташган ҳолда Ойбек табиатидаги яна бир фазилат — фидойиликни ҳам ўзларига ошно этдилар.

30- йилларнинг ўрталарида назм, наср, адабиётшунослик ва танқидчилик билан шуғулланаётган Ойбек миллий маданиятнинг яна бир муҳим соҳасига қўл урди. Бу маданий инқилобнинг энг муҳим жабҳаларидан бири — бадий таржима эди. Жаҳон бадий маданиятининг олтин фондиди ташкил этган асарларни ўзбек тилига ағдариб халқнинг маданий савиясини оширишга, уни жаҳондаги тараққий этган халқлар даражасига кўтаришгагина эмас, балки янги ўзбек адабиётини ривожлантириш, уни жаҳон адабиёти классикарининг бадий тажрибалари билан бойитиш ишига ҳам хизмат қилар эди. Шунинг учун ҳам бу қутлуғ ишга ўзбек ёзувчиларининг аксарии катта иштиёқ билан киришди.

1936 йилда буюк рус шоири вафотининг яқинлашиб келаётган 100 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ҳу-

куматининг қарорига мувофиқ А. С. Пушкиннинг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ишлари бошланди. Бу хайрли юмушга шу даврнинг энг истеъдодли шоир ва ёзувчилари сафарбар этилди. Вақт ихёотда қисқа эди. Бинобарин, таржимонларга тўла ижодий шароит яратилиш ва уларни қўлдалик маънавий таъшишлардан фориғ этиш шиятида улар учун Чимён тоғларининг хушманзара этакларига ўтовлар тикилди. 1936 йил баҳорнда Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Усмон Носир ва Темур Фаттоҳдан иборат таржимонлар группаси Чимёнга йўл олди. Бу ерда Ҳамид Олимжон «Кавказ аспри» ва «Сув париси»ни, Шайхзода «Мисе чавандоз», Моцарт ва Сальери», «Ўлат олдидаги базм»ни, Абдулла Қаҳҳор «Капитан қиз»ни, Усмон Носир «Борчасарой фонтани»ни, Темур Фаттоҳ эса «Лўлллар» дostonини таржима қилдилар. Ойбек зиммасига эса энг катта ва энг машаққатли вазифа — «Евгений Онегин» шеърий романини ўзбек тилига ўгириш вазифаси юклатилган эди.

Ойбекнинг Пушкин ижодига бўлган муҳаббати узок тарихга эга. Бу муҳаббат гуллари у ҳали техникумда ўқиб юрган кезлардаёқ очилган. «Техникумда ўқиган вақтдан бошлаб, мен Пушкинни яхши кўрар эдим. Рус тили муаллимига ялиниб-ёлвориб Пушкин асарларидан бир нечасини олиб, ёлғиз ўзим ётоқнинг бир бурчагида берилиб мутолаа этар эдим», деб ёзади Ойбек.

«Пушкин,— деб ёзган эди В. Г. Белинский,— мангу яшовчи ва ҳаракат қилувчи ҳодисалар туркумига мансубдир, бундай ҳодисалар ҳатто ўлимга дуч келган нуқтада ҳам сира тўхтамайдилар, балки жамият онгида ривожланаверадилар». Ойбек Пушкин ижодига ёпишганда, буюк мунаққиднинг шу доно сўзларини очқич сифатида қабул этди. Чиндан ҳам, Пушкин вафотидан кейин қанчадан-қанча насллар ва асрлар ўтмасин, унинг ижоди, унинг асарлари ўз оҳорини тўкмай, аксинча, янги-янги қирралари, янги-янги кристалл қатламларини зуҳур этиб келмоқда. Бошқача айтганда, у жамият онгида ривожланиб бормоқда.

Хўш, бунинг босиши шмада? Ойбек бу саволга жавоб ахтарар экан, биринчидан, «Пушкин ижодининг кўркем дарахти бутун илдизлари билан она-Ватан заминидадир», дейди, яна В. Л. Белинский сўзларидан фойдаланиб, «унинг поэзиясида рус ҳаётининг қалб томири тегиб туради», дейди. Иккинчидан, унинг поэзияси «фикрлар,

ҳислар, аҳтирослар тўла денгиздир, — деб ёзади у. — Пушкин поэзияси ҳаётга, ерга ҳос бўлган қизгин, ёрқин, жонли фикрлар, ҳислар билан лим-лим тўладир. Унинг поэзияси шоирга ҳос оптимизм билан нафас олади. Ҳатто унинг қайғуси ҳам шунчалар ва табиийдир». Ниҳоят, унингчадан, «Бу поэзиянинг ҳар бир асарини қуёшда чақнаган булоқдай оқади, жонли сеҳркор тил билан куйлайди. Пушкин ўз поэзиясида рус тилининг ажойиб бойлигини, гўзаллигини, музикавийлигини, ва ёрқин ифодалилигини мукаммал кўрсата олди. Пушкин шеърининг афсункор санъаткори бўлиб, унда ҳар бир мисра мукамалдир, қуймадир...»

«Рус халқининг буюк даҳоси» билан танишип, унинг шоҳ асарини таржима этиш Ойбек учун мислсиз аҳамиятга эга бўлди. Шоир рус адабиётининг бу гўзал дурдонаси билан яқиндан танишар экан, унда «рус жамиятидаги юқори табақа ҳаётининг кристалланган норлоқлик билан» акс эттирилганини кўрди. Асардаги бирор бўёқ, бирор чиқиқ бекорга тортилмаганини, қаҳрамонларнинг ички оламлари, психологиялари «ўлмас ранглар билан» инкишоф этилганини кўрди.

Асар ямб билан ёзилган эди. Ямбда эса ҳижоларнинг миқдоригина эмас, балки улардаги урғуларнинг ўйини ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг натижасида Пушкин ўз асари тилининг бениҳоя мусиқий, латиф ва равои бўлишига эришган.

Романдаги ана шу хусусиятларни аруз билан ҳам, бармоқ билан ҳам ифодалаш мумкин эди.

«Аруз, — деб ўйлади Ойбек, — ниҳоятда мусиқий вази. Шунинг учун ҳам у Пушкин шеърига ҳос равонлик ва соддаликни, жонли тилга яқинлашиш тамойилини ифодалай олмайди. Арузга ҳос бошқа бир фазилат — биринчи мисрада ифодаланган фикрнинг иккинчи мисрага ўтиб кетиши ҳам Пушкин шеърининг ўзига ҳос жиҳатларини беришга хизмат этмайди».

Бундан ташқари, романда юнон мифологиясидан олинган номлар ва кўплаб киши исмлари ҳам бор эдики, уларни арузда беринч мушкул иш эди. Шунинг учун ҳам Ойбек мусиқийлик бир қадар суст бўлса-да, бармоқ вази асардаги аксар хусусиятларини сақлаб қолиш имконини беради, деган бирдан-бир тўғри қарорга келди.

Ойбек бармоқ вазининг тўққиз ва ўн бир ҳижолик шаҳобчаларини ўрганар экан, уларнинг биринчисида Усмон Носир «Богчасарой фонтани» ва «Иблис» дostonла-

рини зўр маҳорат билан таржима этганини кўрди. Лекин тўққиз ҳижоли бармоқда Пушкин романининг барча латофатларини сақлаб қолиш даргумон эди. Ойбек шунинг учун ҳам Чўлпоннинг бир пайтлар, ёзувчиларнинг Инжиқободдаги боғида, «Евгений Онегин»нинг бир бандини бежиз ўн бир ҳижоли вазнда таржима этмаганини тушунди. Романнинг туркий халқлар тилига ўгирилган бирдан-бир озарбайжонча таржимасида ҳам худди шу вазн танлаб олинган эди. Хуллас, Ойбек ўз мулоҳазаларидан ва ўртоқларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, таржима учун ўн бир ҳижоли бармоқ вазнини танлади.

Улкан асарни таржима қилиш қанчалик машаққатли бўлмасин, ҳар бир ташбеҳ, ҳар бир бўёқ, ҳар бир шойрона топилмашиг ўзбекча нусхасини топиш таржимонга беҳад қувонч ва сурур бағишлади. Бу қувонч ва сурур уни муттасил ижодга, изланишга илҳомлантирди. Ана шу тарзда кунлар, ойлар ўтди. Ниҳоят, Ойбек романининг машҳур саҳифаларидан бири — ўқувчи билан хайрлашув сўзларига етиб келганида, бу дилбар сатрлар унга гўё унинг ўзи билан видолашув ўлароқ жараиглаб юборди. Замондошларнинг айтишича, Ойбек бу мисраларни беқийёс ҳаяжон билан таржима қилибгина қолмай, уни айни пайтда ҳам севишч, ҳам ғусса ёшлари билан ўқиган экан:

Эй менинг ўқувчим, ким бўлма, майли,
Дўстми, дўст эмасми, бугун мен сендан
Айрилмоқ истайман бир ошно каби.
Кечиргил. Бу ерда мenden кейин сап
Нима қидирмагил бу қитъаларда,
Майли, бир исёнкор қизгин хотира,
Меҳнат-машаққатдан оромли, гоҳо
Жонли лавҳаларми, ўтқир сўзми ё
Балки грамматик баъзи хатолар,
Ўқувчим, қидириб шу китобчада,
Эрмак, ўйин, хаёл, қалб-чун, ё эса
Журналлар гавгоси учун сап агар
Тариқча тополсанг — тангрига шукур,
Шу билан айрилиб қоламиз, кечир.

Назаримизда, Ойбек бу мисраларни шундай ошкора қалб, ошкора ҳаяжон билан таржима қилганки, улар нафақат Пушкиннинг, балки таржимоннинг ҳам китобхон билан видолашувни ўлароқ садо беради.

Ойбек таржима устида берилиб пилади. У ижодий ишга шу қадар ғарқ бўлиб кетар эканки, ҳатто аллақачон тун оқгани ва тонг отганидан ҳам беҳабар бўлиб ўтовдаги шамнинг мадорсиз нурини ўчирмас экан.

Ҳикоя қилишларича, у ўтов ичида ялангоёқ бўлиб,

ҳамма нарсани унутган ҳолда тонгга қадар Пушкиндан бош кўтармай, қаттиқ ишлар экан. Ҳатто оёқларининг кучи, зарби ва пинҳоний ҳаракатидап ерда чуқур из қолар экан. Ҳазилкан дўстлар Ойбек оёқларининг ерга ўйилган ана шу «қолин»ни томоша қилиш учун унинг ўтовига атайин кириб чиқар эканлар...

Ойбекнинг ўзи ҳам қарийб ана шу иш жараёнини хотирлаб, Чимён билан видолашув шеърисида ёзади:

Мен ишладим ўтовда жим.
Кўкнинг олтин гушчалари —
Кулди, сўнди... Тонг шамоли
Келтиради уйқу, тиним...

Пушкин ила ўтов ичи
Ярқиради бутун кеча.
Тотдим унинг сева-сева
Нашъасини ва дардини.

Пушкин эди менга лутфан
Мангу порлоқ фикри ила
Шеърининг эзгу оташига
Куч ва илҳом бағишлаган...

Ойбек XIX асрда яшаб ижод этган улуг рус шоири билан Чимёнда ана шу тарзда қалин дўст тутинди. У Пушкин шеърятининг эзгу оташи, порлоқ фикрларидан куч ва илҳом олган ҳолда унинг ўлмас асарини ажод ва авлодларимиз тилига таржима этди.

Шундай вақт келадик, ўзбек тилининг бадний-тасвирий ва мусиқий имкониятлари яна ҳам бойийди, шеърини маданиятимиз янги камолот чўққиларига кўтарилади. «Евгений Онегин»нинг ҳам, рус ва жаҳон шеърятини хазинасини ташкил этган бошқа шоҳ асарларнинг ҳам янги-янги таржималари майдонга келади. Аммо, шунда ҳам, 30-йилларда Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир каби ўлмас шоирларнинг илҳом ва меҳнати туфайли яратилган таржималарнинг аҳамияти камаймайди. Зеро, улар шу муборак соҳанинг эзгу шиятли ва учқур қанотли қалдирғочлари эдилар.

Ойбек 20 августда 5004 мисрадан иборат асар таржимасини тугатиб, шаҳарга қайтди. У хийла дам олиб, сўнг бир ҳафта ичида таржимани оққа кўчириб чиқмоқчи эди. Лекин вақт оқиб, илҳом кўпиклари ёйилгач, таржиманинг тўпори, хом-хатала ва ғализ жойлари кўрина бошлади. Ойбек яна икки-уч ой давомида таржимага сайқал бериш ишлари билан банд бўлди.

Улуғ сўз санъаткорларидан бири китобхонларнинг ҳамду саноларига жавобан: «Мени муҳаррир яратди», деган экан. Биз, нима учундир, бирор муҳаррир номини илқ сўз билан тилга олишга одатланмаганмиз. Ойбек, буюк инсон сифатида, бу борада ҳам бизга сабоқ беради. У «Евгений Онегин» таржимасининг биринчи муҳаррири муҳтарам олпм Отажон Ҳошим, «Навоий» романининг ilk ношири Ҳамид Олимжон ва бошқа муҳаррирларидан бир умр миннатдор бўлган. Улар, Ойбеكنинг ва замондошларининг айтишларича, таржиманинг ва романининг бадий жиҳатдан майнроқ ва мавҳумроқ саҳифаларини қайта ишлашга мажбур этганлар.

1936 йил 19 декабрда Ўзбекистон Ёзувчилар союзида таржима қўлёмасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Ҳалол ва ҳассос инорларимизда Шухратнинг ҳикоя қилишича, муҳокамада асосий маъруза билан қатнашган Отажон Ҳошим Ойбекнинг таржимасига жуда юқори баҳо берди. У ҳатто самимий табассум билан: «Агар Тошкентда Пушкинга ҳайкал ўрнатилар эқан, унинг ёнида «Евгений Онегин»нинг ажойиб таржимонига ҳам ҳайкал бўлиши керак», деган экан.

Романда ажойиб ҳазил-мутойибалар. сўз ўйинлари кўп эди. Ойбек ана шундай латиф ҳазиллардан бирини:

Мана, чирсиллайди совуқ изғирин,
Далалар бағрига сочди кумуш гул.
Ўқувчи кутади бунга мувофиқ
Қофия: мана, тез ола қол: булбул! —

деб бағоят пушкинона нафосат билан таржима этган эди. Усмон Носир муҳокамада ана шундай ўринларни катта завқ ва шавқ билан қайд этиб: «Ойбек таржимани бошлаган! Нақадар зўр топилмалар! Офарин!» — деб таржимон шаънига бисотидаги энг зариф сўзларни айтган экан. Чамаси, Иззат Султоннинг қуйидаги сўзлари ҳам ушбу юксак баҳолар билан ҳамоҳанг жарағлайди: «Ойбек,— деган эди у,— ўз умрида фақат Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романини таржима қилиш билан чекланганда ҳам адабиётимиз тарихида номи абадий қолган бўлар эди».

«Пушкин ва Ойбек» мавзун бадий таржима оламга кириш билангина тугамайди. Буюк ижодкор буюк асарини фақат таржима қилиш билан чекланмайди. Таржима унинг учун қанчалик муҳим бўлмасин, у бирламчи аҳамиятга моллик масала эмас. Ойбек учун бирламчи масала

таржима жараёнида Пушкин маҳорати сирларини ағаллаш, пировардида юксак шеърий санъат чўққиларига эришиш эди.

«Баъзан таржимадан ҳориганимизда, бизга Пушкин асарлари, гўзал табиат илҳом булоғи бўларди,— деб хотирлайди Ойбек.— Баланд тоғ чўққиларига чиқиб, сайр этиб кетардик. Ҳайбатли, зўр қоялар устида қорлар секки эрир, пастга кичик-кичик проқлар шарқираб йўл оларди. Ҳар куни бир-икки дафъа Ўн икки булоқ бошига чиқардим...»

Ёлғиз кезишларни севган шоир табиатнинг илҳом булоғидан баҳраманд бўлиб, катта-кичик шеърлар ҳам ёзиб қўяр эди.

Мана, оқшом чоғидаги саёҳатнинг шоир туйғуларида муҳрланган ошӣ бир сурати:

Юраман, тошади севиңчим,
Бу севиңч қаердан — билмайман.
Кечанинг оғуши латиф, жим...
Юлдузлар чамани гуллаган.

Тошлар ҳам, қушлар ҳам ухлайди,
Шамоллар учганда еп-еңгил
Ой нури мавжланиб титрайди,
Баргларга киради ширин тил.

Қоинот севиңси гул каби
Қалбимда очилар хаёл — ҳур.
Тўладир севиңчинг қадаҳи,
Юлдузлар томчилар олтин нур.

Нафис ипақлар билан тикилган бу ажиб каштада инсон билан табиат ўртасидаги уйғунлик бахт ва саодат аталмиш буюк туйғунинг дояси сифатида талқин этилади. Юзаки қараганда, бу манзарада бирор фавқулодда ҳолат йўқ: тинч ва осуда кечалардан бири, юлдузлар чақнаб, қушлар ухламоқда... Лекин, шоир назарида, бу оддий, тинч кечалардан эмас, балки бағри латифлик билан тўла, юлдузлари эса гуллар каби чаман бўлиб очилган кеча. Унинг латиф оғушида нафақат қушлар, тошлар ҳам фароғат олмоқда, ой нурларининг мавжидан эса барглар ҳам чақалоқ янглиғ тилга кирмоқдалар. Ана шу сеҳрли манзарадан лирик қаҳрамон қалбида ҳаётга, табиатга, кинотга бўлган муҳаббат гуллари барг ёзмоқда...

Бу шеърий дурдонада товушлар ҳам, ой нурида чўмилгандек, ял-ял товланадилар. Агар биринчи бандда чинқироқ «ч» товуши «с» ва «л» товушларининг латиф

даврасида соқин ва майин садалар таратишга хизмат этса, иккинчи бандда бу дилрабо оҳангга «т» ва «ш» товушларининг таровати келиб қўйилади. Инҳоят, шеър ҳаётни шарафловчи улугвор музика билан тугайди.

Ойбекининг «Чимён дафтари» туркумига онд қайси бир шеърни олманг, унда ана шу туйғулар нафосати кўзга ташланади. Чиндан ҳам, «Наъматак», «Бир кунлик кезишдан», «Тоғ сайри», «Чимёнда бир кеча», «Гўзал Чимён» каби шеърлар фикр, ҳис ва эҳтирослар тўла депгиз ўлароқ мавжланади. Улар шоирга хос некбиблик билан нафас олиб, қуёшда чақнаган булоқдай оқади, жонли сеҳркор тил билан куйлайди. Эҳтимол, улар таратаётган сеҳркор куйда Пушкин шеъриятидан оқиб ўтган ҳаволар ҳам оз эмасдир...

Ойбек ўзининг севдиги Пушкинга бағишлаган шеърларининг бирида бундай ёзган эди:

Нур тўла қадаҳинг ичаркан диллар,
Ҳислар гунчалайди ва очилади!
Ёрқин илҳоминг-ла қайнар наслар,
Асрдан-асрга нур сочилади.

Адолат ҳаққи айтиш керакки, Ойбек 30-йилларда ҳам, кейин ҳам фақат Пушкин эмас, Навоий эмас, Абдулла Қодирий эмас, бошқа буюк сўз санъаткорлари тутган «нур тўла қадаҳлар»ни ҳам баравар симириб ва симқориб ўсди.

ЗАМОН ТЎЛҚИНЛАРИ

*Замон тўлқинларин буюк қучоғи
Яширди йўлида қанча изларни.
Сўларми, эй шоир, бу ҳаёт боғи?
Доимо яшиладир... Боғ
юлдузларни.*

ОЙБЕК

Ойбек йил сайини эмас, ой сайини, ҳатто кун сайини ўсиб, илм ва ижод чўққилари сари шаҳдам одимлар билан борарди. «Евгений Онегин»нинг беқийс илҳом ва маҳорат билан таржима этилиши унга сўнмас шон-шуҳрат келтирди. У Пушкин билан сирлашиш ва диллашиш асосида, унинг «даҳо муҳри босилган» асарини идрок ва ўзга тилда талқин этиш жараёнида шоир сифатида, ижодкор сифатида янги босқичга кўтарилди. Ойбек ижодида

1936 йил билан бошланган ана шу юксалини палласининг меваси сифатида «Чимён дафтар» шеърлар туркуми вужудга келди. Айни пайтда шоир ер юзининг турли нуқталарида рўй бераётган воқеаларга ҳам бефарқ қараб туролмади, миллий чегарани ёриб ўтиб, интернационализм уфқлари сари одимлади. Унинг Испания воқеаларига бағишланган «Қаҳрамон қиз» достони, «Ҳарб ва сулҳ» ҳамда «Қурашчи Испания халқига» шеърлари эълон қилинди. 1937 йил кўкламида Ойбек Ғафур Ғулом ва Абдулҳамид Мажидий билан ҳамкорликда Октябрь инқилобининг 20 йиллиги муносабати билан «Ўзбекнома» достонини, Ойдин ва Усмон Носир билан биргаликда эса «Интернационал»нинг янги таржималаридан бирини яратди. У таниқли шоир ва таржимон сифатида А. С. Пушкин вафотининг 100 йиллигига бағишланган СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг IV пленумида (1937 йил, 22—26 февраль) ҳамда ўзбек санъати ва адабиётининг Москвада бўлиб ўтган декадасида (1937 йил, 12—27 май) иштирок этди.

Бу ижодий ютуқларга бой, янги ҳаёт гуллари чаман бўлиб очилган, кишилар чеҳраси, ошги ва қалбида эртанинг яна ҳам жозибакор шуълалари мавж урган кезлар эди. Аммо кўп ўтмай, шоирнинг шуъладор ва мусаффо осмонини қора булутлар қоплай бошлади.

Ойбек 1924-1925 йилларда техникумда таълим олар экан, у ерда рус ўқитувчилари билан бирга Туркиядан келган Эҳсон афанди, Иброҳим афанди спигари муаллимлар ҳам бўлиб, улар талабаларни илм-фан хазиналарига чорлашдан кўра, гўё «ҳам илмий, ҳам ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлган» Туркияни мақтанга кўч куч сарф этган ва кейинчалик пантуркистик ғояларни тарғиб этганлари учун техникумдан қувилган эдилар. Аммо орадан ўн йилдан зиёд вақт ўтганига, бу орада Ойбек Тошкент ва Ленинград дорилфунунларида таҳсил олганига, марксизм-ленинизм таълимотини эгаллабгина қолмай, ўзининг педагогик ва ижодий фаолиятида бу ҳаётбахш таълимотни жўшиб тарғиб этганига, ҳатто «Каштал»нинг қатор бобларини, «Интернационал»ни, партия тарихига оид асарларни таржима қилганига қарамай, айрим кимсалар унинг ижодидан камчиликлар топишга уриндилар.

Ойбек ўша даврдаги йиғинларнинг бирида ўз муҳолифларига қараб, бушдай деган эди: «Кўп ўртоқлар билсалар керак, мен бир заводчи ёки катта ер эгасининг боласи эмасман. Ғафур Ғулом айтганидай, агар Октябрь инқило-

би бўлмаса, агар эски давр ҳамон ҳукм сурган бўлса ёки миллатчиларнинг пантуркистик ғоялари ғалаба қилган бўлса, албатта, у вақтда мендан бир носвойпуруш чиққан бўлур эди, холос. Чунки менинг отам чорбозорчилик қилиб, носвой сотар эди. Октябрь инқилоби натижасидагина мен ҳозирги Ойбек бўлиб, янги жамият кишиси бўлиб етишдим». У ўзининг Ленин йўлидан ҳормай-толмай бораётганини уқдирибгина қолмай, ҳар қаандай шоирнинг соф лирик асарлар ёзишга, ҳар қаандай халқнинг ўз миллий маданиятини ардоқлашга бўлган ҳуқуқини шараф билан ҳимоя қилди. Бу ўз жонида кўра халқнинг руҳий ва маънавий бойлигини, унинг келажagini мўътабар билган шоирнинг, ҳақиқий халқ фарзандининг сўзлари эди,

«Ойбек ака,— деб ёзади И. Маҳсумов,— аввалроқ улуг рус шоири А. С. Пушкиннинг оламшумул «Евгений Онегин» шеърини романини ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, шундай каттагина парчасини биз 8-синф учун чиқарилган «Адабиёт хрестоматияси»га киритган эдик. Китобга мен муҳаррир эдим. Таҳрир вақтида шу парчадан 72 та изоҳталаб сўз чиқди. Булар қадимги худолар, афсопавий қаҳрамонлар, тарихий обидалар каби нарсаларнинг номлари эди. Шуларга изоҳ бериш ҳақида бошим қотиб турганда Ойбек ака келиб қолдилар. Мен фурсатдан фойдаланиб, шу ҳақда гап очдим:

— Барча керакли лугатлар ва энциклопедияларни тайёрлаб берсам, шу асарда нилатилган айрим сўзлар ва кини немларига изоҳ ёзиб бермайспми? — деб сўрадим.

— Сен таржима топиб берсанг, мен изоҳ ёзиб берман,— дедилар Ойбек ака.

Биз келишдик.

— Лугат-пугат керак эмас. Ёзишга қоғоз берсанг, бас,— дедилар яна.

Материални қўлларига олганларидан сўнг мен таржима ахтаргани чиқиб кетдим. Анча овора бўлиб, қайси бўлимдадир, таржима топиб, шартномасигача тузиб, олиб келсам, Ойбек ака изоҳларни тайёрлаб бўлган эканлар. Айрим ибораларнинг изоҳи бир бетни ташкил этар эди. Ҳолбуки, изоҳталаб сўзларнинг аксари бундан икки-уч минг йил бурун ўтган кишилар ва афсонавий нарсаларнинг номлари эди. Ойбек ака шуларнинг ҳаммасига бир ўтиришда, на лугат, на қомусга қарамай мукамал изоҳ ёзиб ташлабдилар. Шунда мен улуг, талантли

адбимизнинг шуурига, хотира кучига, чегарасиз билим хазинасига қойил қолдим».

Ойбек апа шу зайлда ҳаёт кечириб юрди. Ўз табиатига кўра, адолат таптанасига қаттиқ ишонувчи, бениҳоя пек-бин шопр қайғу ва аламларга берилмай, аксинча, янги ва ўз миқёсига кўра, улкан бир асар ёзишга киришди.

«Ойбек ака,— деб ҳикоясини давсм эттиради Н. Маҳсумов,— яна бир келишларида, биринчи жаҳон уруши вақтида, мардикор олиш воқеаси муносабати билан Тошкентда бўлиб ўтган инқилобий ҳаракат ҳақида бир роман ёзишга қарор қилганларини айтдилар. Мен гоят хурсанд бўлиб, яхши истак ва муваффақиятлар тиладим. У киши қатъият билади:

— Мен гуноҳкор эмасман! — деб айтдилар.— Лекин менга: «Ойбек, ҳақ экансан!»— деганларида қуруқ бормайман, шу романини кўтариб бориб, ўзимнинг инқилобга, партияга ва Совет давлатига садоқатли бир қаламкаш эканимни яна исботлайман! — дедилар...

Кейинги келгачларида романини бошлаганларини айтиб, ҳатто ундан икки парча олиб ҳам келдилар.

— Мана, ёза бошладим. Асар номини «Қутлуғ қон» деб қўйдим. Буни ўқиб, кам-кўстларини айтарсан. Лекин бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга гапириб юрма. Эсон-омон битирсам, тўсатдан кўтариб олиб бораман,— дедилар. Қолган парчаларини ҳам думма-дум сенга келтириб бераман. Сен ўқиб, фикрингни айтсанг, бас».

Орадан бир оз вақт ўтгач, ижодкор олдидан ёрқин уфқлар очила бошлади. 1937 йилнинг адоқларида Ойбек Ўқув-педагогика нашриётига таржимон қилиб ишга олинди. Бу даврда мазкур муассаса республиканинг энг катта нашриёти бўлиб, унда Ҳамид Олимжон, Теша Зоҳидов, Ёлқин Тўрақулов, Адҳам Юнусов, Ҳабиб Турсунов, Жуманиёз Шарипов, Абдулла Султонов каби ёзувчи ва олимлар хизмат қилар эдилар. Ойбек шу нашриётда атиги уч-тўрт йил ишлади. Аммо бу йиллар унинг ижоди учун ниҳоятда самарали бўлди. У Н. Ф. Дератани тузган «Антик адабиёти хрестоматияси»нинг «Рим адабиёти» деб номланган иккинчи жилдини, «Давид Сасунли» эносини, В. И. Лениннинг «Учинчи интернационал ва унинг тарихда тутган ўрни» асарини, В. Г. Беллинскийнинг «Поэзиянинг жансларга ва турларга бўлиниши» мақоласини, Ҳенрих Ҳейне, Анатолий Франс ва А. М. Горькийнинг шеър ва ҳикояларини таржима қилди. Бу Ойбекнинг ўзбек бадиий таржимончилигининг назарий ва амалий

муаммоларини ҳал қилиш ишига, умуман ўзбек маданиятини юксалтириш ишига қўшган бебаҳо ҳиссаси эди. Бундан ҳам муҳими, у замонавий мавзудаги биринчи ўзбек романи — «Қутлуғ қон»ни яратиб, ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг тўла-тўқис шаклланишини таъминлаб берди. Ойбек шу йилларда олиб борган ижодий фаолиятининг бу ҳар иккала соҳаси буюк жасоратнинг икки азамат қаноти эди.

...Ойбек тунд оқшомларининг бирида шаҳар кўчалари бўйлаб оҳиста, аммо залварли қадамлар ташлаб борарди. Одатда ана шундай сайр кезларида шоир хаёлига илинган табиат парчалари, унинг кайфиятига эш ўлароқ, унсиз-сўзсиз ҳолда қандайдир ички сирлардан, чексиз қопотда рўй бераётган воқеалардан воқиф этгандек бўларди. Баъзан бу воқеалар муайян бир оқимга, муайян бир маънога эга бўлса-да, унинг поэтик ва аллақандай ингичка туйғуларини юзага чиқарар, сўнг ана шу туйғулар, гавҳар допалари янглиғ, шеърининг ҳарир ишларига терилар эди. Бугун эса унинг паршон хаёлига ингичка, ҳатто ўксик ва аламнок туйғулар ҳам ораламади. Унинг қулоғида аллақандай суронларнинг дам юксалиб, дам сусайиб борувчи овозлари тинмай эшитилиб турди. Сўнг унинг кўзлари ўнгида болалик ва ёшлик йилларидаги манзаралар жонлана кетди.

Шайхантахур кўчасидаги саф-саф дўконлар... Трамвай ва араваларга осилган болалар... Йўловчилар... Бири кетмон, бири таёқ, бири ўроқ ушлаган кишилар... Қутилмаганда улар жунбушга келиб — баъзилари ғазаб отига миниб, бошқалари эса қандай савдо рўй берганига тушунмай, аммо тушунини истаб — Хадра томон юра ва югура бошладилар. Ўрда, ҳатто Юнусобод, бошқа узоқ ва яқин даҳалардан келаётган кишилар ҳам оломонга қўшилиб, асов бир оқимни ҳосил қилдилар. Сўнг бу оқим Баландмасжиддан Олмазорга — шаҳар полиция бошқармасига қараб йўл олди. Кимдир «Ғазот!» деб мусулмонларни бу оқимга қўшилишга чорлар, яна кимдир уларни тўхта-тишга, орқага қайтаришга уринарди. Аммо одамлар дарёси уларни, чўп-хас сингари, ўз оқимга тортиб, яна ҳам шиддатли тус олди.

...Ойбек бу хотиралар оқимини бузмоқчи, хаёл ўзанини ўзгартмоқчи бўлиб, хилват кўчалардан чиқди-да, одамлар гавжумроқ томонга юрди. Аммо бу одамлар ҳам унинг хаёлида ўз йўлларини ўзгартириб, шовқин-сурон билан

гүё бояги оқимга бориб қўшилдилар. Энди одамлар дарёси Шайхантахур кўчасини тўлдириб, оқа бошлади-да, сўнг шаршара билан Олмазорнинг пастқам кўчаларини тўлдириб юборди. Полиция маҳкамасининг соқчиси Мираҳмадшо Мирақбаршо ўели тўшончасини қинидан чиқарганча, нималариндир бақириб, оломонни тўхтатмоқчи бўлди. Маҳкаманинг ёғоч паижараси орқасида саф торган миршаблар ўзларидан хавотирланиб, на чекинишини, на ҳужумга ўтишини билмай, саросимага тушдилар. Соқчи миршаб оломонни тинчитиши ва қуролисизлантириши шиятида унинг раҳбарларини йўқлади. У тинч музокара йўли билан галаёини бостирмоқчи эди.

— Элликбошилар кирсин, — деб бақирди миршаб маҳкама эшигини тўсиб.

Аммо оломон орасидан кимнингдир забардаст қўли чиқиб, паижара оша ўтди-да, Мираҳмадшони даст кўтарди. Сўнг унинг ўзи ҳам, қўлидаги тўшонча ҳам одамлар дарёсига чўкиб кетди. «Мардикор бермаймиз!», «Амалдорларга ўлим!», «Мардикорликка бойларнинг ўғиллари борсин!», «Фармон бекор қилинсин!» деган талаблар авжга чиқди. Дарё тошиқинидан ёғоч паижара синиб, миршаблар улоқтириб ташланди. Шаҳарнинг етти ёшдан етмиши ёшгача бўлган фуқаросини зир титратган полиция пристави Алексей Мочалов оломонни авраб ҳам, қўрқитиб ҳам тарқатиш мумкин эмаслигини тушунди. Шундай бўлса-да, ғазаб ва қўрқувдан қалтираганича бақирди:

— Тинчланинг, халойиқ! Кимга қарши бош кўтардингиз! Император ҳазрати олийларининг фармонигами? Император ҳазрати олийларининг амри — худо амри! Мусулмон халқи худога қарши бош кўтарадими?..

Сабр косаси тўлган халойиқ бундай гапларни тинглаб ўтирмади. «Мардикор бермаймиз!», «Фармон бекор қилинсин!..» деган садолар баттар кучайди. Мочалов теваарак-атрофни ларзага келтирган садолар олдида, ўзини мажақлаб ташлашга тайёр турган халойиқ олдида эс-ҳушини йўқотиб, тўппончага қўл чўзди. Шу пайт оломоннинг олдинги сафларида турган аёллардан бири — Рузвон Аҳмаджон қизи Мочалов сари отилиб: «Ўғлимни бермайман! Ўғлимни олгандан кўра менинг жонимни ол!» — деб бақирди. Пристав отгап ўқ онани йиқитди-ю, халойиқни оёққа турғазди. Кетма-кет ўқ отилди. Миршаблар оломонни милтиқ ва тўппончалар билан тўхтатмоқчи бўлдилар. Аммо бири тон, бири кетмон билан қуроланган оломон миршабларга бас келибгина қолмай, уларни

дахшатга ҳам солди. Тошбўронда қолган миршаблардан бирининг боши ёрилиб, яна нечтаси ер тишлаб қолди. Қўлга олинган эса бино ичига чекинди. Сўнг подполковник Колесниковнинг қўл остидаги казаклар, шаҳар ҳокими Кочан ихтиёридаги миршаблар, подполковник Савицкий қўмондонлик қилган праноршчиклар ротаси исёнчилар устига ташланди. Қаҳр-ғазабни жипловдан чиққан халойиқ, қанча талафот кўришига қарамай, чекиннишни мутлақо ўйламади. Тошбўрон, қий-чув, дод-фарёд давом этди...

Бу иккиёқлама зулмга қарши, миллий мустақиллик ва исоний ҳақ-ҳуқуқлар учун курашга отланган халқнинг стихияли қўзғолони бўлиб, Туркистондан фронт ишлари учун 250 минг кишининг олинини унга бир баҳона бўлган эди, холос.

Бу тарихий воқеанинг рўй берганига йиғирма йилдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, у Ойбек хотирасига бутун тафсилотлари билан муҳрланган эди. Шоир бу воқеаларни қайта-қайта кўз олдидан ўтказар экан, улар ҳали ёзилмаган асарнинг авж нуқтаси ўлароқ кўринди. Ойбек халқнинг ана шу синфий курашга оингли равишда келиб қўшилгани йўлини, ундаги синфий оиннинг уйғонини бадний аке эттирувчи роман ёзишга киришди. 1916 йил халқ қўзғолони эса асарни якуловчи тайёр воқеа бўлиб романга киришни мўлжалланган эди.

1916 йилнинг 7 июлида Шайхантаҳур масжидига тўп-ланган элликбошилар шаҳар ҳокими вазифасини адо этувчи коллеж маслаҳатчиси Кочандан император ҳазрати олийларининг маҳаллий халқни мардикорликка чақирини ҳақидаги фармонидан биринчи бўлиб дарак топдилар. Бу фармонга кўра, 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган маҳаллий халқ фарзандларининг мардикорликка олинини амри вожиб эди. Дастлаб тарқатилган маълумотларга кўра, ерли халқ фарзандлари солдатликка ва умуман мудофаа ишларига жалб этилмаслиги керак эди. Аввалги ваъдадан қайтиб, мардикорликка одам олиш ҳақидаги фармоннинг чиқарилгани, Топкелт шаҳридан 700 ўрнига 1200 кишининг сафарбарликка жалб этилгани ва бу тadbирларни амалга оширини ишларининг рўзага тўғри келини халқнинг ғазабни қайнатиб юборди.

11 июль куни эрталаб соат 11 да эски шаҳардаги полиция бошқармасининг ҳовлисида элликбошиларнинг йиғини белгиланган бўлиб, бу йиғинда областнинг собиқ ҳарбий губернатори, генерал-лейтенант Галкин улар би-

лап суҳбат ўтказиши мўлжалланган эди. Аммо соат миллари ҳалд 9 ни кўрсатмасдан турибоқ бошқарма ҳовлисига этаги эркаклар дарёси билан туташган хотин-халажлар оқими оқиб келди. Бало-қазоларни ўз бошидан ўтказавериб, ҳар қандай хорлиқ ва зорликка чидаган халқнинг сабр косаси тўлиб-тошган эди. Халқ уйғонган эди!

Бу воқеалар ва уларнинг иштирокчилари ўзларида халқнинг Октябрь сари, инқилобий ҳаёт ва ижтимоий тараққиёт сари олиб борган кураш йўлини мужассамлаштирар эди. Шунинг учун ҳам асар қаҳрамони 1916 йил қўзғололида фаол иштирок этган кишилардан бири — Йўлчи Иброҳимовнинг номи билан аталса, айни муддао бўларди.

Ойбек Йўлчи Иброҳимовнинг шахсий ҳаёт йўли билан ортиқча қизиқиб ўтирмади. У қўзғололда иштирок этган юзлаб Йўлчиларнинг тақдири ва ҳаёт йўлини яхши билар эди.

Ўз қаҳрамонига исм топган Ойбек яна исён воқеаларига фарқ бўлди. Энди асар қаҳрамони қўзғололчиларнинг тартибсиз сафидан қатъий ўрин эгаллаб, инқилобий воқеалар гирдобидида қизғин ҳаракат эта бошлади.

Ойбекнинг кўз ўнгида исён воқеалари янги бир мазмуни, янги бир жило касб этган ҳолда аён гавдаланди:

«...Халқ дадил боради. Айниқса, хотинлар — оналар жасур. Улар Николайдан тартиб элликбошиларга қадар ҳаммади қарғашади. Унда-бунда миршаблар учрайди. Халқ энди уларни назар-писанд қилмайди. Гўдакка ҳам, кексага ҳам зулм қилувчи, қамчи ўйнатинига, шапалоққа моҳир малъунларнинг нафаси пичга тушган, ёлғиз кўзларидидагина заҳар ёнади...

Йўлчи ҳеч кимдан, ҳеч нимадан тап тортмасдан, ҳар қадамда одамларни жалб этиб, Балаандмачитга етганда, ҳар томондан Шайхантаҳур ва бошқа маҳаллалардан келувчи халқнинг Олмазорга, полиция маҳкамасига бурилишини кўриб, муюлинида тўхтади. У оломон билан янги шаҳарга чиқиб, бош ҳоким маҳкамаси олдида қўзғололчи авжлантиришни ўйлаган эди. Лекин қўзғололчи халқ полиция маҳкамаси томон югураверди. Халқ кўзида бу — энг қора, энг мудҳиш, энг зolim маҳкама эди, бу — унинг бағрига санчилган заҳарли ханжар эди.

Қўзғололчи халқнинг кини, қаҳри ҳар лаҳзада кучайди, ҳайқирини кўкини тутди. Йиғитлар муштларини кўтарди, кексалар ҳассаларини ҳавога қадади.

...Бу — улуг халқ исёни, бу асрлардан буён давом эт-

гап жабрга, қулликка, кишан-бўғов тузумига, бон турмачи Николай салтанатига қарши мустамлака камбағалларининг, капитал қулларининг қўзғолоши, даҳшатли зарбаси эди.

Бир рус ва бир неча «сарт» миршаблар — зулм малайлари ичкаридан югуриб чиқиб, сўкиб, қутуриб, оломони итаришга, орқага суришга уршишаркан, Йўлчи «Ур!» деб ҳайқирди-да, овига чап солган арслондек миршаблар устига ташланди. Бирпасда икки миршабни гишт устига ағдариб ташлади. Халқ ҳам зўр суреп билан бошқа миршабларга отилди. Юзларча эркак-аёл муштлари остида бадаллари дабдала бўлган бу кўнпақлар ичкаридан халқ устига ёғилган ўқларнинг ёрдами билан базўр қочиб, маҳкама ичига яширипа олдилар. Халқ маҳкама ичларини, зилани ва деразаларни қуршаб олди. Аёллар тош ва гишт парчаларини кўтариб, эшик ва деразаларга ҳужум қила кетди. Дераза ойпалари майдаланиб, қум каби тўкилди... Аччиғи оловланган бир аёл тўралардан бирига ёпишиб, зинадан пастга сийтаб тортди. Оломон уни ерга ағдариб, халқ ичига судраб кетди. Бошланг, кўкраги очик, кўзлари ажойиб чақчайган бир йиғитча чаққоплик билан унинг қиличини қишидан суғурди. Нақ шу онда, Мочалов буйруғи билан, зинадан, дераза орқаларидан халқ бошига ўқ ёғила бошлади. Мана, биринкетин хотинлар ерга йиқилдилар.

...Йўлчи, қулоқлари остида ўқ узилиб тураркан, томиларида жўшқин куч, юрағида юксак ҳисларининг, орзуларининг бўронини сизди. Кураш завқи, напъасига тўлган кўзлари билан халққа қаради...

...Халқда ҳаракат, ҳаяжон кучайди, Йўлчи суқила-суқила олдинга интилди. Туркистоннинг ҳар гўшасида подшоҳ ҳокимияти бундай маҳкамаларга суянар эди. Полиция маҳкамаси олдидан ўтаркан, ҳар кимни титроқ босар, унинг жабрини, даҳшатини халқ ҳар кун, ҳар соат, ҳар минут тотиб турар эди.

...Олмазорда, полиция маҳкамасининг ҳовлиси олдида халқ қалин тўпланган эди. Яна тевааракдан одамлар тўхтовсиз равишда бу ерга оқмоқда эди. Аксари эски-туски паражича-чачонга ўралган аёллар... Ҳавода асабий, кучли бир гулғула янграйди. Ҳаяжондан баъзиларининг кўзлари ёшланади. Ҳамма ўз билгангича қичқиради, зулмдан, жабрдан шикоят қилади. Кўн хотинлар, азада айтиб йиғлагани каби, ёшиқ фарёд кўтаради.

...Йўлчи якка кифт бўлиб, халқ орасини ёриб, олдинга ўтди. У бўйинини чўзиб, қайноқ асабий, ғазабли оммаши, зулм ўчоғини портлатишга тайёр ботир халқни кўздан кечиради. Мана улар: деҳқонлар, қорашда-чоракорлар, қаролар, шаҳар қосиблари, ишчилар, зулм оловларида суякларига қадар ёнган бечоралар ва уларнинг оналари, оталари! Йўлчининг қулоқларида товушлар гувиллайди: «Уруш қурсин, қашинишга тирмоғим ҳам қолмади, ҳаммасини Мекалай еди!», «Жабрининг тўқмоғига тоқат йўқ!», «Бойваччалар жўнасин мардикорликка, бизга тишчилик керак!», «Ётиб қолгунча отиб қол, деган гап бор-ку! Ипмага халойиқ қараб турибди, ахир!»

...Полиция эшиги берк; яшил билан сирланган ёғоч панжаралар олдида тутаққан халқ қайнайди. Ингитлар, хотинлар панжарага тирмашади. Йўлчи ўз шериклари билан бирга панжараларни бузишга киришиб қолди. Бутуш халқ, эркак-аёл бирдан ёширилиб, панжараларни қасир-қусур билан синдириб ташлади. Тўлқин полиция ҳовлисининг кенг саҳнига отилди. Шовқини кучайди. Одамлар бир-бирларини итариб, қоқилиб, зўр сурон билан олдинга югурди: ҳовлининг тўридаги оқ уйларга келиб тақалди. Уйларнинг эшиклари, деразалари тақа-тақ ёшиқ. Деразалар орқали погонли кўппакларнинг ғазабдан, кўрқувдан бужмайган тумишқуқлари кўринади.

...Балаид бўйли, нахмоқ сочили, дов казак аскарлар халқни уриб, ниқтаб орқага суришга тиришди. Халқ тўлқини, аксинча, олға босди. Колесников, жаҳлидан оғзини қийшайтириб, сўзлашга уришди. У оқ подионинг «олий фармони»га бўйсунини кераклигини, акс ҳолда «сарт»ларга қарши ўқ ва замбаракни сира аямаслигини, оналарнинг ва гўдакларнинг кўзёшларида Чирчиқлар ясашга тайёрлигини бақириб сўзлади. Аммо бунга жавобан халқнинг овози гуриллади: «Ур зolimни! Торт буёққа, янчамиз уни!..» Полицейстер саросималик билан тўшпончасини чиқарди. Унинг одамлари ҳам шиддатли равишда ўқ ёмғирини ёғдира кетди. Ўлган, ярадор бўлганларига қарамай, кўзғолошчилар катта сурон билан илгари отилиб, «тош бўрон»ни кучайтирди... Йўлчи ҳайқириб, ҳансираб казак аскарларига сапчиди. Серсоқол, дов аскар билан олишиб, шкки мушт билан уни гаранглатди-да, чаптастлик билан қиличнинг суғуриб олди. Бир онда у ўз кучининг ўлчовсиз даражада ўсганини сизди. Ичкарига қочаётган полицмейстернинг бошини мажақлаш учун шахдам югурди. Фақат дераза орқасидан узил-

ган ўқ билан, у томири тортинган, ёки гарашлаган одам каби, бир лаҳза қотиб қолди, сўнг қилинчи маҳкам ушлаб, букчайиб, оҳистагина ерга йиқилди...»

Гарчанд кейинчалик бу тасвир янги тафсилотлар билан тўлдирилган, асарда тасвир этилган воқеалар оқими билан яна ҳам уйғунлаштирилган бўлса-да, у аввал-бошдаёқ, ҳатто асарни ёзиш нияти найдо бўлмасидан олдин Ойбек ҳаёлида турилган, шаклланган, реал манзара шаклини касб этган эди. Кейинчалик бутун роман ва ундаги воқеалар заنجири Ойбекни безовта қилган, унинг психомани қитиқлаган ана шу манзарадан ўсиб чиқди.

Бу даврда «Евгений Онегин»нинг таржимони сифатида шуҳрат қозонган Ойбек антик адабиёт памуналарини ва бошқа, гоҳ ўлмас, гоҳ ўткинчи асарларни таржима қилиш юмушлари билан банд эди. У ўз таржимаи ҳолида худди шу ҳолатни кўзда тутиб, ёзган эди: «Мен таржима билан шуғулланар эканман, роман ёзишга аҳд қилдим. Унда ўзбек халқининг революциядан олдинги ҳаёти, халқнинг ўз ҳуқуқлари учун курашга штилиши ва бу курашнинг машҳур 1916 йил қўзғолонига қўшилиб, кучайиб бораётганлиги тўғрисида ҳикоя қилмоқчи бўлдим.

Гарчи мен роман воқеалари юз берган даврда ҳали бола бўлсам ҳам, энди мен буни ўз кўзим билан кўрганлигимни айтиш учун етарли ҳаёт тажрибасига эгаман, деб айта олардим. Болалик чоғларимда мен халқ турмушини кўрдим, камбағаллар ва авом халқнинг қоронғи ва дим уй-жойларини, бойларнинг атрофи балаид-балаид деворлар билан ўралган ҳашаматли иморатларини, муздек ҳовузи бўлган боғларини кўрдим. Ёшлигимда бой боғини кўриш учун бир неча марта дарахтларга чиққанман. Мен бошқаларнинг турмушини чапқоқлик билан кузатдим ва кейинчалик романымда тасвир этилган ижтимоий муносабатларнинг кўпгина томонларини ўша вақтдаёқ тушунган эдим. Мен ўз қаҳрамонларимда бўлажак революцион курашчиларни, совет жамиятини қурувчиларни халқ пичидан чиққан кишиларда кўрдим».

Ойбек 1916 йил қўзғолонини ўзбек халқининг иқтилобдан аввалги ҳаёти ва ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун олиб борган курашининг нузли бир чўққиси тарзида ифодаламоқчи бўлди. Шу мақсадда у «халқ пичидан чиққан бўлажак революцион курашчилар»нинг образларини яратишга алоҳида эътибор берди. Ёзувчи олдида Йўлчиларнинг миллий ва ижтимоий зулм пиланоялари оша 1916 йил қўзғолонига келиб қўшилишини кўрсатиш вазифаси ўз-

ўзидан кўндаланг туриб олди. Ана шу ғоявий вазифани амалга ошириш ниятида Ойбек ўзи кўрган ва билган ҳаёт қаъридан Йўлчи характеришнинг тадрижий такомиллиги очинишга ёрдам берувчи тафсилотларни қидирди. Йўлчи Ойбек наздида онги ҳали ҳаётний зиддиятларга рўбарў келавериб чархланмаган, оддий, тўғри, мўмин-қобил, бойларга ишонган ва улар этагидан тутган бир кимса эди.

Ёзувчи Йўлчининг ўта соддалигини таъкидлаб кўрсатиш мақсадида уни китобхонага Хўжакент қишлоғидан келган, деб таъинтиради. Умуман, Ойбекнинг тасвир усули учун шу нарса характерлики, у қаҳрамон образига алоҳида диққат-эътибор бериш ниятида уни янги бир муҳитга олиб киришни севади. Бу ҳол унга қаҳрамонни бутун бўй-баста билан кўрсатиш, унинг моҳиятини очиш ва унинг характеридаги янги муҳит таъсирида шаклланаётган ўзгаришлар ва янги сифатларни кашф этиш имкониятини беради. Маълумки, «Олтин водийдан шабадалар» романи Ўктамнинг фронтдан — тўрт-беш йиллик, аммо бутун умрга татирлик азоб-уқубатлардан сўнг — қадрдон қишлоққа қайтиши билан бошланган. «Қуёш қораймас» романида эса Москва бўсағаларида кечаётган жанг Бектемир учун ана шундай янги муҳит вазифасини бажарган. Бу адабий приём «Қутлуғ қон» романида биринчи марта истифода этилди.

Ойбек Йўлчининг — Хўжакент қишлоғидан чиққан деҳқон йигитининг — шаҳарга, тирикчилик орқасида, нон-насиба ахтариб келиб қолганини тасвирлар экан, унинг онги катта шаҳарда рўй бераётган воқеалар таъсирида ўзгаришини, унинг ҳаётига инқилобий ғояларнинг кириб келишини кўрсатишга алоҳида эътиборини қаратди.

Йўлчи биринчи бор шаҳарга, тоғаси Мирзакаримбой хонадонига кириб келганда, бой ундан — ерсиз-сувсиз қолган жиянидан — ўпкаланиб, ўз фалсафасини баён қилади: «Пул — ҳамма нарсанинг отаси. Пул — белга қувват, бошга тож. Пулдор одам — қанотли одам, бу қанот билан мағрибдан машиққача учасап, ҳар ерда ошна-оғайни, дўст-ёр толасан...»

Аммо бу насиҳат Йўлчига қор қилмади. У бой эшигида икки ярим йил хизмат қилиб, ўз ҳақини ололмади ҳатто! Ёзувчи Йўлчининг шу дамдаги ҳолатини тасвирлаб, ёзади: «Қамбағал Йўлчига пул ғов эмас, айниқса Гулнор каби ҳаёт қуёшидан айрилиб, энг гўзал, энг порлоқ умидларини синаб, пулининг маъноси қоладими? У нимага ярайди?..» Ўз кучига ишонган, қадр-қимматини

балад тутган Йўлчи «оламда энг паст ва разил кўринган Мирзакаримбой» билан пул учун ёқалашини ўзига ор билиб, унинг хонадонини тарк этади.

«Пулдор одам Маскавгача, Варшавагача боради. Пулсиз одам ўз жойидан бир қадам силжисин-чи! Бе!» — деган эди Мирзакаримбой. Бир пайтлар маълум бир қимматга эга бўлган бу сўзларни ҳаёт чиппакка чиқарди. Пулсиз Йўлчи Мирзакаримбойлар оламидан бир қадам силжиши билан улар солган кишандан фориг бўлди! Унинг қаршисида ўзи учун, халқ учун курашнинг муқаддас майдони очилди!

...Йўлчи ҳаётнинг машаққатли ва уқубатли сўқмоқлари оша ўтиб, эндигина шу майдонга чиқиб олганда, ўқ тегиб, йиқилди. «Бир нафасдан сўнг, кўзларини секин очди. Тиниқ зангори само, азамат қуёш унинг кўзларига кирди... Кўкракдан оққан қонга беланиб ётса ҳам, у фикран, руҳан жангда эди: исёнчи, қаҳрамон халқнинг ўз одамгарчилигини, ўз ҳақиқатини тасдиқ эттириш учун золимларга кўкрак керган, мушт кўтарган мингларча ўз оғаниларининг, оталари, опаларининг гулдурас овози унинг қулоқларида гувиллайди.

Кимдир уни қучоқлаб, пешонасини сслаб қичқирди: — Йўлчибой! Оганг ўлсин! Вой қадрдоним, жигарим!

Йўлчи кўзини базўр очиб, Қоратойни кўрди. Унинг ёш қайнаган кўзларига чуқур дўстлик севгиси билан боқиб, «йиғламанг» деган каби имо қилди...»

...Лекин йиғламасликнинг пложи йўқ. Суянган тоғи, ҳаётда ягона умиди бўлган акасини қучоқлаганича, Упин фарёд чекади. Шокир ота эса Йўлчининг бошига чўкка тушиб, ўзининг «оғир дардли, чуқур ярали қалби» билан узоқ йиғлади. Сўнг Усинга бутун оталик самимияти билан таскин беришга тиришади:

«—Қизим, жоним қизим... сен кўп ўртайма... Йўлчининг ўлими анча-мунча ўлим эмас. Бу жуда катта ўлим. Аканг, Йўлчи ўғлим, нима учун, ким учун қон тўкди? Ўзи учун эмас, халқ учун, юрт учун, жамики аламзадалар, аламдийдалар учун қон тўкди. Бу қон энг қутлуг, энг муборак, энг соф қон... Бунга гумоним йўқ. Қизим, аканг мард йиғит эди, номусли йиғит эди. Помус билан, мардлиқ билан ўлди. У зулм илдиизига болта урди. Ишшоолло, зулм дарахти қуриydi. Йўлчининг қони беҳуда кет-

майди, сира беҳуда кетмайди. Ёу ҳикматли қон, қутлук қон...»

Каминна 1955 йилда адиб билан ушбу роман хусусида суҳбатлашар экан, у Йўлчининг ҳалок бўлиши эпизодини пашқатор кўзёшлари билан ёзганини айтган эди. Чиндан ҳам, романининг бу сўнгги, ўта мунгли саҳифаларини кўзёшиносиз ёзиш ҳам, ўқиш ҳам мумкин эмас.

«Пулсиз одам ўз жойидан бир қадам спляжиб кўрсинчи! Бе...» — «илоннинг ёғини ялаган» бойнинг бу қаҳрли сўзларида наҳотки ҳақиқат учқуни бўлса?!

Ёзувчи бу саволга Шокир ота сўзлари билан жавоб беради: Йўлчи «...ўзи учун эмас, халқ учун, юрт учун... қон тўкди... Йўлчибой эр ўғли эди — эр эди, у бошқа оламдан эди.. Лекин ўлими ҳам улуғ бўлди. Буни яхши тушун, қизим!»

«У бошқа оламдан эди» — Шокир отанинг бу сўзларида катта маъно бор. Йўлчи мансуб бўлган бошқа олам кишилари учун Мирзакаримбойларнинг ҳаётини фалсафалари ҳеч қандай кучга ва ҳеч қандай қимматга эга эмас. Аксинча, улар шу фалсафани таг-томири билан қўпориб ташлаш учун, янги ҳаёт пойдеворини, янги инсоний муносабатлар пойдеворини яратиш учун ҳаётга келган эдилар.

Ойбек ўзининг биринчи романи билан бошқа олам, бошқа давр, бошқа гоёларнинг таптанаси учун курашган янги қаҳрамонни ўзбек совет адабиётига олиб кирди. У тез орада адабиётимизнинг байроқдор қаҳрамонларидан, машъал қаҳрамонларидан бирига айланди.

Ўша суронли йилларда, Ўқув-педагогика нашриётида, кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Нашриёт республика мактаблари учун ўзбек халқи маданияти ва маорифи тарихида биринчи бўлиб том маънодаги дарслик, хрестоматия ва бошқа ўқув қўлланмаларини босиб чиқарди. Ўзбек фани ва маданиятининг бўлажак қатор пешқадам арбоблари, айтиб ўтилганидек, шу йилларда ушбу нашриёт бағридан ошён топган эдилар. 1938 йилда улар сафига Ойбек билан Ҳамид Олижон ҳам келиб қўшилди.

— «Ойбек домланинг, — деб ёзади Ҳуманиёз Шарипов, — Ўқув-педагогика нашриётида ишлаган давридаги таржималарининг рўйхатини тузсак, бир дафтар бўлади».

Баҳс Ойбек таржималари ҳақида борар экан, илмий адабиётларда тилга олинмаган яна бир фактни қайд этиб

Ўтиш лозим бўлади. Гап шундаки, Ойбек, «Рим адабиёти» хрестоматиясидан ташқари, «Хорижий адабиёт хрестоматияси»ни таржима этишда ҳам қатнашган. Адибининг «Правда Востока» газетаси 1941 йил 1 январь сонидан эълон қилинган бир адабий лавҳасида бундай сўзлар бор:

«Мен ўтган йилда жаҳон адабиётининг машҳур асарларини ўзбек тилига таржима этиш билан ҳам шуғулландим: Рим поэзияси, драма ва прозасининг намуналаридан иборат бўлган антик адабиёт хрестоматиясининг иккинчи қисмини таржима этдим. Бу китоб босилиб чиқди. Антик ёзувчиларнинг асарлари биринчи марта ўзбек тилида эълон қилинди. Мен ушбу хрестоматиянинг юшон адабиётини ўз ичига олган биринчи қисмини таржима этишда ҳам иштирок этдим.

Гётеннинг ўлмас достони — «Фауст»дан ҳам 2 мингга яқин сатрни таржима қилдим. Бу китоб 1941 йилда босилиб чиқади ва ўзбек китобхонларини буюк намуна шеърининг асари билан таништиради».

Ойбек «Қисқача таржимаи ҳоли»да Карл Маркснинг «Капитал», Дантенинг «Илоҳий комедия», Байроннинг «Кани» асарларидан ҳам айрим парчаларни таржима қилгани тўғрисида маълумот беради.

Ҳомил Ёқубовнинг айтишича, 1939—1940 йилларда «Хорижий адабиёт хрестоматияси» Ойбек иштирокида таржима этилиб, нашрга тайёрланган. Юшон адабиёти намуналари билан бирга Ойбек юқорида тилга олган бадий асарлар ҳам ушбу хрестоматиядан жой олган эди. Аммо 1941 йилда босмадан чиқиши мўлжалланган бу китоб уруш туфайли чоп этилмай қолган. Китобнинг нашр учун тайёрланган ягона нусхаси эса Сотти Хусайн архивида йўқолган.

Бундай узундан-узук «лирик чекиниш»дан кейин шунини таъкидлаш керакки, Ойбекнинг шу наприётда ишлаб юрган чоғларида яратган энг муҳим асари «Қутлуғ қон» романи эди. Умуман, бу асар Павоний романи билан биргаликда Ойбек истеъдодининг энг буюк мевалари бўлиб қолади.

Адибининг айтишича, у романини писбатан қисқа муддатда — саккиз-тўққиз ой мобайнида ёзиб тугатди. Бу 1938 йилнинг ёз ойлари эди.

Миркарим Осим худди шу даврни эслаб, ёзади:

«Мен яқшапба кунд Ойбекни йўқлаш учун унинг Оқ-теңадаги боғига бордим. Қўрғонча эшигини тақиллатган

эдим, Зарифахоним чиқиб, мени ичкарига таклиф қилдилар.

— Ойбек шу ердами?

— Ҳа, шу ерда. Лекин ҳали ўрнидан тургани йўқ.

— Не, соат бир бўлди-ку. Кечаси иккида ётган бўлса ҳам, уйқуга тўйиши керак эди.

— У кўпича соат уч-тўртгача шийпонда ўтириб ишлайди. Энди турадиган вақти бўлди, кириб ичкарига.— Зарифахоним айвондаги хонтахта устига дастурхон ёзиб, бир чойнак чой келтириб қўйдилар...

Орадан кўп ўтмай, Ойбек уйғониб, шийпондан пастга тушди. Ювиниб бўлгач, мен билан сўрашиб, дастурхон ёнига ўтирди.

— Хўп боғинг бор-да,— дедим мен завқланиб.— Ҳовузча четидаги қиёқ ўтларнинг шитирлашига қулоқ солиб ўтириб, бир рус шоирининг: «Сукунат оғушида қамишлар шитирлашар», деган мисраси эсимга тушиб кетди.

Ойбек ҳовузчага қараб мириқиб кулди. Гап поэзияда табиаддаги товушларга тақлид қилиш, жарангдорлик, мусиқийлик устига кўчди. У дўстлар билан шеър баҳсини яхши кўрар, Брюсовдан, Есениндан гап очар эди. Уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирганимиздан кейин у айвон ёнидаги ҳужрага кириб кетиб, бир шиша май олиб чиқди.

— Қўлбола мусаллас,— деди у.— Бир арманидан мусаллас тайёрлашни ўргандим. Хумчадаги узум сувига бир пиёла вино қуяман-да, устини патнис билан бекитиб қўяман. Олтмиш кунда тайёр бўлади,— деди у пиёлага май қуйиб.

— Не, хумчанинг оғзини яхшилаб бекитиб, суваб ташламайсанми?

— Йўқ. Ундай қилса, мусаллас фойдали бўлмас экан. Ҳали этилмаган бўлса ҳам бир ичиб кўрайлик, ёмон бўлмаса керак.

— Майи ноб бўлибди,— дедим мен бир қултум ютиб.

Ойбек ҳам жиндек май ичиб, хурсандчиликка берилар десам, бўлмади. У оғир, ўйчан ҳолда ижод азобларидан гапирди.

Маълум бўлишича, у худди шу кунларда Оқтепадаги боғида «Ўтлуғ қон» романига сайқал бераётган экан.

Орадан икки-уч ой ўтар-ўтмас романига пардоз бериш ишлари ҳам тугади. Аммо 1940 йилга келибгина уни нашр этиш имконияти туғилди. Бу Ойбек ҳаётининг энг бахтли кунлари эди.

«Қутлуғ қош» романининг майдонга келиши ўзбек маданияти тарихида пихоятда улкан воқеадир. Афсуски, бу воқеа айрим кичилар томонидан старли баҳолалмади. Романининг 1941 йил 19-20 февраль кунлари бўлиб ўтган муҳокамасида баъзи бир «билимдон»лар асарнинг қиммати пасайтиришга уридилар. Ўша йилларда «Литература и искусство Узбекистана» журналининг муҳаррири Виленский асардан турли-туман хато ва нуқсонларни топишга уриди. Унинг назарида, чунончи, романда, Ерматдан бошқа, бирорта жонли қаҳрамон йўқ эди.

Ойбек бундай тухматларга ўзига хос кенглик ва оқиллик билан жавоб берди. Мапа, муҳокама стенограмма-сидан кичик бир лавҳа:

«ОЙБЕК: ...Ўртоқ Виленский кўп жихатдан ҳақ. Аммо Йўлчи образининг статиклиги тўғрисидаги фикрларига асло қўйишга олмаيمان. Мен ўртоқ Виленскийнинг романини ўқиганлигини билардим, бироқ унинг бугунги нутқидан кейин бунга шубҳалана бошладим.

ОВОЗ: Ахир у асарга муҳаррирлик қилган-ку.

ОЙБЕК: Шунга қарамай, у биринчи бобдаги Йўлчи билан сўнги бобдаги Йўлчи ўртасидаги фарқни кўролмапти.

ВИЛЕНСКИЙ: Мен конфликтсизлик тўғрисида сўзлаган эдим.

ОЙБЕК: Бу ерда қандай конфликтсизлик бўлиши мумкин? Конфликтлар бор, бор бўлганда ҳам жуда жиддий конфликтлар... Ўртоқ Виленский яна етмиш яшарли чол, ҳақиқий қашқир Мирзакаримбой онгида туб ўзаришлар бўлишини талаб этмоқда. У қашқир эди, қашқирлигича қолди. Агар бу образ янада ривожлантирилганда, ундаги ваҳшиёна инстинктлар яна ҳам кучайтирилган бўларди холос...»

Ана шу тарзда Ойбек, Шайхзода ва Иззат Султон ўз сўзларида романининг «пахта — астарини» чиқармоқчи бўлганларга муносиб зарба бердилар.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, роман ўзбек совет адабиётининг поёб асарларидан бири сифатида эътироф этилди. У рус тилидан ташқари, чех, словак, дорий, озарбайжон ва қирғиз тилларига таржима қилинди. Шу орада у экранлаштирилди, драма ва опера саҳналарининг юзини кўрди.

Ҳа, ҳаёт дарёси бетиним оқади. Олдинда узоқ йўллар бор. Ҳали бу йўлда турфа санъат вакиллари Ойбекнинг ўлмас асарларига ҳам кўп бор мурожаат этадилар.

«Енгиш ишқи», кураш ва зафар балқиб турган ушбу сатрлар билан жанговар йиллар шеърятини оёққа турди. Ойбекнинг ана шундай некбин ва курашчан гоёлар билан йўғрилган «Евга ўлим» шеъри уруш даври ўзбек шеърятини ва умуман ўзбек адабиётининг қалдирғоч асари бўлди.

Уруш гулдиргани янграб, мусаффо осмон узра қора қузғунлар пайдо бўлган кунларда бутун ўзбек халқи ўзининг доҳий санъаткори Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини умумхалқ байрами сифатида нишонлашга қизғин тараддуд кўраётган эди. Буюк Алишер сиймосига ўзгача меҳр туйган, унинг ўлмас асарларини болалик кезларидан бошлаб севиб ўқиган Ойбек эса ўзининг энг машҳур тарихий романини ёзаётган эди.

Ойбекнинг Навоий сиймоси билан қизиқиши узоқ тарихга эга. У эски мактабда ўқиб юрган чоғларда, қувван ҳафизаси ўткир бўлгани сабабли, Сўфи Оллоёр, Машраб, Яссавий сингари ўша давр руҳига яқин шоирлар ижоди билан барвақт танишди. Унинг икки-уч бор ўқиши натижасида бу шоирларнинг кўплаб газал ва ҳикматларини ёд олганидан дарак топган домла кунларининг бирини да унга: «Эртага Навоийни бошлаймиз. Лекин шарт шуки, ёглиқ ош, бир сават кулча, кейин сурати каттакоп пул... Уқдингми?» деб илжайди. Мусо мактабдан қайтиши билан бу «хушхабар»ни опасига айтишга ошиқди.

— Қимматчилик, болам... Ўзимиз еб тўймаган ёглиқ палов билан қуриб кетгур Мекалайнинг расми солинган дастурёмолдай пулни қаердан оламан? Бирор коти бўлса, айтсин домланг!.. Худонинг берган ҳафтаси ош сўрайди, пул сўрайди. Намунча очофат бўлмаса...— куйиб қақнайди Мусонинг онаси, сўнг аста юмшайди.— Майли, бир сават кулча билан беш сўм бераман.

Эртаси бир сават кулча билан беш сўм пулни кўтарган Мусо, жилдидап гўё Навоий газалиёти янграб тургандек, хушнуд бўла-бўла мактабга жўнайди. Домла совган саломни қабул қилиб, Мусонинг жилдидаги китобини пастак тахта курсига қўяди-да: «Ўани, бошлаймиз, бисмилло...» — дея салмоқ билан ўқий бошлайди. Домла билан юзма-юз Мусо ҳам эргашади:

Апрақат мин акси шамсил-қаси аввор-ул худо,
Ер аксин майда кўр, деб жомдан чиқди садо.
Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.
Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшидани ичган гадо...

Гарчанд бу байтлар буюк шоирнинг шеърӣ дурдона-ларидан бўлмаса-да, Мусо улардаги сеҳрли рамзлар, рангдор қофиялар ва музикӣ садолар ўйинидан қувониб ва нурланиб кетди.

— Навоӣ ғазалиёти ишқӣ. Аммо у оллои карамнинг ошиқи. Шул сабабданким, байтлари пок муҳаббатни тарашиш эътиди. Ўқий бер, бориб-бориб тушунадиган бўласан,— деди домла.

Ҳақиқатан Навоӣ ғазаллари Мусода пок севги туйғуларини уйғотади. Мусо улуг шоир байтларини тобора завқ-шавқ ва чуқур ҳис билан ўқий бошлайди. Аммо уларнинг сеҳркор оламига том маънода кириш кейин — 20- йилларнинг охирида юз беради.

Ўзининг адабий ва илмий фаолиятида Навоӣ мавзуга қайта-қайта мурожаат этган Ойбек улуг шоир асарларини, у ҳақдаги, шунингдек у яшаган тарихий давр ҳақидаги илмий адабиётни қунт билан мутолаа этди. Ана шу адабий ва тарихий асарлар орқали унинг тасаввуринда пайдо бўлган Навоӣ сиймоси йил сайини бойиб, тобора жонли қирралар касб этгач, унинг диққат-эътиборини, шоирона хаёлини, нигоҳини, илҳомини тобора кўпроқ банд эта бошлади.

Шундай санъаткорлар бўладикки, улар ёзув столига яқинлашганларига қадар ўз асарларининг қайси воқеа билан бошланиб, қандай воқеа билан тугаллашини мутлақо билмайдилар. Улар учун ижодий жараён қўлга қалам олиш билангина бошланади. Яна бир топфа ижодкорлар борки, улар ёзув столи ёнига келгунларига қадар бўлажак асарининг қарийб бутун андозасини ўйлаб-бичиб қўядилар. Учинчи гуруҳга мансуб ёзувчилар учун эса асарининг энг муҳим нуқтасини белгилаб олиш катта аҳамиятга эгадир.

Чингиз Айтматов «Труд» газетаси муҳбирининг: «Сизда янги асар гоёси қандай пайдо бўлади?» — деган саволига жавоб берар экан (1984), «Бирор қисса ёхуд романи бошлашдан аввал фақат битта мажбурий бир ҳолатга риоя қилишим, яъни хотимани аниқ билишим керак. Хотима тайёр бўлмагунга қадар ёзув столига ўтирмаймак», деган эди. Ойбек ҳам худди шундай ижодий принципга амал қилган. Чунинчи, у «Қутлуг қон» ва «Навоӣ» романларини ёзишдан аввал уларнинг икки асосий нуқталари — муқаддима ва хотимани озми-кўими аниқ тасаввур этган. Унинг учинчи йирик полотноси — «Қуёш қораймас» романида эса хотима ижодий жараёнининг

дастлабки босқичида тайёр бўлмаганлиги сабабли бу асар устидаги иш пароканда ҳолат касб этди. Агар адиб дастлабки икки романи саккиз-тўққиз ойлик муҳлатда асосан ёзиб улгурган бўлса, бу сўнгги асарни тугаллаши учун унга ўн беш йил даркор бўлди.

«Мен Навоийга алоқадор материалларни, — деб айтган эди Ойбек А. Наумов билан қилган суҳбатида (1966), — ўттиз биринчи ёки ўттиз учинчи йилдан бошлаб мунтазам суръатда тўплашга киришдим ва ўттиз олтинчи йилдаёқ каттагина тадқиқотни тугатдим».

Ойбек «Навоий» романининг ижодий тарихига бағишланган мақоласида бундай ёзади: «Тахминан 1936—37 йиллар кичик поэма — «Навоий»ни ёздим. Лекин бу машқ Навоий образини яратишда чизилган фақат бир эскиз эди. Кейин 1942 йил буюк полотнога ўтиб, «Навоий» романини ёздим. Бунинг учун, албатта, Навоийнинг барча асарлари, Навоий яшаган даврнинг тарихи, у даврнинг социал қиёфаси, у давр жамиятининг характери, урф-одати, хулқ-атвори билан танишишга тўғри келди. Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим. Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, романининг иш плани қоғозда йўқ эди. У менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлигимни банд этган эди. Юрсам-турсам ҳамини Навоийни ўйлар эдим».

Демак, Ойбек ўн йилдан иборат каттагина давр мобайнида Навоийни, у яшаган давр ва муҳитни шу қадар синчковлик билан ўргандики, ҳатто унинг маънодор, ақлли кўзлари, олижаноб қиёфаси ва пок қалбини, узоқ ўтмишдаги Ҳиротнинг ҳар бир кўчаси ва бу кўчалардаги ҳар бир ҳовлини, Ҳусайн Бойқаро боғидаги ҳар бир дарахт, ҳар бир япроқни, подшо лашкаридаги ҳар бир навкарни биладигандай таассурот қолдирарди.

Ойбек архивида «Ҳирот», «Ҳиротдаги гўзал жавлонгоҳ», «Самарқанд» деб номланган лавҳалар сақланади. Бу лавҳалар билан ташишар эканмиз, масалан, Ҳиротни кўрмаган, айниқса XV асрдаги Ҳиротни кўриши мумкин ҳам бўлмаган адибнинг бу шаҳарлар ҳақидаги тасаввурни қанчалик аниқ бўлганидан таажжубланмай илож йўқ. Чунинчи, «Ҳирот» лавҳасида қуйидаги жопли манзара кўз олдимизда қад кўтаради:

«...Шаҳарнинг марказидаги Чорсу ҳар кунги минг товушли сурони билан қайнайди. Бу ердан тўрт ёққа кетган тўртта катта йўлга ола-була қурама оломон тўлқини

оқади. Бу йўллар бозорга элтади. Тим билан қопланган нимқоронғи расталарда — турли матолар сотиладиган дўкон қаторлари — савдо чаққон. Йирик савдо йўллариининг устида ётган бу шаҳарнинг бозорларида турли мамлакат одамларини, молларини учратиш мумкин. Базозликда Кашмир шоли, Хитой ипақлари, мис тўқилмалари билан дўконлар ердан шифтгача тахланган. Ранг-баранг ипақ девол орасида чордана қурган тужжор хушмуомаласи, айёрча табассуми билан харидорни қочирмасликка тиришади. Қурол-аслаҳа растасида Боғдод, Исфаҳон пўлатидан ясалган қилчлар, хапжарлар, ингичка санъат намунаси бўлган гўзал қишлар ва ҳоказо устида тигишуслар, ҳаваскорлар уймалашади...

Шаҳар баҳор шодлиги ва тўлғинлиги билан нафас оларди. Бир парча булутсиз самонинг ложувардида жануб қўёнининг олтини ловуллаб ёнар, боғлар, чаманзорлар, сарвзор хиёбонларнинг яшил жингалагини нур билан ювиб, эркаларди. Етти муаззам тоқи ҳавога гердайиб қулоч ёйган масжиди жоменнинг само шакл гумбазиди, мадрасаларнинг азамат деворларида, пештоқларида, гингант алиф каби юксалган мипораларда бой, безакли серҳашам қадли янги саройларнинг садларида нақшлар жонли ҳақоний чаманзор каби ранг-баранг оловланарди. Азамат деворлари, тупроқ уюмлари; метин мипоралри билан ҳайратомуз иншоот бўлган Ихтиёриддин қалъаси қаҳрли салобати билан кўзларни ўзига қадарди...»

Тарихий роман муаллифининг маҳорати, энг аввало, тарихий даврни, шароитни, кишиларни ҳис қилишдадир. Юқоридаги сатрларни ўқиган китобхон Ойбекнинг XV асрни ҳаққоний ҳис этганига тўла-тўкис ишонч ҳосил қилади. Бинобарин, шу тасвирнинг ўзиёқ Ҳирот кўчаларида Навоийнинг пайдо бўлиши учун етарли замин ҳозирлайди.

Ойбек узоқ йиллар давомида Навоий сиймоси билан яшагани, унинг даври билан нафас олгани сабабли нафақат Ҳирот кўчаларининг, балки улуғ шоирнинг ўзини ҳам аён тасаввур этарди. У бу ҳақда ёзади:

Асрларга элтиб хаёлни,
Баъзан ёрқин кўрамаи чолни...
Нуроний юз, нуроний соқол,
Юзларида муҳаббат, малол.
Даҳо порлар пешонасидан,
Гўё қуёш булут ичидан.
Буюк кўнгиш ва буюк фикр
Мавжи каби чизгиларда сир.

Кўркам, мағрур, оз эгик боши,
Қуюқ, жиддий кийриги, қоши
Нпгоҳининг маъноси подир:
Шундай боқар фаиласуф шоир,
Чехрасида ҳаёт мазмуни,
Тажрибалар ясамиш уни.
Донишманд чол, улуг руҳга хос
Бир табассум — тавсифга сиемас,
Тавозен самимий, илиқ,
Ҳаракати поэтик ва силлиқ.
Нафис бутун сиймоси, саси,
Нафис ишқи, ғамп, напъаси...

Ойбек буюк шоирнинг кексалик чоғларини «Навий» достонида шундай тасаввур этган эди.

Ўттиз ёшлар арафасидаги шоирнинг портрети эса Ойбек хаёлининг чаманзоридида бундай гавдаланган: «Устида бир қадар эскирган чағмон, унинг ичидан пахталиқ мурсак, ингичкароқ, пишиқ бўйишда ўрнашган кўримли бошида мухтазам ўралган чорпеч дастор; кеңгина, чорпахил бўлишига қарамай, хушбичим ёноқлари бир қадар чиқиқ юзида кўп йиллик ақлий меҳнат: донмий тафаккурининг инсонга енгил бир ҳорғинлиқ билан бирга жиддият, асл маъно ва салобат бағишловчи нури жилваланади. Ёши ўттизга етмасада, қошларининг устида ингичка чизиклар... пягида сийрак, қисқа қора соқол, юқори лаби бўйлаб қирлиб орайишланган, сийрак ва майиш мўйлаб. Сузиқ боққан қийғоч кўзлар... бир томчида қуёш акс этган каби, бу кўзларда улуг руҳ ифодаланади; бу кўзлар гўё тафаккур ва илҳом билан бирга туғилган; бу кўзларга боқиб, фақат ҳайратланиш мумкин. Улар ёлғиз доҳийлардагина бўлади!»

Адиб романнинг биринчи бобини қайта ёзар экан, бу портрет тасвиридан воз кечган. Лекин унинг асрларга йўлланган хаёлида ёрқин кўринган шоир асарининг сўнгги нусхасида ҳам қарийб ўша энг муҳим қирраларни сақлаган ҳолда намоен бўлади: «Навий ўттиздан ошмаган бўлса ҳам ёши улугроқ кўринади. Қомати ўртадан баланд, ингичка, лекин пишиқ, бармоқлари узун ва нафис; қора ва қисқа соқолли, хушбичим миёнқлари текис ва силлиқ; ёноқлари чиқиқроқ кеңгина юзида донмий тафаккурининг асл маъноси, маънавий қудрат ва енгил, гўзаллаштирувчи бир ҳорғинлик жилваланади. Қабариқроқ қовоқлари остидаги қийғоч кўзларида гўё тафаккур ва хаёл билан бирга қандайдир ирода кучи ифодаланади».

Бу ҳар учала портретда буюк инсон ўзининг турли ёшида ва турли ҳолатида намоен бўлишига қарамай, бу

портретларининг бир кишидан чизилганлиги аниқ. Бу Ойбек хаёлида аллақачон қад кўтарган ва қуёш янглиғ нур сочаётган шоирнинг «маънодор, ақлли кўзлари, хушфеъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл, пок, улуг қалби» эди. Ойбек тасавурида аниқ қирралари билан гавдаланган Навоий роман саҳифаларига ҳам «доҳийлардагина бўладиган», «тафаккур ва илҳом билан бирга туғилган» кўзлари билан кириб келади.

1941 йил июни. Урушнинг қонли кўланкаси кезаётган дастлабки кунлар. Қора тун... Бундай тун дақиқаларида кишилар кун кеча ўз оилалари билан роҳат ва фароғат оғушида истиқомат қилар эдилар. Бугун эса ҳамманинг бошида ташвиш. Ким ўз қорхонасида жанговар постда, ким шаҳарнинг муҳим объектларида навбатчи, ким фронтга кетишга ҳозирлик кўрмоқда... Кечаги осуда ва шуқуҳли ҳаёт ақалли тушга ҳам кирмайдиган бесаражом кунлар...

Ойбек шу кеча Ёзувчилар союзининг 1 Май кўчасида жойлашган биносида навбатчи эди. Фақат ҳарбий қисмлар эмас, давлат муассасалари, муҳим санъат қорхоналари, мафкура, маданият ва маърифат ўчоқларида ҳам уруш даврининг темир қонушлари жорий этилган эди.

Одатда Ойбек хаёл кемасида сузар экан, ҳамроҳи ким бўлишидан қатъи назар, суҳбат кўрфазига ҳадеганда яқинлашавермас эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. У узоқ сукут ва хаёл оғушида бўлиб, сўнг яна худди ўзи билан ўзи суҳбатлашаётгандек, секингина деди:

— Кеча мен ҳарбий комиссариатга бордим... Олишмади... «Ҳар ким ўз юмуши билан шуғулланди. Зарур бўлса, чақирамиз», дейишди... Шундай долзарб пайтда... фронтдан минглаб километр нарида... кимсасиз бир бинони пойлаб ўтирсак...

Шу сўзлардан кейин икки навбатчи — Ойбек билан Александр Удалов Ёзувчилар союзининг теварак-атрофидаги 1 Май, Пушкин, Хоразм кўчаларини айланиб чиқишди. Уёқ-буёқдан суҳбат қуриб, нашъу намо билан ўтган кечаги кунларни эслашди. Сўнг мавзу яна бугунги синов дамларига келиб тақалди:

— Биласанми, Саша, — деди Ойбек, — назаримда, Навоий тирик бўлганида, бугун у ҳам қўл қовуштириб ўтирмаган бўларди. Фронтга бориб, жангчиларни курашга илҳомлантирган, жанговар шеър ва қўшиқлар ёзган бўлар эди. Бугун ҳар бир шоир ва ёзувчи солдат бўлмоғи лозим. Бизнинг қўлимиздаги қалам душман учун жангчи

милтиғидап ҳам даҳшатли бўлиши мумкин. Эсингдами, Маяковскийнинг қалами милтиққа айлаптириш ҳақидаги сўзлари?..

Ойбек бир нафас сукут қилди. Аммо у ана шу бир нафаслик муддат ичида яна XV асрдаги Мовараушахрга, ҳазрат Навоий ҳузурига хаёлан сайр қилишга улгурди. Сўнг ўзининг энг муқаддас сир асрорини очгандек, деди:

— Мен Навоий тўғрисида роман ёзаётган эдим. Уни ўтган йил бошлаганман. Уруш романинг белига тепди. Энди нима ган, нима сўз... Ҳар ҳолда ҳозир тарихий ўтмиш тўғрисидаги асарнинг вақти эмас. Шеър керак, жанговар, оловли шеър. Маяковский асарларидек янгроқ, курашчан шеърлар, оташин публицистик мақолалар, уруш қаҳрамонлари ҳақида очерклар ёзишимиз керак. Ҳозир ёзувчи учун сукут сақлашдан ортиқ жиноят бўлмайди...

Бу сўзлар Удаловга ҳам, Ойбекнинг ўзига ҳам қаратилган эди. Тўғрироғи, Ойбек Удалов ҳузурда ўзи билан ўзи сўзлашаётган эди.

...Ойбек 1940 йилда «Хорижий адабиёт хрестоматияси»дан жой олиши зарур бўлган асарлар таржимасини тугатгач, Алишер Навоий ҳақида қисса ёза бошлади. Ҳа, у дастлаб роман эмас, қисса ёзиш ниятида эди. «Правда Востока» газетасининг 1941 йил 1 январь сонидан эълон этилган лавҳасида у ёзган эди: «Ўтган 1940 йилдаги менинг асосий адабий ишим Алишер Навоий тўғрисидаги қисса бўлди. Мен унда Навоий даврининг, унинг замондошлари — фан ва санъат намояндаларининг тасвирини бераман. 1941 йилда шу қиссани тугатиш ниятидаман».

Бу сўзлардан шу нарса аён бўладики, Ойбек дастлаб ўз олдига нисбатан кичикроқ вазифа қўйган. У Алишер Навоийдек ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири ҳақида роман ёзишга ўзида журъат сезмаган. Яна шу нарса аёнки, катта ижодий тайёргарликдан кейин ҳам асарни ёзиш жараёни осон кечмаган. Ун саҳифадан кейин қисса устидаги иш тўхтаб қолган. Ёзувчи 1940 йилнинг 6 январидан асарни қайтадан бошлаган. Энди қисса устидаги иш бир сўз юришиб, қаҳрамонлар ёзувчи хоҳишига қарши иш тутмай қўйганлар. Аммо, дастлабки режадан фарқли ўлароқ, асарга янги-янги қаҳрамонлар ва воқеалар кириб келган.

Шу орада уруш бошланиб, XV аср ташвишлари билан яшаётган адиб ҳаётига XX асрда — инсоният тарихининг юксакроқ босқичида рўй бераётган даҳшатли воқеалар

хабарни кѳриб келди. Бу бир-биридан машъум ёвузликни минглаб кишиларни чумолидек қѳриб ташлаш, тириклайини ер остига кўмиш ёки газ печларида ёқишни ҳатто олис асрларда яшаган энг золим подшолар ҳам ўйлаб толмаган эдилар. Бу нима? Одамзод қанчалик маданият чўққисига эришса, ваҳшийлик ботқоқига шунчалик ботиб кетадими? Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм кўрсатган ёвузлик шу маънода тасодифий ҳолми ёки қонуният?!

Ойбек ана шундай хаёллар таъсирида ҳарбий комиссариятга бориб, фронтга кўнгилилар қаторида юборишларини сўради. У ерда рад жавобини олгач, ўзи учун янги ижод ва қураш майдонини ахтарди. Шундай нѳйтлар ҳам бўлдики, у роман устидаги инини тўхташиб, жапговар шеърлар ёзишга кўпроқ аҳамият берди. Аммо, ўзбек адабиётининг бахтига, шу йилларда республика Марказкомда Усмои Юсунов, ёзувчилар ташкилотида эса Ҳамид Олимжон сарварлик қилар эдилар. Улар Ойбекни роман устида янада катта ғайрат ва шижоат билан ишлашга чорладилар.

— Тўғри, ҳозир, биринчи навбатда, жапговар шеърлар, кўшиқлар, очерклар, отаниш мақолалар керак. Катта-катта романиларни ҳозир босиб чиқаришнинг иложи йўқлиги ҳам тўғри. Қанчадан-қанча газета ва журналларнинг чиқарилиши вақтинча тўхтаган. Лекин биз азамат ўзбек жапгчиларини ота-боболаримизнинг шонли анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашимиз керак. Улар эса жапг майдонида қурбон бўлишга рози бўлганлар-у, аммо қул бўлмаганлар. Ҳар қандай ёвнинг кекирдагидан бўғиб, улоқтириб ташлаганлар,— деди Усмои Юсунов ёзувчилар билан Марказкомда бўлиб ўтган суҳбатларнинг бирида.

Ойбек ўз асарига янги илҳом билан киришди.

1941 йил ноябрида душман вақтинча босиб олган ёки қамал қилган шаҳарлардан рус ва бошқа қардош халқларнинг ёзувчилари Ўзбекистонга кўчиб келганларида, Ойбек роман устида шитоб билан ишламоқда эди.

«Уша пайтда Ойбек,— деб ёзади рус адаби ва адабиётшунос олими А. И. Дейч.— Навоий тўғрисидаги роман устида берилиб ишлар; Ҳирот даври ҳақида, улуғ шоир ва доншимаид Алишер Навоий атрофидаги кишилар тўғрисида соатлаб сўзлаб бера олар эди.

Шу чоққача билганим Ўрта Осиё Уйғонини даври оламга у мени ҳам олиб кирди, Алишер Навоий «Ҳамса»си-

ни ёзган даврдаги шоир ва мутафаккирларга нисбатан муҳаббат уйғотди».

Худди шундай дил сўзларини тапиқли рус таңқидчиси, Навоий ҳақидаги «Ҳаёт бўстони» қиссасининг муаллифи Л. Г. Бать ҳам айтади.

Хуллас, Ойбек ўзининг ўлмас асарларидан бирини ёзибгина қолмай, қаламкаш дўстларида улуғ Навоийга нисбатан сўнмас муҳаббат туйғуларини ҳам уйғотди.

Ойбекнинг гоёвий пиятига кўра, асарда икки қарама-қарши куч ҳаракат қилади. Бу ҳар иккала кучнинг тўқнашув нуқтасида Навоий образи, метин қоя ўлароқ, қад кўтаради. Ҳар иккала куч вакиллари орасида тарихий шахслар мавжуд бўлганидек, уйдирма қаҳрамонлар образи ҳам йўқ эмас. Лекин улар асар тўқилмасига табиий равишда қелиб қўшиладилар.

Ойбек бу ҳар икки гуруҳга маъсуб бўлган қаҳрамонлар образини ўз муноҳадалари билан бойитди. Ўз тасавури ва билмини имкониятларини бу қаҳрамонларга қоп ва жоп бағишлагша сафарбар этди.

Шу парса мароқлики, асардаги ҳар иккала куч вакиллариининг муайян антиподлари — акс сиймолари бор. Агар Хўжа Афзал Маждиддин Низомулмулкнинг акси бўлса, Султонмурод Шаҳобиддиннинг, Арслонқул эса Тўғонбекнинг антиподларидир. Кун ва тун бир-бирларининг печоғли акси бўлса, улар ҳам бир-бирларидан шунчалик олисдирлар. Лекин Ойбек асарнинг аввалида бу бир-бирига зид кишилар — Султонмурод билан Тўғонбекни ўзаро учраштиради ва уларнинг ажралиш йўлларини кузатади.

Романининг дастлабки вариантга кўра, улар ҳатто бир мадрасада таҳсил олиб, бир ҳужрада яшашлари керак эди. Бу вариантга кўра, Султонмуроднинг отаси Қарин бекларидан бўлиб, ўзаро урушлар вақтида асир тушган ва осиб ўлдирилган. Тўғонбек эса Тўсинбек деб аталган. Адиб бу образлар характеристикаси устида ишлар экан, Султонмуродни шахрисабзлик сангтарош устанинг фарзанди ўлароқ таништиришни мақбул деб топди. Унинг тасаввурига кўра, «иш вақтида катта бир биё тепасидан йиқилиб ўлган» уста билан урушда осиб ўлдирилган бек ўртасида катта тафовут бор эди. Ойбекнинг гоёвий пиятига кўра Навоий бошлаган йўлин Арслонқулнинг қиличи билан бирга Султонмуроднинг ақли давом эттириши, шунинг учун ҳам уларнинг ҳар иккаласи халқ вакиллари бўлиши керак эди.

Воқеалар оқими билан Султонмурод ва Тўғонбек бир-

бирларидан узоқлашибгина қолмай, бир-бирларининг рақибларига ҳам айланадилар. Тўғонбек ҳар қадамда эзгу орзуларнинг жилғасига баҳайбат бир тўғон бўлиб туриб олади. У асарда ҳаракат этаётган қора кучларнинг даҳшатли қуролига айланади ва машъум давр унга қарийб чексиз ҳуқуқ беради.

Қаҳрамоннинг номи Ойбек учун ҳеч қачон тасодифий бўлмаган. Бу номда шу қаҳрамоннинг ижтимоий келиб чиқиши ҳам, жамият ҳаётидаги ўрни ҳам, ички олами ҳам ифодаланган. Романда тасвирланган қора кучларнинг ойболтаси бўлган кимсага Тўсинбек деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Бу ном маълум маънода Чингиз Айтматовнинг «Асрга татирли кун» романидаги маңқуртнинг — ҳатто ўз Ватани, ўз онасини унутган, бошқалар қўлида ёвуз қуролгагина айланган махлуқнинг моҳиятини ўзида ифодалайди.

Мавжуд маъбалар Ойбекнинг асардаги асосий аёл образининг номи устида ҳам кўп ўйлаганини кўрсатади. Бу қизнинг номи дастлаб Дилнавоз бўлган. Аммо бу ном китобий бўлгани ва оддий халқнинг руҳини ифодалай олмагани сабабли ёзувчи уни Ойбадоқ исми билан алмаштирган. «Ўзбекистон» газетасининг 1941 йил 1 июнь сонида босилган парчада эса у Бодом деб тузатишган. Бироқ Ойбадоқ ва Бодом исмлари қизнинг ажойиб қалбини ва мислсиз гўзаллигини, адиб наздида, етарли ифода эта олмаган. Шунинг учун ҳам улар кейинчалик Дилдор исми билан ўзгартирилган.

Дарҳақиқат, Дилдор исми қизнинг латофатини ҳам, унинг аслзодалардан эмас, меҳнаткаш халқ орасидан чиққаллигини ҳам ва шу халқнинг руҳий гўзаллиги ва бойлигини ҳам ўзида акс эттиради.

Романда Дилдор билан Арслонқулнинг муҳаббатини тасвирловчи эпизод мавжуд. Бу эпизод Тўғонбекнинг улар яшаётган қишлоққа бориши даврига тўғри келади. Ойбек бу эпизоддан кейин Дилдорнинг тақдирини кузатар экан, унинг ҳарамга тушиб қолишини тасвирлайди. Лекин «ҳашаматли, безакли ҳаётда, эртактлардагина эшитган зиёфатлар, базмлар, хангомалар орасида» яшаш Дилдорнинг қалбидаги муҳаббат гулини сўндира олмайди.

«Шундай аёллар бўладики, — деб ёзади Ойбек, — улар ишқини эътиқод каби муқаддас тутадилар. Бу аёллар кўнглининг эзгу орзуси учун фақир йиғитнинг кулбасини шоҳона саройлардан ортиқ кўрадилар. Увада кийимли содда чўпонни шаҳзодаларга алмашмайдилар. Улар бу-

тун борлиқлари билан бир мақсадга интиладилар. Дилдор шундайлардан эди. Безак, май, мусиқий, фаҳш, ғийбат мавжлари билан қайнаган ҳаёт унинг кўнглидаги тоза севгини бўғмаган эди».

Бутун борлиғи билан бир мақсад сари — кўнглининг эзгу орзуси, фақир йиғитнинг хароб кулбаси ва кенг бағри сари интилган Дилдор ҳатто ҳарам қулларидан бирини чавақлаб қочишдан ҳам тоймайди. Бундан хабар топган Навоий Дилдор ҳақида сўзлаб, «у Тўғонбек каби қора махлуқларнинг продасига соф, ҳур виждонлар асло итоат этмасликларини ҳаят гўзал небот этибди», дейди.

Ойбек асар устида ишлаш жараёнида Навоийнинг халққа яқинлигини, унинг манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилганини кўрсатишга алоҳида эътибор берди. Шунинг учун ҳам халқ вакиллари ёвузликка қарши олиб борган мардона курашларида Навоий сиймосида ўз ҳомийлари ва раҳнамоларини кўрадилар.

Ана шу тарзда Навоий ва халқ мавзуси романининг асосий пафосини очувчи мавзуга айланади.

Мазкур мавзунинг муҳим ҳалқаларидан бири шоирнинг султон Ҳусайн Бойқаро билан муносабатларида иккишоф беради.

Халқ закот йиғиш баҳонаси билан элу юртни талаётган «хонтама, аждарнафс» кишиларга қарши исён кўтаради. «Тоғжу давлатни қилич билан олган» Ҳусайн Бойқаро уни яна қилич билан пойдор қилмоқчи бўлади. Подшонинг бемаъни ўжарлигини синдирмоқчи бўлган Навоий жасур оҳанг билан дейди:

«Шоҳо, халқнинг молини, жонини бўрилар ихтиёрига топширилса, улар бу қонхўр махлуқлар дастидан фиғон кўтарса, уларга қулоқ солмаслик адл — ипсофдан эмас. Таҳдид ва спёсат эмас, меҳрибонлик даркор. Халқ билан бўлгуси муомалада қиличга эмас, адл кучига суянмоқ, халқни жабру зулмдан қутқармоқ лозим. Зеро, халқ шундай бир дарёйи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шохнинг қасри, на дарвешининг кулбаси қолур, у шундай бир ўтки, унинг бир учқунин туташса, на хашакни қўяр, на фалакни...»

Ойбек ўз романи орқали айтмоқчи бўлган фалсафа шу сўзларда ўз тажассусини топган.

Навоий мавзусига мурожаат этган ёзувчи қаршисида икки муҳим масала кўндаланг турар эди. Булардан бири Навоийнинг шахсий ҳаёти, иккинчиси эса вафоти билан

боғлиқ масалалардир. Адиб бу ҳар иккала масалани ўша даврда ўзининг қўл остида бўлган тарихий манбалардан келиб чиққан ҳолда ёритишга уринди.

Тўғри, тарихий манбаларда Навойнинг шахсий ҳаётига оид бирор мўътабар маълумот учрамайди. Ойбек «Ҳазойин ул-маоний»даги улуғ шоирнинг муҳаббат туйғулари билан йўғрилган латиф ғазалларига таянган ҳолда унинг сир пардалари билан чирмалган севгисиз ҳақидаги тахминини беради. Бу тахминга кўра, у ёшлигида «найдай майин овозли», «энг шоирона ҳисларнинг мукамал тажассуми» бўлган бир қизни севган. Лекин «рахмсиз қўллар» бу гулни узиб, янчиб ташлаганлар.

Адиб Навойнинг ана шу бахтсиз севгисиз тарихини ортиқча тафсилотларсиз, кўпроқ шама орқали ифодалаган.

Романда тасвирланишича, Навой султон ҳузурдаги мажлисдан чиқиб, икки навкар ҳамроҳлигида ўз уйи сари жўнар экан, ҳупармандлар маҳалласида чавоқланиб ташланган хушрўй бир қизнинг жасадини кўради.

«Навой шошиб отдан тушмакка ҳаракат қиларкан, навкар уни тўхтатди:

— Бехуда овора бўлмангиз, тақсир. Жоп асари йўқ, — гавданн авайлаб четга суриб, давом этди сўзида навкар. — Таннийман бу бечорани...

— Ким? — сўради Навой.

— Мир Ҳалим бўзчининг қизи. Ажаб хушрўй эди, — жавоб берди навкар.

— Булбулдай овози бор эди, чолғуда ҳам моҳир, — бошини тебратиб деди иккинчи навкар...»

Гўзал кеча қўйнида юз берган бу фожиа сабаб бўлиб, Навой ҳаёлида бундан бир қапча йиллар илгари рўй берган воқеа қайта жонланади. «Шундай латиф бир кечада, — деб ёзади адиб, — кичкина, лекин нарилар маскапидай ҳаёлий гўзаллик, тинлик билан тўла бир боғчада ҳуснинг, одоб ва ақлнинг, нознинг, энг шоирона ҳисларнинг мукамал тажассуми, тинсиз бўлган бир қиз билан бирга кечирилган, фақат яшиш каби ёниб, абадиятнинг қўйнига синган дақиқалар... У қизнинг пайдаи майин овози, лабларнинг қизил, тоза ғунчаси бағинлаган бўсалар... Қани у дилбар? Қани у, шеърнинг, илҳомнинг туганмас нур-чашмаси! Ҳайҳот, уни қайдан топсин! Қуюндек саҳроларда югурсин, сарв ойининг булутларидек ўқириб, кўзёшларидан селлар оқизсин, — унинг изига етишмас! Унинг изларига шоир яна бир қатла кўзларини сурса

эди, кўзларида бутун умр пашъа ёнарди. Йўқ, у гулни раҳмсиз қўллар узган. Кошки шоирнинг ҳаёти узилса эди! Унинг излари бу дунёдан ўчган. Абадиян алвидо, севги! Буюк сирга, афсонага айланган муҳаббат, алвидо!»

Адиб «хуснининг, одоб ва ақлнинг, позининг... тимсоли бўлган» бу қизнинг ким эканлиги, кимлар томопидан ва қандай мавҳ этилгани масалаларига ойдинлик киритмайди. Зеро у бошдан-оёқ тарихий ҳужжатларга таянган асарда асл ҳақиқатни билмай туриб, у ҳақда, юқоридаги лавҳадан кўра, кенгроқ фикр юритишни ўзининг реалистик тасвир услубига монe деб билади.

Буюк шоир ҳаётидаги бу қоронғи саҳифа асрлар давомида унинг мухлисларини ҳаяжонлантириб келди. Натнжада халқ севимли шоирнинг шахсий ҳаёти ва муҳаббати тарихини ўзинча шарҳловчи афсоналар яратди. Ана шундай афсоналардан бири «Гули ва Навоий» деб аталиб, у Комил Ерматов суратга олган «Алишер Навоий» фильмида, айниқса Уйғун ва Иззат Султоннинг шу номдаги пьесасида кенг истифода этилди.

«Мендан кўпинча бу афсонадан фойдаланмаганимнинг сабабини сўрайдилар,— деган эди Ойбек бир суҳбатида.—...Нима десам экан, бу афсонани четлаб ўтганимнинг сабабларидан бири шундаки, унда мепга қадар ҳам фойдаланган эдилар. Шу нарса муҳимки, меп тарихий ҳужжатларда бу афсонанинг пайдо бўлишига туртки берган бирор нарсани учратмадим... Бундан ташқари, менинг бу афсонадан ўз вақтида фойдаланмаганимнинг сабаби шундаки, бу сюжет линияси менинг тасаввуримда шаклланган Навоий тўғрисидаги роман учун зарур эмас эди».

Лекин орадан чорак аср ўтгач, Ойбек умрининг сўнгги кунларида ушбу афсона мотивлари асосида «Гули ва Навоий» достонини ёзиб, ҳаётининг мазмуини ташкил этган навоийномага сўнгги нуқта қўйди.

Авлодлар донишманд боболарининг севги тарихи билан қанчалик қизиққан бўлсалар, унинг вафоти тафсилотлари ҳам уларни шунчалик тўлқинлантириб келади. Ойбек улуғ шоир вафотини тарихий ҳужжатлар асосида аниқ тасвирлади. Бу маълумларда айтилишича, ҳижрий 906 йил жумоди-л-охир ойининг 6-сида, душанба куни, Астрободга юриш қилган Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротга қайтаётганлиги тўғрисида хабар келади. Навоий бир гуруҳ юқори мартабали кишилар билан бирга шоҳни кутиб олиш учун йўлга чиқади ва чоршанба куни кечаси Па-

риён работига келиб тушади. Подшо билан учрашув шарафига муяссар бўлишдан севишган шоир ўша кечаси кўп вақтини бедорликда ўтказди ва жума кун, кун чиқиши биланоқ, отга миниб, подшо келиб тушган работ сари йўл олади.

Ушбу воқеа тафсилоти бизга Хондамирнинг «Махорим ал-ахлоқ» ва «Ҳабиб ас-сияр» ҳамда Мирхонднинг «Равзат ас-сафо» асарлари орқали етиб келган. Шунинг учун ҳам Ойбек романда Навоийнинг ўлими тафсилотларини Хондамирнинг нутқи орқали беради:

«...Рўбарўдан соҳибқироннинг муҳофалари¹ кўринди. Шу аснода тақдир иқтисоси билан Алишер жанобларининг ҳолларида ғариб тағайюр² рўй берди. Хўжа Шаҳобиддин Абдуллони чақириб: «Ҳолимдан огоҳ бўлингиз, аҳволим оғир», дедилар. Бир нафасдан сўнг отдан тушдилар, аммо истиқбол учун илгари юрмоқдан ожиз қолдилар. Дарҳол Хўжа Шаҳобиддин билан мавлоно Ҳалолиддин Қосим қўлтиқладилар. Бу касали сакта³ Мирни такрор ҳаракат ва сўзлаш қобилиятидан маҳрум қилди. Кўнгилларда қайғу жўш урди. Азиз хастани маҳофага ётқизиб, Ҳирот сари юрдиқ, ҳақимлар йўлда қон олдилар. Лекин фойда бермади...»

Подшо билан кўришни ниятида отдан тушган Навоийнинг оёқларидан кутилмаганда дармон қочади. У бир қўлини Хўжа Абдуллонинг, иккинчи қўлини эса мавлоно Ҳалолиддин Қосимнинг елкаларига қўйиб, улар кўмагида подшога яқинлашади. Унинг қўлини ўнади-ю, ниҳоятда заифлашиб, ўша ерга ўлтириб қолади.

Ушбу воқеанинг давоми, «Мақорим ал-ахлоқ»дан фарқли ўлароқ, «Ҳабиб ас-сияр»да бундай тавсиф этилади:

«Бу аҳволдан ташвишланган ҳоқон ўзининг тахти равонига ул жанобни ётқизиб, шу кечасиёқ шаҳарга етказишни буюради ва ул фазлу камол осмон қувёшининг аҳволдан хабардор бўлиб туришни Хўжа Абдуллога топшириб, ўзи Париён работига қараб йўл олади. Шу пайт Навоийнинг томир уриши ва ташқи кўринишида сакта аломатлари пайдо бўлади ва тиб илмини биладиган бир гуруҳ кишилар касалдан шу ернинг ўзида қон олиш керак, токи тувалиш аломати кўринсин, дейдилар. Аммо табобатдан лоф уриб юрувчи мавлоно Абдулҳай Зиёрат-

¹ М у ҳ о ф а — подшо араваси.

² Т а ғ а й ю р — ўзгарит.

³ С а к т а — мияга қон қуйилиши, инсулт.

гоҳий бунга тескари йўл тутади ва бирон хато рўй бермаслиги учун Ҳиротга етиб бориб, табибларни йиққандан кейин даво чорасини бошлаш керак, дейди. Хўжа Шаҳобиддин Абдулло иккинчи фикрни тўғри деб ҳисоблаб, Навоийни тахти равонга ётқизади ва йўлга тушади.

У олий мартабали амирнинг яхшиликлари денгизга фарқ бўлган бу хайрихоҳ кампа (яъни Хондамир — У. К.)¹ ниҳоятда ташвишланиб, Хўжа Абдуллога касалликнинг шиддати шу даражадаки, агар қон олиш кечиктирилса, кейин даволашдан фойда чиқмаслигини айтди. У жаноб иккиланиб қолди ва подшо ҳузурига чопар жўпатиб, аҳволни хабар қилди. Ул ҳазрат каминанинг фикрига мувофиқ иш кўриб, қон олишни буюрдилар. Аммо то чопар қайтиб келиб, ундан кейин қон олувчини топгунча уч фарсах (тахминан 18 километр У. К.) йўл юрилган ва фурсат бой берилган эди. Нонлож қон олинганда 5—6 сердан (1 сер 64 граммга тенг — У. К.) ортиқ қон чиқмади. Касаллик зўрайиб кетади, жума куни ярим кечада ул жанобни ўз уйига олиб келадилар. Эртасига эрталаб барча табиблар йиғилиб, иккинчи марта қон олмоқчи бўладилар, аммо фурсат қўлдан кетганлиги учун фойда бермайди».

Олимларнинг аниқ маълумот беришларига кўра, сақта касаллигининг бирдан-бир давоси Навоий вафотидан 500 йил муқаддам Ибн Сино «Қонун»ида баён этилган бўлиб, бу даво усули (қон олиш)га XV асрда Моварауннаҳрда ҳам амал қилиб келинган. Лекин «табобатдан лоф уриб юрувчи «Абдулҳай Зиёратгоҳий, нима учундир, бу даволаш усулини қўлламай, қимматли вақтни бой бериб қўйган. Ҳусайн Бойқаро ҳаёт пайтида, 1501 йилда ёзилган «Мақорим ал-ахлоқ» билан ундан қарийб 25 йил кейин, Бойқаро давлати ва унинг юқори мартабали амалдорлари тугаб кетгандан сўнг ёзилган «Ҳабиб ас-сияр»да Навоийнинг хасталигига онд маълумотлар турли тарзда берилганки, улар ўртасидаги фарқ, айрим олимлар назарида, бу ерда бирор сир мавжудлигини кўрсатади. Абдулҳай Зиёратгоҳий Мажиддиннинг яқин кишиларидан бўлганлиги аҳтимоли ва энг муҳими, табибнинг сақта касаллигига бирдан-бир даво ҳисобланган ва буни ҳатто Хондамир ҳам билган усулдан ўз вақтида фойдаланмаганлиги, улар назарида, бу шубҳани янада оширади.

¹ Ушбу кўчирма таниқли шарқшунос Убайдулла Каримов таржимасида келтирилмоқда.

ЎзССР Фаолар академиясининг мухбир аъзоси Убайдулла Каримов «Навоийнинг сўнги кунлари» мақола-сида (1983) бундай ёзади:

«Агар сактага қарши биринчи галда кўрилиши лозим бўлган тадбир иккита ёки ундан ортиқ бўлганда эди, қайси бирини қўллаш масаласида иккилаштиш мумкин бўларди. Ваҳоланки, мўтабар тиббий китобларда биринчи чора фақат қон олиш деб кўрсатилади. Бундан ташқари, касал тепасида Абдулҳайдан бўлак яна бир гуруҳ бошқа табиблар ҳам бўлган ва қон олишни ўшалар таклиф қилган эдики, бу ҳам масъулиятни бир кишига юклама эди. Навоийни Ҳиротга олиб келганларидан кейин йиғилган барча машҳур табибларнинг аввал касалдан қон олиб, кейин бошқа дори-дармон қўллаганликлари ҳам, Хондамир айтганидек, Абдулҳайнинг тўғри йўл тутмаганлигини кўрсатади.

...Хондамир «Мақорим эл-ахлоқ»ни ёзган вақтда, — давом этади Убайдулла Каримов, — Навоийнинг касалига жуда кечикиб, фурсат ўтгандан кейин чора кўрилганлиги ва бу хатонинг айбдори Абдулҳай эканлиги ҳақида рўйи-рост гаширишга журъат этолмай, воқеани хаспўшлаб ўтишга мажбур бўлган. Фақат орадан 25 йиллар чамаси вақт ўтиб, Ҳусайн Бойқаро давлати ва унинг сарой амалдорлари тугаб битгандан кейингина ҳеч нарсадан чўчимадан, ҳақиқатни ёзиб қолдиришни лозим топган».

Хўш, Навоий вафотин билан боғлиқ бундай шубҳали ва эҳтимол сирли ишлардан Ойбек хабардор эдими? Адибнинг Навоий ҳақидаги тадқиқотларидан шу нарса маълумки, у XV аср ҳаётига, чунончи, улуғ шоир ва мутафаккир ҳаётига алоқадор барча тарихий асарларни, шу жумладан Хондамирнинг ҳар иккала асарини қўш билан ўрганиб чиққан. Аммо у Навоийнинг таржимаи ҳолини, хусусан, унинг ўлими тафсилотларини пзоҳлар экан, унда бирор шубҳали ҳолини кўрмайди. Бизнингча ҳам, Абдулҳай Зиёратгоҳийнинг Ҳусайн Бойқаро олдидаги сиёсий ва маънавий мавқеи ҳар томонлама сусайган, ўзи мамлакатни ташлаб кетишга рози бўлган ва кексайган Навоийдан ўз вақтида қон олмаслигида қандайдир жи-поят изларини қидириш у қадар тўғри бўлмаса керак. Яна шу нарса борки, Ойбек, эҳтимол, Навоий вафотига онд тафсилотларда бирор шубҳали ҳолат кўрган тақдирда ҳам унга ўз диққат-эътиборини қаратмаган бўларди. Зеро, биринчидан, у ўз асарида фақат ишончли тарихий манбалар ва тарихий воқеаларга суянган бўлса (Навоий

муҳаббати тарихидан ташқари), иккинчидан, бундай детектив сюжет чизиқлари унинг реалистик тасвир усули билан ҳамоҳанг бўлмаган бўларди.

Француз адиби Г. Флобернинг «Эмма — меннинг ўзим», деган машҳур ибораси бор. Ойбек ҳам Павойий тўғрисида шундай дейиши мумкин. У улуг шоир образида ўзининг руҳий оламини, ўзининг нафақат XV аср, балки XX аср воқеаларига ҳам муносабатини ифодалади. Унинг руҳий олами, тарихий ўтмишга ва ижтимоий ҳаётга муносабати эса маълум маънода Павойий таъсирида шаклланган эди.

Ойбек тарих саҳифаларида қолган ҳужжатларга қапчалик суянмасин, гениал шоир дунёқарашини, унинг инсопий кечинма ва ижодий интилишларини ифодалар экан, ўз қалбининг, ўз ҳаяжонининг мавжларини ҳам асар тўқилмасига дадил олиб кирди. Акс ҳолда, у, эҳтимол, Павойий образини бу қадар жонли ва ёрқин ярата олмаган бўларди.

Муаллиф билан қаҳрамон ўзаро туташган ва ягона вужудга айланган ўринлардан бири ижодий жараён тасвиридир.

«Ижод дардини туғуруқ дарди билан қиёс этадилар, ижод дарди — қалбнинг қаърида уйғониб, бутун вужудни ларзага солган бу оғриқ Павойий учун энг ширин лаззат, она алласи каби юпантирувчи, қуёш каби ҳаёт ва қувонч бағишловчи бир куч эди. Шунинг учун у самимий, табиий бир шавқ билан енгил ёза олар эди».

Бу сўзларда Ойбек, даставвал, ўз ҳиссиётларини, ўз тажрибаларини ифодалайди. Ўзининг бутун вужудини қучган кучни тасвирлайди.

«У ҳар қандай ўжар фикрни, руҳнинг энг ингичка, энг тутқич бермас жилваларини, юракдаги ҳисларнинг мавжланишларини сўз орқали ажойиб ёрқин тажассумлантирар, қатрада дарёларни мавжлантирар, учқунда қуёшларни айлантирар, ишқдан ҳаёт ясар, оддий ҳаётдан эса улуг, тийран афсоналар тўқир...»

Агар Ойбек ижодий жараённи барча нозик жиҳатлари билан ҳис этмаганда, «ўжар фикр», «руҳнинг тутқич бермас жилвалари» бўлиши, «юракдаги ҳисларнинг мавжланиши» мумкинлигини тасвирлаган бўлармиди? Бу ерда ҳам у ўз ҳолатини ифодалаётгани йўқми?!

Хуллас, қаҳрамон образини чуқур ҳис этиш патижа-

сида Ойбек билан Навоий ўртасидаги инсоний ва ижодий яқинлик янада кучли ва сезиларли тус олди.

«Биз ўз муҳаббатимиз билан нарсаларга гўзаллик бағишлаймиз», деган эди машҳур француз адиби Анатоль Франс. Ойбек ҳам Навоийга инсбатаи туйган улкан ҳурмати ва муҳаббати билан буюк шоир сиймосига янада гўзаллик бағишлади. Ана шу муҳаббатдан яна ҳам гўзаллашган Навоий образи ўзида «одамзоднинг фикр дурлари»ни тўплаб, уларни китобхон қалбига инсор этиб туради.

1942 йилнинг куз ойларида республикадаги барча ижодий ташкилотлар қарамоғида бўлган адабиёт ва санъат аҳли бир марказга тўпланиб, ҳарбий машқлар ўтказиш бошладилар. Дастлабки машқлар тугагач, таниқли ёзувчилар, композиторлар ва рассомлардан ташкил топган рота Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғи сари йўл олди. У ерда чоғиш, оқон қазини, ғовдан ошиш, жанговар қуролдан фойдаланиш бўйича машғулотлар бўлди. Кўпчилиги ташкил этган ёшлар бу синовлардан ўтишда чаққонлик ва ажирлик кўрсатдилар. Аммо 35—37 ёшлардаги новчадан келган, ориқ, икки киши — Ойбек ва Собир Абдулла учун бу машқлар хийла малоллик қилди. Улар ҳатто командирининг дашномидан ҳам бенашиб қолмадилар.

Ойбек ҳаёл оғушида экан, Собир Абдулла ҳазиллашиб деди:

— Кўп хафа бўлаверманг, азизим. Бундай машғулотлар фарзандларимизга ярашади. Бизнинг ёшимизда мавлоно Муқимий ҳам мадрасада савлат тўкиб ўтирган. У зот юз тилло берса ҳам, эшак бўйи ғовдан сакрай олмаган бўларди.

— Мен ҳам шунини ўйлаётман, Собир. Бизнинг ўрни-мизда бўлсалар, ҳазрати Навоий нима қилган бўлардилар, деб. Ўйлашимча, биздан кўра донороқ иш тутган бўлардилар.

Машқлар қиш чилласига қадар давом этди. Энди Ойбек билан Собир Абдулла ҳам ҳарбий даврнинг наст-баланд феъллига кўникиб қолган эдилар. Улар баъзан машқдан кейин район милиция бўлимининг ихтиёрига бориб, фронтга юборилган милиция ходимлари ўрнида тонгга қадар хизмат қилишарди.

С. Абдулланинг нақл қилишича, шундай тунларнинг бирида Ойбек, милиция бўлими томон борар экан: «Қани энди бир чойнак чой билан нон бўлса», деб кулиб қўйди.

Адибнинг бу истаги Собир Абдулла кўнглида ҳам аксадо берган бўлса керак, у сирли бир овоз билан деди:

— Юринг, азизим. Мен сизни бир меҳмоннавоз уйга олиб бораман.

Улар Пушкин кўчасига яқинлашиб қолганлари сабабли, шу кўчадаги Комил Яшин билан Ҳалима Носирова истиқомат қилаётган уй, ғазалнавис шоирнинг ёдига тушиб қолган эди. Ойбек қарши бўлмади. Улар уст-бошлари лой, елкаларига милтиқ осган ҳолда Комил Яшиннинг эшигини қоқдилар. Ҳалима хонимнинг опаси Ҳожархон опа эшик очиб, аввал чўчиб кетди, сўнг икки машҳур адибни араб танитганидан кейин уйга таклиф қилди. Бироқ меҳмонлар лой этик билан уйга киришни ўзларига эп билмай, айвонга чўнқайдилар.

— Мумкин бўлса, бизга бир чойнак чой дамлаб берсангиз, Ҳожархон. Ҳарбий машқдан чиқиб, энди жанговар постга кетяпмиз,— деди бу уйга тез-тез келиб турувчи Собир Абдулла.

— Хўп, жоним билан! Аммо айвонда эмас, менинг уйимга киришлар, иссиқ... Аксига олиб, сиздек мўътабар меҳмонлар келганда, Комилжон билан Ҳалимахонларнинг йўқликлари яхши бўлмади.

Меҳмонлар дарвоза ёнидаги кичкина, лекин иссиқ уйга кириб, милтиқларини, кўшни кўрган партизанлардек, деворга тираб, энди нафас ростлаган ҳам эдилар, гилам устида қаторлашиб ухлаётган болалар уйғониб, уларнинг атрофини ўраб олдилар. Бу болалар жангга кетган қариндошларнинг, уруш қийинчиликлари туфайли, шу бағри кенг хонадонда бошпапа тошган фарзандлари эди.

Патнисда қора нон билан беш-олти чақмоқ қанд келди. Сўнг икки сопол шибёла билан бир чойнак чой қўйилди. Гарчанд меҳмонларнинг иштаҳаси жойида бўлса ҳам, «бу нон — гўдакларнинг ризқи» деган андиша туфайли нонга қўл узатилмади. Икки соқчи чойдан кейин Ҳожархонга раҳмат айтиб, Олой бозоридаги милиция бўлими сари йўл олди.

Улар шу кеча тонг ёришгунча постда турдилар. Тун аёз эди. Иссиқ хонада ўлтириш, мизғиш мумкин эмас. Соқчилар ярим кечада ҳам чироқсиз кўчаларда кезиб, шубҳали кўринган кишиларнинг ҳужжатларини текшириб юрдилар.

Ойбек тун қоронғисида шаҳар кўчаларида посбонлик қилар экан, романининг сўнгги саҳифаларини хаёлдан ўтказар, янги-янги воқеалар занжирини ўйлаб тошар эди.

Шундай тулларнинг бирида у Навойнинг нафасини, унинг салобатли қадам ташлашларини сезгандек бўларди. Уша, олис ва потинч даврда Навоий ҳам, Ойбекдек, ўзи истамаган ҳолда, қўлда қурол билан шаҳар қўрғони атрофида юрмаганмикан? Уруш ва низолардан бошчи чиқмаган Хусайн Бойқаро турли жанговар сафарларга йўл олганида, шаҳар мудофааси бу донишманд чолнинг зиммасига тушмаганмикан?..

Адиб ана шундай хаёллар гирдобидида сузар экан, романда тасвир этилган сўнгги воқеалар тизмаси пайдо бўлди.

Маълумки, Астробод султон Хусайн Бойқаро салтанатининг энг серғалва ва серташвиш вилоятларидан бири эди. Бу ерда Музаффар Мирзо ҳоким бўлиб турган йилларда Муҳаммад Муҳсин Мирзо Астрободга қўшиқ тортиб келиб, уни эгаллаган эди. Бундан дарак тонган султон Муҳаммад Муҳсин Мирзога қарши юришга чиқиб улгурмасида, эски исёнчи Бадиуззамон султонсиз қолган Ҳиротни забт этиш пайига тушади. Аммо Навоий шаҳар мудофаасини ўз қўлига олади. Хунармандлар, деҳқонлар, муллабаччалар — бутун шаҳар аҳли унинг даъвати билан қўрғонни мустаҳкамлаш ва мудофаа этиш ишларига яқдиллик билан киришадилар.

«Шаҳарни Кўҳиқофдек ўраган муаззам қўрғон олдида қуролли-қуролсиз одамлар кўп. Буларнинг ичиди рангпар, позикниҳол косиббаччалар, рустам қомат, ўмровли азаматлар бўлганидек, қадди букчайган чоллар ҳам бор эди...» Ана шундай тасвир билан бошланган нарчада халқнинг турли-туман қатламларидан чиққан ва, эҳтимол, Собир Абдулла сингари Ойбекнинг қаламкаш ўртоқларига ўхшаш мудофаачиларни кўрамыз.

Бу сўнгги боб бошқа бир жиҳати билан ҳам эътиборга лойиқ. Гап шундаки, Навоий яшаган даврда адолатли подшо ғояси нафақат буюк шоирни, балки оддий халқни ҳам беҳад ҳаяжонлантирар эди. Уйғун ва Иzzат Султон қаламларига мансуб пьеса қаҳрамонларидан бирининг Навоийга қараб: «Тақсир, ўзингиз подшо бўлиб қўя қолмайсизми?» деган саволи драматурглар томонидан ўйлаб топилган гап эмас эди. Халқ Навоийдек одил ва оқил инсоннинг мамлакат ҳукмдори бўлишини орзу қилар эди.

Ойбек ўз романида ана шу орзу гули реал заманда унганини кўрсатишга, борди-ю мамлакат тақдири Навоийдек давлат миқёсида кенг фикр юрита олувчи, халқ манфаатлари билан яшовчи донишманд қўлида бўлса, олам

гулистоп бўлиши мумкинлигини исбот этишга уринди. Зеро, Навоий сингар, мамлакатни идора этиш учун куч эмас, кучли ақл, халқнинг дардига малҳам бўла олувчи ақл, юртни обод ва фаровон эта олувчи ақл лозимлигига астойдил ишонар эди. Шунинг учун ҳам буюк гуманист ҳақидаги асарни ўзининг ўта инсоний кечималари ва орзуларини эмиб унга юксак ғоялар билан суғурди.

Адибнинг «Ҳисқача таржима ҳоли»да бундай дил сўзларини ўқиймиз:

«Болалигимдаюқ асарларини севиб ўқиганим — ўзбек халқининг улуғ классик шоири Алишер Навоий ҳақида асар ёзишни кўндан бери орзу қилардим. Улуғ инсонпарвар инсон образи, ўрта аср туни қоронғилигини ёритувчи ёруғ машъал каби, менинг хаёлимни эгаллаб олди. Мен аввало «Навоий» поэмасини ёздим. Навоий образи менинг кўнгина лирик шеърларимда ҳам гавдаланди.

Ниҳоят, «Навоий» романини ёзишга тутиндим. Романини уруш йили, қиш фаслида, совуқ хонада, жинчиरोқнинг титроқ шуъласида ёзганман. Бу романини 1942 йилда тамомладим».

Ойбекни ушбу асарни тезроқ ёзиб тугатишга илҳомлантирган Ҳамид Олимжон роман қўлёмаси билан танишиб чиқини биланюқ унга юксак баҳо берди. Асар ҳали ҳатто ўзбек тилида чоп этилмаган бўлишига қарамай, у романини СССР Давлат мукофотига тавсия этиш чораларини излади. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи президумининг 1942 йил 25 декабрда бўлиб ўтган йиғилишида «Навоий» романи Ҳамид Олимжоннинг «Муқамма» пьесаси, Ғафур Ғуломнинг уруш даври шеърлари, Вс. Ивановнинг «Ильич хибони» романи ва К. Чуковскийнинг «Бор-малейни епгамиз» эртақлари билан бирга СССР Давлат мукофотига тавсия этилди.

Қизиғи шундаки, Ҳамид Олимжондан ташқари, бу йиғилишида қатнашган президиум аъзоларининг бирортаси роман билан танишиб улгурмаган эди. Шунга қарамай, Ҳамид Олимжон уларни ўзбек совет адабиётида янги бир ажойиб асарнинг пайдо бўлганига ишонтира олди.

«Ойбекнинг «Навоий» романини бир қапча ўртоқлар ўқиб, чидап ҳам мароқли поэтик асар пайдо бўлибди, деган хулосага келдилар,— деди у.— Ойбек Навоий яшаган даврни, Навоий яшаган Ҳиротнинг ҳар бир кўчаси ва ҳар бир ҳовлисини яхши билади. Бу 1942 йилда ўзбек адабиёти эришган энг йирик ғалаба бўлиб, уни СССР

Давлат мукофотига кўрсатиш учун барча асослар бор. Унинг яккаю ягона нуқсони шундаки, у ҳали рус тилига таржима этилмаган. Мен бу масалада ўртоқ Юсупов билан суҳбатлашдим. У қўлёзма билан қизиқиб, уни ўқиб чиқиш учун олиб қолди».

Орадан икки йил ўтказ, ўзбек совет адабиётининг энг машҳур ва боқий асарларидан бири нашр этилиб, уни аллақачондан бери катта интизорлик билан кутаётган китобхонлар қўлига бориб тегди. Ўзбек адабиётининг олтин фондида янги бир дурдона пайдо бўлган эди.

УМИД БАРГЛАРИ

Бехосдан узилган шода дур
Тўкилди умиднинг рангли
Осилди бир онда қўллар
Ер қочди, қорайди қуёш

наби
барглари.
мадорсиз,
зарлари...

ОЙБЕК.

Қарийб бутун Европани ютган фашист ялмоғизлари 1941 йил ноябрининг охирларига келиб, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқ бўйи республикаларининг каттагина қисмини ва Россия Федерациясининг ғарбий вилоятларини кемира бошлашди.

Душман босиб олган ҳамда босиб олиши мумкин бўлган шаҳар ва қишлоқларда яшовчи болалар, аёллар, кексалар, завод ва фабрикалар, илмий ва маданий муассасалар мамлакат ичкарасига оқиб кела бошлади. 1941 йилнинг ўзидаёқ статистика маълумотларига қараганда, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга 250 та корхона кўчириб келтирилган ва уларнинг аксар қисми Ўзбекистон территориясида жойлаштирилган эди. Мамлакатнинг ғарбий районларидан кетма-кет келаётган бу эшелонлар бўш қайтмади: республика аҳолиси ўзининг энг яхши фарзандларини фронтга кузатди.

Урушга кетган эркаклар ўрнини аёллар эгаллади. Урушнинг дастлабки ойларида биргина Тошкент корхоналарида 20 мингдан зиёд хотин-қизлар ишлаб бошлади. Ҳавос станциясида яшовчи 300 нафар аёл темирйўлчилик касбини эгаллади. Ҳарбий хизматчиларнинг Самарқандда истиқомат қилаётган 2500 нафар хотинлар ишлаб чиқаришга йўллашларини сўраб ариза бердилар.

1700 нафар ўзбек хотин-қизлари эса Ангрен кўмир ҳавза-сининг шахталарига тушиб ишладилар.

Давр ниҳоятда оғир эди. Гитлерчи қўшинларнинг пешдор қисмлари 1941 йил октябридаёқ Москва остона-ларига яқинлашиб қолган, куни кеча фарзандлари фронтга кетган oilаларга эса ташвиш ва кулфат хабарлари кела бошлаган эди. Ҳар куни қанчадан-қанча уйларда аза очилар, яна қанчадан-қанча хонадонлар бирор хабар олсмай, аросатда яшар эдилар.

Шунга қарамай, халқ фронтда ҳам, фронт орқасида ҳам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқда эди.

1942 йилнинг кеч кузи. Дарахтларнинг барглари алла-қачон саргайиб, хазонрез фаслнинг жонли муждалари каби, кўча-кўйларни тўлдириб ётибди. Яқинлашиб келаётган қишининг нафаси теварак-атрофда кезиб юрибди.

Поезд юриб кетди. Кузатувчиларнинг оқ йўл тилаб силкиган қўллари ҳам кўринмай қолди. Энди поездининг бир маромда, темир излар оша, тарақа-туриқ қилиб бораётган овози янграй бошлади. Қудратли ғилдиракларнинг ҳаракатидан эсаётган бу овоз Ойбекни хаёлга чорлади.

Адиб назарида, ўқ сингари: учаётган поезд фронт чизигига яшин тезлигида етиб оладигандек шиддат билан борарди. Аммо, кўп ўтмай, у ўз йўлини муҳимроқ ҳарбий юклар ортган эшелонларга бўшашиб, катта ва кичик станцияларда узоқ турадиган бўлди. Ниҳоят, ўн беш-ўн олти кун деганда, пойтахт бўсағасига кириб келди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Эсон Раҳимов раҳбарлигидаги агитацион-бадий бригадада Муҳаммаджон Мирзаев, Саид Алнев, Дадаали Соатқулов, Турғун Каримов, Тамара Назарова, Зайнаб Полташева, Турсуной Маҳмулова каби ўн тўрт нафар санъат аҳли бор эди. Усмон Юсуповнинг шаҳсан аралашуви билан бу группа таркибига жанговар шоир сифатида Ойбек ҳам киритилган эди. Илк ўзбек бадий бригадаларидан бирини ташкил этган бу кишилар Москва остоналарида жанг қилаётган ўзбек жангчилари ҳузурига бориб, уларга ўзбек халқининг совга-саломини топиширишлари ва маданий хизмат кўрсатишлари лозим эди.

Олти-етти вагондан иборат эшелоннинг бир вагонда бригада аъзолари жойлашган, қолган вагонлар эса совга-саломлар: Ўзбекистон боғларида етинган янги ва кўрилган мевалар, иссиқ кийимлар, китоблар ва республика мактабларининг юқори синфларида ўқиётган

қизларнинг жангчилар помига ёзган хатлари билан тўла эди.

Ойбек ҳали Тошкентда экан, душман самолётларининг Москвага бомбардимон қилганлиги тўғрисида кўп эшитган, шунинг учун ҳам у пойтахтни қарийб вайрон ҳолда кўраман, деб ўйлаган эди. Шунинг учун ҳам у пойтахтга етиб келганининг иккинчи кунини бундай деб ёзган эди: «Икки кундан буён шаҳарда кезаман, Москвадаги харобалар ҳақида кўп муболага қилган эканлар. Немис бомбардимончилари шаҳарнинг муаззам гавдасини унда-мулда чўқиб ўтибди».

Орадан бир неча кун ўтгач, бадний бригада Москва атрофида жойлашган ҳарбий қисмлар билан учраша бошлади. Бундай учрашувларга келган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, тожиқ жангчилари бригада аъзолари билан ака-укалардек қуюқ кўришар эканлар: «Биродарлар, бормисизлар? Бизни ҳам йўқлайдиган кун бор экан!» — деб уларга миннатдор қалб туйғуларини изҳор қилар эдилар.

Бригада аъзолари фронт яқинида жойлашган ҳарбий қисмлар билан бирга блиндажларда яшадилар. Бомба ва снарядлар тушмасин учун блиндажлар ўн-ўн икки қават ёғоч билан шиббалашган бўларди. Шунга қарамай, ёмғир ва қор суви блиндажлар ичига чак-чак томиб, катта-кичик кўлмаклар ҳосил қиларди. Ойбек узун, уйқусиз кечаларда темир бочкадан ясалган печь ёнида ўтириб, снаряд гильзасидан ясалган қўлбола жинчироқ шуъласида шеърлар ёзар, жангчилар ва командирлардан эшитган жанговар ҳаёт лавҳаларини ёндафтарига муҳрлар эди. Ана шундай дақиқаларда туғилган шеърларга Муҳаммаджон Мирзаев ва Дадаали Соатқулов шу заҳотиёқ куй басталар ва бу янги қўшиқлар эрта билан жангчилар олдига ижро этилар эди.

Баъзан кун оғиб, олдинги марраларга йўл олиш олдида, қандайдир ички ғашликни ёзиш, янги, қувноқ ва некин руҳ касб этиш пиятида Ойбек чолғувчилардан гоҳ «Чўли Ироқ»ни, гоҳ «Ушшоқ»ни ижро этишни сўрар, сўнг жангчилар билан мириқиб тинглар ва роҳатланар эди. Бундай ички нурланишлардан кейин, унинг айгишича, шеър қуюлиб келарди. Адибнинг «Фронт бўйлаб» кундаликларини варақлар экансиз, унинг нақадар ҳаяжон ва мароқ билан шеърлар ёзганига қойил қоласиз. Чунонинч, у 1943 йилнинг 9 январига онд лавҳаларида ёзди:

«Мен жуда таъсирландим... каравотга чўзилдим, ле-

кши уйқу келмасди. Хаёлпмда шеърлар ўқирдим, шеърлар қуюлиб келарди».

2 январга оид ёзувларига эса қуйидаги сўзларни пловатади.

«Митинглар давом этаётганда, айрим қаҳрамон жангчиларга атаб, 4—5 минутда ёзган шеърларимнинг кўпини даҳшат тўла галвали уруш шароитида сақлаб қолмаганман».

Хавф-хатарда кечган уч ой давомида Ойбек сингари 50 дан ортиқ шеър ёзиш учун истеъдоддан ташқари, яна масъулият ва бурч туйғуси, илҳом ва шитиёқ ҳам зарур эдики, улар шонрда азалдан жамулкам эди. Афсуски, ўт-олов ичида бадиха йўли билан ёзилган бу шеърларнинг 34 тасигина сақланиб қолган, холос.

Фронт ҳаёти рапг-баранг воқеаларга бой бўлади, Амниимизки, бу воқеалар Ойбек ижоди учун белз кетмади. Келинг, муҳтарам китобхон, яхшиен, жангу жадал ичида кечган ташвишли кунларнинг баъзи бирларига назар ташлайлик.

1942 йил 16 январь.

Кунин кеча офтобнинг гира-шира шуълалари кўриниб, қор эриган, Москва кўчалари тўпиқ бўйи сув билан қопланган эди. Бугун қалин қор тушиб, изгирин кучайди. Ер музлади. Ойбек жиқ-жиқ сувга тўлган нимасини аранг қуритиб, бир гуруҳ созанда ва хонандалар билан Москвадаги госпиталлардан бирига йўл олди. У ерда машҳур ўзбек кизи Зебо Ганиева даволанаётган эди.

Зебо уруш арафасида Москвадаги А. В. Лупачарский номли Давлат театр санъати институтида таҳсил олмоқда эди. Уруш бошланиши билан у Москва мудофаачилари сафига қўшилди. Кўп ўтмай, у разведкага бориб, тўрт фашистни ер тишлатди. Кичик бир гуруҳ билан Москва бўсағаларидаги душман эгаллаб турган қишлоққа ҳужум қилганларида, командир ҳалок бўлди. Зебо командирлигини ўз зиммасига олиб, жангчиларни олға бошлади ва қишлоқни душмандан тозалади...

«Солдат отаси» номли машҳур грузин кинофильмида бир ажойиб эпизод бор. Олдинги сарҳадларда жанг қилаётган жангчилар ҳузурига ярим кечада тўрт-беш кишидан иборат бадний бригада концерт бергани келади. Аммо бу пайтда, машаққатли жанговар хизматдан кейин, жангчилар ҳориб, ухлаётган эдилар. Шунга қарамай, созанда-

лар командир буйруғига бўйсуниб, уйқудаги жангчилар учун «Лезгинка»ни ижро этдилар.

Ўша куни ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз берди. Зебо билан ёнма-ён оғир ярадорлар ётган учун хонадалар, мерган қизнинг илтимосига биноан, паст овоз билан ўзбекча ва озарбайжонча қўшиқларни ижро этдилар. Сўнг Ойбек унга бағишлаб ёзган шеърини ўқиди.

Орадан тўрт-беш ой ўтгач, Зебонинг жароҳатлари битиб, госпиталдан чиққанида, Ўзбекистон ҳукумати ўзининг қаҳрамон қизини она дёнрга таклиф этди. Республика Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган қизгип учрашувда энг яхши ўзбек шоирлари унга бағишланган шеърларини ўқиб бердилар. Шу куни 1 Май кўчасидаги 20- уйда жаранглаган «Зебонома»нинг қалдирғоч асари буюк муҳориба олови авж олган ўчоқда — ҳарбий Москвада Ойбек қалами билан битилган эди.

22 декабрь.

Нонуштадан кейин Ўзбекистондан келган меҳмонлар олдига асир олинган бир немисни олиб келдилар. Асир таржимон орқали берилган саволларга жавоб берар экан, «Гитлер канут» деган сўзларни тез-тез такрорлар эди. Эндигина йигирма ёшга тўлган бу йигит ҳамма нарсага кўрқиб, шафқат излагандек, олазарак кўзлари билан қарар эди. Асир тушганларида ниҳоятда ночор ва беозор кўринган бу ёшлар қуролсиз аҳолини шафқатсиз равишда қийнаб ўлдирар, бутун-бутун қишлоқларни култепаларга айлантирар эдилар.

Шу куни Ойбек, одатдагидек, кечаси соат бирларда ҳамшаҳарлари билан фронт томонга машинада жўнади. Кунбўйи тинмаган, айниқса кечаси авжга минган тўнлар ўзининг қора вазифасини адо этган эди. Уйлар, қишлоқлар, кўприклар харобага айланган, 220 уйли бир қишлоқдан ярим хароба бир гиштин биногина қолган эди. Машина яна бир култепа ёнидан ўтаётганида, жангчилар куни кеча бу ерда Юхнов деган шаҳарча бўлганини айтдилар. Батамом бузилган бу шаҳарчада биров киши учрамади. Йўл бўйлаб қор кўрпалари орасида саф тортган дўнг тепачалар шу ерда яшаган ва жанг қилган кишиларнинг қабрлари эди. Бу ҳазин, бағоят ҳазин манзарани кўрган Ойбекнинг кўзларидан ёш тирқираб отилди.

Ойбек ўша кунларда фронт бўйлаб қайси бир дивизияга, қайси бир жабҳага бормасин, ёнган, хароб бўлган уйлар ва қишлоқларни кўрди. Бу уйлар, қишлоқлар ва кўп-

рикларни бояғи беозор асирнинг тешдошлари, ака ва оталари ёндирган эдилар. Киши бундай ваҳшийликларни қанчалик кўп кўрмасин, уларга кўшқиниш, уларни изтиробсиз кўриш мумкин эмасди.

«Шундай кечаларнинг бирида,— деб эслайди Дадали Соатқулов,— Ойбек ака ирғиб турганича, ҳай-ҳайлашимга қарамай, бошыланг ташқарига отилди. Ғазаб, ўй, изтиробдан боши тарс ёрилар ҳолатга келган бўлса керак, деб ўйладим. Чунки, у киши ўйлаганда жуда узоқ ва қаттиқ фикрга толар эди. Аммо ҳадеганда қайтиб қиравермади ертўлага. Ташқарига чиқиб ҳам тополмадим. Қор бўралаб ёғишти. Оғиз очсапиз, тишини ёрадиган қаттиқ совуқ. Ён-атрофни гир айландим, Ойбек ака йўқ. Анча юриб излаганимдан сўнг нарироқдаги катта тўнканинг бўйи оппоқ бўлиб кўтарилиб қолганига кўзим тушди. Ҳовлиқиб шу томонга чопдим. Кўрққанамча бор экан, Ойбек аканинг жингалак сочлари, қош-кўзларигача қорга кўмилган, боши саваддек, чўғи ўчган сигарети бармоқлари орасига ёпишиб қолибди. Яқиндаги соқчини чақирдим. Иккимиз икки ёнидан кириб, ертўлага олиб тушдик. Печь ёнига ётқизиб, оловга тобладик. Кўл-оёқларини ишқалаб, ҳаракатлантирдик. Анчадан сўнг кўзини очди...»

Инсонлик қиёфасини йўқотган душманининг разил қилмишларидан қалби пора-пора бўлган Ойбек, узоқ вақтгача бу мавзунинг қаламга ололмай юрди. Ниҳоят, срадан бир ой ўтгач, «Изсиз қишлоқ» сарлавҳали шеърисида ўша даҳшатли манзарани тасвирлашга эришди.

Бу ерда яшарди бутун бир қишлоқ..
Болалар шовқини, гармонь овози.
Сигирлар маъраши, тўй, меҳнат — шпоқ,
Кичик деразада гулларнинг нози.

Эртакка борарди бу ерда аср:
Туғилар, бўй етар... Сўнг бўлиб кекса,
Қут ёзиб, дер эди оламга: «Хайр!»
Ўрмон каби ўсган қанча жамоа...

Қани ҳаёт? Қани куйи, сурури?
Қани зўр қишлоқдан синиқ бир парча?
Кўксимни тортқилар дардининг омбири,
Ўйларқан, пешошам темир чамбарда.

Тиккайган нарса йўқ, қор чўкиб ётар,
Хандон кунини кўмсаб йиғлайди шамол.
Бу ерлардан ўтмиш фашист — балогар,
Шум оёғини мангу қилажакмиз шол!

Ёвуз душман култепага айлантирган 70 мингдан зиёд қишлоқнинг аянчли манзарасини ўзида мужассамлантирган бу шеърдаги ҳар бир мисрада фашизмга, милитаризмга ва уларнинг машъум фарзанди бўлган урушга лаънат тошларни ёғилиб туради.

23 декабрь.

Йўл... Ўрмон орқали ўтувчи йўллар... Душман бу йўлларни тез-тез ўққа тутиб туради. Кундузлари бу йўллардан ўтиш хавфли. Шунинг учун ҳам қисмлар ўртасидаги алоқа асосан тунда, душман мудраган соатларда бўлади.

Тун... ҳорғин йўл кетган уйқуга,
Унинг тош кўксини хўп эзган кундуз.
Қанча ғазаб, хаёл, умид, йиғи, мунг,
Қанча ажиб ҳислар унда берган юз!

Неча бор қуш каби учган гўдаклар
Ҳассага суялган бу йўлда бир кун.
Неча асрларнинг сочи оқарган,
Тўйлар, тобутлардан кўрган кўп тўлқин...

...Йўл тош қотиб ухлар... Қари гавдаси
Метин қадаҳлар-ла қопланган туташ,
Тезда эшик гарчлар, кўприк гумбурлар,
Йўлга ағдарилар тўлқин ва қуёш.

Ойбек бу йўллардан ўтар экан, уни ҳар сафар чўнг хаёллар қуюни ўз бағрига олади. Неча-неча асрлар ва нассларни кўрган бу йўллар бугун снарядлардан пайдо бўлган «метин қадаҳлар» билан тўлган. Маана, яна бир снаряд кўприк устида портлаб, зилол сувда акс этган қуёшни йўл устига ағдариб юборди...

Ўзбек днёри вакиллари нопуштадан кейин чапаларга ўтириб, полк нитаби сари йўл олдилар. Штаб олдинги сарҳаддан анчагина берида эди. Шунинг учун ҳам жангчилар элатларни «ура!» садолари билан қарши олдилар. Олдинги жабҳалардан келган жангчиларнинг жанг ва изғиринларда чишиққан юзларида нурил табассум пайдо бўлди. Улар қайта-қайта кўришиб, таниш-билишларни йўқлар экаплар, уларнинг кўзларида киндик қони тўкилган тупроққа меҳр учқунлари балқиб турарди.

Ойбек шу ернинг ўзида, қоронги блиндажда ўтириб, жангчилар тилидан Ўзбекистонда яшовчи ота-оналар номига мактуб ёзди.

«Азиз ота-оналаримиз! — деб бошланган эди мактуб. — Ватанимизнинг эркин ва бахтиёр ҳаёти, шараф ва ному-

си учун марди майдон бўлиб душманларни яқсон эт, деб қўл очиб, фотиҳа бердингиз... Амин бўлингизки, биз, ўғилларингиз, сизнинг талаб ва орзуингизни сидқиди билан бажармоқдамиз ва бажаражакмиз. Биз ҳеч вақт юзингизни қизартрмаймиз, ор ва номусингизга қитдай бўлсин доғ туширмаймиз, қаддингизни ҳам қилмаймиз. Сафимизда довюрак азаматлар, ўлимдан қўрқмас ботирлар, ўқи хато кетмас ажойиб мерганлар кундан-кунга кўпаймоқда. Сиз ўйлаб ва йигирмалаб немис босқинчиларини қирган Саидохун Сатторов, Ғани Эргашев, Юсунов, Бекжон Деҳқонов, Тойбоев, Шукуров, Қурбонали Мирзаев, Раҳмонов, Раҳимов сингари ботир фарзандлар билан фахрланишга ҳақлисиз...

Азиз оталар ва оналар! Шавкатли Қизил Армия немис-фашист қароқчиларига кундан-кун кучли, қақшатқич зарбалар бериб, ватанимизни у ифлослардан тозаласмоқда... Ўғилларингизнинг орзуси душмани тор-мор этиб, қучоғингизга қайтиш ва дийдорингизни кўришдир. Бизлардан кўнглингиз тўқ бўлсин. Жонажон юртимизга, сиз азизларнинг қучоқларингизга қаҳрамон бўлиб, ёруғ юз билан қайтармиз. Ғалаба айёми яқин!..»

Ойбек мактубни ўқиб бўлгач, жангчилар унда ўзларининг юрак сўзлари ифодаланганини изҳор этиб овоз бердилар. Сўнг жанговар байроқ олдига келиб, олт нчгандек, тантанали равишда имзо чекдилар.

Бир неча жангчининг нутқидан кейин кичкина лампа билан ёритилган, ердан бир қарич баланд, нимқоронғи саҳнада ўзбекнинг базмнавоз чирмандаси гумбурай бошлади, най, гижжак ва рубобнинг майин садолари оқди. Раққосалар гулдор ипак кўйлаklarини ҳилпирайтиб, хиром айладилар.

«Ўзбек бадиий бригадаси,— деб ёзади Ойбек,— куй ва рақсларнинг кўркем чаманзорини очиб ташлади. Жангчилар қўшиқларни чуқур севадилар. Жонли, оҳангдор сўз уларга қуёш ва олтин ҳаво каби ёқади. Шунинг учун йигитларимиз хайрлашиб, ўз жабҳаларига жўнашар экан, фавқулодда ҳаяжон ва қувонч билан қичқиришади: «Кўшиқларингизнинг ҳар бир сўзи учун бир фашистни ўлдиримиз!».

30 декабрь.

Дивизия штаби ўрмон ичида эди. Кеча душман бу ер-ни роса ўққа тутган экан. Дарахтлар синган, шох-шаббалар ерда жангчиларнинг қўл-оёқларидек сочилиб ётибди.

Бир чеккада олдинги сарҳаддан келтирилган жасадалар...

Душманининг бир батальони ҳужумга ўтиб, бизнинг олдинги траншеямизни эгаллаб олибди. Икки ўртада найзавозлик ва муштлашиш бўлиб, ҳар икки томон кўп талофот кўрибди. Аммо душман жангчиларимизнинг қаттиқ қаршилигига учраб, чекинишга мажбур бўлибди.

Дивизия штаби бадий бригадани бошқа бир полк клубига юборди. Кечаги артиллерия тайёргарлигидан кейин йўлда кўп воронкалар учради. Душман траншеялари ниҳоятда яқин бўлгани сабабли айрим жойларда чанадан тушиб, якка-якка чопиб ўтишга тўғри келди. Ҳаммаёқ дўмбоқ тепаликлар — қабрлар билан тўлган эди.

(Орадан 30 йилдан зиёд вақт ўтгач, 1975 йилда Тошкентда Номаълум солдат мемориали бунёд этилаётган кунларда ўзбек жангчисининг хокими Москва бўсағасидаги ана шу дўнг тепаликларнинг биридан олиб келдилар.)

Бу ҳазин манзарани кўрган Ойбек жангчилар олдига чиқиб шеър ўқиш учун ўзида куч ва мадор тополмади. Унинг томоғига аламнинг оғир бир тоши келиб қадалган эди. У блиндажда қолиб, бутун ғазабини темир печкага сочди.

Шу пайт отишма бошланди. Тўплар даҳшатли бир тарзда ҳайқириб, еру осмонни ағдариб ташлаётгандек бўлди. Снарядлар, гўё Ойбек ўтирган блиндаж устида портлаётгандек, ваҳимали равишда чиққириб, олов тиллари билан қору тупроқни ямлаб ташлади...

Бу урушнинг оддий ва нисбатан беозор кунларидан эди.

1943 йил, 3 январь.

Совуқ хийла сусайган бўлишига қарамай, қорнинг қалин кўриаси ҳали чок-чок бўлмаган эди. Чаналар миналаштирилган йўллар бўйлаб равон учиб, тез орада 29-полк жойлашган ерга етиб келди. Бу ерда ҳам ўзбек жангчилари кўп эди. Жанговар сабоқ олган жангчилар катта ҳужум бошланишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар.

Ойбек старший лейтенант Мўминов, старший сержант Жуманийез Худойберганов, жангчи Қўчқор Саидалиев ва бошқалар билан суҳбатлашиб, уларнинг фронтда кўрган-кечирганларини ёндафтарига ёзиб олди, анъанага

кўра, концертдан олдин бўлиб ўтган митингга Қўчқорга бағишлаб ёзган шеърини ўқиди.

1967 йилда туркман диёрида ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунлари республикамиз газета редакцияларидан бригада Тошовуздан бир хат келган эди. Бу хатни Тошовуздаги Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жуманиёз Худойберганов номли 44-ўрта ўзбек мактабининг ўқитувчилари йўллаган эдилар.

Хатда айтилишича, Улуғ Ватан урушининг қаҳраонларидан бири Жуманиёз Худойберганов шу мактабни тугатгач, 1940 йилда Тошкентга бориб, институтга кирган, ammo орадан бир йил ўтар-ўтмас уруш бошланиб, у шу ердан фронтга кетган экан.

«Отахон ёзувчи Ойбекнинг «Қуёш қўшиғи» китобида, — деб ёзади ўқитувчилар, — «Худойберганов Жуманиёз» деган бир шеър бор. Ана шу шеърнинг яратилиш тарихи бизни қизиқтиряпти. Ойбек домла чиндан ҳам Жуманиёз Худойбергановни танийдиларми? У билан учрашган ёки суҳбатлашганмилар? Агар уни кўрган бўлсалар, қачон ва қаерда кўрганлар?

Агар газетангиз орқали ана шу тафсилотларни ёритиш имкони бўлса, бизга катта ёрдам берган бўлар эдингиз...»

Ойбек батальон бўйича сиссий раҳбар муовини старший сержант Жуманиёз Худойберганов билан шу кун, 1943 йил 3 январда танишган, у адиб билан суҳбатда: «Немисни кўрдимми — дарҳол отаман!» — деб ўзидаги туганмас қаҳрни ифода этган эди. Шу суҳбатдан кейин Ойбек унга бағишлаб шеър ёзди. Шеърнинг қўлёзма нусхасида шундай сатрлар бор:

Сенга плҳом берсин ботир боболар,
Йигит, қаҳрамон бўл, ёв янч, ишон ол!

Жуманиёз ўзининг жанговар хизматлари ва жасорати билан Ойбек наказини тўла-тўқис адо этди. 1944 йилда қаҳрамонона ҳалок бўлганидан кейин унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юсак унвон берилди...

7 январь.

Бригада аъзолари шу кун олдинги жабҳаларда, фронтдан атиги 3 километр берида жойлашган 53-полкнинг жаангчилари билан учрашдилар. Рус, ўзбек, қozoқ, қирғиз каби элатларнинг вакиллари жанг қилаётган бу полкнинг баъзи бир қисмлари эндигина олдинги марра-

лардан қайтган эди. Бу қисмларнинг айрим жангчилари эса ҳафталаб қор устида ётган ва тинка-мадорлари қуриган эди. Улар орасида Икром Тошматов снйгари машҳур снайперлар ҳам бор эди.

Ўша кунга қадар 94 та фашистни гумдон қилган бу мерган ҳақида фронт газеталарида шеърлар ва очерклар босилган, унинг номи жангчилар учун жанговар мардлик ва jasorat тимсолига айланган эди.

Ойбек эндигина олдинги марралардан қайтган, ҳали каскалариши ечмай, мудраб ўтирган, ҳорғин йигитлар билан мириқиб суҳбатлашди. Сўнг ўша ернинг ўзида, гангур-гунгурга қарамай, жангчиларга жанговар руҳ бағишловчи шеър ёзди. Бу шеър 53-полкнинг доғддор снайнери Икром Тошматовга бағишланган эди:

Ботир йигит, она сутин оқладинг,
Қасамни дилингда маҳкам сақладинг.
Хато кетмас ўқинг билап, Икромжон,
Немиснинг бошини хўп мажақладинг.

Сени унутмайди асло давроплар,
Шаънингга ёзилур олтин дostonлар.
Зафар кунин қайтсанг, кўзингдан ўиниб,
Йўлингга гул сенар гўзал жононлар.

Оқ сут берган онапн Порнош онапн
Умрбод ҳурматлар Совет Ватани.

Ойбек шеърнинг қўлёзма нусхасини мерганга ҳади қиларкан у ҳам ўз павбатида ўзининг жангчи-рассом томонидан ишланган суратини шоирга инъом этди.

Қаҳратон қини чилласида, ўрмон ичида кечаётган уруш қонушига биноан, снайпер оддий солдатлардан кўра дарахт ораларига ин қурган мерганларини топиб, мўлжалга олини керак эди. Душман снайперларини ҳам Икромни зимдан пойлаб юрган экаплар. Эҳтимол, шу хабарини эшитибми, Ойбек командирлар билап учрашиб, қаҳрамон жангчининг уйига бориб келишни учун икки ҳафтага муҳлат беришларини илтимос қилди. Аммо мерганнинг ўзи: «Ҳисобни 100 га етказмай туриб, уйга бормаيمان», деб оёқ тираб олди.

...Орадан бир-икки кун ўгтач, жасур мерганнинг жасадини замбилда кўтариб келдилар. Икромжон ўзининг 100-«ов»ини қармоққа илинтиролмап, навқирон ёшида ҳаётдан кўз юмди. Лекин, Ойбек назарида қаҳрамон жангчи ўлмаган эди. Унинг ҳали тўхтаб улгурмаган қо-

ни «Ўуёш қораймас» романининг қаҳрамони Бектемир юрагида ура бошлаган эди.

1963 йилда Ойбек фронт сафарига тутган ёндафтарини нашрга тайёрлади. «Фронт бўйлаб» номи билан нашр этилган бу китобчанинг муқовасида Икром Тошматовнинг жангчи-рассом томонидан чизилган рангли сурати бор. Бу суратдан сизга ҳали ҳаёт панидасини туйиб улгурмаган, аммо ўзининг навқирон ҳаётини Ватанга бағишлаган қаҳрамон ўзбек йигити маъсум кўзлари билан боқиб туради.

Ойбек бадший бригада билан икки ой давомида бирга бўлди. Баъзан қисм командирлари билан биргаликда олдинги жабҳаларга бориб, уруш ҳидини, қон ва ўлим, жасорат ва мангулик ҳидини яқиндан туйди. Шунга қарамай, унда «ҳарбининг ўзи истаганча ҳар бир қаваги»га кириш имконияти кўч бўлмагани сабабли, бригада Москвага қайтган чоқда уни тарк этиб, СССР Ёзувчилар союзининг тавсияси ва тегишли ҳарбий идораларнинг ижозати билан 5 февраль кун «ҳарб гирдобига» ёлғиз шўнгиди. Аммо ниҳоятда мушкул бир даврда расмий делегациядан четда, нуфузли ташкилотларнинг ёрдамсиз ҳаракат этиш сарсонлик-саргардошлик кулфатларини топиш деган сўз эди.

Адиб мннг азоблар билан Вропеежга яқинлашиб келди. Шаҳар душмандан тозаланган бўлишига қарамай, унга ҳеч кимнинг кириши мумкин эмас, чулки ҳар бир қарич ер мишалаштирилган эди. Шаҳар атрофида ҳам ҳар қадамда соқчилар бўлиб, улар ҳар бир кишини обдан текшириб ўтказар эдилар. Ойбек уруш даврининг мураккаб чигиринқларидан ўтиб, шаҳарга яқинлашар экан, осмонда гала-гала қора қузғунлар — душман самолётлари пайдо бўлди. Моторлар шовқинига чидаб бўлмасди. Бомбалар визиллаб туйиб, ваҳимали гумбурлар, ер уюмлари минора бўйи кўтарилар, улкан дарахтлар бир лаҳзада оловли тўзон ичра гойиб бўларди.

Бундай жаҳаннамдан кишининг омон чиқishi даргумон эди. Лекин у, баяо-офатларни енгиб чиқа олган адиб, бу сафар ҳам омон қолди. Бу нафақат унинг, у мансуб бўлган адабиётнинг, у мансуб бўлган халқнинг ҳам бахти эди. Унинг «Бомбардимон вақтида» деган шеъри ана шундан кейин туйилди.

РУҲЛАНГАН АЙЕМ

Қудрат, ижод билан руҳланган
Шоҳарлар, кўприклар қуриб улуг
Зафар қадаҳларин сипқоради том.
Байроқлар сўзлайди исрларга

айём.
халқ,
донг.
ОЙБЕК.

Жангчи бўлиб бордингни ё санъаткор бўлиб — фронт учун бари бир. Оддий жангчининг — ҳозир тирик, аммо бир лаҳзадан кейин ҳалок бўлиши мумкин бўлган жангчининг тақдирини сенинг ҳам тақдиринг бўлади. Олдинги сарҳадга бориб тирик қолиш ҳам, фронтнинг иккинчи ва учинчи эшелонида туриб, ҳалок бўлиш ҳам ҳеч гап эмас. Қанчадан-қанча азамат йиғитлар ҳали душманининг манфур юзини кўрмай, фронт йўлида, бомбардимонда қолиб, ҳалок бўлганлар...

Ойбекдан тўрт ой мобайнида бирорта хат-хабар келмади. Эҳтимол, у хат ёзолмагандир, эҳтимол, унинг хатлари ҳалок бўлган фронтчи почтальон билан бирга уруш сўқмоқларида қолиб кетгандир. Адиб билан бирга фронт сарфарига чиққан бадний бригада ҳам қайтиб келди. Аммо адибдан ҳамон дарак йўқ эди.

Унинг оиласи, ёр-дўстлари ташвишга тушдилар. Уларни турли хаёллар, бир-биридан бадбий гумонлар эза бошлади.

Адибни Воронеж frontiда кузатган дўстлар ҳам ташвишда эдилар. Ойбек фронт газеталари ортилган машинада Воронеждан жўнаб кетгандан кейин Харьков атрафида даҳшатли жанглар бошланган эди. Жон аччиғида қарши ҳужумга ўтган гитлерчилар шаҳар ва унинг атрафини бир неча кун давомида бомбардимон қилган ва тўшлардан ўққа тутган эдилар.

«Биз,— деб эслайди Рустам Абдуллаев,— Ойбек акадан хавотир ола бошладик. Уни олдинги жабҳага кетишига йўл қўйганимизга минг пушаймон бўлдик. Энди уни қидиришига тушдик. Алоқа офицерлари унинг Воронежда қолганини айтишди. Ундан кейин дом-дарак тополмадик. Москвага, Тошкентга бир неча телеграмма бердик. Жавоб бўлмади».

Фронтдан келган телеграммалар адиб оиласини бадтар ташвишлантирди.

Шу парса ажабланарлики, адибнинг ўзи бу масалага — унинг атрофида қуршаган хатарга бошқа бир назар билан қарарди:

Аввалги бобда айтиб ўтилганидек, Воронеж душмандан эндигина тозаланган кезларда ҳар қадамда мина учрар, шунинг учун ҳам шаҳарга ҳеч кимни қўймас эдилар. Шунга қарамай, Ойбек махсус рухсатнома олиб, шаҳарга борди. Хувиллоқ вайроналар, хунрезлик изларини кўриб, оғир ҳислар унинг кўнглига чўкди. Дард, бир оғриқ каби, унинг бутун борлигини пармалаб зирқиратди.

Яна бир манзарани кўз олдингизга келтиринг. Душман самолётлар ва танклар билан ҳужумга ўтган дақиқалар. Бизнинг қисмларимиз уларни олов бўрони билан қарши оладилар. Гранаталар ва ёнилги солинган шишалар учади. Танклар чекнади. Улар устидан автоматчиларнинг ўликлари қулайди. Яна самолётлар, яна танклар... Жангчиларимиз чуқурда пўлат қўйма бўлиб, бир қадам ҳам сийқимайдилар. Дала устида эса кишини кескин гаранглатувчи ҳид ва қалин тутун ҳукмрон...

Буларни ўз кўзи билан кўрган адиб: «Ўйлаган романним учун яхши материаллар», деб ёзди, холос!..

Шоир мартнинг охирларида Тошкентга қайтиб келиши биланоқ ўйлаган асарини ёзишга киришди. Бу 1943 йилнинг 7 апрели эди! 1 Май куни эса «Ўзбекистон» газетасида «Ўт пчида» номи билан «Қуёш қораймас» романининг дастлабки бобларидаги олинган илк парча босилиб чиқди. Газетанинг ушбу сопи ўн тўққиз кун деганда «Ватан шарафи учун» газетаси редакциясига етиб борди. Адибнинг Тошкентга омон-эсон етиб олганини биллиб, фронтчи журналистлар, ниҳоят, таскин топдилар.

Рустам Абдураҳмонов шу куншўқ адибга ушбу мактубни ёзиб юборди:

«Ойбек ака! Салом!

Сиз тўғрингизда кўндан изтиробда эдим. Биздан чиқиб кетганингиздан кейин Сиздан ҳеч бир хат-хабар бўлмади. Мен «Б» пунктига (Белгородга — И. К.) борганимда, бир ўртоқ Сизни «Х» пунктига (Харьковга — И. К.) кетаётганлигингизни айтди. Унда вазият бир оз ўзгаргач, Сиз тўғрингизда ташвиш яна зўрайди. «Нима бўлди экан? Нега у кишидан хат-хабар йўқ? Тошкентга бориб етди-ми-йўқми?» деган гаплар ҳар кун болалар (редакция ходимлари — И. К.) ўртасида такрорланиб турар эди.

Бугун «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1 Май сонини олдим. Унда «Қуёни қораймас» деган романдан бир парча босилганини кўриб, демак, Сизнинг Тошкентда эканлигингизни билиб, кўнгила ўрнига тушди, жуда хурсанд бўлдим...

Ойбек ака! Энди Сиздан илтимос шулки, ёзилаётган романдан бизнинг газетамизга махсус бир парча юборсангиз, жангчилар ўқишиб, хурсанд бўлишарди...»

Адиб фронтдаги қаламкаш дўстларига берган ватдасини бажарини, жангчилар олдидаги, курашаётган халқ олдидаги бурчини адо этини ниятида ижодга киришди.

Ойбек 1942 йил кузида фронтга қандай йўллар билан етиб олган бўлса, ундан бир йил муқаддам таниқли рус, украин, белорус адиблари ва олимлари ҳам шундай машаққатли йўллар билан Тошкентга кўчиб келган эдилар. Ҳамид Олимжон ўша мушкул йилларда Ўзбекистон ёзувчиларининг сардори эди. У ўзбек тупроғига вақтинча яшаш учун келган кўйлаб ёзувчиларини уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлабгина қолмай, уларни ягона мақсад атрофига уюштириб, ўзининг улкан ташкилотчилик қобилиятини намойиш этди. Қардон ёзувчилар унинг даъвати билан ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини таржима этишга, ўзбек халқининг тарихи, адабиёти ва маданиятини ўрганшга, ўзбек ёзувчилари билан ҳамкорликда ижод қилишга киришдилар.

Тенгдонлари фронтга кўнгиллилар қаторида кетган ёхуд фронт газеталарида хизмат қилаётган бир пайтда Ўзбекистонга хасталиклари туфайли кўчиб келган айрим ёзувчилар фронтдан олнеда яшаётганлари учун виждон азобида ўртапар эдилар. Шулардан бири машҳур рус шоири Владимир Луговской эди. Унинг виждон азобида қоврилаётганидан дарак топган Николай Тихонов 1942 йил 11 майда йўллаган мактубида ёзган эди:

«Азизим, азизгинам Володя!

Бир-биримизни кўрмаганимизга минг йил бўлди!..

Мен Москвада сени роса суршитирдим, ҳамма кулфатларинг ва хасталикларингни билиб, қаттиқ хафа бўлдим. Майли, ҳечқиси йўқ, азизим, бу даҳшатли давр ҳам ўтар-кетар, ахир уруш юз йилгача чўзилмас — тезроқ тугар, биз яна биргаликда бирор серқуёни водийга бориб, салобатли чинор тагида ёхуд бирор меҳмоннавоз ошёнда Кахетия шаробини майдалаб ўтирармиз.

Сенинг Тошкентга бориб қолганинг чакки бўлмабди. Тошкент Бағдод ситгари қадимий шаҳар, шоирлар шаҳри: сен у ерда, худо ҳақи, яшагину аммо дард кўрмагин. Дармонга кирганингдан сўнг ҳаммамиз бир бўлиб, агар буюк адабиётни давом эттириш қўлимиздан келмаса, шўх ва қувноқ адабиёт билан шуғулланамиз — назм ҳам, наср ҳам бўлади. Руҳинг тушмасин».

Ойбек бу ажойиб шоирнинг руҳи тушмасин учун у билан дўстлашиб, унинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб турди; Бағдод ситгари, қадимий шаҳарнинг шоирларига хос бўлган меҳмоннавозликни намойиш этиб иззат-икром кўрсатди. В. Луговской эса бунинг эвазига, ўзбек шоирининг бадий оламига кириб, унинг асарларини рус тилига таржима этди.

Шу йилларда Тошкентга рус шеърининг латиф садолар таратган сози — Анна Ахматова ҳам умр кечирди. У 1944 йилнинг май ойига қадар ўзбек дёрида яшаб, Осиёнинг сеҳрли қармоғида ўз қалбининг бир парчасини қолдирди. «Мен Тошкентда,— деб ёзган эди у,— жазирама иссиқ кун пайтида дарахт сояси ва ариқ жилдираши нима эканлигини биринчи бор билдим. Яна инсоний меҳрининг нима эканлигига тушундим: мен Тошкентда кўп ва оғир касал бўлдим».

Машҳура шоирани инсоний меҳр гуллари билан буркаган кишилардан бири Ойбек бўлди.

1941 йил кузида Тошкентга кўчиб келган шоира дастлаб Қизил майдон ёқасида, Йўлдош Охунбобоев қабулхонаси жойлашган бишонинг иккинчи қаватида яшади. Кейин уни Жуковский кўчасидаги 54-уйга кўчирини имконияти туғилди. Бу, бир қанча уйлардан иборат ҳовли бўлиб, унда бошқа ўзбек ва рус ёзувчилари билан бирга В. Луговской ҳам истиқомат қилар эди. Ойбекни машҳур рус шоираси билан таништирган ҳам В. Луговской бўлди.

Ойбек Анна Ахматова билан учрашар экан, унинг Тошкентдаги ижоди билан қизиқиб, саволлар берди. Ҳамон Ленинград дарди билан яшаётган шоира сеvimли шаҳарга бағишланган «Ўлим қузғунлари», «Ленинградда бомбардимон вақтида ҳалок бўлган Вова Семёновнинг хотирасига», «Мардлик» ситгари янги шеърларини аниқ, дон-дона қилиб ўқиб берди. Ҳар бир сўз худди душманга отилган ўқдек жаранглади. Ана шу учрашувдан мутаасир бўлган Ойбек шоиранинг сўнгги икки шеърини ўзбек тилига таржима этди.

Ойбек ўша унутилмас учрашувдан кейин айниқса шоира оғир тиф касаллиги билан оғриган кунларда ҳам унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб, ярасига малҳам бўлиб турди.

Адиб кейинчалик, ўз умрининг охирида уруш йилларида, Анна Ахматовани, унинг Тошкент кўчаларида ёлғиз ва хаёлчан юришларини эслаб, унга бағишлаб шеър ёзди:

...Йўлларда қурама тиллар, чеҳралар,
Пон оз, Информбюро хабарлари мўл.
Чапг ва терга ботиб аскарлар кечар,
Оналар қалбини савалайди дўл.

Жажжи қора қизлар элтар қатиқ, нон,
Анҳор бўйларида ҳижрон лапарии..
Сквер — муаззам бир лаган — чамац,
Машиналар учар қўнғиз сингари.

Шоира юради хаёлчан, ёлғиз,
Қуёшни ютгандек — юзида ёлқин..
Кўзларим изида, эргашамен жим.
Хаёлан, ҳислардан кўксимда тўлқин.

Шоира ошнқар кичик хонага,
Илҳом денгизининг йўқмиш қирғоғи.
Хиёбон четида тўхтаб ўйлайман;
Қўйилур на гўзал шеър промоғи?!

Бу мисралар ажойиб адиб ва инсоннинг давримизнинг улкан шоираларидан бирига, унинг ёрқин хотирасига сўнги таъзими эди.

Маълум бўлишича, Анна Ахметова ҳам, унинг ибораси билан айтганда, «сеҳрли саккиз юз кун»дан кейин Тошкентдан кета туриб, қуйидаги сатрларида Ойбекка бўлган миннатдорлик туйғуларини пфода этган экан:

— Ҳаммангиздан мен миннатдор,
Сизга раҳмат айтсам такрор
Ва силқитсам оқ рўмолчам.
Раҳмат, Ойбек, раҳмат, Чустий
Раҳмат, Тошкент! — кечир, дўстим —
Сокин уйим, сокин кўчам...

¹ Шоир Чустий уруш йилларида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошидаги адабий фонднинг директори бўлган.

² Анна Ахматова «хайр», «раҳмат» ва «Тошкент» сўзларини ўзбек тилида ва ўзбекча имло қоидалари асосида ёзган.

Ойбек мамлакатимиз учун оғир йилларда ўзбек тупроғида бошпана топган ёзувчиларга ўз меҳрини нисор этибгина қолмай, улар билан адабий ҳамкорлик ҳам қилди.

Ҳамид Олимжонни Ойбек билан Л. Г. Бать ўртасидаги ижодий дўстликнинг дояси, деса бўлади. У Л. Г. Батнинг тарихга, хусусан Алишер Навоий яшаган даврга қизиқишини кўриб, уни «ҳам адиб, ҳам аллома, ҳам муаррих» Ойбек билан тапиштириб қўйди. Ойбек эса бу оддий ва бежирим рус аёлидаги тарих туйғусининг, тарихий даврни ҳис қилиш иқтидорининг ўсишига катта ёрдам берди. Унга, ўзининг назарида, Ҳирот кўчаларига ўхшаш бўлган Эски шаҳар ва унинг жин кўчаларини кўрсатиб, уни Навоий яшаган муҳитга ажиб бир тарзда олиб кирди.

Л. Г. Батнинг эслашича, у 1942 йилда узоқ муддат давомида, адибни кўролмай юради. Ниҳоят, орадан бир неча вақт ўтгач, Ойбек гамгин ва маъюс бир ҳолда пайдо бўлади. Кейин билса, унинг отаси вафот этган экан. Ойбек шу куни отасини, болалик ва ёшлик йилларини эслаб, бетўхтов сўйлайди ва дард-алам тўла қалбини бўшатиб олишга уринади.

Адиб ўша айёмда бир шеър ёзган ва бу шеърда саратон кучга кирган ёз кунларининг бирида «зўр майдон»га сайрга чиққан капалакни тасвирлаган эди. Қанотларининг ранги Беҳзод бўёғи каби майин бўлган бу капалак асфальт ва бензин, ароқ ва тер ҳиди кукраган майдонда гул барги каби хазон бўлади. Ойбек шу шеърни, айниқса унинг сўнгги сатрларини ички бир фарёд билан ўқиди:

Капалакнинг хотирида жонланди бир зум
Дарёларнинг ёйдоқланган кумуш тўлқини,
Тоғларнинг қор салласидан ўчган табассум,
Чаманларда қуёш базми, нурлар ўйини...

Ситилганди дарддан кўзлар қора соққаси
Парвоз учун шитилди у — бемажол, забун.
Моторларнинг суръатидан маст куйик нафас
Ногоҳ ютди, ҳатто ундан қолмади кукун!

Бу, бошқа бир муҳитга тушиб, ҳалок бўлган капалак образида Ойбек ўзининг ҳазин кайфиятини ифодалаган эди.

Ойбекнинг дардига шерик бўла олувчи дўстларнинг бири қизғин даврнинг долзарб юмушлари уммонга ғарқ бўлган бўлсалар, бошқалари — уни пайғамбар ўлароқ

ҳурмат этувчилар шоирнинг яқинида бўлишни одобсизлик деб билар, унинг меҳрга зор бўлишни мумкинлигини тасаввур ҳам этолмас эдилар. Шунинг учун ҳам у уруш йилларида Тошкентда вақтинча яшаётган дўстлари сиймосида ҳамдард кишиларни топган эди.

Бояги «Кичкина ҳодиса» шеъридаги капалак образи ўз юртини тарк этишга мажбур бўлган меҳмонларнинг кайфиятлари билан ҳам қисман уйғун эди. Шунинг учун бўлса керак Л. Г. Бать уни рус тилига таржима этиб, дўстлар даврасида ўқиб юрди.

Ойбек Лидия Григорьевна билан қапчалик қалин бўлган ва уни «Ҳаёт бўстони» қиссасини ёзишга илҳомлантирган бўлса, А. И. Дейч билан ҳам шунчалик яқин эди. А. И. Дейч Совинформбюронинг Тошкентдаги мухбири ва Ўрта Осий Давлат унiversитетининг профессори лавозимларида хизмат қилишга қарамай, Ойбекнинг бадиий оламида ўзига яқин ва азиз бўлган ҳодисаларни тошди ва бу адабий ҳодисалар билан фаол қизиқди. Ана шу фаол қизиқишнинг самараси сифатида ҳар иккала аломанинг буюк Алишерга бағишланган асарлари майдонга келди.

«Навойи ва унинг даври» деб номланган тадқиқот устидаги иш қарийб 25 йилга чўзилиб кетди. Бу орада ҳар иккала муаллиф бошқа талайгина ишлар билан ҳам шуғулландилар. Лекин уларнинг ҳар иккаласида ҳам Навойига бўлган муҳаббат олови асло сўнмади. Улар ўртасидаги инсоний ва ижодий алоқалар ҳам сусаймади.

А. И. Дейчнинг 1945 йил 5 апрель куни Москвадан йўллаган мактубидаги қуйидаги сўзлар бу сўнмас дўстликнинг самимий белгиси ўлароқ жарағлайди:

«...Умр ўтиб бормоқда,— деб ёзган эди у.— Мен гарчанд аҳён-аҳёнда мактуб ёзсам ҳам Сиз тўғрилишда қўй ўйлайман. Менинг Тошкент тўғрисидаги хотираларим Сиз билан боғлиқ. Менинг Навойига бағишланган китоб устидаги ишим ва Ҳирот даврининг антиқа оламига кириб боришим Сизсиз ва Сизнинг ижодингизсиз амалга ошмаган бўларди. Буларнинг бари учун мен Сиздан умрбод миннатдорман ва умид қиламанки, ҳаёт йўлларида бўлганидек, адабиёт сўқмоқларида ҳам яна бир бор учрашурмиз».

Назаримда, машаққатли йилларда Ойбек билан ҳамкорлик қилган қардон халқларнинг бошқа адиблари ҳам бу сўзларга қўшилган бўлардилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида ажойиб бир анъана пайдо бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комп-

тети урушнинг дастлабки кушлариданоқ адабиёт ва санъат арбобларини йиғиб, суҳбат ўтказиб турди. Бундай суҳбатларда фронтдаги аҳвол, меҳнат жабҳасидаги янгиликлар, республика меҳнаткашлари, жумладан адабиёт ва санъат арбоблари олдида турган вазифалар тўғрисида сўз борар эди. Ана шундай йиғинларнинг биринчи Усмон Юсуфов ёзувчилар олдига ўзбек халқининг жанговар-ватанпарварлик анъаналарини намойиш этувчи, халқнинг хорижий босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашини тасвирловчи саҳна асарларини яратиб вази-фасини қўйди. Ана шу ижодий наказга биноан Ҳамид Олимжон Муқаннага, Шайхзода ва Миртемир Жалолиддинга¹, Собир Абдулла Алломинга, Ойбек эса Маҳмуд Торобийга бағишланган саҳна асарларини ёзишга киришдилар.

Қарийб ҳар бир халқнинг тарихи миллий озошлик кураши тарихидан иборат. Ойбек ўзбек халқининг миллий-озошлик учун олиб борган кураши тарихини ўрганар экан, унинг диққат-эътиборини айниқса бир тарихий сиймо оҳанрабо сингари ўзига жалб этди. Бу биздан етти аср илгари яшаган ва мўғул истилосига қарши мардона курашган Маҳмуд Торобий эди. Торобий Спитамен, Муқанна, Жалолиддин, Темур Маллик каби миллий-озошлик учун олиб борилган кураш сардорларидан шу билан фарқланар эдики, у Йўлчи сингари, Арслонқул ва Бектемир сингари, оддий меҳнаткаш халқнинг вакили эди. Шунинг учун ҳам Ойбек Торобий сиймосида ўз ижодининг етакчи қаҳрамонларига қондон бўлган, ўзида халқнинг куч-қудратини ва озошликка бўлган интилишинини мужассамлаштирган кишини кўрди.

Ўрта асрларда яшаган муаррих Жувайнийнинг шаҳодат беришича, Маҳмуд исмли ғалвирчи ҳунарманд Бухорода уч фарсах наридаги Тороб қишлоғида яшаган. Бу қишлоқда истиқомат қилувчи деҳқон ва ҳунармандлар вақти-вақти билан тўпланиб, мўғулларнинг ҳаддан зиёд ортиб кетаётган зулмига қарши кураш чораларини ахтарганлар. Маҳмуд Торобий бундай йиғилишларда ўзининг тadbиркорлигини ва гайрат-шижоатини билан ажралиб, ўз атрофига тобора кўпроқ маслакдошларини тўплаган. Бун-

¹ Миртемирнинг «Жалолиддин» музыкали драмаси тугалланмай қолган.

дан дарак топган мўгул ҳоқонлари исёнчилар ҳали қудратли тўлқинга айланмай турибоқ улар сардорини маҳв этиш режаларини туздилар. Аммо уларнинг ҳийла-пайрапглари иш бермади. Шундан кейин улар исёнчиларни Маҳмуд Ялавочнинг сара лашкарлари ёрдамида қириб ташлашга қарор қилдилар. Маҳмуд Торобий бу қошқонга ҳам илинмади. У исёнчиларни Бухорога бошлаб бориб, у ердаги ўзига содиқ кишилар ҳисобига қўшинни янада кенгайтирди; душманининг яхши қуролланган лашкарларини Бухоро бўсағаларида қарши олиб, тор-мор келтирди. Бу воқеа 1238 йилда бўлиб ўтган эди.

Маҳмуд Торобий раҳнамолигидаги халқ қўзғололи гарчанд мўгуллар томонидан шафқатсиз суръатда бостирилган бўлса-да, у халқнинг битмас-туганмас кучга эга эканлигини ва бу куч ҳар қаандай зулм қўрғонларини вайрон қилишга қодир эканлигини кўрсатди.

Сир эмас, урушнинг дастлабки йилларида яратилган тарихий драмаларда Муқанна, Жалололдин, Торобий образлари бир қадар идеаллаштирилди. Ёзувчилар бу образларни яратар эканлар, тарих ҳақиқатидан чекинган пайтлар ҳам бўлди.

Ойбек Мақсуд Шайхзоданинг «Жалололдин Мангуберди» пьесасига бағишланган мунозарада (1945 йил 2 ноябрь) сўзга чиқиб, ушбу ҳолнинг табиатини бундай изоҳлаган эди:

«Нима учун Жалололдин образи идеаллаштирилган? Бу ҳолнинг сабаби бор. Образ Улуг Ватап уруши йилларида яратилган. Уша вақтда ёзувчилар, драматурглар олдида халқни ватанпарварлик руҳида тарбиялай олувчи, халқни курашга илҳомлантира олувчи асарлар яратишдек долзарб вазифа турар эди. Шунинг учун ҳам тарихий мавзунини талқин этувчи ёзувчилар тарихий ҳужжатлар ва фактлар билан ортиқча ҳисоблашиб ўтирмадилар.

1941 йилда, Чингизхон қўшинларига қарши халқ оммасини курашга уйғотган ҳунарманд тўғрисидаги «Маҳмуд Торобий» операсининг либреттосини ёзганимда,— деб давом этган эди у,— нима учун тарихий шахс қўзғолон пайтида ҳалок бўлса-да, асарда тирик қолади, деб менга эътироз билдирган эдилар. 1941 йил охирида гитлерчи газадалар Москва бўсағаларига келиб қолганларида, кишиларимиз қалбига янги куч бағишловчи, уларда ғалабага ишонч уйғотувчи асарлар керак эди. Шунинг учун ҳам қаҳрамон тирик қолиши зарур эди».

Адиб ана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўз асарини ёзишга киришди.

Ойбек ушбу асарни яратишга бел боғлаганида, душман босиб олган ё таҳдид қилган шаҳарларда яшовчи бир гуруҳ адабиёт ва санъат аҳллари Тошкентга кўчиб келишга улгурган эдилар. Улардан бири, атоқли украин композитори, «Потёмкин» броненосеци» операсининг муаллифи Олесь Чижко адибдан бу асарни опера либреттоси сифатида ёзишни илтимос қилди ва унга музика басталаш истагини билдирди.

Драматургия ва айниқса опера либреттоси Ойбек учун мутлақо янги бир жабҳа эди. Шунга қарамай, у либреттонинг дастлабки вариантини 1941 йилнинг 15 сентябрь — 10 ноябрь кунларида, атиги 25 кун ичида ёзиб тугатди. Аммо композитор ва театрнинг таклифи билан либреттони қайта-қайта ишлашга мажбур бўлди. Асар композицияси ҳам, ария ва речитативлар ҳам тинимсиз ўзгаришларга учради. Ниҳоят, узоқ давом этган ижодий ишлардан кейин, 1944 йил 25 декабрда «Маҳмуд Торобий» операси санъат мухлислари эътиборига ҳавола қилинди.

Ойбек ушбу асардаги мўғул истилочилари образида тўғридан-тўғри гитлерчи каллакесарларнинг манфур қиёфаларини гавдалантирди. Маҳмуд Торобий раҳбарлигидаги қўзғолончиларнинг ёвуз душманга бўлган нафратидан эса совет кишиларининг фашизмга нисбатан қаҳр ва ғазабини акс эттирди. Душманга нисбатан ана шу ғазаб ва нафрат опера музикасининг ҳам пафосини белгилаб берди.

«Маҳмуд Торобий» операсининг премьераси муносабати билан нашр этилган либретто текстига композиторнинг кириш сўзи ҳам илова қилинган. Унда, чунончи, қуйидаги сўзлар бор: «Қамал этилган Бухорони ўйлар экансан, душманга нафақат қуроли кучи, балки халқ руҳининг қудрати билан ҳам қақшатқич зарба берган Ватан урушининг қаҳрамон шаҳарларини кўз олдинга келтирасан, киши. Маҳмуд Торобийнинг сўзлари эса маълум маънода Ватанни ҳимоя этувчи командирлар ва жангчиларнинг даъватлари билан ҳамоҳангдир».

Афсуски, опера спектакли 1944—1946 йиллар мобайнида атиги 17 мартагина ўйналди. Спектаклнинг томошабинда катта муваффақият қозонолмаганининг сабаблари тўғрисида музикашунос Ян Пеккер булдай ёзади: «О. С. Чижко ўзбек операсини яратиш жараёнида сюжет маҳварига миллий музика фольклоридан цитаталар ки-

ритиш йўлидан бормади. Композитор ўзбек мелосининг интонациялари ва бурамаларини ўзига сингдирган оригинал мелодик тилни яратишга интилди. Аммо муаллиф ўз вазифасини адо этишда ижобий натижаларга эрилмади, зероки, у ўзбек музыкасининг айрим унсурларидангина фойдаланиб, унинг услубини умуман ҳис этолмади... Операнинг гоёвий жиҳатдан теран ва мароқли қурилган сюжети қатор ёрқин саҳналар ва драматик кескинликка эга эпизодлардан ташкил топганига қарамай, музыкада ўзининг тегишли бадний тажассумини топмади».

Шунга қарамай, «Ўзбек опера театри» китобининг муаллифи А. Корсакованинг фикрига кўра, «Театр Ўзбекистоннинг илғор тараққийпарвар арбоблари ва халқ қаҳрамонларининг номларига қизиқиш уйғотиб, ўша кунларнинг ҳарбий шароитида ўзининг бевосита ватанпарварлик бурчини бажарди».

Кўриниб турибдики, опера ва балет сингари музыка асарларининг адабий-драматик материалга одатда катта таъқидий назар билан қаровчи музикашунослар Ойбек либреттосига нисбатан ҳеч қандай эътироз билдирмайдилар. Улкан адибнинг бу либреттоси асосида ўзбек композиторлари келгусида «Князь Игорь» қабиллидаги ўлмас опера яратишлари мумкин.

О. С. Чишконинг Ойбек билан ҳамкорликда «Маҳмуд Торобий» операси устида иш олиб бораётганидан Тошкент театрлари бўйича бошлиқ қилиб тайинланган С. М. Михоэлс яхши хабардор эди. Бу таниқли режиссёр уруш йилларида Е. Э. Бертельс, А. Б. Гольденвейзер каби Москва ва Ленинграддан келган олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар билан биргаликда Пушкин кўчасидаги машҳур 84- уйда яшар эди. Бу уйнинг тўртинчи қаватида каттагина зал бўлиб, унда музикали оқшомлар ва адабий суҳбатлар ўтказилиб турарди. Ана шу ерда ўтган суҳбатларнинг бирида С. М. Михоэлс О. С. Чишко ва Ойбекнинг опералари ҳақида сўз очиб қолади.

Тошкентлик дўстининг опера учун асар ёзганлиги ва бу асар устидаги ишнинг қизгин бораётганлиги А. И. Дейч учун ҳам сир эмас эди. Аммо ўша кун С. М. Михоэлс Шарқ халқлари тарихи ва маданиятининг позик билимдоши Е. Э. Бертельс ва А. И. Дейч билан Маҳмуд Торобий кўзголаш ҳақида суҳбатлашар экан, бу мавзунинг фашизмга қарши кураш авж олган йиллар учун ниҳоятда долзарб эканлиги аён бўлиб қолди.

1942 йил 19 ноябрда, Москва остоначларида даҳшатли

жанглар кетаётган бир пайтда Тошкентда, ўзбек опера ва балет театри саҳнасида олис тарих саҳифалари қайта жонланган, бундан беш аср илгари ақл ва заковат билан зулмат ва жаҳолат ўртасида бўлиб ўтган ҳаёт-мамонт кураши акс эттирилган эди. А. Д. Козловскийнинг мусиқий ижодига мансуб бўлган бу асарнинг режиссёрларидан бири С. М. Михоэлс эди. Афтидан, у «Улуғбек» операсини саҳналаштириш жараёнида опера саъятининг имкониятлари ниҳоятда чекланганлиги сабабли, ўзининг бутун режиссёрлик истеъдодини намойиш эта олмаган эди. Унинг эътиқодига кўра, ҳақиқий реалист ёзувчи учун драма театригина кенг ижодий майдон яратини мумкин эди. Шунинг учун, унинг назарида, «Маҳмуд Торобий» операси билан баравар ушбу тарихий материал асосида драматик театр учун ҳам асар ёзиш зарур эди.

С. М. Михоэлс Е. Э. Бертельс ва А. И. Дейч даврасида ўз фикрлари билан ўртоқлашибгина қолмай, Ойбекни ушбу мавзуда драма театри учун ҳам асар ёзинига чорлади. Таниқли театр арбобининг сўзларидан илҳомланган Ойбек Ҳамза номидаги ўзбек драма ва комедия театри учун «Ғалвирчи» номли, афтидан, С. М. Михоэлс бадий раҳбарлик қилаётган драма театри учун эса А. И. Дейч билан ҳамкорликда «Халқ қалқони» пьесаларини ёзинига киришди. Аммо, афсуски, бу пьесалар тугалланмай қолган. Иккинчи асарнинг чала қолгани сабабини А. И. Дейчнинг 1943 йил охирларида Москвага кўчиб кетиши билан изоҳлаш мумкин. Ўйлаймизки, С. М. Михоэлс таклифи билан битила бошлаган ва уч пардаси ёзиб тугалланган «Ғалвирчи» пьесаси ҳам режиссёрнинг Тошкентдан кўчиб кетиши билан тўхтаб қолган. Ҳамза номидаги театрнинг ўша йиллардаги раҳбарлари эса бу асар тақдирини билан қизиқмай қўйганлар. Бундан ташқари, Ойбек фронт сафаридан кейин даврнинг бўлак, бундан кўра муҳимроқ масалалари билан машғул бўлган.

А. И. Дейчнинг Ойбек архивида сақланаётган мактубларидан шу парса маълум бўладики, «Халқ қалқони» пьесасининг муаллифлари бир-бирларидан олисда яшаганларига қарамай, асар устидаги ишни бирмунча фурсат мобайнида даром эттирганлар. А. И. Дейч, чунончи, 1944 йил февралда ўзбек адабига йўллаган мактубида ёзади: «Сизга пьесамизнинг биринчи кўринишини, сиз билан Москвада ўқиган қисминини юбормоқдан, фақат озгина ўзгартиш киритдим, холос, кўриб чиқарсиз.

Пьесанинг учинчи кўриниши эса деярли тайёр, уни май ойининг бошларида Сизга жўлатиб юбораман. Хуллас, Сиз пьесанинг олтинчи кўринишига қадар кўриб, энақага келтиришингиз мумкин. Сўнгги кўриши эса менинг зиммамда. Уни май ойининг иккинчи ярмига қадар юбораман».

Ойбек архивида пьесанинг на ўзи, на А. И. Дейч томонидан ёзилган бирорта кўриши топилмади. Рус адабининг архивида эса асарнинг биринчи ва учинчи кўришиларигина сақланиб қолган холос.

Ойбек Улуғ Ватан урушининг авжи қизиган кезларида Коммунистик партия сафига кириш истагини билдириб, ушбу аризани ёзади:

«Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг партия ташкилотига Мусо Тошмуҳамедов (Ойбек)дан

АРИЗА

Совет халқи Ватан урушининг суронли кунларида Ленин партиясининг синовларидан ўтган раҳбарлиги остида разил немис-фашист босқинчиларига қарши улуг Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб борар экан, мен сизга мурожаат этиб, Бугуниттифоқ коммунист (большевик)лар партияси аъзолигига номзод сифатида қабул қилишингизни сўрайман.

Мен ўзимнинг бутун куч ва қобилиятимни жонажон большевиклар партиясининг иши учун, халқимиз ва қадрдон Ватанимиз учун бағишлашга тайёрман.

ОЙБЕК.

20. VII—1943»

Ушбу ариза бир печа ой давомида жавобсиз қолди.

У даврда турмуш кечирish мушкул эди. Кунора бўлса ҳам қозон осиш, жўжадек болалар қорничи тўйдириш осон эмасди.

Бошқа минглаб хонадонлар сингари шу йилларда адиб уйидаги рўзгорнинг ҳам бурди кетган эди.

«1943 йилда,— деб ҳикоя қилган эди Иноят Маҳсумов,— мен бир озгина вақт Калинин районига қарашли сабзавот тайёрлов пунктида мудир бўлиб ишладим. Бу давр Улуғ Ватан урушининг эпг даҳшатли даври бўлиб,

катта ҳам, кичик ҳам моддий жиҳатдап анча қийналган эди.

Кеч куз пайти... Бир бола пунктга кириб: «Сизни кўчада бир одам чақиряпти», деди. Кўчага чиқсам, Ойбек ака турибдилар. Мен хурсанд бўлиб, пунктга киришларини илтимос қилдим, аммо устоз тортиндилар. Ташрифларининг сабабини сўрасам, анча хижолат билан «бир орқа» картошка сўраб келганликларини айтдилар:

— Қанча кўтарар эдим, кўтарсам, кўпи билан 20 кило кўтараман. Агар бемалол бўлса, сизга гап тегмаса, берарсиз...

— Хотиржам бўлинг, қонунлаштириб, ҳужжатлаштириб бераман, — дедим.

— Қанча пул тўлай? — дедилар хурсанд бўлиб.

— Бугун эмас, эрта-индинга ўзим олиб бораман, ўшанда ҳисоб-китоб қиламиз, — дедим.

Ойбек ака менга миннатдорчилик изҳор қилиб, қайтиб кетдилар. Орадан бир-икки кун ўтгач, 2-3 қоп картошка, сабзи, пиёз, саримсоқ, карам дегандек парсаларни эшак аравага ортиб, олиб бориб ташладим».

Ниҳоят, ғароғатли ва саодатли кунлар шабадаси келди. Республика партия ташкилоти ва шахсан Усмон Юсупов адиб ҳақида ғамхўрлик қила бошладилар. Ўша йилнинг 26 октябрида Ойбек партия аъзоллигига номзод этиб қабул қилинди.

Орзиқиб кутилган нурли кунларнинг муждаси сифатида 1943 йил 4 ноябрда — урушнинг қайноқ кунларида Ўзбекистон ССР Фаилар академияси таптанали суръатда очилди. Республикада илмий тафаккурни янада ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Ойбек Ғафур Ғулом билан бирга, адабиёт соҳасидаги катта хизматлари учун академияга ҳақиқий аъзо этиб сайланди.

Ойбекнинг партиёга ўтиш учун ёзган таржимаи ҳолида бундай сўзлар ҳам бор: «Ҳозирги вақтда, фронт бўйлаб сафар қилганимдан сўнг, Ватан урушида иштирок этаётган қаҳрамон ўзбек жангчилари тўғрисидаги роман устида ишламоқдаман». Чиндан ҳам, адиб шу йилларда роман устида ишитоб билан ишлади. 1943—1945 йиллар мобайнида «Қизил Ўзбекистон» газетаси, «Армуғон» ва «Зафар» альманахлари романининг учинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи бобларидан олинган парчаларни эълон қилди.

Бу ҳол романининг қарийб ярми 1943—1945 йилларда-ёқ ёзилганидан шаҳодат беради.

Ойбек ўз романида ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши фронтларидаги жасоратини оддий ўзбек йигитлари образида мужассамлаштиришни мақсад қилиб олди. Шу мақсадда у Бектемир ва унинг дўстлари образини чизиб, уларнинг қонларида яширинган матонат ва жасоратнинг юзага чиқишини кузатди. Улар образи орқали озодлик қуёшининг сўнмаслиги йўлида ўзбек халқи олиб борган мардона курашини тасвирлади.

Қуёш қораймайди! — Ойбек курашаётган халқнинг жасоратини кўриб, шундай хулосага келди.

Ҳа, ҳақиқат қуёши, озодлик қуёши сўнмайди.

Ойбек «Қуёш қўшиғи» шеърида: «Ярқирайвер, қуёш — инқилоб!» деб ҳайқирган эди.

«Қуёш қораймас» романининг қаҳрамонлари инқилоб қуёшининг сўнмаслиги йўлида курашадилар ва жон берадилар.

Ойбек гарчаки Ватан уруши фронтларида қўлда қурол билан жанг қилмаган бўлса-да, унинг оташин шеърлари, пурҳикмат романилари олдинги сарҳадларда жон олиб, жон берган жангчиларимизга жанговар руҳ, ғайрат ва шижоат бағишлади.

Тўртинчи қисм

ЖАСОРАТ

ҚУЁШ МАШЪАЛАСИ

*Куч, маҳорат, ишнинг ёйиб сепини,
Қуёш машъаласин кўтарган байрам,
Салом, эй янги куч, янги севгини
Ҳаётга шимдирган азамат ўлкам.*

ОЙБЕК

Кирқ бешинчи йилнинг орзиқиб кутилган баҳорч етиб келди. Дала-ларга, шаҳидларнинг қонидек, гилам-гилам бўлиб, ғалаба баҳорининг лолалари ёйилди.

24 июнда Москвадаги Қизил Майдонда ғалаба паради бўлиб ўтди. Улуғ ғалабага озми-кўп ҳисса қўшган мамлакатимизнинг энг донгдор кишилари фахрий меҳмон сифатида Москвага, Қизил майдондаги тантаналарга таклиф этилдилар. Улар орасида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Ойбек ҳам бор эди.

Барча совет ёзувчилари қатори Ойбек ҳам урушнинг дастлабки кунлариданоқ ғалаба қозонишимизга астойдил ишонган эди. У Қизил майдонда шавкатли совет жангчиларининг муаззам сафларини, тантанавор марш садолари остида шахдам қадам ташлаб, ғолибона юришларини кузатар экан, 1941 йилнинг ёзида, республика колхозларининг бирида ўз кўзи билан кўрган бир манзарани хотирдан ўтказди. Саратон қуёши остида бир жажжи қиз расмана кетмоқ билан пахта даласида ишлаётган эди. Адиб у билан суҳбатлашар экан, қизча: «Дадам урушга кетдилар, Гитлернинг уйига ўт қўйиб, қайтиб келганларида, кетмонни ўзларига бераман», деган эди.

Ғалаба ана шундай минглаб ва миллионлаб оталарнинг жасорати, ана шундай минглаб ва миллионлаб болакайларнинг матонати эвазига келган эди.

Хуллас, 1945 йил майида ғалаба қуёши билан тонг отган эди.

Адиб ҳали Москвада экан, Марказком аппаратида ишлаётган ёзувчи Ҳуманиёз Шариповдан телеграмма олди.

Бу телеграммада айтилишича, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ойбекни республика Ёзувчилар союзининг раиси лавозимига тавсия этган эди. Шу хабардан кейин кўп ўтмай, 1945 йил 6 сентябрда Ойбек Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг раиси, Жуманиёз Шарипов эса союзининг масъул котиби қилиб сайландилар.

Бу вақтда жангчи ёзувчилар ҳали жанг майдонларидан қайтмаган, баъзилари эса уруш сўқмоқларида қолиб кетган эдилар. Шунинг учун ҳам Ойбек ишчи армия сафида қолиб келаётган ёзувчиларни чақиртириб олиш, ёзувчилар союзини янги аъзолар билан мустаҳкамлаш, уруш туфайли тўхтаб қолган адабий журналлар ва китобларни қайта нашр этишдан бошлади. Хийла вақт ўтгач, фронтчи ёзувчилар ҳам секин-аста осуда ҳаёт бағрига қайта бошладилар. Ўзи билган ва таниган ёзувчиларнинг армия сафидан бўшаб келганларини эшитган адиб уларни шахсан бориб кўриш, ўзларининг ва оилаларининг чексиз қувончига шерик бўлиш, уларни иш билан таъминлаш ва ижодий муҳитга олиб киришга ошиқди.

Урушдан кейинги даврда ўзбек ёзувчилари олдида турган асосий вазифа адабиётнинг ғоявий-бадий савиясини кўтариш, проза каби оқсаб келаётган жанрларни оёққа турғизиш, кечаги қаҳрамон жангчининг, бугунги тикланиш даври қаҳрамонининг ёрқин образларини яратиш эди. Ўзбек ёзувчилари ана шу муҳим вазифаларни бажара олишлари учун Ойбек кўп куч сарфлади.

Уруш йилларида Ҳамид Олимжоннинг ташаббуси билан «Ўзбек поэзияси антологияси»ни ўзбек ва рус тилларида нашр этиш учун қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилган эди. Оташин шоирнинг бевақт ўлими туфайли бу хайрли юмушни давом эттириш Ойбек зиммасига тушди. Ниҳоят, 1948 йилда антология муштоқ китобхонлар қўлига бориб тегди. Улуғ Октябрь инқилобининг 30 йиллигига бағишланган ушбу тазкирага «Ўзбек поэзиясининг тарихий тараққиёти тўғрисида»ги Ойбекнинг капитал тадқиқоти илова этилган эди. Яна шу йилларда Ойбек ташаббуси билан «Ўзбек прозасининг антологияси» ва «Хоразм шоирлари антологияси» китоблари устида ҳам қизгин иш олиб борилди.

Адабий ҳаёт ўз қамровига ранг-баранг ҳодисаларни олади. Бадий асарнинг пайдо бўлиши, нашр ва муҳокама қилиниши, классик ёзувчилар юбилейларининг ўтказилиши, улар асарларининг таржима этилиши, ижодкорларнинг турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ва маданий

тадбирларда иштирок этиши ва ҳоказолар адабий ҳаётнинг турли кўрinishларидир. Адабий ҳаётга раҳбарлик қилиш учун фақат ташкилотчилик истеъдоди ва ғайратшижоатгина эмас, балки оқиллик, холислик, ҳушёрлик, келажакни кўра билишлик ва ўз манфаатларидан воз кечишлик ҳам талаб этилади. Урушдан кейинги давр ниҳоятда машаққатли йиллар бўлгани ва аксар Президиум аъзолари ўз жонларининг роҳатини кўзлаганликлари сабабли Ойбекнинг Ёзувчилар союзига раҳбарлик қилиши осон кечмади.

Адиб Тошкент шаҳар ёзувчиларининг 1946 йил 27 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида шу ҳақда куйиниб сўзлади: «Ўтган йили,— деди у,— яширин овоз бериш йўли билан Президиум сайланган эди. Пленум иштирокчилари Президиумга аъзо қилиб сайланган ўртоқлар ҳурматга сазовор, улар адабиётимизга катта ёрдам беришлари мумкин, деб ўйлаган эдилар. Аммо мен айтишим керак, Президиум ёмон ишлади. Эҳтимол ишни ташкил эта олмаганим учун айб мендадир. Мен ташкилотчилик қобилиятига эга эмасман, бундан ташқари, академияда ҳам бандман¹. Яна сизга матлум: мен ёзувчиман, ўз асарларим устида ишлашим керак. Ўртоқлар ёзмаяптилар, деб айтиш ва уларни танқид қилишдан осони йўқ. Мана, менинг ўзим, имкон йўқлиги сабабли, анчадан бери ишламаяпман. 1943 йилда «Навой» романини тугатиб, янги романи («Қуёш қораймас»ни — Н.К.) бошлаб қўйган эдим, аммо ҳанузга қадар бу асар устидаги ишни давом эттира олмаяпман».

Орадан икки йил ўтгач, Ёзувчилар союзи Президиумининг йиғилишида (1948 йил 1 июнь) Ойбек яна ҳаддан зиёд бандлигини таъкидлаган эди.

...Ўша йилларда, кунлардан бир кун Ойбек Зарифа Саидносирова билан машинада борар эди. Зарифа опа бир маҳал қараса, Ойбек ака қўйлагини тескари кийиб олибди.

— Ия, ҳали шу аҳволда союзга бориб, мажлис ўтказдингизми?

Ойбек ака қўйлагини тескари кийиб олганини эшитса ҳам парво қилмади.

— Қўйвер. Ҳечқиси йўқ.

Сўнг эрталаб шошганини, ишлар тиқилинч, вақт эса

¹ Ойбек 1943-1951 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гуманитар фанлари бўлимига раҳбарлик қилган.

зиқ эканини айтди. Ёшлигини, вақти бемалол бўлган кезларини эслаб, бошланган, аммо чала қолган «Студентлар» романини хотирлади:

— Ўша пайтда вақтим кўп эди-ю, лекин роман ёзиш учун етарли билимим, тажрибам йўқ эди. Энди билимим ҳам, тажрибам ҳам бор. Кетма-кет роман, дoston ёзишим мумкин. Лекин вақтим йўқ.

Аммо Ойбек Низомий (1947), Навоий (1948), Пушкин ва Ҳамза (1949) юбилейларини ўтказиш билан, союз, журнал ва академиядаги бошқа юмушлар билан банд бўлганига қарамай, «Қизлар», «Ҳамза», «Зафар ва Заҳро» каби дostonларини, ўнлаб публицистик ва адабий танқидий мақолаларини ёзди.

Шу йиллар унинг, булоқ каби, қайнаган кезлари эди.

1946 йилнинг 27 июни ўзбек маданиятининг байрамларидан бирига айланди. Шу куни атоқли ўзбек адиби Ойбекка «Навоий» романи учун I даражали СССР Давлат мукофоти берилди. 28 июнь куни бу хушxabар радио орқали, офтоб нурларидек, бутун мамлакатга таралди.

Ушбу қувончли хабардан кўнгли тоғ бўлган кишилар Ойбекнинг Ишчилар шаҳарчасидаги уйи томон оқа бошладилар. Дастлаб Шухрат қайсидир бир шоир билан кириб келди. Ҳар сафаргидек, ҳеч нарсадан хабари бўлмаган адиб меҳмонларни очиқ чехра билан кутиб олиб, бир томони китоблар билан ихота қилинган хонага таклиф этди. Меҳмонлар Ойбекни юксак унвон билан муборакбод этиб унинг севинчига севинч қўшмоқчи бўлдилар. Аммо у ҳайрон бўлиб, қорачўғи йирик кўзларини чарақлатиб, тикилиб қолди.

Бирдан сўради:

— Қайси Ойбек? Қайси Ойбекни мукофотлашди?..

Меҳмонлар адибни бу аҳволда кўриб, таажжубда қолдилар. Ойбек янгиликдан беxabар бўлибгина қолимай, уйқудан бевақт уйғонган кишидек, нима рўй берганига асло тушунмас эди. Сўнг унинг идрок осмони ёришиб, кўзлари қувончдан ёниб кетди.

— Яхши бўпти! Яхши бўпти! — деди у тез-тез. Сўнг хонанинг ярмини эгаллаб турган рус, араб, лотин ёзувларидаги китобларни кўрсатиб, деди:— Мана шу китобларни ўқиб ёзганман!..

Одатда олимлар диссертация ишларини ҳимоя қилганларида, шоир ва ёзувчилар эса бирор китобларини чоп этиб, дастурхон ёзганларида, барҳаёт ҳомийлар шаънига

илиқ сўзларни айтиб, миннатдорлик туйғуларини изҳор этадилар. Ойбек эса шу содда сўзлари билан, аввало, адабий ва тарихий китоблари учун улуғ Навоийга, сўнг Яздий, Жомий, Восифий, Бобур, Хондамир, Мирхондан тортиб, то Клавихо, Бартольд ва Вавиловга қадар бўлган шоирлар ва тарихнависларни покиза қалбининг самимий туйғулари билан ёд этган эди.

...Шу куни табрик учун келган дўстларнинг оёғи узилмади. Олис шаҳарларда яшовчи дўстлар ва мухлислар йўллаган телеграф номалари эса бир неча кун оқишда давом этди.

Урушдан кейинги дастлабки йирик адабий юбилей 1946 йилда қардош қозоқ диёрида бўлиб ўтди. Буюк қозоқ оқини Абай Қўноқбоев туғилган куннинг 100 йиллиги кўп миллатли совет адабиётининг катта тўйи сифатида шишонланди. Олмаота мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган ёзувчиларни қайноқ бағри билан қарши олди. Қардош халқнинг бу миллий шодиёнасида шиттироқ этиш учун Ўзбекистондан Ойбек бошчилигидаги шоир ва олимлардан иборат делегация борган эди. Ғафур Ғуллом, Миртемир, Абдурахмон Саъдий, Ҳомил Ёқубов — ҳар бири ўзбек маданиятининг гули бўлган бу сиймоларни Мухтор Аvezов ва Собит Муқошов сардори бўлган қозоқ адиблари ўзларининг қалб ҳароратлари билан ўрадилар.

«Бизни тоғ устидаги ажойиб боққа олиб боришди ва ҳар ким алоҳида жой олди, — деб эслаган эди чорак асрдан кейин Миртемир. — Дўстлар, танишлар жам эди бу тўйда. Сергей Бородин, Берди оға, Сильва Капутикян... — қўйинг-чи, кўпчилик эдик. Гурунга гурунг улапар эди. Ўшанда ҳамма Ғафур ака ва Сергей Петрович айтадиган латифага ўралашиб қолганда, Ойбек ва Мухтор оға хиёбонда сўзлашиб юрарди. Ғафур ака бўлса, шўхлик қилиб Собит ака бўйнига ёш боладек миниб олар, паҳлавон Собитнинг демай кўтарар, ҳамма кулар эди. Бир кун тонготгунча қизгин суҳбат бўлди. Грузин ҳам, озарбайжон ҳам, татар ҳам, рус ҳам топганини ўртага ташларди, бир сўз билан айтсам, бу сархуш кулги кечаси эди. Лекин ҳаммадан кўп, чертиб-чертиб жаранлагани ва тугилмаганидан айтган Ғафур ака бўлди. Шундай латифалар айтардики, бутун давра қотиб-қотиб кулар, Ғафур ака эса устустига айтар, илҳом билан айтар, йўл-йўлакай бир зумда тўқиб айтар эди. Бу ўша Шарқ китобларидан, ҳаётдан,

тарихдан... Фақат Гафур Гулом бисотида бўлиши мумкин шингил ҳикматлар эди, бу латифалар... Тонг отдию чойга ўтирдик. Ҳайрон қолгулик ҳол. Ўша улкан зиёфат уйига ёндаш уйдан Ойбек ва Мухтор оға чиқиб келди. Биз тонг-отгунча кулдик, улар иккови тонготгунча суҳбатда...

Президиумда ҳам иккови пичирлашиб ўтиришар, бора-бора бир-бирини бир имода тушунадиган бўлди. Бора-бора бир-бирини излаб келадиган ва борадиган бўлди.

Устоз Ойбек қозоқ халқи, қозоқ ҳаёти билан болаликдан таниш. Мухтор оға эса ўзбекка жиян. Икки халқнинг икки аш қаламкаши шундоқ қалин ва маслаҳатдош эдилар...»

Миртемир ҳам ўз қалбининг томир-томирлари билан қардош халққа чатишиб кетган, шунинг учун ҳам унинг кенг феълида бепоён қозоқ даштларига эш бўлган фазилатлар сероб, унинг шеърида эса уфқсиз адрларда яшовчи содда, жўмард ва танги кишиларнинг антиқа ҳислари муҳрланган эди. Шу важдан бўлса керак, Ойбек билан Миртемир ўртасида айрича яқинлик ва самимият бор эди. Афсуски, устоз адибни шу қадар яқин билган Миртемир у ҳақдаги олтин баҳоси билан ўлчаниши мумкин бўлган хотираларини ёзишга улгурмади. Аммо шу самимий, миртемирона бўёқлар билан чизилган манзаранинг ўзидаёқ икки буюк халқнинг буюк фарзандлари ўртасидаги ибратомуз муносабат рўй-рост гавдаланади.

Ён хонада Гафур Гуломдек буюк бадихагўй санъаткорнинг латифалари шалоладек тошиб ва қайнаб турган ҳамда ҳаммани ўзининг сеҳркор оламига пайванд этиб, уларга мислсиз қувонч ва шодлик, лаззат ва фароғат бағишлаб турган бир пайтда бу икки адиб нималар ҳақида тонготар суҳбат қурдилар экан? Ўйлаймизки, улар бир-бирларининг меҳрларига, дийдорларига тўйибгина қолмай, адабий мавзуларда ширин суҳбат қурганлар.

...Улар шу воқеадан қарийб йигирма йил муқаддам Ленинградда танишган эдилар. Ойбек бу вақтда «Туйғулар»ни эълон қилган ва «Кўнгил найлари» тўпламини нашрга топшириш арафасида эди. Ленинград университети филология факультетининг сўнгги курсида ўқиётган юмалоқдан келган, бодом қовоқлари остидан қисиб бўтақўзлари чақнаб, бутун вужудидан ғайрат тошиб турган Мухтор Авезов эса «Энлик-кебек», «Қорақўз» пьесалари, «Қилин-замон» қиссаси ва бир неча ҳикоялари билан эл оғзига тушган эди.

«Бу учрашувга қадар, — деб эслайди ана шу учрашув-

нинг жоғли гувоҳи Ҳомил Еқубов,— икки ёш ижодкор бир-бирларини сиртдап билар эканлар. Шунга қарамай, улар, худди таниш дўстлардек, жуда илиқ кўришиб, бир-бирларидап ҳол-аҳвол сўрашди. Мухтор Ағезов суҳбат чоғида ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» номли ажойиб романини завқ-шавқ билан ўқигани, етти ёшидан бери қозоқ халқининг буюк маърифатпарвар-демократ шоири Абайнинг шеърларини ёд олиб келгани ва бу икки ижодкор асарларининг сеҳрига мафтун бўлганини айтди. У Абай ҳақида тарихий роман ёзиш ниятида экани ҳақида ҳаяжон билан сўзлади».

Бу икки забардаст адиб бир-бири билан тез-тез учрашиб турар эди. Ана шундай учрашувларнинг яна бири Тошкентда, 50-йилларнинг адоғида бўлган. Икки дўст ўртасидаги шу унутилмас учрашувда адабиёт оламига эндигина кириб келаётган Анвар Олимжонов¹ ҳам иштирок этган эди. У қутилмаган қувончдан кўзлари чақнаб кетган Ойбекнинг Мухтор Ағезов билан қадрдонлардек қучоқлашиб кўришгани, бу учрашувдан болаларча суюниб, шод-хуррамлик билан айвонга бошлаб кирганини эслаб, ёзади:

«Бу ердаги хонтахта устида ширин-шакар мевалар: анор, узум, олма олтиндек товланиб, ўз ҳуснини кўз-кўз қилар, уларнинг ёнида Атойининг девони ҳам бор эди. Зум ўтмай, кўк чой ва тандирдан янгигина узилган нон келтирилди. Лекин оға-инилар суҳбат билан бўлиб кетиб, чойга қарамай ҳам қўйган эдилар. Гап аввал адабиётдаги янгиликлардан бошланди.

Суҳбат давомида бу икки донишманд, бу икки гўзаллик ошиғи дам-бадам хотираларга берилиб, форс ва араб, ўзбек ва қозоқ тилларида шеърини сатрларни дафъатан ёддан ўқишар эди. Улар ўтмишда ўтган, шунингдек, ҳозир ҳаёт бўлган Шарқ шоирлари, олим ва саркардалари, файласуф ва рассомларининг номларини тилга олишарди. Меҳмоннинг фикрини мезбон шу ондаёқ давом эттирар, мезбон ўқий бошлаган сатрни меҳмон дарҳол илиб кетар эди...

Икки дўстнинг шеърият ва фалсафага доир дилкаш суҳбати шу алфозда узоқ давом этди. Улар гўё ўз билимларини намоийиш қилишар, бундан роҳатланишар ва ўз-

¹ Анвар Олимжонов — қозоқ адиби.

аро бойишар эди. Бу жуда қалин ва маслакдош дўстларнинг суҳбатлари эди. Уларнинг Шарқ маданияти ва шеъриятига меҳр-муҳаббатлари беадад, бинобарин, уларнинг ҳар бири ўз халқлари тарихи, адабиёти ва моддий маданиятининг қомусий билимга эга бўлган допишмандлари эдилар.

Пиёлалардаги совиб қолган чой янгиланган, кабобнинг ўзига хос ҳиди гуллар иси билан баҳслашган, қозонда эса палов дамлоғлиқ турганига қарамай, дўстлар ширин суҳбатни бузғилари келмасди. Улар суҳбатида фақатгина икки киши иштирок этмаётган эди. Йўқ, айвонда шу дамда Ҳофиз ва Жомий, Тагор ва Фирдавсий, Навоий ва Абай, Шерниёз ва Фурқат, Маҳамбет ва Муқимий хаёлан ҳозир бўлган эдилар. Улар орасида сўфий Аҳмад Яссавий ва мунажжим Улуғбек ҳам бор эди. Уларнинг шеърлари, ҳикмати сўзлари, газал ва рубоийлари икки дўст суҳбатини гул-гул безаб, унга тирак мазмун ва нафосат бағишлаган эди. Улар гоҳ Ўрта Осиёнинг бепазир рассоми Бехзодни ёдга олишар, гоҳ ҳиротлик муаррихлар — Мирхонд ва Хондамирдан баҳс очар эдилар...»

1946 йилда Олмаотада икки адиб ўртасида тун бўйи давом этган суҳбат ҳам шундай самимий ва қизгин эди. Ўйлаш мумкинки, ўша туни Абай ҳақида, унинг мадраса кўрганлиги ҳақида, мадрасада Алишер Навоий асарлари билан танишиб, уни ўзига устоз деб сайлагани ҳақида кўп сўз айтилган. Маълумки, Абайнинг отаси Чингиз тоғлари этагида яшаган, ери ва яйлови олис уфқларга қадар чўзилган тўбиқти уруғининг султони эди. Қамчисидан қон томган Қунавбой ўғли Иброҳим (Абай)ни ҳам ҳукмдорлик рутбасига ҳозирламоқчи бўлди. Аммо мадрасада ақл-заковат тиши чиққан, юрагида олис маърифат-парвар боболарининг қони уриб турган Абай султонлик рутбасидан ҳам, синфидан ҳам, отасидан ҳам воз кечди: зулм билан ижод, ҳукмдорлик билан элпарварлик, подонлик билан зиёкорлик бир-бири билан муроса қила олмовчи ҳодисалар эди.

Хўш, ундай бўлса, ижод аҳли ўртасидаги ҳасад ва гийбат уруғлари қаердан пайдо бўлади? Улар тугаб битадиган кунлар келадими? Ёки улар, офтобнинг сояси ҳам бўлганидек, эзгу хислатларнинг доимий кушандаларими?

Ўйлаш мумкинки, ўша туни Навоий, унинг уруш туфайли ўтказилмай қолган 500 йиллик тўйи ва бу сапани Шарқ халқлари маданиятининг хуррам бир байрами си-

Ғатида ишшолаш лозимлиги ҳақида ҳам фикр юритилган. Ҳар ҳолда Ойбек Қозоғистондаги Абай шодиёналаридан қайтгач, улуғ ўзбек шоирининг кечиктирилган юбилейини ўтказиш тўғрисида янада жиддий ўйлай бошлади.

Навоийдан илгари ҳам она тилида жўшқин лиризм билан тўла ғазаллар яратилган. Навоийдан илгари ҳам бадний камолот даражасига кўтарилган ва адабиётимизнинг муаззам қоялари ўлароқ қад кўтарган сўз санъаткорлари бўлган. Лекин Навоий ижоди, Ойбекнинг образли ифодасига кўра, қоялар узра кўкнинг бепоён гумбази сари юксалган чўққи эди.

Чўққилар кўк гумбази сари қанчалик юксалган бўлсалар, уларнинг теварак-атрофини қуршаган қоялар ҳам шу чўққилар сари шунчалик интилган бўлади. Агар ўзбек адабиётида Навоий чўққиси бўлмаганида, ундан кейин, унга эрганиб пайдо бўлган ва ўсган қоялар ҳозиргидек виқор ва салобатга эга бўлмас эдилар.

Алишер Навоий юбилейини ўтказиш, унинг ижодини, у яшаган даврни тераққитириш халқнинг буюк шоирга бўлган ҳурматини ифодалаш учунгина эмас, адабиётимизни, янада ривожлантириш учун ҳам фойдали эди. Бундан ташқари, бу улкан тадбирнинг катта сиёсий аҳамияти ҳам бор эди.

«Ҳозир империализмнинг кўнгина мамлакатларида,— деган эди Ойбек,— ирқий назария ҳукмронлик қилиб келмоқда. Бу назарияга кўра, фақат сапоқли миллатларгина маданият ярата олишлари мумкин, бошқа барча халқлар, айниқса Осиё ва Африка халқлари маданий қийматларни яратишга қодир эмаслар. Биз буржуа филолог олимлари, тарихчилари ва ҳоказоларининг ўз асарларида, ўзларининг илмий тадқиқотларида зарарли гоёни тарғиб қилишга интилаётганларини биламиз. Улар ўзбек халқи, умуман Ўрта Осиё халқлари маданият яратишга қодир эмаслар, улар маданияти бошқа халқларнинг бевосита таъсирида яратилган, улар бунёдкорлар, ижодкорлар эмас, балки нусха кўчирувчилар, деган реакцион гоёни илгари сурмоқдалар».

Шунинг учун ҳам Ойбек Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг раиси, Навоий юбилейи комитети раисининг ўринбосари сифатида Навоийнинг 500 йиллигини фавқулодда муҳим маданий, ижтимоий ва сиёсий тадбир сифа-

тида ўтказиш учун катта куч сарфлади. Унинг ғайрати ва ташаббуси билан Тошкент, Москва ва Ленинградда рус ва ўзбек тилларида Навоий асарлари ва унга бағишланган китоблар нашр этилди; мамлакатимизнинг барча республикалари, ҳатто Доғистон ва Адигей каби автоном областларда ҳам улуғ ўзбек шоирининг юбилейини ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилди. Шу маънода у марҳум Ҳамид Олимжон бошлаган ишни зафарли пуқтага етказди.

Ойбекнинг ўзи Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда фақат ёзувчи сифатида эмас, балки тадқиқотчи ва тарғиботчи олим сифатида ҳам ажойиб намуна кўрсатди.

Ниҳоят, 1948 йил 15 майда Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театрининг янгигина қуриб битказилган ҳашаматли биносида буюк ўзбек шоири ва мутафаккирининг 500 йиллигига бағишланган таътанали йиғилиш бўлиб ўтди. Таътанали йиғилиш ҳайъатини Усмон Юсупов бошлиқ республикамиз раҳбарлари билан ёнма-ён Н. Тихонов ва К. Симонов, М. Авезов ва С. Муқонов, С. Айний ва М. Турсунзода, Б. Кербобоев ва Сулаймон Рустам, Е. Бертельс ва Л. Климович, Л. Пешковский ва Н. Ушаков каби совет фани ва маданиятининг энг машҳур арбоблари беэаб ўтирдилар. Ойбек ўзбек ва рус тилларида ўқиган докладыда буюк Навоий ҳақида зўр илҳом ва ҳаяжон билан сўзлади. Бу пуктада, тингловчиларнинг қайд этишича, Навоийнинг буюк даҳоси, унинг олий идеаллар учун бағишланган ҳаёти ва ижоди ўзига хос юксак ва таъсирли тарафнамани топган эди.

— Алишер Навоий яшаган ва ижод этган давр билан, — деди Ойбек ўзининг бу машҳур докладыда, — бизнинг замон орасини беш аср айиради. Доҳийнинг сўзлари лоямутдир. Шоирнинг илҳомкор сўзлари — воқеалар, ўзгаришлар гирдоблари билан тўла замонлар, даврларнинг чўққиларини ошароқ — бизгача етиб келди. Навоий бадний сўзнинг титанлари — Шота Руставели, Низомий, Пушкин, Шевченко каби совет халқининг, ўтмишда дунё халқлари томонидан яратилган барча ҳақиқий қимматлар ва гўзалликларнинг ягона меросхўри бўлган халқнинг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлди.

Бу сўзлар замирида катта маъно бор эди. Ойбек Навоий ижодига «барча ҳақиқий қимматлар ва гўзалликлар»ни яратган совет халқи маданияти, жаҳон мадания-

ти нуқтаи назардан ёндашган ва Навоий ижоди мисолида ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси тўғрисида сўз очган эди.

Ойбек Навоий юбилейининг катта сиёсий, ижтимоий ва маданий тадбир сифатида ўтказилишида бениҳоя муҳим роль ўйнади ва ана шу жараёнда ўзининг улкан ташкилотчилик истеъдодини намойиш этди.

Ўзбек халқининг чинакам шодёнасига айланган ушбу тўй ҳақида А. И. Дейч кейинчалик бундай ёзган эди: «Навоийнинг 500 йиллик тўйи муносабати билан Тошкентга ер юзининг барча жойларидан меҳмонлар келган ўша 1948 йил баҳорини сира унутиб бўлмайди». Лекин бу адабиёт тарихчисига юбилей кунларида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари бўлимига қилинган ташриф ҳамма нарсадан кўра кучлироқ таъсир кўрсатган экан. У ушбу қимматбаҳо хазинадан олган таассуротларни эслаб, давом этади:

«Инакдай майин, нозик ва рангдор қоғозлардаги араб алифбосининг гажакдор, ғалати, чиройли ҳарфлари аниқ, яққол кўриниб турибди; китобларнинг саҳифалари бамисолди тилладай товланиб турадиган расмлар билан безатилган эди.

Ҳали Гутенберг станоклари ва Иван Фёдоровнинг биринчи босмаҳонаси пайдо бўлмасдан анча олдин юзага келган бу китобларга, уларнинг муқоваларига, саҳифаларига чизилган суратларнинг мукамаллигига, ҳаттот ва муқовачилар кашфиётига, истеъдодига беҳад қойил қолмасдан, ғурурланмасдан, қувонмасдан иложингиз йўқ.»

Ҳа, Навоийдан илгари ҳам том маънодаги илмий ва бадий асарлар бўлган. Навоийдан илгари ҳам бундай асарлар моҳир ҳаттотлар томонидан кўчирилган, қўли гул мусаввирлар томонидан безатилган ва китобот қилинган. Лекин Навоий сингари доҳий санъаткорларнинг ижодлари туфайли Шарқда китобот санъати ҳали Гутенберг станоклари ва Иван Фёдоровнинг биринчи босмаҳонаси пайдо бўлмасдан анча олдин юзага келган. Шунинг учун ҳам Навоий сингари даҳолар кўкнинг бепоён гумбази сари юксалган чўққилар ўлароқ гавдаланади.

Улуғ Ватан уруши тугаб, кечаги жангчилар осуда ҳаёт қучоғига қайтдилар. Уруш туфайли хонавайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар, завод ва фабрикаларни қайта тиклаш ишлари қизғин тус олди. Кунин кеча душманни

Ватан тупроғидан улоқтириб ташлаб, Европа халқларини ҳам фашизм асоратидан халос этгаң жангчи энди мамлакат буйлаб кенг авж олған янги фронт — меҳнат фронтида жонбозлик кўрсата бошлади. Кечаги жангчининг бугунги яратувчилик меҳнатидаги иштироки, мамлакат хўжалигини қайта тиклаш ва янада ривожлантиришдаги роли Ойбекнинг диққат-этиборини ўзига жалб этди.

Ойбек таржимаи ҳолида ёзади: «Мапа, ғалаба ҳам келди. Уруш вайронгарчилигини тиклаш учун катта ишлар талаб қилинди. Жанглардан ҳали нафасини ростлаб олмаган кишилар катта ғайрат билан ишга киришдилар. Шундай улуг ишларнинг замондоши ва гувоҳи бўлган ёзувчи бу тўғрида гапирмаслиги мумкинми?.. Мен шундай ҳиссиёт билан «Олтин водийдан шабадалар» романини ёздим».

Адиб замонавий мавзудаги ўзининг бу дастлабки романини ёзишга киришган кезларда катта ва ранг-баранг паятимоий фаолият билан машғул эди. Бироқ худди шу нарса адибга урушдан кейинги даврнинг муҳим масалаларини, бу давр қаҳрамонини, унинг руҳий ва маънавий бойлигини ўз ижодига олиб кириш имконини берди.

Ойбекнинг ушбу романи ёзаётганлиги, аниқроғи, ёзиб тугатганлиги тўғрисида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 6 ноябрь сонида босилган ахборотда биринчи марта хабар берилди. «Ўзбекистон ёзувчилари,— дейилган эди бу ахборотда,— Улуг Октябрь революциясининг 32 йиллиги арафасида ҳозирги замон воқелигини ақс эттирувчи бир неча катта бадий асарларни ёзиб тамомладилар.

...Академик — ёзувчи М. Ойбек байрам арафасида «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзиб битказди. Бу роман ўзбек пахтакорларига бағишланган».

«Шарқ юлдузи» журнали ўша йилнинг 11-сонида босилган «Ўзбекистон ёзувчилари қандай асарлар устида ишлаётирлар» сарлавҳали материалда бу ҳақда қуйидагича маълумот беради:

«...Ойбек «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзиб тамомлади. Роман ўзбек пахтакорларининг социалистик меҳнати ва фаровон ҳаётини кўрсатади. Ҳозир ёзувчи Ойбек ўзбек совет интеллигенциясининг ҳаёти ҳақидаги янги роман устида ишламоқда».

Адиб архивда сақланаётган материаллар орасида унинг ўзбек интеллигенцияси ҳаётини ақс эттирувчи роман устида иш бошлаганини тасдиқловчи бирорта ҳуж-

жат учрамайди. Лекин шунга қарамай, адабнинг замонавий мавзуда янги романи хомчўт қилганлиги фактининг ўзи эътиборга лойиқ. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзиб тугатганлиги тўғрисидаги хабарга келганда, шуни айтиш керакки, журнал ўша сонда бу хабар билан бирга романинг дастлабки бобларини ҳам чоп эта бошлаган эди.

Роман бошланган ва тугалланган саналар асарнинг қўлёзма нусхаларида қайд этилмаган. Ойбекнинг умр йўлдоши Зарифа Саидносированинг гувоҳлик беришича, роман адабнинг Покистонга қилган сафари арафасида (1949 йил, апрель) тугалланган. Шу йилларда «Шарқ юлдузи» журнали редакциясида Ойбек билан бирга ишлаган шоир Мамарасул Бобоев адиб ҳақидаги хотираларида қуйидаги мароқли фактни келтиради: «Қайси бир йил эди, аниқ эслолмайман, — деб ёзади шоир. — Қримдан узоқ ижодий отпускадан қайтиб келди. Озган бетларидан, чўккап кўзларидан ҳаддан ортиқ чарчагани кўришиб турарди. У шунда «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзиб келган эди. У ўз кабинетида тикка турган ҳолда қалин, жингалак сочларини тараб:

«Олти ойда бир роман ёзиш мумкин экан!» — деди.

З. Саидносирова ва М. Бобоевларнинг хотирасига таяниб, шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, Ойбек 1948 йилнинг кузида Кисловодскдаги ижод уйида роман устида иш бошлаган ва 1949 йилнинг кўкلاميда асарни ёзиб тугатган.

Колхоз ҳаётига бағишланган йирик асар ёзиш иштиёқи адибда буздан аввалроқ пайдо бўлган. Ойбек фашизм устидан ғалаба айёми яқинлашиб қолган даврдан — 1944 йилдан бошлаб колхоз далаларига чиқиб, коллектив хўжалик илғорлари билан таниша бошлаган эди. Фронт орқасидаги қаҳрамонлар билан ана шундай учрашувлар натижасида 1947 йилда «Ўзлар» достони майдонга келди. Аммо Ойбекнинг меҳнат фронти қаҳрамонларининг ғоявий ва руҳий бойлигини тадқиқ қилиш истаги «Ўзлар» достони билан ҳам қонмай қолди. Аксинча, дoston Ойбекни янги қаҳрамон — фронтовик йигитнинг қадрдон колхоз бағрига қайтиши билан боғлиқ мавзунини инкишоф этишга илҳомлантирди.

Жийдазор ёнида кумуш тутунда
Ҳаво хумдон каби пафасга урар;
Гўзал сочлар учин йиғиб тугунда,
Раиса даладан-далага юрар.

Бу мисраларнинг ёзилганига қарийб қирқ йил бўлди. Аммо Ойбекнинг энг яхши шеърини асарларидан бири — «Раиса» ҳали ўзининг оҳорини тўкканча йўқ. Аксинча, йиллар ўтган сайин бу шеърда ўзбек хотин-қизларининг тарихий тақдир билан, мамлакатимизнинг уруш йилларидаги ва урушдан кейинги ҳаёти билан боғлиқ бутун бир даврнинг бадиий тажассум этилгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Бу шеърда тасвирланган қаҳрамон ўзининг реал прототипига эга. Уруш ва урушдан кейинги даврнинг донгдор аёлларидан бири — андижонлик колхоз раисаси Турсуной Каримова ана шу қаҳрамоннинг прототипидир.

Турсуной Каримованинг порлоқ ҳаёти ёзувчи учун ажойиб топилма эди. Уруш тугар-тугамас, «оқ олтин» далаларига чиқиб, қишлоқ ҳаётини меҳр билан ўрганган Ойбек «Олтин водийдан шабадалар» романидаги Комила образини яратишда ҳам Турсуной Каримовани прототип қилиб олди.

Романнинг марказий қаҳрамонларидан яна бири — Ўктам образига келганда, шуни айтиш керакки, муаллифнинг асар учун тўплаган материаллари орасида бирор реал шахснинг бу образга прототип бўлиб хизмат қилганини тасдиқловчи бевосита факт йўқ. Лекин ёзувчи Мамадали Тониболдиев, Аҳмаджон Шукуров каби уруш қаҳрамонларининг қадрдон қишлоққа қайтиб, коллектив хўжаликка муваффақият билан раҳбарлик қилганликларидан илҳомланган бўлиши ҳақиқатан узоқ эмас. Ойбек урушдан кейинги қишлоқ ҳаёти билан танишган кезларида Ўктам образи учун озиқ берган кишиларни кўплаб учратган бўлиши мумкин.

«Ўзи ҳимматли ижодкор-меҳнатчи бўлган Ойбек... меҳнат аҳлини севади, лирикада бўлсин, поэмаларда роман ва драматик асарларида бўлсин, Ойбекнинг севимли қаҳрамони меҳнаткаш ишчи ва касиблар (темирчи Жўра ва Турсун), меҳнаткаш деҳқонлар (Йўлчи, Соғиндиқ, Холхўжа), колхозчилар (Олтиной, Назми, Гулшап, Анор, Тансиқ), меҳнатсевар ижод арбобларидар (Навоий, Султонмурод, Ҳамза Ҳакимзода). Меҳнаткаш инсонлардаги ўлмас фазилатларни ғоят кучли бўёқлар билан тасвирлаб берадики, бу хусусият Ойбекнинг ўзбек адабиёти учун қилган энг катта хизматларидадир. Ёзувчидаги гуманизм ҳислари шу билан боғланган. У инсонни улғу-

лашни истайди.» Шайхзоданинг бу позик мушоҳадасида катта ҳақиқат бор.

Мазкур асар Ойбекнинг катта бадийий полотнода замонавий мавзуга илк бор мурожаат этгани билан унинг ижодида айрича аҳамият касб этади. Ойбек бу романдан кейин «Қуёш қораймас», «Нур қидириб» сингари замонавий мавзудаги йирик асарларини яратди. Бу асарлар фақат янги ҳаётини материали билангина эмас, балки бадийий қуввати — ёрқин образлари, тасвир услуби ва реалистик руҳи билан ҳам ўзбек адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган.

«Гўзаллик — ҳаётда!» — Н. Г. Чернышевскийнинг бу сўзлари ҳар бир санъаткорни ҳаётдан илҳом олишга, ҳаётни ўрганишга, ҳаёт ҳақиқатини бадийий ҳақиқатга айлантиришга даъват этади.

Ойбек ана шу даъватни ўз ҳаётининг, ўз ижодининг бош шioriга айлантирган, ҳаётни илҳомнинг туганмас чашмаси деб билган санъаткор эди.

НАЙЗАЛАР ТЎЛҚИНИ

*Яна олов девнинг машъум нафаси,
Яна бурқсимоқда бўғувчи тугун.
Яна зирҳланмоқда кўк ферузаси,
Яна ғаволарда найзалар — тўлқин!*

ОЙБЕК

Тинчлик тарафдорларининг Париж конгрессида машҳур совет ёзувчиси Илья Эренбург бундай деган эди: «Қутурган филлар тўдаси Хиндистон шудгорларига хавф-хатар олиб келганида, одамлар филлар хуружини қайтардилар. Ёнги шаҳарга хавф-хатар солганда, одамлар қўл қовуштириб ўтирмай, ўтти ўчирадилар». Эндиликда табиат стихиялари эмас, қўлларида матбуот ва радиостанциялар, бомбардимончи самолётлар ва атом бомбалари бўлган бир ҳовуч одамлар инсониятга хавф-хатар сола бошладилар. Болалар ва бошоқлар тақдир, гуллар ва гулстонлар тақдир, ўлкалар ва кўкламлар тақдир катта хавф остида қолди.

Иккинчи жаҳон уруши келтирган кулфат ва мусибат алами ҳали эскирмай ва уруш жароҳатлари битмай туриб, Европа осмонида қора қузғунлар галаси қуюқлаша бошлади. Уруш ҳамёнларини олтин билан тўлдирган америкалик корчалонлар янги урушга — бу сафар кеча-

ги иттифоқдошларига қарши ўт очишга очиқдан-очиқ ҳозирлик кўрдилар.

Ана шундай шароитда жаҳон тинчлик тарафдорларининг қудратли ҳаракати оёққа турди. Улар 1949 йилда Парижда ўзларининг биринчи таъсис конгрессига тўп-лашиб, жаҳон халқларига манифест билан мурожаат э-ддилар. Бутун жаҳон бўйлаб тинчлик учун кураш бош-ланди.

Совет халқи ва унинг виждони бўлган маданият ар-боблари Коммунистик партия бошчилигида бу курашнинг олдинги сафларида турдилар.

Совет тинчлик комитетининг биринчи раиси, танқили шоир ва жамоат арбоби Николаи Тихонов бундай деган эди: «Тинчлик учун кураш ҳаракати бошланиб, ҳар бир мамлакатда миллий комитетлар пайдо бўлганда, Ойбек ҳам бу ҳаракатда фаол иштирок этди. Ойбек бу иш-нинг аҳамиятини тушунар ва бу ишда унинг айниқса Шарқдаги обрўси катта фойда келтиришини билар эди... Ойбек ўша йиллардаёқ тинчлик посбонининг шарафли вазифасини ўташга тайёр эди. Кейинчалик бу эса бу жабҳада ниҳоятда фаол иштирок этди. Мен яқинда унинг 1960 йилда ёзган мактубини топиб олдим. У ушбу мак-тубда роман устида ишлаётгани ва ўзини яхши ҳис эта-ётганини айтгач, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комите-тини калифорниялик (АҚШ) Полинининг хатидан огоҳ қилган эди. Полининг ўз хатига «Ядро қуролининг тарқали-шига йўл қўймаслик ҳақидаги мурожаат»ни илова эт-ган ва унга имзо чекишни сўраб Ойбекка мурожаат эт-ган экан.

Бу унинг тинчликни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаол иштирокини кўрсатувчи беҳисоб ҳодисалардан биридир».

Совет ёзувчилари учун тинчликни ҳимоя қилиш фа-қат тинчликни ёқловчи, тинчликсеварлик ғояларини та-раннум этувчи асар ёзишдан иборат эмас эди. Совет ёзув-чилари, шу билан бирга, қўшни халқлар ва улар адаби-ёти билан яқин алоқа боғлаб, бу халқларни СССР ҳақи-даги ҳақиқат билан ошно этишни, улар онини заҳарла-ётган буржуа пропагандасини фойс қилишни ҳам лозим эди.

Ойбек 1947 йил апрелида СССР парламент делега-цияси таркибида Англияга борганида ҳам, орадан икки йил ўтгач, тараққийпарвар ёзувчилар уюшмасининг таклифи билан Покистонга борганда ҳам шу вазифани шараф билан адо этишга ҳаракат қилди.

Оғир бир шаронда Покистон тараққийпарвар ёзувчилари уюшмаси мамлакатда типчлик ўрнатишга, мустамлакачилик ва миллий адоватга қарши кураш ғояларини илгари суришга, Покистон халқларини ғолиб совет халқи билан яқинлаштиришга ҳаракат қилди. 1949 йилда ташкил этилган бу уюшма шу йилиёқ ўз конгрессида иштирак этиши учун СССР ёзувчилари делегациясини Покистонга таклиф этди.

Октябрь байрами шодиёналари ўтгач, 12 ноябрда Н. Тихонов, Ойбек, Мирзо Турсунзода ва А. Софроновдан иборат совет ёзувчилари делегацияси Покистон сари йўл олди.

Ойбек «Покистон таассуротлари» очеркида бундай ёзади: «Тарихий обидаларни сайр этиб, катта масжидга келдик. Улкан саҳннинг икки томонида икки азамат гиштин бино — бири масжид, бири қамоқхона. Уларнинг дарвозалари бир-бирига рўбарў. Инглизлар халқни манов масжидда дин билан кишанлайдилар. Озодлик тўғрисида хаёл қилувчиларни манов қамоқхонага тикадилар. Унинг даҳшатли тош қўйида Покистоннинг қанча асл ва содиқ ўғиллари ётибди!»

Совет ёзувчилари зиёрат этган масжид ҳовлисининг бир чеккасида Покистоннинг машҳур шоири Йқболга кичик бир мақбара қурилаётган эди. Ҳали чала мақбарадан бир оз нарида, чолдевор тагида, қуруқ тахта устида бир бемор хаста кўзларини кўкка қадаб ётарди. Ўрта ёшлардаги, лекин қаримсиқ бу беморнинг юзлари этсиз, ажибли ва рангнар бўлиб, ҳатто сўзлаш учун ҳам мадорни йўқ эди. Бу Покистоннинг миллий ифтихори бўлган шоирга мақбара ясаётган сангтарош экан. Хасталик уни бирдан-бир тириклик манбаи бўлган ҳунар билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум этибди. «Юрак ҳони билан, оғир ижодий меҳнатнинг севгиси ва чексиз бардоши билан гуллаган мармар тошлар теварақда сочилиб ётади. Шуми сангъаткорнинг nasibаси? Гўзалликни ва уни яратувчиларни бундан ортиқ хўрламоқ, масхараламоқ мумкинми? Олтин чанги билан заҳарланган капитализм ҳавосида сангъат чаманлари сўлади, чирийди», деб ёзган эди Ойбек ўз қалбидаги аччиқ аламлар тизгинини босиб.

Бу сангтарош бемор, Ойбек наздида, Покистон халқининг жонли бир тимсоли эди. Фақат бу бемор эмас, балки бутун халқ, бутун мамлакатнинг аҳволи бениҳоя по-

тор ва аянчли эди. Бу аҳволдан чексиз мутаассир бўлган шоир ўз шеърларида Покистон ҳаётининг даҳшатли манзараларини акс эттирди:

Чигирткалар булут қалин —
Кўкда, ерда очкўз ва мечкай.
Байроқларнинг ярим ойлари
Мудроқ босган, ранги безгакдай.

Чигирткалар қайнар, ҳаво дим,
Кўчаларнинг бети қовжироқ.
Тротуарлар чўзилар қақирим —
Гадоиларга ўриндиқ, ётоқ...

«Покистон пойтахти» деб помланган бу шеърда тасвир этилган чигирткалар экин-тикинларнинг офати бўлган ҳашаротлар эмас, халқнинг, маданиятнинг, тараққиётнинг офати бўлган инглиз мустамлакачилари эди.

Ойбек сафардан қайтгач, «Покистон дафтари» помли шеърини туркум устида ишлади. Бу туркумнинг айрим намуналарини эълон қилди. Лекин, қутилмаганда оғир хасталик улкан адибни бир умрга ўз исканжасига торта бошлади.

«Шоҳнинг душмани — шоҳ, гадонинг душмани — гадо», деган сўз бор. Истеъдод юлдузи қанчалик ёрқин бўлса, Говкуш кўчасидаги фонарга тош отган болалардек, унга ҳам тош отувчилар шунчалик кўп бўлади. Моцартлар атрофида Сальериларнинг кўланкалари ҳаминша ўралашиб юрган.

Хуллас, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг III пленумида (1949 йил 10 июль) Ойбек союз раиси ва «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири лавозимларидан озод этилди.

1951 йил бошларида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг партия ташкилоти (секретари В. Мильчаков) ёзувчи Ойбекнинг шахсий ишини кўриб чиқди. Уша куни бир иш билан Ёзувчилар союзига борган ва тасодифан бу воқеанинг гувоҳи бўлган Иноят Маҳсумов шундай ҳикоя қилади:

«...Ёзувчилар союзининг бир хонасига кириб ўтирдим. Орадан бир оз вақт ўтиб, қаршидаги хонадан бир одамнинг дунёга сиғмай бўғилиб гапирётгани эшитилди. Бу Ойбекнинг товуши эди. У ниҳоятда ҳаяжону изтироб билан гапирар, баъзан бировларнинг: «Ойбек ака, ўзингизни босинг, унча хафаланманг...» — деган ачипар-

ли нидоёси эшитилар эди. Ойбек ака тинимсиз гаширар, ҳеч кимнинг гашига қулоқ солмай, жони борича дод-фарёд қилиб гаширар эди.

Аммо мен нима гаплигини яхши эшитмасдим, ҳурматли адипимизни бунчалик нолишга келтираётган нарса нималигини тушунмас эдим. Шу хилда гашириб турган Ойбек ака тўсатдан тарс этиб эшикни очиб, ҳаяжон билан ташқарига чиқиб кетди. Ранги қув ўчган, катта, шахло кўзлари косасидан чиқаёзган, хаёли ғоятда паришон эди. У кишининг бежо кўзига қаршида оёққа турган мен ҳам кўришмадим. Ойбек аканинг сўнгида, кабинетдан яна 7-8 ёзувчи чиқди. Уларнинг ҳаммаси ҳам паришон аҳвол, саросима ва хафа ҳолатда бўлиб, гапсиз-сўзсиз ҳаммаси ҳар ёнга тарқаб кетишди..

Бир неча кундан кейин: «Ойбек ака бетоб бўлиб қолибди», — деб эшитдим».

Шу кун адип Фаоллар академиясида муҳим бир масала билан машғул бўлиши зарур эди. У қанчалик даҳшатли кечинмалар қуюнида бўлмасин, асаблари бир-бирига чатишган электр симларидек қанчалик ўт-олов сочмасин, академияга бориб, мажлис ўтказиш учун ўзида сабот ва матонат топа олди. Гап шундаки, ўша кунларда Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари тилшунос олимларининг илмий конференцияси ўтаётган, Ойбек эса Ўзбекистон ССР Фаоллар академияси гуманитар фаоллари бўлимининг бошлиғи сифатида бу конференцияни бошқараётган эди.

Зарифа Саидносированинг хотирлашича, адип ўша кун ийга Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби С. И. Зайцев билан қайтди. Уни ёзув столи ёнига ўтқизиб, ўзи хонанинг у қирғоғидан-бу қирғоғига тинимсиз юрган ҳолда, нималарнидир айтиб турди — у ёзди. Бу Марказий Комитет номига ариза эди. Хатнинг мазмунидан хабардор бўлган Зарифа хоним адипдан нима учун ўзи ёзмаётганини сўради. «Бармоғим ишламаяпти», — деб жавоб берди адип.

«Конференциянинг охириги кун и бўлса керак, — деб ёзади Ғулом Каримов. — Ҳамма конференция иштирокчилари «Билимлар ийи» томон келмоқда. Мажлис бошланишига бир неча минутлар қолган. Биз бир группа ўртоқлар зал фойесида гаплашиб турар эдик. Шу вақт қўлида бир қоғоз ушлаган Ойбек ака пайдо бўлиб қолди ва мени чақириб, четроққа олиб чиқди. Қўлидаги қоғозни менга бериб, унинг ҳошиясига бир неча сўзларни ёзиш-

ни таклиф қилди; у айтиб турди, мен ёздим. Мен хат ҳошиясига визани ёзиб бўлганимдан сўнг, Ойбек қоғозни олиб, чап қўли билан базўр имзо чекди. Ойбек ака қоғозга чап қўли билан имзо чеккапига менинг тааж-жубланганимни (Ойбек ҳаммавақт ўнг қўли билан хат ёзарди) сезиб, у изоҳ берди ва айтди: «Шу бугун кечаси ўнг қўлим яхши сезмайдиган, яхши ишламайдиган бўлиб чиқди, кўриб турибсан, қўл қўйишга ҳам келмаяпти, билмадим нима бўлди?» Шу сўзларни айтди-ю, қоғозни олиб ўз иши билан кетди. Мажлис бошланди, қолган докладлар эшитилди, қизгин музокаралар бўлиб ўтди. Раислик қилиб бораётган Ойбек мажлис охирида (янглишмасам, кечки йиғилишда бўлса керак) катта, яқунловчи нутқ сўзлади, ҳаммамиз мароқ билан тингладик. Мажлисдан сўнг кўп кишилар тил масалаларидаги Ойбек билимининг кенглиги ва чуқурлигига таъ бириб, ўз таасуротлари билан ўртоқлашдилар».

Бу 1951 йилнинг 16 апрели эди.

Бундан роса 450 йил муқаддам улуг ўзбек шоири Навоий қандай хасталикка дучор бўлган бўлса, унинг олис мухлиси, XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири — Ойбек ҳам худди шундай оғир дардга чалинган эди. Аммо тизгинсиз ғайрат ва шижоатга, қудратли жисм ва организмга эга бўлган адиб бу хасталикнинг жиддий оқибатларига олиб боришини хаёлига ҳам келтирмай, даволанмай юрди.

Уша кезларда С. П. Бородин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг боғида «Олтин водийдан шабадалар» романининг рус тилига таржимасини тугатаётган эди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Ойбек рафиқаси билан бирга С. П. Бородинни кўриб келишни ихтиёр қилди. Икки тарихнавис адибни қизиқтирувчи, айниқса таржимон билан таржима этилаётган асар муаллифини ҳаяжонлантирувчи масалалар оз эмас эди. Шунга қарамай, Ойбек камган бўлди. Айниқса овқат пайтида Зарифа хоним нима сўрамасин, жавоб бўлмади. Унинг чакка томирлари увишиб, тили қалимага келмай қолган эди.

Шундан кейин адиб шифохонага ётишга мажбур бўлди. Профессор Гордон бутун врачлик маҳоратини ишга солди. Адиб аста-секин сўзлай оладиган бўлди. Аммо у, орадан хийла вақт ўтгач, ўзини дуруст ҳис этди шекилли, шифохонадан чиқиб, депутатлик юмушлари билан Нукусга учмоқчи бўлди. Зарифа хоним: «Қон босимингиз баланд. Бундай қон босими билан учиб бўлмай-

ди. Худо кўрсатмасин...», деб хаста адабни сафардан қайтармоқчи бўлди. Аммо адабнинг қайсарлиги тутиб, Нукусга йўл олди. Бу ўз-ўзига суқасд билан баравар эди. Ойбек Қорақалпоғистондан қайтиб, тўғри врачларнинг қўлига келиб тушди. Улар кечаси билан урилиб, хастадан қон ололмадилар.

Бундан 450 йил илгари бўлиб ўтган ҳодиса такрорланган эди. Ойбек сўздап, тилдан қолган, унда иккинчи марта сакта — инсулт бўлган эди. Севимли адабнинг тилдан қолиб, фалаж бўлганлиги ҳақидаги машҳум хабар унинг дўст-ёрлари ва китобхонларини ларзага келтирди.

Республика матбуотида «Олтин водийдан шабадалар» романи муносабати билан билдирилган ўта танқидий мулоҳазалар булутни тарқаб улгурмай, Ойбекнинг лоямут асарларидан бири — «Навойи» романи ҳақида гап чиқди. Ўзини қардош халқнинг етук олимни ҳисоблаган бир билимдон романдан камчиликлар топишга бел боғлади. Унинг эгри ойнак таққан кўзларига Навойи ва Ҳомий ўртасидаги ўта самимий ва побратли муносабатлар эмас, балки улуг ўзбек шоири билан бир қитмир кимса ўртасидаги ҳангомалар муҳимроқ бўлиб кўринди. У Навойининг бу қитмир шоирга бўлган муносабатида умуман тожик халқига инсбатан гайрлик аломатларини кўрди. Ҳолбуки, Ойбек ўз асарида тожик халқига хос бўлган даҳонинг тимсоли сифатида Биноийни эмас, балки Ҳомийни тасвирлаган ва бу тасвир адаб қалбининг буюк туйғуларни билан нурланган эди.

Ойбек хаста бўлганидан буён тўрт йил ўтди. Бу оғир хасталик билан мардона кураш йиллари эди. Бу орада Ойбекни энг яхши совет ва чет эл врачлари даволаб, уни оёққа тургазини учун кўп куч сарфладилар. Ана шу мушкул йилларда унинг рафиқаси айниқса матонат ва жасорат намунасини кўрсатди.

Биз ҳар қандай жасоратга кўппикан авлодмиз. Аммо чинакам жасорат ҳеч қачон оддий ҳодиса сифатида қабул қилинмаслиги керак. Жаҳанна Д'арк бир оғиз сўзи билан, ўз эътиқодидан бир қадам орқага чекинишни билан бир ҳовуч кулга айланмай қолиши мумкин эди. Агар Нодира бегим босқинчи амирга бош эгса, ундан изи сўраса, унинг боши санчадек олинмаган бўларди. Машҳур декабрист аёллар Москвада, пешқа ва тоза ҳашамларида яшаб ҳам ўз эрларига ҳамдард бўлиб қолишлари мум-

кин эди. Аммо уларнинг қалбларида ҳар қандай бўрон ҳам ўчира олмайдиган буюк жасорат алаңгаси гурлаб турарди.

Ойбекнинг рафиқаси — мухтарама Зарифа Саидноспоровани ана шундай жасорат соҳибалари билан бир сафга қўйиб таққосламоқчи эмасми, аммо бу ажойиб аёлнинг меҳри, кучи ва ишончи бўлмаганида, улкан адибнинг сўйиши ўн етти йил ичида майдонга келган асарларининг бирортаси ёзилмаган бўларди. Демак, сиз «Қуёш қораймас» ва «Улуғ йўл» романларини, «Шур қидириб», «Белалик» ва «Алишернинг болалиги» қиссаларини, «Зафар ва Заҳро», «Даврим жароҳати», «Гули ва Навоий» достонларини, шоирнинг энг сўлим лирик дурдоналарини, ўқимаган бўлардингиз. Улар, эҳтимол, нари борса, Бухоро иқилоби романи, Бобур ва Темур тўғрисидаги достонлари каби адибнинг ижодий режалари шаклидагина бизга етиб келган бўлармиди?!

Зарифа хоним улкан инсон ва адибни ўлимнинг тик қирғоғидан олибгина қолмай, аста-секин унинг хотирасини тиклашга, худди мурғак фарзандни сўзга ўргатганларидек, сўзлашга, ёзишга одатлантира бошлади. Унинг хаста лабларидан капалак каби уча олмаган сўзини плагашга, аста-аста уларда кўртак каби бўрта бошлаган сўзлар маржонини теринга урипти. Бора-бора у адиб қалбида чарх урган туйгулар ва фикрларининг моҳир таржимони бўлди. Сўнг адибнинг эътиборини бирор мавзуга жалб этиб, унинг фикрларини бир оловли нуқтага худди луна каби жамланган санъатини эгаллади.

Агар тахминлар тўғри бўлса, 1955 йилнинг иккинчи ярмида Ойбек украин дўсти Максим Рильскийнинг 60 йиллигига бағишлаб, шунингдек «Қўтлуғ қон» фильми учун бир печа шеърлар ёзди. Бу ҳам Ойбек, ҳам Зарифа хоним биргаликда олиб борган қаҳрамонона курашнинг ғалаба билан тугаётганидан бир муҳда эди. Аммо у ҳали узил-кесил ғалаба эмас эди.

1956 йилда шоир бирорта шеър ёзмади.

1957 йилда у яна ўзининг қардош дўстларидан бири — атоқли қозоқ адиби Мухтор Аvezовга бағишлаб атиги бир шеър ёзди.

1958 йилда шоир Ойбек яна сукут қилди.

Ниҳоят, 1959 йилда унинг қўйидаги қалб қонлари ошпоқ қетоз узра тўқилди:

Ҳастамен... фикрга, туйғуга тўлиб —
Ой мейга ҳамқадам — сокин юрамен.
Соғайсам бир кун ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.

Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур — менга ҳамқадам,
Ҳаёлар учди машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакман бир кун соғайсам...

Бу ижодга беҳад ташна, аммо оғир ва узоқ йиллар давомида ижод этиш бахтидан маҳрум бўлган қалбнинг сокин фарёди эди.

Ана шу хаста, аммо ижод этишга, халқ учун маънавий бойлик яратишга шай бўлган Ойбекдаги яна бир ҳолат мени ларзага солади. Сир эмас, касаллик ўз-ўзидан бўлмади. Ойбекни тўшакка олиб келган ҳоллар кўпчиликка аён. Лекин у бирор шеърда бирор кимсадан, бирор ҳодисадан шикоят қилмади. Аксинча, унинг шу даврга оид ва кейинги шеърларида ҳаётга болаларча беғубор ва самимий муҳаббат учқунлари чапир уриб туради. Бу фақат улуг инсонларгагина хос бўлган фазилат бўлса, ажаб эмас.

Сўнмас меҳр-муҳаббатни учун, бедор тунларни ижодга чорлаган кунлари учун, ташвишли тақдирга шерик ва ҳамроҳ бўлгани учун Ойбекнинг ўз рафиқасидан миннатдор бўлмаслиги мумкин эмас эди. У, миннатдор шоир, Зарифа хошимни ўзининг ҳайётона рубоийларида самимий қалбнинг нуқра туйғулари билан ардоқлайди. Бир шеърда эса ҳатто «Ёрим бор, оҳ, қалбда бордир қуёшим», деб ёзди ва давом этади:

Инқимиз ҳам шодмиз, инқимиз дилбанд,
Богламшидир соф ишқ — сирли бир каманд.

О, қадаҳлар биллур, ичамиз шароб,
Учқун тўла кўзлар — сеҳрли сароб.

Тўски кезаман юлдузлар аро,
Қошлар имосидан беҳуд доимо...

Бу яхшиликка эзгулик билан, меҳр ва мурувватга муҳаббат билан жавоб қайтаришининг гўзал бир намунаси эди.

...Хуллас, 1955—1956 йилларга келиб, қалам Ойбек қўлида зўр машаққат билан, аммо худди майна каби яна ёқимли сайрай бошлади.

1956 йилнинг 22 январида «Ўзбекистон маданияти» газетасида эълон қилинган Ойбекнинг ижодий режаларида бундай сўзлар ҳам бор: «Бетоблик ҳам ижодчи юрагидаги орзуларнинг жўшишини тўхтатолмас экан; 1955 йилда Покистон ҳаётига оид қиссанинг сўнгги саҳифаларини ёзиб, нуқта қўйдим».

1952 йил 22 декабрда Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирининг ўқувчиларига йўллаган мактубида адиб ёзади: «Мен икки йилдан бери хастаман. Покистонга қилган саёҳатим таассуротлари асосида «Ёрқин қиргоқлар» номли повесть ва «Ҳақгўйлар» номли поэма ёза бошлаган эдим. Мен бу асарларда Покистон халқининг ўз бахти, ҳуқуқи, келажаги учун курашувини, кучли продасини, озод ҳаётга эришмоқ учун уларнинг зўр ишончини кўрсатмоқчиман. Мен у ерда меҳнатсевар, тирилик ҳалқини кўрдим, улар бои тупроқларидан бир йилда бир неча марта ҳосил оладилар, аммо ўзлари оч, яланғоч, ҳуқуқсиз, чунки уларнинг бойликларини чет мамлакат империалистлар, маҳаллий капиталистлар талайдилар. У ердаги меҳнаткаш халқ учун бизнинг озод, бахтли, гўзал ҳаётимиз намунадир... Мен Покистон халқининг тирилик учун курашувини кўрсатмоқчиман. Хаста бўлганим учун бу асарларни тугатолмай турибман».

Бу мактубдаги асарнинг гоявий мундарижасига оид сўзлар билан бирга унинг дастлабки номи ҳам эътиборга лойиқ. Ўзбек совет адабиётида Ойбек асар ва қаҳрамонга энг ноэтик, энг рангин, энг сермаъно ном қўювчи санъаткор сифатида машҳур. Покистон халқининг «ўз бахти, ҳуқуқи, келажаги учун курашувини»ни тасвирлашни мақсад қилган асарнинг «Ёрқин қиргоқлар» деб аталишида катта маъно ҳам, ноэзия ҳам бор. Аммо шўрлик халқ ва мамлакат ёрқин қиргоқлардан анча олмасда эди. Шунинг учун ҳам Ойбек кейинчалик асарни «Нур қидириб» деб номлади, унга ўзи билган ва кўрган тараққийпарвар зиёлиларни қаҳрамон қилиб олди.

Адиб мазкур асар устида 1950 йил 9 февралдаёқ иш бошлаган эди. Аммо, юқорида зикр этилган сабабларга кўра, у асар устидаги ишни 1954 йил сентябридан бошлаб давом эттирди ва 1955 йил охирида уни қўлдан чиқарди.

«Нур қидириб» қиссасининг қарийб барча қаҳрамонлари ва унда тасвир этилган муҳим воқеалар реал ҳаётдан олинган. Ойбек гарчанд бор-йўғи уч ҳафта давомда Покистон халқининг ҳаёти билан яқиндан танишини

имконига эга бўлса-да, у мазкур ўлкада кечаётган ҳаётий жараён қонуниятларини тўла-тўқис англаган эди. Тараққийпарвар зиёлилар очликдан силласи қуриган халқни, харобага айланган мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг бирдан-бир йўлини империализмга қарши, миллий мустақиллик учун курашда, Совет Иттифоқи билан яқинлашишда кўрдилар. Аммо улар орзу ва умидларининг рўёбга чиқиши амримаҳол эди. Маҳаллий заминдорлар, амалдорлар ва уларнинг оқеги ортида келган ҳомийлари учун меҳнаткаш халқнинг худди шу ярим оч, ярим ёввойи ҳаётда яшashi, нур сари, ҳақиқат ва адолат қуёши сари интилмаслиги айни муддао эди. Ойбек ўз асарида ана шу икки куч ўртасидаги ҳаёт-мамот курашини тасвирламоқчи бўлди. Шу мақсадда ўзи кўрган реал кишиларни асар қаҳрамонлари қилиб сайлади.

Гарчаки икки давр, икки мамлакат ва икки халқ ҳаётини тасвир этишга бағишланган бўлса-да, Ойбекнинг «Ўутлуг қон» ва «Нур қидириб» асарларида муштарак жиҳатлар оз эмас. Ҳар икки асарда ёзувчи бир-бирини севувчи икки қаҳрамон тақдир орқали муайян ижтимоий тузумни пичдан емириб, янги ҳаёт пойдеворини қуришга шайланган тараққийпарвар кучларнинг вулқон каби жунбушга келишини кўрсатади; бу кучларнинг ижтимоий воқеалар таъсиринда уйғониши ва авж олиши жараёнини кузатади. Аммо агар Йўлчи билан Гулнор ҳали ер куррасида ҳақиқат ва адолат машғаласи ёқилмаган бир даврда ҳаракат этган бўлсалар, Аҳмад Хусайн билан Искандаро ана шу машғаладан нур ва ҳарорат олган ҳолда ўз халқининг миллий озодлиги ва мустақиллиги учун мардона курашадилар. Уларнинг бу кураши жаҳон бўйлаб бошланган тинчлик учун, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик учун кураш билан туташади. Умуман, 50 ва 60-йилларда авж олган миллий-озодлик ҳаракатлари пировардида жаҳонда тинчлик учун курашаётган кишиларнинг қудратли оқимига келиб туташади.

Ойбекнинг «Нур қидириб» қиссаси, «Зафар ва Захро» достони, «Покистон дафтари» туркумига кирган шеърлари айни пайтда унинг тинчлик учун кураш ишига қўшган ҳиссаси ҳам эди.

Ойбек Покистон чегарасидан Лоҳурга қадар бўлган масофадаги қабоҳатни кўриб, маҳаллий ҳукуматнинг нима учун Совет Иттифоқи ҳақидаги ҳақиқатдан қўр-

қиши, совет адиблари Лоҳурдаги маданий алоқалар жамъати ва тараққийпарвар ёзувчилар уюшмасига тақдим этган кўргазмалар нима учун ҳибсга олиншининг туб сабабларини англади. Бу кўргазмаларда мамлакатимизда ишчи посёлкалари ва маданият саройлари, болалар яслилари ва стадионлар, касалхоналар ва санаторийлар, ёруғ ва кенг завод цехлари тасвирланган эди. Советлар мамлакати ҳақидаги бу ҳақиқат маҳаллий ҳукуматга ҳуш келмасди. Зероки, у зўр бериб советлар юртида «одамлар оч, пул йўқ, мол йўқ, озодлик йўқ, болаларни давлат зўрлик билан тортиб олади», деган бемаъни миш-мишларни тарқатмоқда эди.

Покистондаги колледжларнинг бирида бўлиб ўтган биринчи учрашувда Ойбек Совет Ўзбекистони тўғрисида доклад қилди. «Катта зал одамлар билан тўлиб-тошган эди. Дастлаб улар ҳар бир сўзни ишончсизлик билан тинглашди. Аммо доклад гулдурос оқишлар билан тугади. Кейинчалик биз дўстлардан советларга қарши кайфиятдаги студентларнинг суҳбатни бузиш мақсадида залга йнғилганларидан дарак топдик. Аммо улар президиумда хотиржам ўтирган делегацияни кўриб Мусо Ойбекнинг маърузасини эшитиб, тинчланиб қолдилар. Йнғилниш тинчлик билан ўтди», деб хотирлайди шоир А. Софронов.

Ойбек ва М. Турсунзода Покистон ҳамда Афғонистон территориясида яшовчи, тожик ва ўзбек тилларига тушунувчи кишилар билан мулоқатда бўлиб, уларга мамлакатимиз ҳақидаги ҳақиқатни етказишга уриндилар. Улар ҳаётининг Афғонистонда кечган соҳияларини эслаб, А. Софронов яна хотирлайди:

«Ойбек ёш солдат билан отда ёнма-ён борар эди. Бу солдат ўзбек экан. У Ойбекдан ким ҳозир Бухорода ҳукмдорлик қилаётганини сўради. Ойбек: «Халқ», деб жавоб берди. Солдат ҳеч нарсага тушунмас эди. У деди:

— Ҳўш, Бухоро амири Афғонистонга қочиб кетган, дейлик. Ундан кейин Бухорода ким амирлик қилмоқда? Бухоронинг амирсиз яшаши мумкин эмас-ку, ахир?

Ойбек Бухоронинг амирсиз ўзини ниҳоятда яхши ҳис этаётганини сабр-тоқат билан тушунтириб берса-да, солдат тушунмади. Бу унинг ҳаётий тасаввурларидан юксакроқ эди».

Лекин ўзбек адиби бу йнғитнинг ҳам, бошқа ўнлаб ва юзлаб гумроҳ кишиларнинг ҳам кўзларини очишга,

уларни халқимиз ва юртимиз ҳақидаги ҳақиқат билан ошно этишга урипти.

1949 йилда Москвада Бутуниттифоқ тинчлик тарафдорларининг I конференцияси бўлиши керак эди. Делегация аъзолари орасида Ойбек ҳам бор эди. У вақтда Тошкентдан Москвага учувчи ИЛ—14 самолёти Актюбинск ва Уральск шаҳарларига ҳам қўшиб ўтар эди.

Самолёт ўзининг бирипчи бекати — Актюбинскка қўнғач, пассажирлар салондан чиқиб, аэропорт биноси сари юра бошлади. Ҳаво очиқ, кенг чўлу биёбонлардан эсиб келган ёқимли шабада йўловчиларнинг сочларини, галстукларини ипак қўллари билан тортқилар эди. Ойбек қаршисида бепоён адирларнинг зилол деңгизини кўриб, ёнида бораётган ёш ҳамроҳи — Азиз Қаюмовнинг елкасидан тутиб, беихтиёр сўз қотди:

«Қаранг, қандай бепоён ерлар! Қандай мусаффо ва гўзал ҳаво! Табиатнинг бағри нақадар кенг... Ер — ҳаёт манбаи, у кишиларга ҳали неча-неча асрлар давомида озик ва баҳра беради. Бу ерларга қўрғошнинг эмас, буғдой экинш керак!..»

Ўша йиллардан бошлаб ёзувчилар бутун ер юзига тинчлик ва дўстлик уруғларини сепишга интилдilar. Бу хайрли ишдан Ойбек ҳам четда турмади. У Тинчлик тарафдорлари совет комитетининг аъзоси сифатида, ёзувчи сифатида тинчлик, халқлар ўртасидаги дўстлик учун фаол курашди.

1958 йил октябрида Тошкентда Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари Ойбекнинг меҳмондўст хонадонида ҳам неча бор иззатда бўлдилар. Улар кундузи конференция минбаридан туриб нутқ сўзлар, кечқурунлари эса Ойбек хонадонида шеър ўқир эдилар. Тўкин дастурхон атрофида покистонлик билан неопаллик, ироқлик билан жазоирлик, ганалик билан туркиялик шоир ва ёзувчилар ягона оила аъзоларидек дўстлик ҳақида, адабиёт ҳақида, келажак ҳақида қизгин суҳбат қура эдилар. Таржимонлар бу пайдар-пай ўқилаётган шеърлар, айтилаётган қадаҳ сўзларини тушуштириб улгурмас эдилар. Ойбек эса, худди таржимасиз ҳам тушунаётган кишидек, тез-тез: «Зўр!», «Яхши!», «Раҳмат!» — деб қўяр эди.

«Ўзоқ Ганадан келган ёш шоирнинг ёниб турган кўзларига қараб, унинг жарангдор овозини эшитиб, —

деб ёзади Л. Г. Бать, — Ойбек балки ўзининг ёшлигини, дастлабки адабий тажрибалари, орзуларини эслагандир. У уйга келган мана шу меҳмонлар — турли мамлакатларнинг шоирларига қараб туриб, ўз орзуларининг рўёбга чиққанлигини ҳис қилар эди. Бутун дунёдаги оддий кишиларнинг жипслашувида, дўстона муносабатда унинг инсониятнинг порлоқ келажагига ишонч руҳи билан суғорилган китоблари ҳам катта роль ўйнади».

Ойбекнинг кўпгина орзулари рўёбга чиқди. Аммо унинг яна бир орзуси — Ер қурраси аталмиш уммонда пайзалар тўлқини даф бўлиб, зилол майсалар қўшиғи янграсин, деган эзгу орзуси ҳам бор эди...

МАРВАРИД ИЗЛАБ...

Тарих сўқмоқлари изимдан
чўғир,
Ҳар бир хок шивирлар: «Бир
лаҳза ўғир...»
«Қушлар тили» пири — юракда
тилак,
Излайман марварид — қўлимда
элак.

ОЙБЕК

Ойбек ҳаёти ва ижтимоий фаолиятида яна бир муҳим қирра бор. Афсуски бу қирранинг жилвалари ярқираб турибди, деб бўлмайди. Ҳолбуки, бу қутлуғ мавзу аллақачон қўша-қўша мақолалар ва хотираларда ўз талқинини топиб, Ойбекнинг чинакам халқ ёзувчиси сифатидаги фазилатларига нур тўкиб туриши мумкин эди. Гап шундаки, адиб 1946 йилдан то умрининг сўнгига қадар гоҳ СССР, гоҳ Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутати сифатида ҳам халқ хизматида бўлди. У иккинчи, бешинчи ва олтинчи чақриқ СССР Олий Совети ҳамда учинчи, тўртинчи ва еттинчи чақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советига бадий зиёлиларнинг вакили сифатида депутат қилиб сайланди. У халқ олдидаги юксак бурчинини сўнги қатрасига қадар халққа бағишланган илҳомини ижоди билан оқлади.

«Азиз дўстларим!

Мен ёзувчиман. Кучим ва қобилиятим етганча халқ учун ижод қиляпман. Шеърлар, дostonлар, романлар ёзаман. Келгуси ижод планларим кўп. Орзуларим кўп. Меҳрибон партиямиз томонидан, Ватанимиз томонидан қўйил-

ган улуғ планлар, совет халқининг азамат меҳнати ҳар бир совет одамининг юрагини қувончга, гайратга тўлдиради.

Ҳар кун и янги ғалабалар билан, ишонч билан коммунизм сарп жасуроюа бораётган ва дунёда биринчи марта социализмни қурган қаҳрамон халқимни, улуғ Ватанимни ўз ижодимда қуйлай олсам, менинг асарларим халқим учун озгина манзур бўла олса, бу мен учун катта бахт ва қалбимнинг энг зўр орзусидир».

Адиб ўз сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувларининг бирда (1962) ана шундай деган эди. Депутатликка номзод Ойбек билан шу йили бўлиб ўтган учрашувда сайловчилар адибдан бир қанча масалалар бўйича ёрдам кўрсатишни илтимос қилган эдилар. Орадан бир йил ўтгач, адиб сайловчилар ҳузурига бориб, ўша нақазларнинг бажарилиши ҳақида ҳисобот бериб, деган эди:

«Ўртоқлар! Энди менга топширилган нақазлар устида тўхтаيمان.

Нукус мактабларида бир сменали ўқиш учун янги мактаблар қуриш масаласи қўйилган эди. 1964 йилда Нукусда 964 кишилик ўн йиллик мактаб қурилиши планлаштирилди. Нукусда 13 мактабнинг ҳаммаси икки сменада ишлайди. 1966—1970 йилларда бу масала ҳал бўлажак. Лекин Қорақалпоқ автоном республикаси ишнн жуда сует олиб боряпти. Госплан билан гаплашдим. Ажратилган 1720 минг сўмдан бу йилнинг беш ойи мобайнида фақат 38 минг сўмдан фойдаланилган холос. Қорақалпоқ педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари учун 36 квартиралн уй қурилиши ҳақида ҳам ҳаракат қилинмап».

Адиб қорақалпоқ халқининг депутати сифатида хўжалик, маданият ва маърифий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни амалга ошириш, кўприк, театр, мактаб бинолари ва болалар муассасаларини бунёд этиш ишига катта ёрдам берди; ноҳақ ҳибсга олинган гражднларнинг оқланиши учун жон куйдирди. «Менинг адресимга, — деб давом этади у ўша нутқида, — қамалганлар ва уларнинг оилалаларидан кўп хат келади. Менинг илтимосим билан ЎзССР Олий Совети Президиуми ва ЎзССР Олий Суди уларнинг ишларини қайта кўриб чиқишди ва баъзиларининг ишлари устида ерли судларнинг ҳукмларини ўзгартириб, енгиллаштирдилар, баъзи бирларининг ишлари юзасидан ерли судларнинг ҳукмларини тўғри топиб, ўзгартиришсиз қолдирдилар. Бундай ҳолларда, албатта, ерли

судларнинг тўғри, адолатли ҳукмлари ўзгартирилсин, деб айтиш мен томондан қонунга қарши чиқиш бўлади. Мени тўғри тушунасиз, деб умид қиламан».

Самимий қалбдан юзиб чиққан бу сўзлардан адибнинг қорақалпоқ халқига қанчалик меҳр билан хизмат қилганини сезиш мункул эмас. Халқ Ойбекни ана шундай фидойи ёзувчи учунлиги ҳам бепоён қалби билан севарди.

1962 йил сайлов олди кампаниясида устоз адибга ҳамроҳ бўлган қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов унутилмас кунларни эслаб, бундай дейди:

«Ойбек оғани қорақалпоқ халқи қаттиқ ҳурмат қилади. Бу севиқли адибга ишонч билдириб, автоном республикамиз номидан унинг СССР Олий советига бир неча бор депутат қилиб сайланишпёқ ана шу ҳурматимизнинг ифодасидир...

Халқ ўз номзодига ишонч билдириб, нақазлар берар, у эса халқнинг арз-ҳолига бутун вужуди билан қулоқ солар, сайловчиларга қилган муомаласидан ақл-фаросатли, камтар, юксак маданиятли, халқпарвар киши эканлиги яққол кўриниб турарди.

Нақазлар орасида, айниқса, янги асарлар ёзиш ҳақидагиси кўпроқ бўлди. Шундай пайтларда Ойбек оға ёқимли жилмайиб, «хўп» деган маънода бош қимирлатар эди. Беруний районидаги учрашувимиз ҳамон ёдимда. Сайловчилар Ойбек оғадан Беруний ҳақида роман ёзиб беришни илтимос қилишди. Биз, адабиётшунос Марат Нурмуҳамедов иккаламиз, «ҳийла» ишлатиб, Ойбек оғани атайлаб қадимий Кат шаҳрининг деворлари ёнидан олиб ўтдик. Беруний дунёга келган бу Хоразм шаҳрининг ҳали ҳам савлат тўкиб турган баланд деворлари қолдиқларига хаёлчан термиллиб келаётган адиб бош чайқади ва: «Қийин, биласизми, жуда мушкул», деди. Бу улкан темада асар ёзишнинг қийинлигини, унинг масъулиятини ҳис қилиб келаётганлигини биз дарҳол фаҳмладик. Бу, асар ёзиш машаққатли ва қаҳрамонона меҳнат талаб қилишини тан оладиган ҳалол ва ҳаққоний ёзувчининг эътирофи эди...»

Ойбек қалбининг томirlари оддий, жафокан ва меҳнаткан халқ ҳаётининг энг терең қатламларига бориб тақалади. Адиб билан сафарда бирга бўлган кишилар унинг оддий чол ва кампирлар билан қанчалик самимий суҳбатлар қургани, худди меҳрибон ука ё фарзанддек муносабатда бўлганини ҳайратланиб эслайдилар. Улар-

нинг шаҳодат беришича, адиб касиблар билан ёнма-ён ўтириб, маҳси тиккан, деҳқонлар билан бақамти кетмон чошган, аёллар билан бирга пахта терган...

Халқ ёзувчиси... У ким ва қандай одам? Халқ ёзувчиси бўлиш учун кишилар билан ёнма-ён яшаб, маҳси тикиш ё кетмон чошиш шартми? Йўқ, асло! Халқ ёзувчиси, Абдулла Қаҳҳор тили билан айтсак, халқ дилининг таржимони, Ойбек ифодаси билан айтсак, халқ қалқони бўлса, ажаб эмас.

1951 йилнинг 16 апрели Ойбекнинг бутун умрини икки даврга ажратиб туради. Бу сарҳаднинг бир тарафида — тоғни урса талқон этувчи забардаст адиб, иккинчи томонида — XX асрнинг медицинаси туфайлигина оми қолган, аммо бир умрга майиб бўлган инсон... Дастлаб унинг ўнг қўли ишламай қолди, кейин эса тили... Шу алфозда у ойлар ва йиллар давомида хасталик билан, П. А. Островский сингари, мардона курашди... Ниҳоят, шифокорлар кунига ярим соат, бир соат, бора-бора икки соатдан ишлашга ижозат бердилар. У аста, боғча боласи сингари, сўл қўли билан ёзишни машқ қилди. Баъзан рафиқаси, фарзандлари унинг титроқ лабларига қўнган сўз қушларини тутиб, қоғоз қафасга солиб турдилар. Бора-бора унинг ўнг қўли хийла ишлайдиган, тилига келган баъзи бир сўзларни тушунса бўладиган бўлди. У шу таҳлитда ижод қилди: «Қуёш қораймас» романини тугатди (1957), «Олтин водийдан шабадалар» романини қайта ишлади (1958), «Улуғ йўл» романини (1965) «Нур қидириб» (1957), «Болалик» (1962), «Алишернинг болалиги» (1968) қиссаларини, «Хақгўйлар» (1952), «Даврим жароҳати» (1965), «Гули ва Навоий» (1968) дostonларини ёзиб тугаллади.

Филология фанлари бўйича илми ва мартабаси баланд бўлган адиб қанча-қанча илмий ишлар ва диссертациялар ўқиб, тақриз ва тавсияномалар ёзиб берди. 1957—1968 йиллар мобайнида эса «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаliga жамоатчилик асосида муҳаррирлик қилди.

«Мен 1958—1961 йиллари Тил ва адабиёт институтининг директори ҳамда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналнинг муҳаррир ўринбосари эдим, — деб эслайди Азиз Қаюмов. — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси, академик ёзувчи Ойбек шу журналнинг бош муҳаррири эдилар. Бу пайтда Ойбек домул-

ланинг соғлиқлари анча оғирлашган, путқлари деярли йўқолган, қўл эса ёзишга қийналар эди. Бу оғир фожияни бир тасаввур қилиб кўринг. Доно, мутафаккир бир олим, пурпестеъдод бир адибнинг қалбида одамларга, халққа муҳаббат олови барқ уради, равшан фикрида не-не катта режалар, тафаккур мевалари етилади. Лекин тил уни изҳор этолмайди, қўл уларни қоғозга туширишдан ожиз.

Шунга қарамай, устоз Ойбек Тил ва адабиёт институтига муайян бир фурсатда, ўз вақтида келар, редакция учун ажратилган хонадаги диванда ўлтириб, журнал материалларини диққат билан ўқир эдилар. Ҳаммасини кўриб улгурмасалар, уйга олиб кетар, эртасига уларни ўз мулоҳазаларини ёзган ҳолда қайтарар эдилар. Ижтимоий асосларда ишлаётган бу муҳаррир унча-мунча штатдаги муҳаррирлардан кўпроқ ишлар эди. Академик Ойбек ва Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаев ушбу журналга асос солган эдилар.

...Адабиётшунос Тўхтасин Жалолов «Ўзбек шоирларининг биринчи китобини ёзганида, Ойбекдек қудратли ва меҳрибон ҳомийга муҳтож эди. Шунинг учун ҳам у адибнинг хасталигини била туриб, юз андиша билан унинг уйига кўмак истаб борди.

Кеч куз. Изғирин шамол эсиб, ёмғир майдалаб турибди. Аммо Тўхтасин Жалоловдек қайсар, ушлаганини қўйиб юбормайдиган одам учун бу ҳаво чўт эмас эди. У Ойбек аканинг уйига бориб, қўнғироқни босди. Бемаврут ташрифнинг боисини билган уй бекаси: «Домланинг товлари йўқ-ку...» дея сўз бошлаган эди, кекса мунаққид узр сўраб, деди:

— Тоблари йўқлигини биламан, аммо у кишининг йилига биттадан китоб ёзаётганларидан ҳам огоҳман. Бинобарин, китоб ўқишлари ҳам мумкин дир, деган умид билан келувдим.

Бу сўзлар ўз таъсирини ўтказди шекилли Зарифа хоним: «Бўлмаса, бир ҳафтадан кейин хабар олинг», деб қўлёзмани олиб қолди. Мунаққид бир ҳафта эмас, икки ҳафтадан кейин борди. Ойбек ака «Ўзбек шоирлари» муаллифини инҳоятда самимий кутиб олди. Унинг гапларида, муомаласида, Тўхтасин Жалолов айтмоқчи, навозишкорлик — эркалаш, ардоқлаш сезиларди. Ойбек ака меҳмонни очиқ дастурхонга таклиф этиб, деди:

— Яхши... Жуда яхши китоб! Соз!..

Сўнг ҳар бир боб юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳмоннинг ўтқир хаёлга, нозик тил туйғусига эга эканини, тарихни пухта билишини қайд этиб: «Энди роман ёзинг», деди. Роман ёзиш учун кенг билим ва хаёлдан, тилни тирақ ҳис этишдан ташқари, яна бошқа фазилатлар ҳам керак эдики, улар, афсуски, Тўхтасин Жалоловда топилмади. Лекин у, мунаққид сифатида, адабиётшунос аллома сифатида беқиёс фазилатларга эга эди. Буни пайқаган адиб «Ўзбек шоирлари»га сўзбоши битибгина қолмай, Ёзувчилар союзига кириш учун унинг муаллифига тавсиянома ҳам ёзиб берди.

...40-йилларнинг ўрталарида ўзбек адабиётига янги авлод кириб келмоқда эди. Ана шу авлоднинг вакилларида бири — Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» дostonи Ойбекка айниқса манзур бўлди. Дostonнинг содда, меҳнаткаш, ўта миллий сифатларга эга бўлган қаҳрамони ҳам, Мирмуҳсиннинг қулолчилар сулоласида таваллуд топиб, шу ерда ҳаёт сабоқларини эгаллагани ҳам Ойбекнинг ҳаётини ва ижодий қарашларига яқин эди. Шунинг учун бўлса керак, у Мирмуҳсинга писбатан айрича меҳр кўрсатди. Уни А. А. Фадеев, Н. С. Тихонов каби совет адабиётининг забардаст арбоблари билан ташиштирди; «Уста Ғиёс» нафақат Ойбекнинг, балки уларнинг ҳам доклад ва пуқтларида совет шеърятининг ютуқларидан бири сифатида тилга олинадиган бўлди. Яна шу дostonнинг радио орқали ўқилиши, ҳатто СССР Давлат мукофотига тавсия этилишида фидокорлик кўрсатди. Ўзи Давлат мукофоти комитетининг аъзosi сифатида бу асарнинг юксак мукофот билан тақдирланиши учун кўп куч сарф этди.

...Қарийб шу йиллар матбуотида Қудрат Ҳикматнинг ҳам номи кўрина бошлади. Бу туғма шоирнинг шўх ва ўйноқи асарларини ўқиб, болалардек қувонган адиб унинг Олой бозорида хизмат қилишидан дарак топди-ю, шу заҳоти уни чақиртириб олди. Уни наشريётга ишга жойлаб, союзга қабул қилди. Илк китобларини нашр этишга бош қўшди. Бутун умри давомида ундan илтифотини аямай, моддий ва руҳий ёрдам кўрсатиб келди.

...60-йилларнинг иккинчи ярми эди... Адабиёт уммони-га янги тўлқин кириб келаётган кезлар... Абдулла Ориппининг «Дорбоз», «Тилла балиқча», «Темир одам» каби илк шеърлари эл оғзига тушган дамлар... Ойбек бу ёш ва нотаниш шоирнинг номини эшитиб, ўша йилларда бадий адабиёт наشريётининг муҳаррири бўлган Рустам Комповдан уни ҳузурига олиб келишни илтимос қилди.

«...Ўйга кираверишдаги залда, — деб эслайди ушбу унутилмас кунни Абдулла Орипов, — деворга тақаб қўйилган мўъжаз стол атрофида, устоз рўнарасида аңқайиб ўтирган ўша дақиқаларимни бир умр унутмасам керак. Рустам ака мени таништиргач, устоднинг машаққатли талаффуз билан исминини такрорлади... Шу орада Зарифа опа, «Ойбек адабиётимизнинг ўзидан кейинги қоладиган вакиллари, хусусан кенжа авлоди билан қизиқаётганини, баъзи бирларимизнинг машқларимизни ўқиганлиги, мени ҳам шу сабабдан йўқлатганини» жасур бир кайфиятда айтиб қолди. Устоз ниҳоятда тийрақлик билан, кўпчилик помдор инсонларда жуда кам учрайдиган самимият ва болаларча беғуборлик билан опанинг гапларини тасдиқ этди. Ўша кунги қисқагина суҳбат адабий ижод заҳмати ҳақида бўлди. Эсимда, Зарифа опа: «Ойбек сизларнинг ёшингизда китоб ўқишдан бошқа нарсани билмасди, Навоий, Пушкин, Гёте, Дантеларни жуда кўп мутолаа қиларди, кинога кам кирарди», — деганида бутун вужудимдан муздек тер чиқиб кетди. Мен гарчанд кино-театрларга ҳадеб кираверишни ёқтирмасам ҳам, бу ўғитда вақтингини, ёшлигинини беҳуда ўтказма, деган писандамасални илғаган эдим. Устод Ойбек бу ўғитни азбаройи таъкид билан тасдиқлади. Мен кейинчалик жуда узоқ маҳал ўша суҳбат таъсирида юрдим...»

Ойбек бу ёш, оташнафас шоирнинг қалдирғоч сатрларини тинглаб, унинг порлоқ истиқболга умид ва ишонч билдирди; унинг Ёзувчилар союзига кириши учун тавсиянома ёзиб берди.

Устоз адиб адабиётга кириб келаётган ёшлар орасида марварид доналарини ахтараётган эди.

Афсуски, унинг меҳри тушган, унинг илтифотларига мушарраф бўлган, у катта умид боғлаган айрим ниҳоллар ё ўсиб чаман гулларга буркана олмадилар ёхуд шундай ўсдиларки, шўрлик боғбон уларнинг Анчар сингари, заҳарли дарахт эканликларини жуда кеч билди.

Аммо унинг — ажойиб адиб ва инсоннинг меҳрини эмиб, унинг ўлмас асарларидан сурур ва нур олиб ўзбек адабиётига жуда кўп истеъдодли шоир ва ёзувчилар кириб келдилар ва бундан кейин ҳам кириб келадиларки, улар учун Ойбек номи муқаддас бўлиб қолаверди.

1937 йилда Москвада ўзбек адабиёти ва санъатининг биринчи декадаси бўлиб ўтган эди. Урушдан кейинги йилларда бу анъана давом эттирилди ва яхши самаралар

берди. Лекин янги тарихий давр миллий республикалар ўртасидаги адабий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш вазифасини қўйди. Даврнинг ана шу талабини ўз вақтида ҳис этган бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари 1956 йил 20 октябрда «Литературная газета» саҳифаларида янги таклиф билан чиқдилар. Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Зулфия каби пешқадам ўзбек ёзувчилари имзо қўйган бу хатда қаламкашлар ўртасидаги амалий дўстликни мустаҳкамлаш чораларидан бири сифатида қардош республикаларда миллий адабиёт ва санъат ҳафталикларини ўтказиш масаласи кўтарилган эди. Кўп ўтмай, ўзбек ёзувчиларининг истаклари рўёбга чиқиб, қардош республикаларда миллий маданиятларининг декадалари ва ҳафталиклари ўтказила бошлади.

1962 йил 15 майда Олмаота аҳолиси ўзбек адабиёти ва санъати вакилларини зўр қувонч билан қарши олди. Ўзбек маданияти арбоблари декаданинг тантавали қисми очилишидан аввал улкан қозоқ адиби Мухтор Аvezовнинг сўнгги масканини зиёрат этдилар. Қозогистон пойтахтининг этагида, ўрмонзор ичида Мухтор оғанинг қабри кўтарилган эди. Ойбек бундан роса беш йил илгари қалин дўстининг 60 йиллик шодпёналарида қатнашиш учун келган ва уни сўнгги марта қучиб, унинг нурли чеҳрасини чақноқ кўзларига муҳрлаган эди. Мана, бир йил бўлдики, қозоқ адибларининг карвонбошини йўқ. Эрта-индин унинг қабрига, шаҳар майдонига азамат адибга атаб ёдгорлик ва ҳайкал ўрнатилади. Унинг номига кўчалар, мактаблар, колхозлар, кемалар қўйилади. Бари бир, уларнинг бари жам бўлиб ҳам тирик адибнинг нафасини бера олмайди... Ойбек Собит Муқонов билан қабр ёшида турар экан, икки-уч дақиқа ичида не-не воқеаларни эслаб, не-не фикрларини хайлдан ўтказди... Кунни кеча «Мухтор оғой, дўстим, сенга саломим!» деб шеър ёзган эди у. Бугун эса дўсти унинг саломига алик ҳам ололмайди, у билан қучоқлашиб қўришини, қимиз ичиши, тонготар суҳбат қуриши у ёқда турсин...

...Орадан уч йил ўтгач, фаройиб ҳаётда бўлиб ўтган бу воқеаларни қайта идрок этиб, Ойбек бундай хайёмона рубоий ёзди:

Донолар ўтдилар — сафари узоқ,
Қуёшдай ботдилар — манзили тупроқ.
Кетамиз бизлар ҳам навбатма-навбат,
Майли, майдан қўйинг, дўстларим, кўпроқ.

Бу рубой ёзилган кезларда ўзбек адабиётининг икки азамат чинори — Ғафур Ғулом билан Абдулла Ғаҳҳор ҳали барҳаёт эдилар. Шунинг учун ҳам бу мисралардан улар вафоти муносабати билан Ойбек чеккан мусибатнинг акс-садосини ахтариш ўринли эмас. Ушбу рубой ёзилган 1965 йилда Ойбек олтинчи ёшга тўлиши баҳонаси билан ўзининг мураккаб ҳаёт йўлини мушоҳада этишда давом этиб, халқнинг не-не пурвиқор фарзандларини кўз олдидан ўтказди. Ойбек кўз ўнгидан қуёшдай ботган доноларнинг бири эса Мухтор Авезов эди.

«Сукунат. Бир неча дақиқалик сукунат она тупроқнинг ўзидай вазмин ва пурҳикмат эди. Устоз Ойбек дўппи тагидан тошиб, чаккаларига тушган жингалак соч бошини қуйи солиб, мрамарга тикилганича жимиб қолган эди. У ҳозир қалин дўстини эсламоқда эди», деб ёзади ўша дақиқалар ҳақида Миртемир...

Ана шу лаҳзадаги ўй ва кечинмаларнинг бояги рубойнинг ёзилишига туртки берганлиги эҳтимолдан ҳоли бўлмаса керак.

Декаданинг тантанали очилиш кечасидан кейин унинг иштирокчилари қардош республиканинг областларига, қушлар каби гала-гала бўлиб, учиб кетдилар. Аммо она қушнинг учishi мумкин эмас эди. У, кекса ва хаста қуш, Собит Муқоновнинг паноҳида қолди.

Собит оға декаданинг очилиш тантаналари тугагач, ўзбек дўстига шаҳарнинг зиёратгоҳ жойлар, яқин совхоз далалари, янги Олмаота қурилишини кўрсатиб, унинг қулфи дилини очишга уринди. Эртасига эса икки дўст оғанинг «ЗИМ»га ўтириб, ўн олти чақирим баландликдаги тоққа йўл олдилар.

Икки соҳили дарахтлар билан ихота қилинган яшил йўл эгри-бугри чизиқлар чизиб, юксакликка даядил интилган эди. Қора тулпор таниш йўл узра учиб, баландликдаги, дов-дарахтларнинг зилол денгизи ўртасига жойлашган майдонга қўнди. Бу мамлакатнинг спорт мусобақалари ўтувчи энг машҳур манзилларидан бири Медео эди. Унинг номи аслида Медев бўлиб, бу ерда яшаган бир бойнинг шаънига шундай аталган эди.

— Медев дегани қувват дегани-ғўй, — тушунтирди Собит оға.

— Ҳа, мадад!.. Мадор... — деди Ойбек «медев» сўзининг ўзбекча шакли билан яқин эканидан қувониб.

— Энди ўн газеттер «Медео» деп жазин жатир, —

дея ога мириқиб кулди ва давом этди. — Сўрли Медев...
Молининг эсеби бўлмаган. Қўйи кўп бўлган...

Ойбекнинг нигоҳи рўбарўдаги тоғ этакларидан сирғалиб, пастликда оқаятган сойнинг кумуш камарига тушар экан, арчазор орасида ҳамда бутун сой бўйлаб Медевининг ҳисобсиз қўйлари каби тизилиб ётган тошларга тушди. Ўз тасаввурининг шўх ўйинидан қувонган адиб пастдаги тошларни кўрсатиб:

— Ана... қўйлар! — деди.

Қутилмаган ўхшатшидан ога ҳам қувониб кетди.

— Медевин қўйдери! — жавоб қайтарди у.

Ога-ни сой бўйига тушидилар-да, сув оқими билан аста юрдилар. Тоғ чўққиларидан келаётган муздек сув тошдан-тошга урилиб, тушиб-яйраб оқар, юза ва тиниқ сой тагидаги тошлар худди катта-кичик тапгалардек ярқираб турар эди... Одатда Ойбек сиҳат-саломатлиги яхши пайтларда, бирор денгиз ё сой бағрига истироҳат учун борар экан, зилол сув тагидан раиғ-бараиғ майда тошларни териб чиқар, уларни ғаройиб шакл-шамойилига қараб ажратар, сўнг энг сараларини худди маржон учун тергандек тўплаб, уларни қизи Гулрангга олиб қайтарди... Мана энди у — хаста ва кекса адиб — сой эмас, гўё турли-туман хотиралар уммони бўйлаб бормоқда. Ана, каттароқ тошлар билан ўралган бир жойда сув, бамсоли йўлдан адашган кишидек, бир жойнинг ўзида қайта-қайта айланиб, ниҳоят, бу жажжи ҳовузчани тўлдиргач, аранг ситилиб чиқиб, сойга қўшилиб кетмоқда. Адиб бу кичик ўрамага тикилар экан, унинг хаёли ва нигоҳи ҳам сув билан ҳалқаланиб, олис йиллар қаърига чўкиб кетди.

...1950 йилнинг кеч кузи. Ойбек Покистон сафаридан кейин янги ижодий ниятларини рўёбга чиқариш нстаги билан Сочидаги Ижод уйида ҳордиқ олаётган кезлар. Ноябрьнинг охирилари яқинлашиб қолганига қарамай, Қора денгиз бўйларида баҳмалдек майин ҳаво мавжланиб турарди. Адиб денгиз бўйларида сайр этиб, оиласини, фарзандларини, болалигини, болалик кезларидаги ўйинларни эслади. Ўша олис даврда ўғил болалар чиллак, ошиқ, ёнғоқ ўйнасалар, қизалоқларнинг севган ўйинлари сополак эди. Адиб денгиз соҳилларида сочилиб ётган хилма-хил маржон-маржон тошларни териб, қизига олиб бориш учун ўзи яшаётган хонага элтиб қўйди. Сўнг Гулрангга бағишлаб «Денгиз бўйида хаёлларим» шеърининг иккинчи қисмини ёзди:

Денгизга йўл бурамен,
Қирғоқ бўйлаб юрамен,
Сенга хил-хил тошлар териб,
Мудом хаёл сурамен:

Улуғбекнинг отаси,
Навоийнинг опаси
Тош ўйнашган. Сополак —
Қадимгининг мероси.

Қизим бор — кўнглимда ёз,
Куйлайди қўлимда соз.
Денгизни, қуёшни ҳам
Унга бағишласам оз!

Ўша Ёора денгиз бўйларида Ойбек терган тошлар ҳозир унинг уй-музейида, мўъжаз бир қутичада сақланади. Олис аждодларга замондош бўлган бу тошлар Ойбекка Улуғбеклар, Навоийлар, Бобурларни эслатгани учун азиз эди. Ҳозир эса улар боболар яшаган юртнинг ҳар бир тошини, ҳар бир сиқим тупроғини ардоқлаган адибдан хотира ўлароқ қимматга эгадир...

Ойбек Олатоғ чўққиларидан оқиб келаётган сойни кўздан кечирар экан, бирдан болалардек қувониб, қий-қириб юборди:

— Ҳўв... зўр... тош!..

Хийла нарида, сой ўртасида, асрлар давомида тоғ сувларининг меҳри ва меҳнати билан сайқалланган улкан тош ётар эди. Гўё узоқ йўлни босиб ўтган карвон сой ўртасига келиб, зилол кенглик бағрида ҳордиқ олган ва гўзал табнат майидан сархуш бўлиб, ширин уйқуга толган эди. Бу юмалоқ тош шу қадар ғаройиб ва жозибали эдики, бу сой бўйлаб неча бор инёда кезган Собит оға қандай қилиб шу вақтга қадар унга эътибор бермаганидан таажжубда эди. Икки адиб бенхтиёр сойга тушиб, ўша тош қошига қандай етиб қолганларини билмай қолдилар. Ойбек ўз ҳайратини қандай ифодалашни билмай, қафтлари билан, худди тирик тулпорни силагандек, тошни «ҳа-а... ҳа-а...» деб силай бошлади. Собит Муқонов эса гоҳ тошнинг ажойиб салобатини, гоҳ дўстининг ундан ҳам ғаройиб ҳолатини кўриб, беҳад завқланди. Хаёли бениҳоя кенг, қалби бениҳоя пок ва юмшоқ одамгина бу тошни кўриб, Ойбекдек ҳаяжонга тушиши мумкин эди.

Ойбек дадасининг исми Тошмуҳаммад эди. Лекин уни Тош деб чақирар эдилар. Ким билади, балки Ойбек ўша тошни кўриб, қайсидир дўнгликнинг тағида ётган дадасини эсладими?..

У ҳануз «ҳа-а... ҳа-а...» деб одам бўйи келадиган тош-ни силаб-сийпаларди. Адиб ҳам қарийб ана шу тошдек забонсиз эди. Нотанти табиат бу икки жошли ва жонсиз салобатни — тош ва Тошнинг фарзандиши, гарчанд тур-ли даражада бўлса-да, тилдан камситганди...

Собит оға ўзбек адабиётининг тошга парвона бўлганини кўриб:

— Ай, Муса, сўл тасди мен саған сийладим, ол! — деди.

Ойбек олтин мавжлар билан тўлқин отган денгизни ва денгиз бағрига чўкаётган қуёшнинг олтин тошини қизи Гулранга совға қилмоқчи бўлган эди. Оға эса, унга бу ғаройиб тошни ҳада этди. Адиб бу тортиқдан яна қувониб, «Ях... яхши! Зўр!..» деди-да, яна тошни шапатлаб қўйди.

Бир неча кундан сўнг Ойбек ўз юртига жўнади. Аммо совға қилинган тош Собит оғанинг хотирасидан кетмади. Агар иложи бўлса, бу улкан тошни ўзбек дўсти ортидан Тошкентга жўнатган бўларди. Аммо бир тасодифий учрашув унинг жошига оро кирди.

...Ўша кун Қозоғистон Ёзувчилар союзининг фойе-сида бир неча ёш ёзувчи мармар тахта олдида уймалашиб турган эди. Бу мармар тахтага Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ёзувчиларнинг исм-шарифлари ўйиб ёзилган эди. Собит оғанинг нигоҳи мармар тахтадаги ёзув-ларга тушиши билан уни безовта қилиб юрган фикрлар яна оловланди. У дарҳол бу ўйма ёзув устасини топди-риб, уни Медев сойидаги ўша тош олдига олиб борди. Ўша кунгек бу ҳайбатли тош устида қуйидаги ўчмас сўзлар пайдо бўлди:

«Бул жумир тасди бовурим Муса Айбекке сийга тартам. Собит Мукан ули. З. VI. 1962 жыл».

Бу буюк ўзбек адаби Ойбек шаънига ўрнатилган би-ринчи ёдгорлик эди.

Орадан бир неча йил ўтгач, Олмаота катта хавф ост-тида қолди. Тоққа ёққан сел шу қадар кучли бўлдики, унинг жиповсиз ғалаёни шаҳарни ювиб кетиши аён бў-либ қолди. Бу даҳшатли хавфни бартараф этиш учун Медевдаги ўша сойнинг икки тарафини портлатиб, сел-нинг йўлини тўсиш зарур бўлиб қолди. Ушбу жангда бояги тош ҳам, мард жангчидек, ўз кўкрагини қалқон қилди.

Борди-ю, бир мавриди келиб, бугун ер остида кўмилиб ётган ўша тош яна ер юзини ихтиёр этса, авлодлар, Урхун-Енисей ёзувларини топгандек, қувонишлари аниқ. Зеро, бу тошда икки машҳур адибнинг ўлмас помларигина эмас, балки икки қардош ва қондош халқ ўртасидаги дўстлик ҳам ўз мухрини тошган.

Истайманки, эртагини тугатсин баҳши,
Наққош ўйсин гунафшани шинам бинога!
«Хўш, тинчликми?» сўроғига дўст десин: «Яхши!»
Самарқандда қизлар борсип оқшом кинога.
Истайманки, Ойбек ёзсин янги бир роман,
Бўз ерларда ушиб чиқсин бошоқ ва ўрмон.

Мақсуд Шайхзоданинг самимий қалб истаклари билан йўғрилган бу сатрлар Ойбек таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан туғилган эди. Мана, орадан ўн йил ҳам ўтди. Ойбек бир эмас, бир қапча роман ва қиссалар, дoston, ва шеърлар ёзди. Ўзбек адабиётида унинг жўшқин илҳомидан унган чечаклар чаманзори пайдо бўлди. Бу ажиб чаманзор йилдан-йилга янги-янги анвоий гуллар ҳисобига бойиди ва гўзалланди.

1965 йилда Ойбек туғилганига 60 йил, ижодий фаолиятига 40 йил тўлди. Адиб бу қутлуғ санани ижод булоғи қайнаб ва жўшиб турган бир пайтда кутиб олди.

«Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, — ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади, — деган эди Абдулла Қаҳҳор. — Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолиятининг бир лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказгани йўқ. Ойбек бу жиҳатдан ҳам ҳозирги ва келажак адабий авлод қаршисида устод бўлиб гавдаланади»..

Фотографлар одатда табаррук ёшга кирган кишини барча фарзандлари, невара ва эваралари даврасида суратга олишни севадилар. Ёзувчининг фарзандлари унинг хаёлида туғилган, унинг истеъдодидан нур эмиб ўсган, сўнг кишиларнинг, жамиятнинг руҳий ҳаётида фаол яшай бошлаган қаҳрамонлардир. Агарда Ойбекни унинг қаҳрамонлари даврасида суратга олиш имкони бўлса, бу жуда ҳам ажойиб манзара бўлур эди! Агарда Ойбекнинг 60 йиллигига бағишланган таътанали тўй ҳайъатига унинг қуёшли қаламидан туғилган қаҳрамонларни йиғиш имкони бўлса, адибнинг ували-жували боболардек нақадар пири-бадавлат бўлгани маълум ва машҳур бўларди! Аммо ижод аҳли шу билан ўз тақдиридан мамнун

бўлиши мумкинки, улар яратган қаҳрамонлар китобхонлар қалбда яшайди.

«Сизнинг муборак қаламингиздан жон олган Йўлчи, Гулнор, Дилбар, Йўра, Навоий, Султонмурод, Бектемир, Алитажанг, Холхўжа, Ўктам, Компла, Аҳмад каби қаҳрамонларни, — деб мурожаат этган эди адибга 60 йилларнинг машҳур механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов, — гўё ўз нафасдошимдек ҳис қиламан, улар билан фикран суҳбатлашаман, баҳслашаман. Бундай сеҳргар қаҳрамонларнинг мени бир умрга ўзларига мафтун этган ва улар доимо менинг кўнглимда яшайдилар».

Қаҳрамонлари доимо китобхоннинг кўнглида яшовчи ёзувчилар кўп бўлмайди. Аксар қаҳрамонлар, одамлар каби, маълум бир умрни яшаб, сўнг унут бўладилар. Лекин Ойбекнинг энг машҳур қаҳрамонлари, унинг ўзи каби ўлмасдир.

1965 йил 24 сентябрда республика жамоатчилиги Санъат саройида устод адиб туғилган куннинг 60 йиллигини зўр тантана билан нишонлади. Ойбек «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони ва Ленин ордени билан тақдирланди. Қардош халқлар адабиётининг намояндалари, қаламкаш дўстлар, ишчи ва колхозчилар, сеvimли адибни самимий муборакбод этдилар.

Бу ҳаётнинг ўз мезонлари ва сомон йўллари бўлишига, қарамай, баъзан унинг қаъридаги сирларни тушунолмайсан киши. Одамларни, баъзан замон оқимини ҳам... Бировга чоқ қазувчи хунрезларни, баъзан яхши инсонларни ҳам... Хайём қиёфасидаги шоир ўзи ечиб улгурмаган жумбоқларни ёш авлодга ҳавола қилади. Уни ҳақиқат дастурини топиш учун илм-фан сирларини, кинот сирларини ўрганишга чорлайди:

Табиат тилсини туби йўқ, беҳад,
Ўғлим, илм ўрган, емирур ҳар сад,
О, умр калтадир, нақ қуш уйқуси,
Ҳақиқат дастурин топ, қолсин зар хат.

Шоир бундай мисралар орқали ёш авлодга ҳаётнинг мураккаблиги, зиддиятларга сероблиги ҳақида, ҳаёт сирлари ҳақида сабоқ беради, уни умрининг, вақтнинг, ёшликнинг қадрига етишга, илм-фан негизларини ўрганишга даъват этади.

Ойбек шу даврда ёзган бошқа лирик шеърларида ўзини Хайёмдек файласуф шоир эмас, балки табиат ва

нафосатнинг ошиғи сифатида намойиш этди. Ҳаёт ташвишларини, кўҳна дунё жумбоқларини ўйлайвериб чарчаган шоир ёр ва баҳор нашъасини тотини, шароб ва офтоб ҳароратини симирини, яшаш завқини, яшаш сурурини, яшаш сурудини туйишга интилди.

Маҳбубам келди, қомати пишол
Либоси мовий, гўёки зилол.
Узиммас бир он тотли хуш суҳбат,
Қамон кўйлари... Тун, биз ва ҳилол.

Мана, ҳаёт ишқи билан тўла сатрлар. Бундай сатрларда маҳбуба улуғланадими, май тўла қадаҳлар кўтариладими, ойнинг фусункор мавжлари олтинланадими, улар реал ҳаётнинг шартли белгилари сифатида, тимсоллари сифатида намоён бўлади.

Шоир лирик замзамаларининг бирида «Мен ишқнинг, кўиларнинг Мажнуни», деб таништиради ўзини ва бундай ёзади:

Шуълалар қуюлур тоғдан — шалола,
Қоялар ясланган — қадим, бурушиқ,
Булутдан соялар ўрмалар қирда,
Арчалар, бодомлар гўзал, қоришиқ.

Туманлар оҳиста судралур настга,
Шарқираб ях сувлар келур ўзанда.
Мен ширин булоқлар, чашмалардан маст,
Тинглаймен ғазаллар ҳаёт ишқидан.

Ойбек тоғлардан оқаятган кумуш шалолалардангина эмас, балки ҳаёт бўстониинг ҳар бир япроғидан таралаётган қўшиқларни тинглаш санъатини эгаллаган эди. У ҳаёт деб аталмиш бепоён баҳрни ғаввос ўлароқ кезиб, унинг қаъридаги ғавҳар доналарини бирма-бир терди-да, уларни ўз ижодига — шеърий ва насрий асарларига сочиб юборди.

Ишқилоб қуёши Ойбекнинг бутун ҳаёти ва ижодига саҳий ёғдуларини ёғдириб туради. Ойбек ўзининг адиб бўлиб камол топиши, ўз халқининг иктымий ва маданий тараққиётини ишқилобсиз тасаввур этмайди. Шунинг учун халқ ҳаётининг ана шу муҳим нуқтаси унинг ижодида — ҳам шеърий, ҳам насрий полотноларида ўзининг ёрқин инъикосини топди. Шу маънода «Қўтлуғ қон» романи адиб ижодида мислсиз ўрнини эгаллади.

«Қутлуғ қон» романи пайдо бўлибдиги, китобхонларнинг ҳар бир авлоди ёзувчидан асарнинг иккинчи китобини ёзишни илтимос қилиб келган. Аслида, бундай таклиф романининг 1941 йил февралда бўлиб ўтган муҳокамасидаёқ билдирилган эди. Муҳокамада сўзга чиққан Ҳамид Олимжон ҳам, Шайхзода ҳам, таржимон Ивашев ҳам муаллифга асарни давом эттиришни маслаҳат қилган эдилар. Ингилишда бу масала юзасидан бир амас, икки марта сўзга чиққан Иззат Султоп эса бундай деган эди: «Бугун бўлиб ўтган муҳокамадан чиқадиган хулосалардан бири шуки, романи давом эттириш керак, ўзбек халқининг кейинги курашини, унинг озодликка ва бахтли ҳаётга эришувини кўрсатиш учун ҳам асарни давом эттириш керак. Буни ўртоқ Ойбек тасвирлайдим ё бошқа бир ёзувчи қаламга оладими, буни ҳаёт кўрсатади».

Ойбек узоқ йилларгача романининг иккинчи қисмини ёзиш масаласига салбий муносабатда бўлди. Унинг фикрига кўра, тугал бир асарни давом эттириш ҳеч қачон ҳеч кимни яхши натижага олиб келмаган. Шунинг учун ҳам у асар қаҳрамонларининг кейинги тақдирини кузатиш ниятидан узоқда бўлган.

Аmmo адиб янги, 1956 йил режалари билан ўртоқлар шар экан, ёзади: «Тобим йўқ. Лекин оз-моз ишлаб бўлса ҳам 1955 йилда Покистон ҳаётига оид повестни ёзиб татомладим. Энди Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва граждандар уруши ҳақида бир роман ёзмоқчиман. Бу ниҳоят мушкул иш, чунки бу мураккаб даврни яхши ва тўғри ифодалаш учун кўп тарихий материаллар устида узоқ ишлаш лозим. Кўндан бери шу орзум бор эди, бу йил шунинг устида оз-моз уринмоқчиман». Шу йили ёзган бошқа бир лавҳасида эса бу романининг Москвада ўтказиладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тортиқ бўлажagini айтади.

Ойбек гарчанд бирор жойда бу асарни «Қутлуғ қон»нинг давоми деб айтмаган бўлса-да, у машҳур романининг иккинчи китоби бўлиб, «Улуғ йўл» деб аталар эди. Адиб бу роман устида 1956—1965 йиллар давомида иш олиб борди ва уни Октябрь инқилобининг 50 йиллигига ҳадя этди. «Улуғ йўл» устидаги ўн йиллик ижодий иш ҳали якулашмай туриб, у янги ижодий режалар сурури билан яшади.

Адиб 1964 йилда ўз ижодий ниятлари ҳақида оғиз очиб, ёзди: «Янги йилда яна нималар билан шуғуллана-

ман? Буни ҳозирча айтиш қийин. Шуниси аниқки, «Улуғ йўл» янги йилда менинг ягона ишим бўлмайди».

Ойбек шу йилларда қайнаб ижод этди. У ҳали бир асарни тугатиб улгурмай, иккинчи ва учинчи асарнинг гоёси билан «чангланиб» юрди. Адибнинг уйига 1965 йилда ташриф буюрган Тошкент Давлат университети бир гуруҳ домлаларининг шаҳодат беришича, у ўша кезларда Бухоро инқилобига оид асар устида иш олиб бораётган эди.

Адибнинг 1968 йилга оид қоғозлари орасида бундай ёзув ҳам бор: «Навойининг болалиги» қиссасини ва «Бобур» достонини тугатиб, эҳтимол, Бухоронинг 1910—1920 йиллар даври ҳақида бир роман ёзсам, дейман. Шу орзула керакли материаллар тўплашга киришдим».

Ойбек 1968 йил 23 апрелда Бухоро амири яшаган, унинг даҳшатли қилмишларига гувоҳ бўлган жойлар ва кишилар билан танишини ниятида сўнгги ижодий сафарга чиқди.

Адиб Бухорода сўнгги марта 1944 йилда бўлган эди. Шундан бери бу кўҳна шаҳарда не-не ўзгаришлар бўлмади. Шаҳардан икки соатлик йўлда эса буюк Навоий номи билан аталган янги шаҳар бунёд этилди. Лекин жаҳон халқлари тарихидаги энг ваҳший ҳукмдорлардан бири — Бухоро амирининг мислсиз зулми ва шафқатсизлигини ўз кўзлари билан кўрган кишилар, бу мислсиз даҳшатнинг гувоҳи бўлган зиндон ва майдонлар ҳали ҳаёт саҳифаларидан кетмаган эди.

Бухоро амирлигининг байроғи бинафша рангда бўлиб, унда ой, икки юлдуз ва беш панжанинг расми тасвирланган экан. Бухоро амирларининг бу байроқдаги беш панжалари минглаб бегуноҳ кишиларнинг қони билан булганган эди.

Халқнинг ваҳшиёна зулмга қарши бош кўтариб, амирлик тузумини таг-томири билан агдариб ташлаши учун Октябрь инқилобининг рўй бериши зарур бўлди. Бухоро аҳолиси 1920 йилга келибгина большевиклар ёрдамида инқилоб машъалини ёқдилар.

Ойбек амир зулмининг тилсиз гувоҳи бўлган тарихий жойларни кўриб, Бухоро инқилобининг барҳаёт иштирокчилари билан суҳбатлашар экан, бўлажак асар воқеалари унинг хаёлида аста нурлана бошлади. Бухоро инқилобига дахлдор тарихий фактлар, ҳужжатлар ва хотиралар билан танишув ижодкор хаёлига янги-янги туртки берди.

Ижодий сафар чоғида адибга ҳамроҳ бўлган Зулфия ўзининг «Қуёшли қалам» достонида ушбу жараёни ниҳоятда ёрқин тасвирлаб берган эди.

Ойбек амир зулмини ўз елкасида шу қадар даҳшатли бир тарзда ҳис этган кишилар тақдир орқали Бухорода пиқилоб оловининг аланга олишини кўрсатмоқчи эди. Афсуски, адиб бу сўнгги романиниг ақалли дастлабки саҳифасини ёзишга ҳам улгурмади. Ўйлаймизки, Бухоро пиқилобининг сардорларидан бири Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва кураши романиниг гоёвий марказини ташкил этган бўларди.

«Улуғ йўл» романини «Қутлуғ қон»нинг том маънодаги давоми сифатида қараш у қадар тўғри бўлмаслиги мумкин. Зероки, ҳақиқий дилогия жанрининг талабларига биноан бу иккала асарда муштарак қаҳрамонлар ҳаракат этиши, воқеалар тасвири эса муштарак услубга бўйсуниши керак.

Бухоро пиқилобининг тасвирлашга бағишланган асар, Ойбек тасавурида, «Қутлуғ қон» ва «Улуғ йўл» романи билан бирга, шартли равишда, адибнинг пиқилобий трилогиясини ташкил этиши лозим эди.

Адиб янги-янги ижодий ишлар билан яшаб, булоқдай қайнаб ишлаётган бир пайтда ўлимнинг даҳшатли сояси унинг атрофида кезиб юрар эди. 1968 йил 1 июлда ўзбек адабиётининг бу азим чинори қутилмаганда қулаб тушди. Унинг қалбини, чақноқ кўзларини, бутун вужудини тўлдирган пилҳом дарёси тинди. Ўзбек халқи буюк фарзандларининг биридан жудо бўлди.

Шу куни пойтахт меҳнаткашлари — Ойбекни шахсан кўрган, унинг саҳий қалбидан баҳраманд бўлган, унинг асарларини ўқиб, яшаш ва ишлаш учун мадад олган кишилар Олий Совет биниси сари, буюк инсон ва адиб билан видолашиш учун оқиб келдилар. Бутун республика оғир мусибатга учради.

Тибнинг казо-казо кекса ва ёши
Жонига жонларни қилдилар пайвад.
Ўлим-ўлим экан, бераҳм тоши
Энг айёр жаллоддай унсиз берди павд.

У ҳатто ажал-ла қилмади талаш,
Аршидан қулади учқур пилҳом.
Гарчанд ҳақиқи эди яшаш ва яшаш,
Гарчанд қалба тигиз умиди, коми.

Ҳеч қачон, ҳеч нарса талашмади у,
Ҳаёт неъматидан беҳад бахтиёр,
Қалб ундаган йўлдан адашмади у,
Бир дилни ранжитиб бермади озор.

Беозор йиқилди, кирди сукутга,
Мия, юрак, қонда абадий уйқу.
Қандай сизди экан совуқ тобутга
Шунча терап, қайноқ хаёл ва туйғу?

Ётибди, яшариб, яна улғайиб,
Беҳад азиз неча соатли меҳмон.
Эвоҳ! Қалбдан узиб, куйиб, ўртаниб
Нечун топширилар тупроққа инсон?

Ўлим вужудига солган музлардан
Қулгандай ҳаётга, демай алвидо,
Қатта меҳнатдан сўнг бир дам мизган —
Сингари безавол тинч эди сиймо...

Ёзилажак роман, айтилажак сўз
Жаранглаб боқарди доно манглайдан.
Фикр тигизликдан таранглашган юз
Сўзловчи сукутни олди қайлардан?..

Улкан адибнинг ўлими Зулфиянинг «Қуёшли қалам»
дostonида шундай тасвир этилди.

Шу кун Ойбекнинг жасадини Форобий қабристонидан
абадий ором олаётган дўстлари — Ғафур Ғулом, Абдулла
Қаҳҳор ва Мақсуд Шайхзода ёнига дафн этдилар.

Марҳум адибнинг ёстиғи тағидан, унинг авлодларга
васияти ўлароқ, саккиз сатрли шеър битилган бир қоғоз
чиққан. Бу, Ойбекнинг сўнгги шеъри бўлиб, унда момо-
гулдирак, яшн ва ёмғирдан кейинги манзара тасвир эти-
лади. Ҳали сайқал олмай қолган шеърда бундай сатр-
лар оловланиб туради:

...Самонинг ярмига тушар камалак,
Нақадар ижодкор, серзавқ табиат!
Нашъа ва сурурга тўла бу фалак,
Не деган нарса бу — ҳасрат ва кулфат!

Ойбек гўё бу шеър билан нашъа ва сурурга тўла бу
замон ва маконда ҳар қандай ҳасрат ва кулфат ҳам ҳеч
гап эмас, бинобарин, менинг кетишимдан ҳам изтироб
чекманг, демоқчидек туюлади бизга... Аммо Ойбекдек ўз
халқининг дарди билан яшаган, унинг ижтимоий ва ма-
даный юксалиши учун соғ ҳолида ҳам, хаста ҳолида ҳам
мардона курашган, ўз ҳаётини, истеъдодини, илҳомини

Катта талант эгаси Ойбекда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хислатлари билан халқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди», — деган эди Абдулла Ғаффор.

Одатда бирор истеъдод соҳиби туғилганида, уни юлдузга қиёс этадилар. Ойбек ўзбек совет адабиёти осмонида ой бўлиб туғилди; у қирқ йилдан зиёд давом этган ижоди билан кишилар қалбини, ой сингари, ўзининг ҳаётбахш зиёси билан ёритди.

Дошимадларнинг айтишича, буюклик ва эзулик бошқа-бошқа хилқатларда яшайди. Буюк сиймолар қалбида саховат ғунчалари ниш урмаслиги, саховат дарёси жўш урган кишилар эса буюклик водийсидан олисда яшашлари мумкин. Аммо ноёб кишиларгина бу икки буюк фазилатни ўзларида мужассамлаштира оладилар. Ойбек ана шундай камёб сиймолардан эди.

...Уруш кезлари. Очлик ва муҳтожлик ҳар бир хонадон эшигини чертаётган йиллар.

Ойбек қайсидир асарни учун қалам ҳақи олганини эшитиб, Зарифа хоним уйга палос кераклигини айтади. Эртасига палос харид этиш ниятида адиб Эскишаҳар бозорига йўл олади. Ким муҳтожликдан сўнгги арзирли нарсасини бозорга элтган, ким уни арзон-гаров олиб, мўмайгина пулга қайта сотган... Ойбек гилам бозорини айланар экан, совуқдан типирчилаб турган бир мушфиқ ва бечора аёлга кўзи тушади. У ўртасига чўғ тегиб, хийла куйган, лекин ҳар қалай бир кор-қолга ярайдиган шолчани сотиб турар эди. Ойбек унинг қошига бориб, шолчанинг нархини сўради.

— Қайдам, ўзингиз биласиз, — жавоб берди аёл қимтиниб. — Эримдан ёдгорлик эди... На илож?.. Болалар оч қолди...

Аёлнинг кўзига шашқатор ёш келди. Унинг сўзлари ва кўзёшларидан таъсирланган адиб ўзини бир қадар босиб олиб, сўради:

— Ҳар қалай, шолчани сиз сотяпсиз... Муддаонингизни айтнинг...

Аёл шолчага нарх қўйишга ботинмай, харидорнинг қистови билан ахийри бир баҳонни айтди. Ойбек бир нечта шапалоқдай қоғоз пулларни санаб, аёлга берар экан, деди:

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, бундай катта шолчани шу ҳолда олиб кетиб бўлмайди. Ураш, бойлаш керак.

Сиз шолчага қараб турсангиз, мен тезда бирор нарса топиб, эвини қилсам...

Ойбек шу сўзлар билан ўзини гавжум одамлар орасига уриб аёлнинг кўзидап ғойиб бўлди.

...40-йилларнинг адоғи. Ойбек рафиқаси билан Москвага бориб, марказий меҳмонхонага тушган, уч-тўрт кундан кейин эса ёзувчиларнинг Переделкинодаги Ижод уйига бориб ишлашни мўлжаллаган эди. Адиб меҳмонхонада ҳордиқ олар экан, ўша йилларда танилган ўзбек таржимонларидан бири уни йўқлаб, келиб қолади. Ҳол-аҳвол сўрашгач, таржимон муддаога кўчиб, адибдан қарз сўрайди. Ойбек рафиқасига мурожаат этиб: «Ортиқча пулнинг бўлса, бериб юбора қол! деб илтимос қилади. Зарифа хоним меҳмоннинг ҳожатини чиқаргач, у тез орада қарзини узажагини айтиб, сахий мезбонлар билан хайрлашади.

Меҳмон хонадан чиқиши билан Ойбек қаҳқаҳа отиб кулади.

— Ҳа, нима бўлди? Нега куляисиз? — қизиқсинади Зарифа хоним.

— Бермайди! — дейди адиб.

— Ким? Нимани?

— Ҳалиги... қарзини... — ҳамон қаҳқаҳа отади Ойбек.

— Ундай бўлса, нега қарз бердингиз?

— Мени кўп алдаган, сени ҳам бир алдасин, дедим.

Ойбекона қаҳқаҳа узоқ давом этади.

...1966 йилнинг кузи. Зилзиладан шикаст кўрган шаҳар қайта тикланмоқда. Ким янги, кўп қаватли уйга кўчиш, ким участка қуриб битказиш тараддудида.

Ер олиб, участка қура бошлаган шаҳарликлардан бири янги уйнинг деворларини кўтариб қўйгану, устини ёпишга қўли калталиқ қилган. Ҳадемай ёғингарчилик бошланажаги сабабли участкани ёпиб олиш чорасини қидиради. Лекин... ўзингда йўқ — оламда йўқ. Таниш-билишларнинг бошида ҳам шу савдо. Ёмғир, қор бошланса, болаларнинг ҳоли не кечади?..

Ҳалиги киши ўйлаган ўйнинг тагига етолмай, қариндош-уруғларининг оstonасини ялаб юра-юра, Кисловодск кўчасидаги Ойбек хонадонининг ёпидан чиқиб қолади. Сўнг минг хаёл билан эшикдан кирди. Адиб ҳовлида ёлғиз ўзи ишлаб ўтирган экан. Меҳмон салом-алиқдан кейин дардини очади.

Адиб нотаниш одамнинг гапларини эшитиб: «Мавави

уйга киришг. Фалон томонда жавон бор. Жавоннинг фалон тавақасини очсангиз, тортма ичида бир даста пул турибди. Олиб чиқинг», дейди.

Меҳмон пулни олиб чиққач, Ойбек санаб ҳам ўтирмай, уни меҳмоннинг қўлига тутқзади. Меҳмон тез орада участканинг устини ёпиб, болалар билан янги уйга кўчиб киради. Сўнг керакли миқдордаги сармойани жамгариб, яна адибнинг ҳузурига келади.

— Раҳмат, Ойбек ака. Менга ҳам, фарзадларимга ҳам оталик қилдингиз. Асло кам бўлмашг, барака тошинг, — дейди у ва пулни қайтаради.

— Йўқ, йўқ, — дейди адиб рағжиб. — Олмаймаш. Бу пулни мен сизга чин кўнглимдан берганман. Пулни олиб кетиб, уйга жиҳоз, жианларимга кийим-боши олишг.

Орадан бир-икки йил ўтиб, Ойбек оламдан ўтганда, ўша хонадонга ҳам улкан мотам булути чўкади...

Бундай ривоятга айланган воқеалар сахий қалб соҳиб-би Ойбекнинг муборак помини, унинг афсонавий ҳаётини Суҳайл сайёрасининг олтин ҳалқаларидек ўраб туради.

Ривоят ва афсоналар эса улуғ ва табаррук инсонлар атрофида, афсонавий сиймолар теграсида туғилади.

Афсонага айланган ҳаёт деганлари аслида мана шу!

ОЙБЕК ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1905 йил 10 январь — Мусомуҳаммад Тошмуҳаммад ўғли Ойбек Тошкентда ўртаҳол ҳунарманд — тўқувчи оиласида дунёга келади.

1911-1917 йиллар — Ойбек эски усулдаги мактабда таҳсил олади.

1918-1921 йиллар — Ойбек Намуна номли бошланғич совет мактабида таҳсил олади.

1921-1925 йиллар — Ойбек Навоий номидаги таълим ва тарбия техникумида ўқишни давом эттиради.

1921-1922 йиллар — Ойбекнинг шеърятга ҳаваси уйғониб, техникумнинг «Тонг юлдузи» номли деворий газетасида «Қиш» сарлавҳали биринчи шеърини эълон қилади.

1922 йил — «Армуғон» журнаlining 1-сонида Ойбекнинг бизгача етиб келган биринчи шеъри — «Чолғу товуши» эълон этилади.

1925 йил, 15 сентябрь — Ойбек Ўрта Осиё Давлат университети ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимига ўқишга киради.

1926 йил — Ойбекнинг «Туйгулар» номли биринчи шеърлар тўплами босилиб чиқади.

1927-1929 йиллар — Ойбек Ленинграддаги Плеханов номли Халқ хўжалиги институтида ўқишни давом эттира бошлайди.

1927-1929 йиллар — Ойбек ўқишдан ташқари вақтларда Ленинграддаги Жонли Шарқ тиллари институтида ўзбек тилидан дарс беради.

1929 йил — Ойбекнинг «Кўнгил найлари» номли иккинчи шеърлар китоби нашр этилади.

1929 йил — Ойбек Зарифа Саидносировага уйланади.

1929-1930 йиллар — Ойбек олий таҳсилни яна Тошкентда давом эттириб, Ўрта Осиё Давлат университетининг иқтисод факультетини тугатади.

1930-1935 йиллар — Ойбек мазкур университетда сиёсий иқтисод ва марксизм-ленинизм асосларидан лекция ўқийди.

1932 йил — Ойбекнинг «Машъала» номли учинчи шеърлар китоби нашр қилинади.

1933 йил — Ойбекнинг «Дилбар — давр қизи» номли биринчи достони эълон этилади.

1933 йил — Ойбек педагогик фаолият билан бир қаторда Маданий қурилиш илмий-текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлайди.

1934-1937 йиллар — Ойбек Ўзбекистон Фанлар комитети қоншидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлайди.

- 1934 йил — «Машъала» журнаlining 4- сонида Ойбекнинг «Глобус» сарлавҳали биринчи ҳикояси эълон қилинади.
- 1934 йил — Ойбекнинг «Бахтигул ва Согиндиқ» номли дoston ва шеърлар китоби босмадан чиқади.
- 1935 йил — адбнинг «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» номли монографияси нашр этилади.
- 1936 йил — Ойбек А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърлий романини ўзбек тилига таржима этади.
- 1938-1941 йиллар — Ойбек Ўзбекистон Ўқув-педагогик нашриётида таржимон-муҳаррир лавозимида хизмат қилади.
- 1940 йил — адбнинг биринчи йирик насрий асарини — «Қутлуғ қон» романи нашр этилади.
- 1942 йил. 6 декабрь-1943 йил. 28 март — Ойбек 2-ўзбек бадий бригадаси билан Улуғ Ватан урушининг олдинги марраларида бўлади.
- 1943 йил — Ойбек Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўйича академиги қилиб сайланади.
- 1943-1951 йиллар — Ойбек Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гуманитар фанлар бўлимининг раиси.
- 1944 йил. 24 декабрь — Ўзбек опера ва балет театрида Ойбек либреттоси асосида яратилган О. Чишконинг «Маҳмуд Торобий» операсининг премьераси бўлиб ўтади.
- 1944 йил — «Навой» романи нашр этилади.
- 1945 йил. 16 февраль — Ойбек совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланади.
- 1945-1949 йиллар — Ойбек — Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг раиси, СССР Ёзувчилар Союзи раисининг ўринбосари, «Шарқ юлдузи» журнаlining бош муҳаррири.
- 1946 йил, 10 февраль — Ойбек СССР Олий Советига (2-чақириқ) депутат қилиб сайланади.
- 1946 йил, 27 июнь — «Навой» романига 1945 йил учун I даражали СССР Давлат мукофоти берлади.
- 1946 йил. 19 август — Муқимий номидаги театр биносида Ойбекнинг СССР Давлат мукофоти олиши муносабати билан адабий кеча ўтказилади.
- 1947 йил апрель — Ойбек СССР Олий Совети депутатларининг делегацияси составида Англияга боради.
- 1947 йил август — Адиб Коммунистик партия сафига аъзо бўлиб қиради.
- 1947 йил — Ойбек Ленин ордени билан мукофотланади.
- 1949 йил — Ойбек СССР ёзувчилари делегацияси билан Тараққишпарвар ёзувчилар уюшмасининг таклифига кўра Покистонга боради.
- 1950 йил — «Олтин водийдан шабадалар» романи нашр этилади.
- 1951 йил — Ойбек Ўзбекистон ССР Олий Советига (3-чақириқ) депутат қилиб сайланади.
- 1951 йил, 16 апрель — Ойбекнинг узоқ давом этган оғир хасталик йиллари бошланади.
- 1951 йил, 8 декабрь — Ойбек Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасининг муваффақиятли якунлашши муносабати билан «Хурмат белгиси» орденига сазовор бўлади.
- 1954-1959 йиллар — Ойбекнинг ўзбек тилида тўрт томлик «Танланган асарлар»и босилиб чиқади.

1955 йил 31 май — Ойбек адабиёт соҳасидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади.

1955 йил 31 май — республика жамоатчилиги адиб туғилган куннинг 50 йиллигини тантанали нишонлайди.

1955 йил — Ойбекнинг «Қўёш қўшиғи» номли шеърлар ва дostonлар китоби нашр этилади.

1957 йил 14 январь — Ойбек Ленин ордени билан мукофотланади.

1957 йил — Ойбек Ўзбекистон ССР Олий Советига (4-чақириқ) депутат қилиб сайланади.

1957-1968 йиллар — Ойбек — «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаlining бош муҳаррири.

1958 йил — Ойбек СССР Олий Советига (5-чақириқ) депутат қилиб сайланади.

1958 йил — «Нур қидириб» повести нашр этилади.

1961-1964 йиллар — Ойбекнинг рус тилида беш томлик «Танланган асарлар»и нашр этилади.

1962 йил — Ойбек СССР Олий Советига (6-чақириқ) депутат қилиб сайланади.

1963 йил — «Болалик» повести нашр этилади.

1964 йил 14 ноябрь — «Болалик» повестига 1963 йил учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилади.

1965 йил 1 март — Ойбек «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланади.

1965 йил 23 сентябрь — Ойбекка «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилади.

1965 йил 24 сентябрь — Ойбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва 60 ёшга тўлиши муносабати билан Ленин орденига сазовор бўлади.

1965 йил 24 сентябрь — республика жамоатчилиги Ойбек таваллудининг 60 йиллигини тантанали равишда нишонлайди.

1967 йил — «Улуг йўл» романи эълон қилинади.

1967 йил — адибнинг «Навий гулшани» номли монографияси нашр этилади.

1967 йил — Ойбек Ўзбекистон ССР Олий Советига (7-чақириқ) депутат қилиб сайланади.

1968 йил июль — Ойбек вафот этади.

1968 йил — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейи, Термиз Давлат Педагогика институти, Тошкент шаҳридаги кўча ва мактаб ҳамда Бекобод районидаги совхозлардан бирига Ойбек номи берилади.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ. ШОИРНИНГ ТУҒИЛИШИ	7
ИККИНЧИ ҚИСМ. УЛҒАЙИШ ИҶЛИДА	51
УЧИНЧИ ҚИСМ. КАМОЛАТ	96
ТўРТИНЧИ ҚИСМ. ЖАСОРАТ	145
ХОТИМА ҲУРИДА	191
ОЎБЕК ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ	195

К 25 **Каримов Наим.**

Ойбек. [Машҳур ўзбек адибининг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар].— Т. «Ёш гвардия», 1985.— 200 б.— (Ажойиб кишилар ҳаёти.)

Ушбу китоб таниқли ўзбек адиби ва олими Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб нашр этилмоқда. Ойбекшунос олим Н. Қаримов шахсий изланишлари, адибни билган, бирга ишлаган дўстлари, ҳамкасблари ва таниш-билишларининг хотираларига асосланиб, мукаммал рисола яратишга муваффақ бўлган.

Каримов Наим. Айбек. Страницы жизни и творчества известного узбекского писателя.

ББК 83.3Ў37

Серия «Жизнь замечательных людей»

На узбекском языке

Наим Каримов

АЙБЕК

Страницы жизни и творчества известного узбекского писателя

Т а к р и з ч и — филология фанлари доктори Б. НАЗАРОВ

Редактор *А. Обиджонов*

Рассом *Б. Хайбуллин*

Расмлар редактори *Р. Зуфаров*

Техн. редактор *В. Демченко*

Корректор *М. Ортиқова*

ИБ № 1595

Теришга берилди 19. 11. 84. Босишга рухсат этилди 17. 07. 85. Р.13047. Формати 84×108¹/₃₂. 1 босмаҳона қоғозга «Обыкновенная новая» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 6,25+1,0 вкл. Шартли босма листи 10,50+1,68 вкл. Шартли кр. отт. 12,60. Нашр листи 10,98+1,37 вкл. Тиражи 15000. Буюртма № 20. Баҳоси 1 с. Шартнома № 148—84.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмаҳонаси. Янгийўл шаҳри, 702800, Самарқанд кўчаси, 44.